

**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!**

Муассислар:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот"
жамғармаси

Бош муҳаррир:

Собир ЎНАР

Бош муҳаррир муовинлари:

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ
Шодикул ҲАМРОЕВ

Масъул котиб:

Турсун Бой МУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати:

Ҳотам АБДУРАИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусайд КЎЧИМОВ
Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Тўхтамурад РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ
Ғоффор ҲОТАМОВ

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Ҳамроқул АСҚАР
Муҳаммад ИСМОИЛ
Жамол КАМОЛ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Тўра МИРЗО
Камол НОРҚОБИЛОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
ШУКРУЛЛО

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" жўрнали таҳририяти-
нинг компьўтер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:

Саодат ТўЛАҒАНОВА

© "Ёшлик" № 6 (153) 1996 й.

Муҳоваларда:

- 1-бет. 1996 йил - Амир Темур йили.
- 2-бет. Мусаввир Ғ. Ағзамов ижодида
намўналар ("Ижод ёлқини"
маҳоласига қаранг)
(Абдул Ғани ЖУМА фотолари)

МУНДАРИЖА:

ИЖТИМОЙ ОНГ. ДУНЁҚАРАШ. ЁШЛАР

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ. Фуқаролик
жамияти 3

МАЪНАВИЯТ - ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

Назар ҲАКИМОВ, Ибодулла ХОЛЛИ.
Ҳақиқатни қалбингдан изла 7

ҲОЗИРГИ ЁШЛАР

Бугуннинг сабоғи - эртанинг меваси 43

НАСР

Омон МУХТОР. Аёллар мамлақати ва
салтанати. Роман 11

Дилбар САИДОВА. Қуяларнинг бирида.
Ҳикоя 45

Умар САЙФИДДИН. Номалум қахрамон.
Ҳикоялар 54

НАЗМ

Абдумажид АЗИМ. Бордир имконимда
минг битта имкон 5

Икром ОТАМУРОД. Сен. Достон 22

САНЪАТ

Норсаид ОЙДИНОВ. Ижод ёлқини 53

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Нурмат ОТАБЕКОВ. Фурқат фасли 9

БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ. Прометей -
туркийлар отаси 51

НАФИС МАЖЛИСЛАР

София ДИЛХУН. Мен сизмаган ўшал
қишлоқ йўлларида... 10

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

ҒАЗЗОЛИЙ. Дақойиқ ул-ахбор 61

ҒАРОЙИБ ДУНЁ

Бебош руҳ касалхонада 63

Манзилмиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-уй
Телефон: 33-40-83. 36-27-38

Босишга 12.11.96 й.да руҳсат берилди. Қоғоз формати 60x84
1/8. Шартли босма тобоғи 12,2. Наприйёт ҳисоб тобоғи 12,0
Буюртма № 776

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди деб
изохлангани шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" наприйёт-матбаа
концернининг босмаховаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси,
41-уй.



Муқимжон
ҚИРФИЗБОЕВ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ



Асримизнинг саксонинчи-тўқсонинчи йиллари “дунёни ларзага солган” сиёсий воқеаларга бой бўлди. Хусусан, СССРдай қудратли туюлган “қизил империя”нинг емирилиши, шарқий Европадаги бир қатор давлатларда тоталитар режимларнинг барҳам топиши олинг. Энди коммунизм “шарпа” сифатида ҳам йўқлик қарига йтиб кетган бу мамлакатларда демократик тамойилдаги давлатлар барпо этилмоқда. Албатта, бу жараён осон кечмайди. Йиллар, ўн йиллар давомида дунёқарашни ўз чангалига олиб келган мафкура асорати бир лаҳзада йўқ бўлиб қолмайди, ахир.

Ниҳоят, бир асрдан ортиқроқ давом этган истибтод кишиларидан қутулиб, истиқлол саодатига эришган юртимизда ҳам ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамияти қурилмоқда. Биз бу ҳақда кўп гапириб, кўп ёзамиз. Аммо, айтмайлик, бу атамалар моҳияти нимадан иборат, улар қай тариқа ҳаётимизга сингиб бормоқда? Шу ва шу каби бир қатор саволларга тўлароқ жавоб топиш, илмга, англашга ташна ёшларимизнинг, умуман ўқувчиларимизнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида “Ёшлик” журнали Таҳририяти таниқли олимлар, сиёсатшунослар, мутахассислар билан туркум суҳбатлар уюштиришни режалаштирган.

Янги рукнимизнинг дастлабки меҳмони сизларга яхши таниш бўлган сиёсатшунос олим, республика ёшлари “Қамолот” жамағатлари раисининг биринчи ўринбосари Муқимжон Қирғизбоев. Бизнинг у киши билан гурунгимиз фуқаролик жамияти ҳақида кечди.

- “Фуқаролик жамияти” тушунчасининг илдиэлари Арасту ва Цицерон сингари кўҳна дунё файласуфларининг изланишларига бориб тақалади. Бу мутафаккирлар даврида “фуқаролик жамияти” тушунчаси “сиёсий жамият”нинг муқобили (синоними) сифатида ишлатилган ҳам. Зеро, қадим юнон ўлкасида оила, эътиқод, маърифат, маданият, санъат, умуман ҳаётнинг барча-барча қирралари сиёсатлаштирилган эди. Бунинг устига, алоҳида олинган Шахс ўзини жамиятдан айро ҳолда ҳис қилолмасди.

Қизиғи шундаки, бундай нуқтаи назар жуда узок вақт яшаб келди. Ҳатто XVII асрга келиб ҳам, биз агар мисол тариқасида француз монархияси тизимини олсак, жамият фақат давлат тимсолидагина намён бўлганини кўрамиз. Аммо, айнан шу асрларда Гроций ва Жюрье каби мутафаккирларнинг асарларида бу ақидадан чекиншиш унсурларини учратамиз. Тўғри, Шахс эркинлиги гоёсини тинмай тарғиб қилган Ж.Локк, Ж.Ж.Руссо, И.Кант сингари файласуфлар ҳам “фуқаролик жамияти” деганда аввало “давлат”ни тушунишга мойил бўлдилар. Аммо бора-бора фуқаролик жамияти билан мулоқ давлат маҳкамалари (институтлари) ўртасидаги тафовут кўзга яққолроқ ташланаверди. Г.Гоббс, Ш.Л.Монтескье сингари олимлар жон-жаҳатлари билан ҳимоя қилган индивидуализм концепцияси эса кун тартибига жамият фуқароси бўлган Шахс эркинлиги масаласини қўйди.

Сўнроқ Ф. фон Гумбольдт, Т.Спенс, Х.Хожскин, Ж.Э.Сизёес сингари олимлар, айниқса машҳур “Инсон ҳуқуқлари” памфлетининг муаллифи Т.Пейн, айтиш

мумкинки, “инкилобий” тарзда фуқаролик жамиятини давлатга қарши қўйиш, иккаласини антагоник кучлар сифатида талқин этиш гоёларини ёқлаб чиқдилар. Улар фуқаролик жамияти қанчалик қамолга етса, у шунчалик даражада давлатга эҳтиёжманд бўлмайди; демак, давлат жамиятнинг ишига қанчалик кам аралашса, шунчалик соз деган ақидани илгари сурдилар. Бошқарувнинг энг юқори кўриниши, деб ёзади бундай жамиятшунослар, тенг ҳуқуқли ва эркин индивидларнинг розилиги ила тузилган, Конституцияга мувофиқ кечади.

А.де Токвиль, Ж.С.Милл ва бошқа тадқиқотчилар эса фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги тафовутни демократик йўсинга эга бўлган ижтимоий ҳамда сиёсий тизимнинг характерли кўриниши сифатида талқин этдилар.

Шубҳасиз, фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларини энг мукаммал ишлаб чиққан сиёсатшунослардан кўзга кўрингани Гегелдир. Фуқаролик жамияти, деб таъриф беради Гегель, фаолияти қонун билан бошқариладиган шахслар, синфлар, гуруҳлар ва бошқа институтларнинг мажмуаси бўлиб, бу мажмуа тўғридан-тўғри сиёсий давлат бошқарувига боғлиқ эмас... Шунингдек, Гегель бу ҳақда қуйидаги фикрни билдиради: “Фуқаролик жамияти табиати шундайки, унда ҳар бир алоҳида инсоннинг ҳуқуқи давлатнинг шахсий ҳуқуқига айланишга улгурган бўлиб, унда давлат “ўзига” менинг ҳуқуқларимни худди ўзининг ҳуқуқларидек ҳимоя қилиш ва қарор топтириш мажбуриятини олади”.

Албатта, бу ўринда “фуқаролик жамияти” масаласи

бўйича К. Маркс, А.К.Сен-Симон, О.Контларнинг муносабатларини батафсил изоҳлаб ўтиришнинг зарурати йўқ. Биз ўқувчиларимизни тарихий маълумотлар, иқтисодлар билан банд қилмасдан, фуқаролик жамияти, унинг унсурлари ҳақида мухтасар изоҳ бериб ўтиш билан чекланишга ҳаракат қиламиз.

Фуқаролик жамияти, бу:

аввало, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига олган инсоний бирликдир;

иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир.;

учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашилари ёки бир қилишга солишдан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўлишидир.

Шу билан бир қаторда, ҳозирги даврда фуқаролик жамиятининг ўзининг асосий белгилари бор. Булар куйидагилардан иборат.

Иқтисодий соҳада:

- нодавлат ташкилотлар;
- кооператив-ширкатлар;
- ижара жамоалари;
- акционерлик (хиссадорлик) жамиятлари;
- уюшмалар;
- корпорациялар мавжудлиги.

Ижтимоий соҳада:

- оила;
- жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар;
- иш ва яшаш жойларида ўз-ўзини бошқариш органлари;

- нодавлат оммавий ахборот воситалари;

- жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг маданийлашган тартиботлари;
- ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлигидир.

Маънавий соҳада:

- сўз, виждон ва фикрлар эркинлиги;
- ўз фикрини очиқ билдира билишнинг реал имкониятлари;
- ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг таъминлангани.

Шунингдек, фуқаролик жамиятининг барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитлар ҳам борки, уларсиз бу жамиятнинг институтлари ривожланмайди. Булар жумласига жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг турлича манфаатларини ифода этувчи ривожланган ижтимоий структуралар бўлиши лозимлиги қиради. Ҳамда жамият аъзоларининг тўла мустақиллик билан фаолият кўрсата олиш қобилияти, уларнинг энг ривожланган даражадаги ижтимоий, интеллектуал, руҳий юксалиши содир бўлиши тақозо қилинади.

Сўнги шарт-шароитда эса ҳар бир фуқаронинг ўз мулкига эга бўлиши, бу мулкни ўзи истаган тарзда тасаруф қила олиши учун унинг шахсий ёки жамоавий ҳуқуқи таъминланган бўлиши лозим.

Фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари ва институтларини тасаввур қила олган ҳар бир кишига кўриниб турибдики, бундай демократик жамиятнинг асосини ўз-ўзини бошқариш ва жамоат ташкилотлари ўзаро муносабатларининг мажмуаси ташкил қилар экан.

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳукуматнинг алоҳида ўз функциялари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг эса алоҳида ўз функциялари бўладики, улар бир-бирини тўлдириб, юксак ривожланган демократик жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди. Давлатнинг ҳам, нодавлат ташкилотларнинг ҳам ўз ҳаракат доирасини

ўзлари учун белгиланган фаолият у ёки бу томонга озгина ўзгарганда ҳам бундай ижтимоий-сиёсий мувозанатлар бузилиб, демократик меъёрдан чекиниш ёхуд четга чиқиб кетиш рўй бериши мумкинлигини асримизнинг сўнги даврдаги ривожланиш амалиёти яққол кўрсатди.

Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўз-ўзини англаш ва улардаги объектив равишдаги маъсулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради.

Фуқаролик жамияти шаклланган мамлакатлар фуқаролари сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятлари даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Бу ижобий ҳолат, айниқса, келажакимиз бўлган ёшларни бефарқ қолдирмас керак деб ўйлайман.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг асоси - жамоат ташкилотлари. Ва шу билан бир қаторда, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири - бу нодавлат тизимидаги барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қонда, биринчидан, шу жамиятдаги демократия даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолиятлари юксалишини билдиради. Қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи қирмоқчи бўлган ташкилот фаолиятида ўзининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришишига ишонч ҳосил қилгандан сўнггина шу ташкилотга ихтиёрий равишда қиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимиз тараққиёти келажакга тўғрисида шундай ғояларни илғари суради: "Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сийосатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир".

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган барча қонунлар мажмуаси руҳи ва ғояси мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришга қаратилгандир. Айниқса, Олий Мажлиснинг VI-сессиясидаги Президентимизнинг маърузасида бундай жамият қуришнинг асосий йўналишлари, бу жараёнда Республикаимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва йўли очиқ-ойдин кўрсатиб берилди.

Умуман, мамлакатимизда ҳам фуқаролик жамияти қуришнинг тамал тошлари қўйилди. Қисқа давр ичида ижроия, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари бир-бирдан ажратилди. Конституциянинг 58-моддасига асосан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият билрлашмалари фаолиятига аралашшига, шунинг жамоат билрлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўймаслиги эътироф этилди.

Олий Мажлис кўшпартиявийликка асосланган сайловлар асосида шаклланди. Халқнинг ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқлари юзасидан бир неча қонунлар қабул қилинди. Ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда фаолият кўрсатаётган нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари мажмуаси шаклланди. Давлат мулкларини хусусийлаштириш кенг тус олмақда. Бошқарувда давлатнинг ўрни камайиб, жамоат билрлашмаларининг иштироки кучайиб бормоқда. Ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишининг конституциявий асослари амалий ҳаётда ўз аксини топиб бормоқда.

Умуман, Ватанимизда фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, у тадрижий равишда халқимиз дунёқароши ва амалий ижтимоий ҳаётда ўз аксини топиб бормоқда.

Таҳририятдан:

Мухтарам журналхонлар! Келгуси сонда эълон қилинадиган сўзбатимиз ҳуқуқий давлат барпо қилиш мавзуида бўлади.

Абдумажид
АЗИМ



БОРДИР ИМКОНИМДА МИНГ БИЛТИРА ИМКОН...

Бир ширин гусса бор. Ҳеч бир тирикчилик ташвишларини тан олмаган ДАРД ўз шахсидан кечиб, кўнгилларга етишади. Бу ҳолат дил губорларини ҳайдайди, юрак тилсимларини очади. Истеъдодли шоир Абдумажид АЗИМнинг қуйидаги шеърларида ўша юлдузли лаҳзаларнинг самимияти уфуради.

* * *

англадим, дунёга келдим бемаҳал
умримга суиқасд қилсамми дейман.
ҳаёт не, ўлим не, фарқладим сал-пал
етар, мен ниманинг ғамини ейман.
ўтгиз йил дунёнинг тор бир кунжида
қалбни киймалашдан толикдим, тўйдим.
юрак долғаларим сокин, тинчиган
серғалво оламни унутиб қўйдим.
замин жим айланар ўқида ҳамон,
турфа манзаралар, турфа одамлар.
менинг кутганларим барчаси ёлгон,
руҳимни чулғади рутубат, ғамлар.
неча бор дунёдан қўл силтаб буткул
ўзимни ўлимга чоғлаганим бор.
ниҳоят англадим бу энг сўнгги йўл,
энг сўнгги чорадир, ўйлайман такрор.
кўнгилни орзулар тарк этмай ҳали,
ногоҳ тугаб битар шу ерда йўлим.
мен кетсам, қай юрак топгай тасалли
эхтимол, кимгадир керак бу ўлим...

* * *

Танимда ухлამас бир дард,
Қонимда ухлამас бир ғам.
Кўксимдан юлиб отмоққа шарт,
Шахт этсам, термулар пурғам.

Термулар кўзлари қонли,
Қонимга ташнаком, интиқ.
Бу дарднинг бағри армонли
Бу ғамнинг кўксиди чандик.



Келар дуня, кетар дуня,
Нечун андин кечолмайман.
Уммон олдидаман, эвоҳ
Қониб яйраб ичолмайман.

Танимда ухлამас бир ғам,
Жонимда ухлამас бир дард.
Ки умрим топгуси барҳам
Кўксимдан юлиб отсам шарт...

* * *

Лоларанг қадахда
Шодлик, бахт, шиддат,
Бунчалар қаҳқаҳа
Отдинг қизғалдоқ.
Бу баҳор, бу умр
Оний бир муддат
Ҳаётнинг мазмуни
Юпанч ва алдоқ.
Жуфтидан бегона
Ғариб андалиб,
Оташ забонингни
Қилаверма пеш.
Ҳаётда ҳамиша
Кучлилар ғолиб,
Кузунга барибир
Бўлолмайсан хеш.
Титрайди субҳидам
Кўксимда бир сас,
Бир истак улғаяр
Ўжар феълимда.
Қисмат хатосини

Тузатаман, бас,
Сўзлашни бошлайман
Тошлар тилинда...

* * *

Она, сизни бир кўришга ташна бўлдим...

Боботовда кийикларга чашма бўлдим,
Бўйим ўсди, Ота уйни кетдим ташлаб
Шош бағрида не дардларга ошно бўлдим,
Сиз кутдингиз, соғинч билан кўзни ёшлаб.

Хаёт асли чопагон бир бедов экан,
Бош бурмоққа изн бермас асов экан,
Қорли тоғлар дийдор учун бир ғов экан,
Энди билсам, фано ёлгон, алдов экан.

Она, сизни бир кўришга ташна бўлдим.

Парво қилмай гоҳ ошнолар берса фириб,
Юрар эдим кўчаларда мен хайқириб,
Ногоҳ бир кун Кумкўрғондан садо келди,
Болам, ҳолинг қалай деган нидо келди.

Она, Сизни бир кўришга ташна бўлдим.

Қопингизга учай десам қанотим, йўк
Кийдирмоққа Сизга бахмал банотим йўк,
Она, Сизсиз бу дунёда ҳаётим йўк,
Ҳаётим йўк, баётим йўк, нажотим йўк.

Она, сизни бир кўришга ташна бўлдим.

Йироқларда мен сарғайиб сўлдим, она
Кимман ўзим? Қирқ ёшимда билдим, она,
Билиб бунда юрак-бағрим тилдим, она,
Пойингизга бош урмоққа келдим, она.

Она, сизни бир кўришга ташна бўлдим.

ЭРК

Кипригим-ла тошни кесиб, ун қилсам,
Кўзимнинг ашқини нақ Жайхун қилсам,
Бордир имконимда минг битта имкон.

Сочим толасида кўтарсам ерни,
Олов ёлларидан силасам шерни,
Замин куч берару, қўллайди раҳмон.

Зулмат кучоғида сўқир бўлсам мен,
Ақлимдан Мосуво йиғлаб, кулсам мен,
Дардим малҳамини топарман осон.

Уммон сувларини тўқиб дамимда,
Шодликни ичолсам тоғдай ғамимда,
Меҳрим риштасини узмагай осмон.

Мунчоқ тешигига сиғсам, ухласам,
Маҳшар азобидан хун-хун йиғласам,
Демак, ўлмаганман, тирикман ҳамон.

Жами машаққатдан бўлиб-да фориг,
Бировга эгилиб юрсам, водариг
Менинг тириклигим ёлгондир, ёлгон.

* * *

Сенинг мамлакатинг нақадар олис,
Темир ковуш кийсам-товоним оғрир.
Меҳр ёлғусидир умидим ёлғиз,
Сен томон интилдим эй абадий сир!
Жаннатий маъво бор тилсим тилингда,
Таърифин айтмоққа соқовланар тил.
Ва сим-сим калити сенинг қўлингда
Бани одам сенга бўлғусидир кул.
Еттита иқлимдан келар шаҳзода,
Тилсим калитини очишни билмас.
Руҳинг осмон каби тиник, озода
Тахти Сулаймонни назаринг илмас.
Сочларинг тўлғонар белингда нозик,
Ҳажрингда юраклар пишпади ҳил-ҳил.
Отлансам, отимга етмайди озик,
Сенинг мамлакатинг олис Сусамбил.

* * *

Дил мулкида вовайло, афсус
Сукут ичра қисмат - афсурда.
Бемор дунё ахтарар ташхис
Тадбир йўқдир аммо тақдирга.
Ғафлат билан тўқ дорулфано,
Бору йўқин этса-да пешкаш.
Талх комини шошириб танҳо,
Дил ўлтирар ғариб, мушавваш.
Дил узлатда соқов, безабон,
Нобийнолар тушмиш изидан.
Фано нашъу намоси ёлгон,
Ҳилол суруд айтар кўксимда.
Алал-охир бўлар деб таслим,
Лаъин дилни аврама, етар.
Тупрок эди қадимий аслим,
Вужуд яна тупрокқа кетар.
Касби фалак фақат риёми?
Дилни мангу қийнар шу савол.
Заққум тўла турар дил жоми,
Шом билан тонг умрга завол.
Беомон бу жанг, талотумда,
Ким келади ғолиб, музаффар.
Ажаб эмас қиёмат кунда
Ерга чиқса лак-лак Искандар.
Барку боддир - умр бир фасл,
Аҳли башар дарди унда жам.
Аслинг эди аввал обу гил,
Фано учун чекма ранжу ғам.





ҲАҚИҚАТНИ ҚАЛБИНГДАН ИЗЛА



Назар ҲАКИМОВ - Қашқадарё вилоятининг Деҳқонobod туманида 1951 йили туғилган. Тошкент Давлат Иқтисодийёт университетининг проректори, фалсафа фанлари доктори, жамиятшунос.

Назар ака тарихчи олим, лекин тарихни илмий-фалсафий, ижтимоий-фалсафий йўналишда таҳлил этади. Олимнинг ёшлар таълим-тарбияси, ахлоқи, маънавияти масалалари борасидаги кўпгина амалий-тадқиқот ишларини эътиборга олиб, у киши билан маънавият муаммолари ҳақида суҳбатлашдик.

яратган. Сизнинг мустақиллик ва инсон маънавияти, моҳияти бирлиги ҳақидаги фикрингизни билсак...

- Мустақиллик - ҳақиқат! Ҳақиқат эса ўзини оқлашга муҳтож эмас. Кимки Ҳақиқатга қарши борса, унинг ўзи изтироб чекади. Бу илоҳий қонун! Донишманд халқ учун ҳамиша олтин аср бошланади. Аср олдимизда, келажак, Буюк Давлат бизники, вақт биз биз учун ишламоқда. Сабр-тоқатсиз инсоннинг ҳулқ-атвори қомил эмас. Бундай инсонларда ахлоқий барқарорлик ҳам йўқ. Аслида дунёқароши тор кишилар ўзаро қурашиб, бир-бирларини асоссиз танқид қилишади, бемаъни ёки ўткинчи нарсалар учун умрини сарфлайди. Камолот соҳиби ҳеч кимни танқид қилмайди, бировларга ақл ҳам ўргатмайди. У ўзгаларнинг ҳатосини ҳам ахтармайди. Чунки у биладикки, инсон жуда мураккаб тузилма. Бу тузилмани дарҳол "қайта қуриш" ёки ўзгартиришнинг иложи йўқ. Ҳар бир инсон ўзини қайта қуриши ва ўзгартириши лозимлигини англаб етмаса ҳамда шуни истаб, ўзи интилмаса, унга бировларнинг панду насихати, ўргатишларидан самара бўлмайди. Ҳар ким ҳақиқатни ўзгалардан эмас, балки ўз қалбидан изламоғи шарт.

Инсоннинг худбинликдан холи бўлган моҳияти унинг фикри, ҳиссиёти ва фаолияти мазмунига боғлиқ. Инсон фикри қандай бўлса, унинг хоҳиш-истаги ҳам шундай бўлади, жисми ва руҳидаги жараёнлар ҳам унга вобаста кечади. Инсон моҳияти ижтимоий-тарихий жараён, чунки у муносабатлар тизими орқали белгиланади. Бунгунг кунда ижтимоий муносабатларда бизга ёрдам берувчи, маънавий эҳтиёжларимиз талабларини қондира оладиган таълимот - ватанпарварлик гоёсидир.

Бироқ ҳамма ҳам бирданига ўз-ўзидан ҳалол ва ватанпарвар бўлиб қолавермайди. Ҳалоллик ва ватанпарварлик ила эзгулик оғушида яшаш фазилат бўлиб, у инсонга тайёр ҳолда берилмайди. Киши фазилатга катта меҳнат-машаққат, билим ва тажриба орқали эришади. Масалан, ҳалоллик, ватанпарварлик, эзгулик ҳақидаги ўйларни дунёқароши мазмунига айлантириб, унга ўз фаолиятида қатъий амал қилган инсон, ана шундай фазилатнинг бошқа кишиларда ҳам бўлишини истайди, тўғрироғи уни ўзгаларда ҳам мавжуд бўлади деб ўйлайди, бошқалардан ҳам излайди, талаб қилади. Аммо ҳар кимнинг ҳам ўзи ва айниқса, ўзгалар учун машаққат чеккиси, меҳнат қилгиси келавермайди.

- Сиз дарслик ва қўлланмалар ёзиш, ёшларга сабоқ бериш билан бирга, уларнинг таълим-тарбияси, ахлоқи ва маънавияти масалалари билан бевосита шугулланиб келасиз. Таълим-тарбияда, умуман, инсон ҳаётида ахлоқийлик ва маънавият масалалари муҳим ўрин тутади. Сизнингча, одамларнинг яшаш шароити нималарга боғлиқ? Ахлоққами, маънавиятга ёки онг тарзигами?

- "Кишилар яшайдиган шарт-шароит - улар онги ҳолатининг натижасидир", деган эди машҳур ҳинд файласуфи ва сиёсатчиси Шири Ауробиндо. Кишилар онгини ўзгартирмасдан туриб, шарт-шароитни яхшилаш учун йўл ахтариш манманларча хомхаёл қилишдан ўзга нарса эмас. Энг аввало, инсон онги ўзгармас экан, ҳеч ким ва ҳеч нарса имкониятларни яхшилаш борасида кескин бурилишлар қила олмайди. Холбуки маънавий ҳаёт онгнинг бевосита ўзгариши туфайли юзага келади. Аммо ҳар қандай ўзгаришлар даврида сунъий, кераксиз қарама-қаршилиқлар эмас, балки мустақкам самарали ҳамкорлик ва уйғунлик зарур. Бунда, энг аввало, миллатлар ва шахслар ўртасидаги тинч-тотувлик ҳамда ўзаро ҳурмат жуда муҳимдир. Бу эса жамиятнинг ортиқча тартибсизликларсиз тараққиётнинг юқори босқичига кўтариш учун имконият туғдиради.

- Зеро, миллий маданият, миллий дин, миллий тарбия инсонларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамдўстлиги, шахснинг эркин тафаккури ва онги, шунингдек, жамиятнинг ривожланиб бориши билан уйғунлик касб этган шароитлардагина самарали натижалар беради. Қонунлар эркинлик фарзанди бўлгани сайин унга боғлиқ равишда инсон жамияти ҳам чинакам ва ҳаётий равишда тараққий эта бошлайди. Инсон ўз қардошлари билан маънавий, рухий, иқтисодий жиҳатдан узвий бирлигини англаганида ва шунга эришганидагина жамият ўз тараққиёти-

нинг камолига етади. Ё сиз буни бошқачароқ изоҳлайсизми?

- Янги жамият қурмоқ учун кишилар ҳаётининг омили бўла оладиган улуг омор (идеал) зарур. Инсон унга таяниб иш кўргандагина, у дастлаб ўзига, кейин эса бошқаларга ёрдам бера олади. Ахир, ҳар бир шахснинг ҳамда унинг оиласи, ёр-дўстлари, биродарлари тақдири - жамият тақдири, жамият тақдири - Ватан тақдиридир. Ҳалқимизнинг омор-орзуси мазмунини асрлар давомида синоддан ўтган Эзгулик, Адолат, Қудратли Давлат, Халқлар дўстлиги, Биродарлик, Тинчлик ва ўзи туғилган Она Ватанга чексиз Садокат гоёлари ташкил этган. Бу муқаддас омор бизга улуг ажодларимиз Широқ, Алпомиш, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий ва бошқалардан бебаҳо мерос бўлиб қолган. Қадимги Турон халқлари бир жон, бир тан бўлиб, ана шундай Улуг оморлар учун қурашиб, голиб чиққан. Эндилликда ҳам уларни ана шу Улуг оморлар ва қутлуг тупроқ меҳри бирлаштиради.

Тўғри, ҳозирги шароитда вақт мутлақо бошқа. У ниҳоятда талабчан, шиддатли, югурик. Яшаш учун қураш, қийин иқтисодий ўзгаришлар даври. Лекин халқ бундан чўчимади. Халқ учун вақт мавжуд эмас. Вақт бу - халқнинг ўзи. Халқнинг ўз тақдири, ўз меҳнати, маънавияти бор. Халқнинг маънавияти - унинг ижодидир. Халқ эса меҳнатни, ижодни ва демак, маънавиятнинг ардоқлайди.

- Қийинчиликларсиз, бировлар ҳисобига яшаган халққа ҳеч ким ҳеч қачон ҳавас қилмайди. Бизнинг халқимиз эса ўзининг бутун тарихий тараққиёти давомида манзилга қийинчиликлар билан бирга етиб борган. Чунки қийинчиликлар туфайли ҳамма нарсани ўрганган, донишмандлик мактабини ўтаган. Донишмандлиги ва ўлмас ижоди билан вақт устидан ғалаба қилиб, абадийлик тимсолини

Агар машаққатсиз ҳамда меҳнатсиз бирор нарсага эришилмоқчи бўлинса, ҳеч шубҳасиз, бунда энди айёрлик, ёлгончилик йўлига ўтилади. Ахир, айёрлик ва ёлгончиликни восита қилиб яшаш, улар орқали бирор нарсага эришиш машаққат чекиб, меҳнат қилиб яшашдан кўра анча-мунча осонроқ туюлади-да. Лекин айёрлик ва ёлгончиликнинг оқибати яхши самара бермаслиги ҳақида теран ўйлаб кўрилмади. Бу ерда ўз моҳиятини англашга интилиш йўқ, бильякс, ҳузур-ҳаловат ахтариш ва очкўзлик ҳисси инсонни кўпроқ етаклайди.

Одатда бундай инсонлар ҳалдан ташқари худбин бўлишади. Уларнинг муносабат ва мулоқатларидаги асосий мавзу фақат иқтисод, бойлик, яхши ебичиш, кийиниш бўлади. Аммо иқтисодий муносабатларни қандай ташкил этиш ва йўлга қўйишни билиш учун ҳам, энг аввало, яхши маънавий асос керак-ку! Негаки ақлсиз жонзотлар ҳам тирикчилик кечиради, улар учун кун ўтса бўлди. Ҳар қалай, бундай тирикчилик ўтказишнинг маънавий замини йўқ. Маънавий мезони бўлганида эди, у тирикчилик ўтказиш усулини бошқачароқ ташкил этарди. Демак, инсон тирикчилик замини ни ўзгача, яъни яхшироқ ва тўғри ташкил этиши учун, унга мустақкам маънавият зарур. Маънавият манбаи - билим. Билим - дунё, ҳаёт, жамият, инсон, уларнинг ўзаро муносабатлари, уйғунлиги ҳақидаги ахбордир. Бундай ахборларсиз инсон ўзига ҳеч бир соҳада тўғри йўл топа олмайди. Бундай ҳолда дунёни билимсиз, яъни "кўзи ёпик" ҳолда англайди, пайпаслайди, кўрмайди. Кўрмаса, демак, у ўзининг қайси йўналишда ва нима мақсадда кетаётганини ҳам билмайди.

Худога минг қатла шукурки, бизда халқимиз таяниб иш кўра оладиган ўлмас маънавий асослар мавжуд. Бугунги кунда уни мустақкамлаш борасида аниқ амалий ишлар қилинмоқда. Қадриятларнинг тикланиши, улуг зотлар таваллудининг кенг миқёсида нишонланиши, меросларнинг эъзозланиши, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, фан-техника, маданий соҳаларда йўлга қўйлаётган алоқалар, айниқса, турли илмий, маданий, маърифий ва маънавий марказларнинг ташкил этилиши, хорижга минглаб талаба ёшларнинг, бўлажак етук мутахассис-кадрларнинг юборилиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу ҳақда Ватан равнақини ўйлаган ҳар бир раҳбар, ҳар бир мансабдор ва ишбилармон, эътиқодли зиёли чуқур фикр юритиб кўриши лозим.

- Гап шундаки, инсонни руҳий-маънавий камолот, олинган билим, билимни бойитиб бориши ва унга амал қилиши каби ҳислатлар безайди.

- Ахир инсоннинг яхши, ахлоқий фазилати, маънавияти, инсоний сифатлари унинг фаолияти туфайли намоён бўлади ва ривожланади-да. Шундан хулоса қилиб айтсак, инсоннинг мазмун-моҳиятини унинг эгаллаб турган манса-

би эмас, балки амалий фаолияти, қилган хайрли ва самарали ишлари белгилайди. Инсон ҳаётининг маъносини ҳам унинг ахлоқий-маънавий жиҳатдан ўз устида ишлаши воситасида руҳини узлуксиз камол топтиришидан иборат. Бундай фазилат эса ахлоки юксак инсонларгагина насиб этади.

Шукшин шундай деган эди: "...ахлоқийлик - Ҳақиқат, демакдир. У шунчаки ҳақиқат эмас, балки катта ҳарфлар билан ёзилдиган Ҳақиқатдир. Айниқса, бу мардлик, номуслилик ва демакки, халқнинг қайғу-шодлиги, дард-алами, ташвишлари билан яшамок, халқ қандай ўйласа, ана шундай ўйламок, демакдир. Зеро, Халқ ҳаминша Ҳақиқатни биледи".

Маънавияти юксак, фазилатли инсон жамият учун фанда кашфиёт қилган кишилардан кўра кўпроқ фойда келтириши мумкин. Инсоннинг улуглиги унинг фикри, амалий ишларида кўринади. Халқнинг улуглигини эса унинг сони оз-кўплиги эмас, маънавий ва ақлий баркамоллиги, ахлоқий барқарорлиги белгилайди.

- Нима учун ўзлигини англаган инсон ҳаминша инсонийлик, ҳақиқат ва камолотга интилади?

- Халқ ижтимоий тараққиёт давомиди бошидан кўплаб қийинчиликларни ўтказгани, адолатсизлик ва ҳўрликларни кўргани учун ҳам ҳаминша ҳақиқатга талпинди, маънавий камолот, олижаноблик сари интилади. Маънавий камолот ва олижаноблик ҳақидаги ғоялар халқнинг яшаш қуроли, эзгулик учун қуралиш воситасидир. Бу - маънавий эҳтиёжлардан келиб чиққан амалий фаолият натижасидир. Негаки, бутун дунё халқларини фақат ана шундай маънавий эҳтиёж ва ҳаётбахш инсонийликкина мустақкам бирлаштира олади.

Барча халқлар ҳам қимматли маънавий-моддий унсурларни элтади. Улар эса бутун инсониятнинг ижодий имкониятига бориб қўшилади. Халқлар ҳамқору ҳамжиҳат бўлиши ва бунда фақат битта халқнинг эмас, балки барча халқларнинг бахт-саодати назарда тутилмоғи лозим. Халқимизнинг эзгу орзуси, эндиликдаги вазифаси нафақат мустақил Ўзбекистонни, балки бутун дунёни янада яхшироқ, адолатлироқ ва хавфсизроқ ҳолда кўришидир. Ана шу йўлда ўтюрмак ва ватанпарвар ёшларнинг, ҳалол инсонларнинг фидойилиги талаб этилади. Донишмандлар таъкидлаганидек, давлатнинг гуллаб-яшнаши, халқнинг фароғати бешак олижаноб хулқ-одобга боғлиқ, олижаноб хулқ-одоб эса тарбия туфайлидир. Лекин ёшларга фақат билим бериш ёки ҳунар ўргатиш бу ҳали чинакам тарбия дегани эмас. Чинакам тарбия - юксак эзгулик, у кишида яхши фазилатларни шакллантиради, уни ёмонликлардан ҳимоя қилади. Тарбияланган инсонларда ахлоқий софлик ва маънавият уйғунлашиб кетади.

- Кейинги йилларда бозор муносабатларига ўтиш, тадбиркорлик ва

хусусий мулкчиликни ривожлантириш борасида қилingan ишлар ва чиқарилаётган қарорлар аҳамиятини охида таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Чунки бу борадаги амалий ишлар бир-бирларига моддий жиҳатдан боғлиқ бўлмаган шахсларни шакллантиради. Шахсда моддий ва маънавий, ташқи ва ички ўзгаришларни юзага келтиради. Инсоннинг атроф-муҳит, одамлар билан ўзаро муносабатларидаги ташқи ўзгариш унинг ички руҳий ҳолатини англайди, онгини ўзгариради. Ташқи оламга ички муносабатнинг ўзгариши - маънавий жиҳатдан камол топишнинг омилидир.

Аммо ташқи воқеалар ва ўзгаришлар билангина шахснинг ривожланиши ёки шаклланиши чекланиб қолмайди. Улар шахс асосини яратади, холос. Кейин эса "мураккаб ички иш" керак. Ушандагина шахс олий нуқталарда ўзлигини намоён этади. "Мен", яъни ўзлик инсоннинг энг яқин дўстими?

- Ўзлигини англаган ҳар қандай инсон бу дунёда маънавий қадриятлар ва ҳаёт маъносини ахтариб яшайди. Қадриятлар ва маъно ахтариш - мувоzanатта олиб келмайди, аксинча, ички руҳий қучланишни юзага келтиради. Аммо бу қучланиш руҳий соғломлик замини ҳисобланади. Ҳаётнинг маъноси мавжудлигига ишониш - инсонни ҳар қандай оғир қийинчиликларни енгишга даъват этади. Энг муҳими, бошқалар билан эмас, инсоннинг ўз-ўзи билан қуралиши, мувоzanат ҳолати учун эмас, бирор эзгу мақсад учун интилиши ва меҳнат қилиши муҳимдир. Ҳар бир инсоннинг вазифаси - ягона. Унинг мавжудлик имконияти қанчалик ўзига хос ва ягона бўлса, вазифаси ҳам худди ана шунчалик ягонадир. Инсонни маънавий камолот сари етакловчи куч - унинг ўзида, ички оламида. Фақат унинг шуурини уйғотиб, муқаддас эзгулик, оламшумул кашфиётлар сари бошламок, ҳушёрликка, меҳр-оқибатликка чорламок керак. Афсуски, айрим инсонлар кўпроқ бойлик орттириш ёки мансаб-парастлик хасталигига дучор бўлиб, телбанамо хоҳиш-истаклари йўлида қурбон бўлишади. Албатта кишилар яхши яшашга интилади, бу табиий бир ҳол. Чунки яшаш ҳузур-ҳаловат манбаи ҳамдир. Лекин фақат ҳузур-ҳаловат оғушида яшаш инсон маънавиятини, унинг жисму жонини емириб боради. Буни киши умрининг охириларида пайқаб қолади. Ҳолбуки, инсон охираатга орттирган бойлиги ва мансаби билан эмас, балки эришган маънавияти, камол топтирган руҳи ила кетади. Шундай экан, фаолияти оқибатини ўйлаган инсонгина етук, ўзлигини англаган ҳисобланади. Оқибати ўйланмаган фаолият эса хатарлидир.

Табиат ва жамиятдаги уйғунлик ва барқарорлик туфайлигина инсон ҳамда унинг келажақ авлодлари мурдмақсадларига етишишлари мумкин. Инсоннинг мақсади - табиат ва жамиятнинг уйғунлиги оғушида гўзаллик яра-

тиб, ўзини рухий-маънавий жиҳатдан камол топтиришди. Бу ҳаётий зарурат... Ўтмишда ҳам, ҳозир ва келажакда ҳам ҳаётий талаб, зарурат бир хилдир. Сабабсиз ҳеч қандай оқибат йўқ. Сабаб эзгу бўлса, оқибат ҳам хайрлидир. Инсон маънавиятининг кучи эзгу сабаблар яратишга йўналтирилсагина у бахтли бўла олади. Инсон олижанобликни ва эзгуликни ўтмиш ёки келажакдан изламай, энг аввало, ўзида яратмоғи, ўзи билан ҳар қуни мулоқотда бўлган кишиларда кўрмоғи лозим. Бас, шундай экан, ўз Ватанини қуратли ва буюқ, ўз халқини бахтиёр кўриши, авлодларнинг баркамол бўлишини истаган ҳар бир виждонли киши маънавиятни юксалтириш борасида жонқурлик қилишни ўзининг бурчи деб билмоғи шарт. Илло, маънавият - юксалиш мезонидир.

- Ҳеч шубҳа йўқки, жамият тараққиётида маънавиятнинг ўрни беқийсдир. Маънавият асосларидан бири эса ахлоқий маданиятдир. Ахлоқий маданиятни шакллантириш ҳам тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш орқали амалга оширилади. Инсон ахлоқий олами унинг ахлоқий қадриятларга бўлган муносабати билан белгиланади. Хўш сизнингча, ахлоқийлик нима?

- Ахлоқийлик бу эзгуликни билиш, яхшилик яратиш истаги. Ахлоқийлик инсонлар ўртасидаги муносабатлар ва улардан келиб чиқадиған мажбуриятлар ҳақидаги таълим-фан. Унинг вазифаси одамларни бахтли кўришдир. Лекин сўз ҳам, амалий фаолият ҳам инсон ахлоқининг ўлчави бўла олмайди. Ҳақиқий ахлоқийлик ақлнинг ёруғ нурлари ила ёритилган қалбнинг гўзал

туйғулари огушида камол топади.

- Гап шундаки, инсон ҳеч қачон идеал камолотга эриша олмайди, акс ҳолда, унда маънавий турғунлик юзага келган бўларди. У ўргангани сайин ўзининг камолга етмагани ҳақида тобора кўпроқ билиб боради, холос.

- Тўғри. Қадимги дунё файласуфларидан бири "Инсон камолоти-ўзининг ҳали камолга етмагани ҳақидаги билимидир", деган мазмундаги гапни айтганди. Бироқ таълим-тарбиясиз ахлоқийлик ҳам, маънавият ҳам, камолот ҳам йўқдир ва бўлмайди ҳам. Фақат тўғри тушунилган ва тўғри йўлга қўйилган тарбиягина энг гўзал ижтимоий идеалларни кишилар онгига синдиришга имкон бера олади, уни қундалик турмушга жорий этиш имкониятини ҳам яратади. Лекин тарбия учун ҳам моддий шарт-шароит ва соғлом ижтимоий муҳит ҳаводек зарур. Ўзини бошқаларнинг ўрнига қўйиб тасаввур қилиб кўрмаган инсон камолотдан жуда йироқдир. Илло, тасаввур қилиб кўриш камолотнинг энг яхши воситаларидан биридир.

- Маънавият йўлида кетаётган инсон ҳавойи орзу-ҳавас, истакларга эришмаслиги, кўникмалардан юқори туриши, ноқерак нарсаларга боғланиб қолмаслиги лозим-да?

- Бунинг учун эса суҳбатимизнинг индаллосида айтиб ўтганимиздек, дастлаб онг, кейин ҳаёт, сўнг шакл ўзгариши керак. Натихада худди ана шу изчил ўзгаришлар асосида янги яратилиш юзага келади. Инсон ўз моҳиятида теран маскан топқан ҳақиқат, гўзаллик, қудрат ва камолот ила яшамоғи зарур.

Инсонни маънавий жиҳатдан тарбиялашнинг вазифаси: жамият учун фойдали фаолиятларни инсон учун инстинктив эҳтиёжга айлантириш. Мен ўйлайманки, келажак маънавияти ҳозирдагига қараганда бойроқ, нозикроқ, инсон ҳаёти ва унинг идеаллари билан жуда узвий боғлиқ бўлади.

- Сизнингча, бугунги ёшлар ҳаётининг мазмуни қандай бўлиши керак?

- Ёшлар ҳаётининг мазмуни уларнинг маънавиятига боғлиқ. Бироқ инсон учун ҳеч қачон тайёр мукамал маънавият берилмаган. Ёшлар уни излаши, кашф этиши, маънавиятсиз ҳаёти жаҳолат, зулматдан иборатлиги, умрининг мазмунсизлигини англаши лозим. Ҳатто катта кашфиётлар қилиш, мансабу мартаба ҳам инсон маънавиятининг юксалишига кафолат бўлолмаслиги мумкин. Маънавият фаолият ва муносабатлар мазмунида ўз ифодасини топади.

Имон, ахлоқ, тафаккур нури - маънавиятнинг ўзақларидир. Улар зулмат занжирини чилпарчин айлайди. Имони бутун, ахлоқи пок инсонгина Ватанини чин муҳаббат ила севади. Юксак ахлоқ соҳиби бўлиш ва Ватан йўлида фидокорлик - маънавий етуқликдан далолат. Имони йўқнинг Ватани йўқ, Ватани йўқнинг имони йўқдир. Маънавият барча сохталикларни инкор этади, фош қилади. Ҳақиқатта бўлган Муҳаббат ила Маънавият янада гўзалроқдир. Ахир, инсоният тарихидаги жамки гўзалликларни ҳам маънавият соҳиблари яратган...

Ибодулла ХОЛЛИ суҳбатлашди.



ФУРҚАТ ФАСЛИ

Нурмат ОТАБЕКОВ

Саргайган япроқлар тушар бирма-бир,
Тарк этиб хоҳишсиз новдаларини.
Видолашув саси - оҳиста тинир,
Этганча мажолсиз гавдаларини.

Ҳаётга ҳар қанча талпинсалар ҳам
Алвидо куйини чалар саболар.
Фанои саргашга этади рақам
Юракнинг шаклида қазолар.

На учун, ким учун бу фироқ,
Атрофда изғийди дилгир куз.
Ҳар йили шу сўроқ, шу титроқ -
Азадор, ярадор, дала-туз.

СЕВИБ КЎРГАНМИСАН...

Севиб кўрганмисан ҳаётингда ҳеч,
Еру кўкка сизмай торганмисан оҳ.
Висол боғи ичра дарбадар севинч
Алам-ҳасратинга бўлганми ҳамроҳ?

Раҳму шафқат сўраб, илтижо қилиб,
Қисмату омаддан ютдингми хунлар.
Гуллар қўлда сўлса ҳамки ҳур қулиб,
Илоҳий гулдаста тутдингми тунлар?

Агар шундай эрса, фасона ўкиб,
Такдир дарвозасин сенга очажак.
Ададсиз ошиқлик байтларни тўкиб,
Бир қуни йўлинга гуллар сочажак.

ТЎРТЛИКЛАР

Азроил ҳам эшик қоқса келиб,
Яшамоқдан ўлим ёқса вақт келиб.
Жаннатнимас, хуш кўрардим дўзахни,
Дарвозасин жонон очса вақт келиб.



Нокас бўлиб чикиб дўстинг, сирдошинг,
Айтган сирларингни этса ошқора,
Сен шундай дўстан кеч, топиб бардошинг,
Ва унинг эртанги қунига қара.

Нурмат ОТАБЕКОВ 1955 йили Чимкент вилоятининг Сайрам туманида туғилган. Тошкент давлат тиббиёт институтини битирган. Фан номзоди. Айни кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология бош бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлайди. "Ёшлик"да илк бор чиқши.



София ДИЛХУН

МЕН СИҒМАҒАН ҶШАЛ

КИШЛОҚ ЙҮЛЛАРИДА...

Йўқ, хиёнат қилолмам Сизга,
Ёлгонлардан гулдаста тутиб.
Қандай қарай кўзларингизга,
Кулиб-кулиб хиёнат этиб.

Руҳи йиғлар аҳли содиқнинг,
Мени қарғар қабрида Лайли.
“Хиёнатми, топган топигинг,
Иснод бизга сенинг туфайли.”

Тушларимга кирар санамлар,
Сочларимдан силаб, эркалаб.
Билмам, нечун йиғлагим келар,
Кимлар бўлар хиёнатталаб.

Йўқ, хиёнат қилолмам Сизга,
Ҳаля этиб чексиз озорлар.
Тошлар отиб юлдузингизга,
Мени қарғар келган баҳорлар.

Мен шабнамлар ичра тугилиб,
Хиёнатни ювиб кетарман.
Ҳаёлимни покликка кўмиб,
Садоқатни севиб ўтарман.

Лой кўчадан ўтсам йўл солиб,
Оёқларим фарёд солсинлар.
Кўлларим ҳам хиёнат қилиб,
Кўзларимни ўйиб олсинлар.

Шунда рози бўлгум тақдирдан,
Ҳар саволга жавоб бор, ахир.
Довдирамас эдим тақдирдан,
Қон қусардим, тақдирдан тақир.

Йўқ, хиёнат қилолмам Сизга,
Қилолмайман Сизга хиёнат.
Яхшиликка сарф бўлсин Умр-
У шундоғам қисқа, омонат...

Муҳаббатга ёр-ёр айтиб узатдилар,
Кўрмадилар унинг кўзи ёшлилигини.
Оқ ҳарирга бурқаб буткул безатдилар,
Билмадилар юрагида дард борлигини.

Унсиз йиғлар олисларга боққан кўнгил,
Ўртанади остонадан чиққанда ёр.
Унут энди, ҳаммасини сочи сунбул,
Йиғламагил, бахти қулган, бахтсиз дилдор.

Айтолмаган дардларингни сепдай ёйгин,
Менга сендан ёдгор қолган ҳаёлинг бор.
Кўз ёшингни тушунмаслар, Ой дилбарим -
Чимилдикда кўз ёшларинг сенга чирой.

Қайси бахтли қўл силайди қора сочинг,
Ўзин санаб ўн саккиз минг олам беги.

Йиғламагин, ғамга тўла кекса очун -
Лабларингга ярашади ёқут қулгу.

Оққуш мисол оқ урасан аробада,
Олиб кетар ёр-ёр айтиб шум янгалар.
Сенсиз қолган ғариб кишлок, харобада,
Изларингдан сочайинму зар тангалар.

Бўз тўрғайдай бўзлаб қолар муҳаббатим,
Хувиллаган кишлокнинг тор кўчасида.
Кўлларимни куйдиради ёзган хатинг,
Бахт тилайди сенга висол кечасида.

Менга армон бўлган бахтнинг қўлларида.
Кўзим олиб, тилло узук ярқирайди.
Мен сиғмаган ўшал кишлок йўлларида,
Қизлар ёр-ёр айтар, дилим зирқирайди.

Чодиримни чайқалтирар ёр-ёр саси,
Кўр тақдирнинг нағмасидан кўзим тинар.
Қуриб кетсин шум янганнинг шум нафаси,
Товонимда тош ёргулик тақдир унар.

Ҳовлимизда беҳи пишар бошин эгиб,
Елкасини паҳса девор майин силар.
Менинг кўнглим чўқар, кимнинг кўнгли ўсиб,
Куйинмагин, кишимизнинг ёзи бўлар.

Қалдирғочман - қанотлари қайчиланган,
Борса-гумон йўлларимнинг адоғи йўқ.
Кўҳиқофда кўнгил қўшим қўлуфланган,
У сўймали Бўтакўзнинг бугоғи йўқ.

Эшигимдан қуйлаб ўтар сирли дарё,
Армон оқар, тош оқади сув тубинда.
Алдайвериб чарчамайди оқ соч дунё,
Ўзим ёр-ёр айтмай унинг эшигинда.

Кўҳиқофнинг қулфи синар субҳидамда,
Басир руҳим қуршаб олар турфа оҳанг.
Аҳли сабза пешвоз чиқар йўлларимга,
Тилга кирар тилсимланган ноғора, чанг...

Борса-қайтмас йўлдан қайтган Шоҳсуворим,
Кўлларимга олтин узук солиб кетар,
Тилсимларни парчалаган мадақорим,
Ўзи билан мени бирга олиб кетар.

Ёр-ёр айтар ортимиздан ўшал қизлар,
Сукланишиб боқишади бахтимизга.
Тахтиравон олиб борар Ой, Юлдузлар -
Мен ҳаёлий эртақ айтдим Дилхун қизга.

Менга армон бўлган бахтнинг қўлларида,
Кўзим олиб тилло узук ярқирайди.
Мен сиғмаган ўшал кишлок йўлларида,
Қизлар ёр-ёр айтар, дилим зирқирайди...



11
Аср романи

Салтанатим Ва Мамлакатим Дарналар



ОМОН
МУХТОР



НАСР

Ўзбек адабий-

тида романчилик мактабига аср бошида асос солинди, дек расман эътироф этилади. Албатта, бу фикрга сира шубҳа ва эътироз билдириб бўлмайди. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Қўлпон ушбу асрнинг энг буюк шахслари сифатида тарих саҳифасидан муқим жой олади. Аммо шундан буён ўтган давр ичида адабиётда роман жанри муҳри босилган юзлик асарлар ёзилди, адабиётшунос ва мунаққидлар томонидан турли хил йўсинда таҳлилу таъвиқ этилди, гоҳ изланиш-ю, фақат савол ҳеч қачон ўзининг тўлақонли жавобини топмади: роман дегани нима ўзи? Қандай бадий асарни роман деб аташ мумкин? Бадий тафаккур нуқтаи назаридан, романининг талаб ва шартлари нима билан изоҳланади?

Бу саволлардан ўтган давр мобайнида биронта ҳам роман деб аташ мумкин бўлган асар ёзилмапти, деган фикр келиб чиқмаслиги ҳорак. Бизнинг мақсадимиз, ушбу жанр тўғрисида фикр ва тасаввуримиз тўлиқ эмаслиги, мукамал назарий билим мавжуд эмаслигини эътироф этишдир, ҳоло.

Шу маънода таниқли адиб Омон Мухторнинг лизи романини сиз, азиз жўрналхонларнинг эътиборига ҳавола этарканмиз, роман, умуман, романчилик тўғрисида фикр-мулоҳаза юришишни лозим топдик. Қуйида мунаққидлар Жалил БАРОТ ва Аҳмад ОТАБОЙнинг фикрларини ўқишингиз мумкин.

ТАХРИРИЯТ

Ушбу асар энгил қаралдиган, оддий ва ҳар кун бўлиб турадиган Эр ва Хотин (Аёл) ўртасидаги шунчаки даҳанаки жанг билан бошланади. Ҳар кун бўлиб турадиган шунчаки оддий гап-сўзларига, биринчидан, безарас киноя, латифа оҳанги сингдирилгани, иккинчидан, муаллифнинг Ёзувчига "ўхшаб" жиддий ёзмагани, муаммо "туғдириб", уни ҳал қилишга бел боғлаб қиришмагани - аънавий романларга ўрганган ўқувчини шаштидан қайтарса, ажаб эмас. Чунки Омон Мухтор қаҳрамони Олимни осонгина "боғ-ҳовли"га "олиб чиқиб" кетади. Унинг ортиндан, ҳурматли ўқувчи, сиз ҳам секин эргашасиз. (Сизни гаройиб томоша кутади.) Аслида бу боғ-ҳовли

ҳам эмас, балки Олимнинг онгида тўнқарилган дунё: қаҳрамоннинг Аёл тўғрисида билиб-билмаганлари...

Умуман, роман Аёл ҳақида. Унда Аёлга ўқилган шон-шарафли сатрлар, айтилган таърифлар, тўқилган латифаю дostonлардан парчалар - ўтган ва ҳозирги тасаввуримиз аксланади. Муаллиф бизга уларни ишоралар орқали эслатади. Асар саҳифаларида бу зотнинг минг бир қиёфаси келади. Муҳими, қандай келади?

Назаримда, Омон Мухтор бу романида реализм қирғоқларидан хийла узоқлашиб кетган. "Тепаликдаги хароба"да ҳам унинг реализмдан четлашиши бу қадар эмас эди. "Аёл-

лар мамлақати..."да муаллиф реализмдан ошқора қочган. Бу йўл асарда ўзини оқлаган, аксинча, аънавий йўсинда бу кўлёмзадан бир нима кутини амримахол бўларди.

Мен асар "воқеаларини" гапириб бериш ўринсиз, деб ўйлайман. Чунки романда биз одатда воқеа деб атайдиган нарсанинг ўзи йўқ.

Қаҳрамон Олимнинг онги бор, бу онг ўзининг мантигига кўра борлиқни акс эттиради ва айни пайтда ўзининг гаройиб оламини яратади. Олимнинг олами эса реал ҳаёт қонунларидан ўзгача, бироқ ҳаётнинг шафқатсиз саволларига қаратилган. Яъни, Аёл - ким? Фариштами, парими, аластими?

РОМАНГА ХОС ТАФАККУР НИМА?

Адабиётшунослик тарихида ҳеч бир адабий-бадий жанр хусусиятларини ўрганишга роман жанрини ўрганишга ажратилганчалик ўрин ажратилмаган. Иккинчи томондан, ҳеч бир жанр хусусида роман жанри хусусидагидек турли-туман, бир-бирига зид, бир-бирини инкор қилувчи фикрлар, "назария"лар яратилмаган. Ва, энг ҳайратланарлиси шуки, шунчалик ўрганилишига қарамадан, ҳали нисбатан кўпчилик томонидан умумий тарзда бўлса-да, ҳар ҳолда асос учун тан олинган ягона, яхлит роман назарияси ишлаб чиқилмаган. "Роман назарияси" номи остида тақдим этилган илмий ишлар (мас., Б.Грфцев, Г. Лукач, Н.Т.Рымарь ва б. қ) талаб даражасида эмас ва ўзаро ихтилофлидир.

Романшуносликдаги бундай ҳолнинг ўз объектив сабаблари бор. Роман спецификасини кенг ва чуқур фалсафий эстетик нуқтан назардан тадқиқ этган рус олими М.М. Бахтин "Эпос ва роман" номи роман тадқиқи методологиясига оид мукамал рисоласида шундай ёзади: "Романи жанр сифатида ўрганиш ўзига хос қийинчиликларга эга. Бунинг сабаби ўрганилаётган мавзунинг ўзидадир: роман - бошқа жанрлар орасида бирдан-бир охиригача тугал шаклланиб улгурмаган, шаклланиш жараёни ҳали ҳам давом этаётган, нотугал жанрдир. ...Романининг жанрий суяги ҳали қотмаган, биз унинг барча имкониятлари нечоғлиқ ва қай даражада эканлигини ҳали ишонч билан узи-кесил баҳолай олмаимиз. Бошқа жанрлар жанр сифатида, яъни, у ёки бу бадий "ғишт"ни қуйишга мос қолиб сифатида кўз олдимизда тайёр турибди. ...Романда бошқа жанрларда бор бўлган конститутив қонун (канон) ҳали йўқ. ...Мана шуларнинг барчаси ҳали роман назариясини яратишга тўсқинлик қилади. ...Адабиёт назарияси роман моҳиятини лўнда қилиб ифодалашга ҳали ожиздир". (Адабиёт ва эстетика масалалари. "Бадий адабиёт" нашриёти, Москва, 1975й. 447-448-451 бетлар).

Хуллас, роман ҳомиласи инсониятнинг ижтимоий онги ва ижтимоий ҳаёти билан параллел равишда тараққий этиб келмоқда. Бошқача айтганда, романдан ўзга адабий жанрлар, масалан, шеър ёки драма ижтимоий тараққийнинг маълум

бир даврларида пайдо бўлиб, маълум вақтгача ривожланиб, сўнг, охириги нуқтасига етгач, батамом шаклланиб бўлгач, ҳудди ўша тугал шаклида бир неча асрлардан буён яшаб келаётган бўлса, роман ҳали ҳам эмбрионал даврни бошидан кечирмоқда. Бинобарин, роман жанри ҳақида гап борар экан, биз, ҳозирча, унинг асосий тараққий аънавалари тарихий тараққийнинг маълум даврларида касб этган, лекин кейинги ривож давомида у ёки бу даражада ўзгарнишга, трансформацияга учраган ва учраётган хусусиятларининг тадқиқ этишимиз тўғривор бўлади.

Гарчи, романининг тарихий илдизлари қадимги антик даврларга бориб тақалса-да, ҳозирги, бизнинг тушунчамиздаги замонавий роман миллий регионларда феодал-патриархал муносабатлар барҳам топа бориб, буржуа ишлаб чиқаришининг илк элементлари туғила бошлаган даврда пайдо бўлди.

Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, роман жанри ҳали ўз ривожининг охириги нуқтасига етиб улгурмаган, ҳали ҳам ўсиш, мукамаллашиш жараёнини бошидан кечираётган жанрдир. Ана шу муҳим жиҳатни тушуниб етмаган романшунослар бир-бирларини, ва, ҳатто ўз-ўзларини инкор қилувчи кўплаб "назария"лар яратмоқдалар. Шу ўринда яна М.Бахтиндан, узунроқ бўлса-да, бир неча кўчирма келтиришга мажбурмиз:

"Олимларнинг тинимсиз тер тўкиши эвазига адабий-тарихий тадқиқотларнинг салмоқли томлари яратилган, романинг алоҳида-алоҳида турлари келиб чиқишига оид қатор масалалар кўплаб ёритилганлигига қарамадан, ушбу барча роман турлари учун яхлит бўлган жанр муаммоси ўзининг қоникарли илмий изоҳини топа олмапти. Ҳамон роман жанрига бошқа жанрлар сингари тугал, тайёр жанр деб қарамокдалар; бу "тугал" жанрнинг бошқа тугал жанрлардан фарқини аниқлашга уринмоқдалар; унга (роман жанрига-Ж.Б.) ўзгармас ва мустаҳкам жанрий унсурлардан таркиб топган аниқ бир система сифатида қараб, бу системанинг ички

Қадим эртақ, достонларни эсланг: Барчиной, Ялмоғиз камир, Зухра, Ёсумон... Муаллиф ҳам эслайди. Олимнинг онгида шаклланган Аёл фалсафаси тушини эслатувчи гайритабии саҳналарда кўрсатиб, мушоҳада қилади... Романдаги такрор келадиган таъкидлар, такрор келадиган саҳналар (хонадон, жар бўйи, Хотин-кўприк, бог-ҳовли ва ҳақозо), асар боши ва хотимасида Хотин (Аёл) ва Эрнинг оддий, қисқа гап-сўзлари - бу оламнинг абадий қайтарилиб турадиган, узлуксизлик голиси - тийиқсиз, пароканда онг чалқашликларини муайян тартибга солади. Ва биз, мисол учун, кафтдаги узукни "Тегирмон тоши!" деган ўқимшили боланинг афандилигини ҳам қила ола-миз... Ҳа, ҳаммаси ўз аслига қайтади,

жилгалар дарёларга айлангандай, дарёлар ёмғир бўлиб ёғиб, жилгаларга айлангандай...

Роман услубига кўра қадимги француз водевилларини (vaudeville) эслатади, асар тилига хос киноя, ўрни билан масхараловчи оҳангни олиши матнга эркин киришиб ўқини, саҳна-манзараларнинг рамзийлигини, уларнинг ҳаётий, реал муқобилларини ҳаёлда қийслаб кузатиш ва мулоҳаза чиқаришни осонлаштиради. Бу жиҳатдан роман театр асарига яқин туради: бир неча саҳна, жар ёқаси, бог-ҳовли ва айрим шоярлар шеърларидан сатрлар, нақоратлар, достонларнинг парчалари, саҳналарнинг бозор майдончаларидай олаговурлиги, персонажлар кириб-чиқишининг мутлақо тасодифлиги ҳам шун-

дан далолат беради.

Бу - романми? Асар қаҳрамони Олимнинг хотини Хурриятдан, умуман, Аёл ҳақида юритилган мушоҳадаларгача, Аёл табиатининг, қадимда, яқин ўтмиш ва ҳозирги замонда бу зотга доир фикр-тасавурларнинг синчковлик билан голят ихчам бадий-ҳаёлий таҳлили, асарни, гарчи ҳажми ихчам бўлса-да, ушбу жанрга хос дейиш имконини беради. Ҳўш, нега "Аср романи"? Асарда Алпомиш исми илғитни учратасиз! Умуман АЛПОМИШНИ биласиз. Бироқ XX аср Инсонни майдалаштириб юборди, аср одамлари Алпомишликни исмда сақладилар, холос, амалда эса... "Аср романи" - асрнинг энг зўр романи дегани эмас, асрига яраша одамлар ҳақидаги роман дегани. Мен

шундай тушундим.

Аёл, бу - абадий Аёлдир. Аёлнинг аёллиги абадийдир. Аёлдан ўч олиб бўлмайди... Аёл барибир қасдини олади. Ҳўш, Аёл ким?... Ўз-ўзича, Аёл адабиётнинг абадий мавзуларидан. Мавзунинг кўламини торайтирмай, умуминсоний миқёсда (барча замонлар ва барча халқлар Аёллари сифатида) олишига уринилгани ҳам роман дейишига изи беради.

Мен бу асар ҳақида ҳамма гапни айтганим йўқ, деб умид қиламан. Унда ақлим етган нарсаларни, сезиб қолганларимни гапирдим ва шунинг ўзи мароқли. Бундай кўнгли ҳузурга ошно қилгани учун адибга ташаккуримни айтмоқчиман.

Аҳмад ОТАБОЙ

конститутив қонуни (канон)ни кашф этишга уринмоқдалар.

Романга оид тадқиқотлар, кўпгина ҳолларда, унинг бир-биридан фарқ қилувчи турлари рўйхатини мукаммаллаштириш, ва бу турларнинг бир-биридан фарқини батафсил баён этиш вазифасининг бажармоқда. Аммо, кўриниб турибдики, бу йўл билан ҳеч қачон роман жанрининг лўнда илмий изоҳи (формуласи)ни яратиб бўлмайди. Бунинг устига, роман тадқиқотчиларнинг ўзлари томонидан кистирилатган шарт-изоҳча - "аммо..." туфайли батамом йўққа чиқмоқда. Мана, ўшандай "шарт-изоҳча"ли формулалардан айримлари: роман - кўппланли жанрдир (аммо, яккапланли ажойиб романлар ҳам йўқ эмас); роман - ўткир сюжетли, серҳаракат жанр (аммо, сюжет минимал даражага тушиб қолган, воқеа - ҳодисадаги биргина нуктанинг статик аспектиларини батафсил фалсафий-руҳий таҳлили баёни орқали яратилган гўзал романлар (мас., Прустдаги каби - Ж.Б.) ҳам мавжуд; роман - муаммоли жанр (аммо, бирон-бир муҳим муаммо асосига қурилмаган, кизиқарли ўрхо-ур, сурҳосурлар тасвирланувчи (мас., кўпгина детектив романлар - Ж.Б.) романлар ҳам мавжуд; роман - ишқий саргузаштдир (аммо, мутлақо "ишқ можаролари"сиз ёзилган ажойиб романлар ҳам йўқ эмас); роман - насрий жанрдир (аммо, назмда яратилган мукамал, тўлақонли романлар ҳам бор. Бундай ёнига қўшиладиган биргина, "аммо..." билан ўз кучини йўқотадиган "назарий формулалар" саноғини бемалол давом эттиришимиз мумкин" (ўша манба, 452-453-бетлар).

Бирон-бир мавзу тадқиқ этилар экан, мазкур мавзу хусусиятлари доимо уч категорияда бўлишлигини унутмаслик лозим. Булар - умумийлик, хусусийлик ва индивидуаллик (якка шу мавзуга хослик) категорияларидир. Тадқиқотчи, аввало, мавзунинг қайси категориядаги хусусиятларини аниқламоқчи эканлигини катъий белгилаб олиши керак. Биз бу ерда тадқиқотчининг объект миқёсини чегараламоқчи эмасмиз. Балки у мазкур мавзунинг ҳар учта категориядаги хусусиятлари устида иш олиб бормоқчидир. Бемалол. Фақат, гап шундаки, тадқиқ жараёнида мазкур хусусиятларнинг категориялари аралаштирилиб, чалқаштирилиб юборилмаслиги шарт.

Фикримизни салгина ойдинлаштирак: айтайлик, бирон-бир тадқиқотчи бадий адабиётнинг турли-туман жанрлари орасидан биттасини масалан, роман жанрини олиб,

унинг якка ўзигагина хос бўлган, бошқа жанрларда учрамайдиган хусусиятларини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу жойда тадқиқотчимиз масалани мураккаблаштирадиган бир ҳолат мавжуд эканини эътибордан соқит қилмаслиги лозим: мазкур жанрда атиги биттагина роман яратилган бўлганда эди, иш жуда-жуда осон кечган бўлар эди. Аммо, ҳақон адабиётда юзлаб романлар мавжуд. Демак, тадқиқотчимиз шу юзлаб романларнинг барчасига тегишли бўлган шундай хусусиятини (ёки хусусиятларни) аниқлаши лозимки, ўз навбатида мазкур хусусият романдан бошқа жанрларда учрамасин. Фалсафий тил билан айтганда, мазкур хусусият романларга нисбатан умумийлик, жанрларга нисбатан эса, индивидуаллик (яккалик) категориясини касб этиши лозим.

Юқорида М.Бахтин ҳақли равишда танқид қилган формулаларда келтирилган якка режалик, мавзусизлик, расмийлик, муаммосизлик, ишқий мавзуда бўлишлик, назмда яратилишлик хусусиятлари бадий адабиётнинг романдан бошқа жанрларда (мас., шеър, эпос, драма) ҳам учрайди. Бинобарин, мазкур формулаларда роман жанрининг бирон-бир аниқ белгисига оид илмий маълумот йўқ.

М. Бахтин роман жанрининг хусусиятлари ҳақида романавис муаллифларнинг ўзлари (бунда М. Бахтин Руссо, Виланд, Вецел, Филдинг каби адибларни назарда тутган) билдирган фикрлар ҳақида ҳам тўхталиб, уларда илгари сурилган асосий тўртта шартни таъкидлаб кўрсатади:

1) романда бадий адабиётнинг бошқа жанрларида (мас., шеър, эпос - Ж.Б.) бўладиган поэтикликка мутлақо ўхшамайдиган "поэтиклик" бўлмоғи лозим; 2) роман қаҳрамони эпосдаги қаҳрамонга ҳам, трагедиядаги қаҳрамонга ҳам мутлақо ўхшамайдиган "қаҳрамон" бўлмоғи: у ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий, ҳам тубан, ҳам олийжаноб, ҳам кулгили, ҳам жиддий фазилату нуқсонларни мужассамлаштирган бўлмоғи шарт; 3) қаҳрамон феъл-атвори батамом шаклланган ва ўзгармас ҳолда эмас, балки шаклланаётган, ўзгараётган, ҳаёт сабоқлари таъсирида тарбияланаётган феъл-атвор сифатида кўрсатилиши лозим; 4) эпос қадимги дунё учун қандай бадий - эстетик аҳамият касб этган бўлса, роман ҳозирги замон учун худди шундай бадий-эстетик аҳамият касб этмоғи лозим"* (ўша манба, 453-454-бетлар).

Олимнинг эътироф этишича, юқорида келтирилган шарт-талабларда роман жанрининг ўзига хос айрим хусусиятлари зукколик билан илғаб олинган бўлса-да, уларни ҳали чуқур фалсафий - эстетик нукта назардан ишлаб чиқилган роман назарияси сифатида қабул қилиш мумкин эмас.

*...Бахтин, бу фикр Бланкенбург томонидан ривожлантирилиб, Гегель томонидан такрорланганини айтади.

...I Бугунги кунда турли тарихий-назарий таснифлар туфайли истилоҳга киритилган роман турлари номлари сон-саноксиздир: антик романи, юнон романи, авантор роман, алдаркўсалар (плутовский), чўпонлар романи, роман-идиллия, сентементал роман, тарихий роман, фалсафий роман, фантастик роман, саргузашт роман, тарбиявий роман, шаклланиш (становление) романи, тавба-тазарру романи ва ҳоказолар.

Роман спецификасига оид бу каби номукамал хулосаларни собиқ совет адабиётшунослигида ҳам кўплаб учратиш мумкин. "Адабиёт назарияси", "Адабиётшуносликка кириш" каби дарслик-қўлланмалар яратган рус совет олимлари Г.Поспелов, Л.Тимофеев, Г.Абрамович Гуляевларнинг китоблари ҳам, ўзбек адабиётшунослигида романга берилган таърифлари ҳам ушбу нуқсондан холи эмас. Уларда "роман" - ҳаётнинг кенг манзарасини тасвир этувчи эпик асар"; "романда тасвирнинг объективлиги, воқеабандлик ва қўламдорлик жуда ёрқин намоён бўлади"; романда муаллиф нутқидан кенг фойдаланиш мумкин"; "Драматизм ва лиризм учун романда катта имкониятлар мавжуд" кабилидаги умумий тавсифлар устунлик қилади.

Бизнингча, романга оид хулосалардаги бундай нуқсонларнинг сабабларидан яна бири шуки, тадқиқотчиларимиз романинг бошқа жанрлардан фарқини асоссиз равишда фақатгина МАЗМУН категориясига боғлиқ ҳолда аниқламоқчи бўладилар. М. Бахтин афсус билан таъкидлаганидек: "Роман узоқ йиллар давомида фақатгина ўта мавҳум (отвлечённо) гоёвийлик (мафкуравийлик) нуқтаи назаридан ўрганилиб, даврнинг нечоғлиқ долзарб муаммоларини ёритганлиги жиҳатидангина баҳоланиб келинди" (ўша манба, 73-бет).

Ваҳоланки, воқеликни бадий эстетик идрок этишда роман ясаган янги сифат ўзгариши, унинг бошқа жанрларникидан кескин фарқ қилувчи, ижтимоётда (иктисодиёт, сиёсат, илм-фанда, воқеликни идрок этиш усулларида ва ҳ.к.з.) юз бераётган янги-янги ўзгаришлар, янги-янги кашфиётлар талаби даражасидаги ШАКЛни туфайли юз берди.

Биз бу ерда МАЗМУНнинг аҳамиятини заррача камситмоқчи эмасмиз. Аксинча, эътироф этамизки, ҳар қандай ШАКЛ, аввало, МАЗМУНда бўлган ўзгаришлар туфайли дунёга келади. Негаки, МАЗМУН ва ШАКЛ бири-бирисиз мавжуд бўла олмайдиган, бир-бири билан узвий, чамбарчас алоқадорликка эга категориялардир.

Роман жанрининг моҳиятини изоҳлашда ШАКЛга кўпроқ урғу берганимизнинг сабаби эса, гап аслида бадий адабиёт шакллари - жанрлар ҳақида кетаётганидадир. Аслида бадий адабиётнинг ўзи ҳам, доирани янада кенгрок олганимизда, умуман, санъатнинг ўзи ҳам воқеликни идрок этишнинг асосий уч ШАКЛдан бири эмасми, ахир?!

Дарҳақиқат, XVII асрга келиб инсоният воқеликнинг моҳиятини чуқуррок, кенгрок, физиклар истилоҳи билан айтганда, зарралар миқёсида идрок эта бошлагани, воқеликнинг фотографиясини эмас, балки энди унинг рентгенографиясини чизишга мувофиқ бўлгани сабаблигина РОМАН деган ШАКЛ дунёга келди.

Демак, умумфалсафий нуқтаи назардан қараганда жанр - ШАКЛ (форма)га тегишли ҳодисадир. МАЗМУН эса, барча жанрлар учун муштарак -ҳайси жанрда бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай бадий асарнинг мазмуни, алаҳқиқат - ИНСОН ва БОРЛИҚдир.

Хуллас, фарқ - НИМАНИ акс эттиришда эмас, балки ҚАНДАЙ акс эттиришдадир. Янада соддароқ айтганда, барча жанрлар "НИМАНИ?" деган саволга бир хил жавоб қайтардилар: "ИНСОН" ва БОРЛИҚни акс эттирдим. "ҚАНДАЙ?"га эса жавоблар турлича бўлади: - "ДРАМА шаклида акс эттирдим; ШЕЪР шаклида... РОМАН..."

...*Инсон воқеликни, дунёни, борлиқни асосан уч усулда - САНЪАТ (бадиийлик тарзида), ДИН (имон-этиқод тарзида), ва ФАЛСАФА (илмий тушунчалар тарзида) идрок этиши Гегелнинг "Рух фалсафаси" номли кенг қамровли асарида ажойиб тарзда исбот қилинган.

Энди... иккинчи бир жиҳат - айтайлик, драматург, шоир, романнавис, ҳар бири ўз шаклини - драма, шеър, роман деб аталадиган ТУРЛИ ШАКЛЛАРни ҳосил қилишда, "ясаш"да қанақа материалдан фойдаландилар? Қизиғи шундаки, уларнинг ҳар бири бошқа-бошқа материалдан эмас, балки учаласи ҳам БИР ХИЛ материалдан - СЎЗ (кенг маънодаги)дан фойдаландилар. (Адабиёт - сўз санъатидир). Ҳаётий бир муқояса қиладиган бўлсак, бу, худди СУТдан турли маҳсулотлар - ҚАТИК, КАЙМОК... САРЕҒ олингани кабилдир.

Хуллас, адиблар асосий материал - сўзга, янада кенгрок айтганда, нутққа, тилга, тилларга (охиргиси роман учун энг муҳим махсус унсур) турли УСУЛда ("жанр стилистикаси") ишлов бериб, турли жанрдаги асарларни яратдилар.

Адабиётшунослар орасида "стилистика" терминининг маъносини жуда тор (мас., тилшуносликдаги, сўзнинг лексик маъносига қўшимча тарздаги услубий оттенкаларни ўрганувчи соҳа) маъносидан тушуниш мавжуд. М.Бахтин ана шундай ҳолга қарши "жанр стилистикаси"га урғу беришга мажбур қилди. Услуб (стиль - Ж.Б) ва тилни жанрдан айри ҳолда текшириш, маълум даражада услубнинг фақат индивидуал ёки бирон-бир адабий оқимга хос томонларигагина эътиборни қаратишига, унинг асосий хусусиятларидан бири - ижтимоий бўёғидан кўз юмишга олиб келди; ҳар бир БАДИЙ СЎЗ узоқ йиллар давомида ўзига мос жанр бағридагина шаклланиши факти эътибордан четда қолди. ...ва, оқибат-натияжада, услубият (стилистика - Ж.Б.) тор услубий икир-чикирларга ўралашиб, масалага чуқур илмий нуқтаи-назар-фалсафий ва социал жиҳатдан ёндашишни унутиб қўйди" (ўша манба, 72-73 бетлар).

М.Бахтин, ҳамон шаклланишдан тўхтамаган роман жанрининг тобора ёрқинроқ намоён бўлаётган асосий хусусиятларини, юқоридаги мулоҳазаларга асосланган ҳолда, айнан, роман услубиятидан ва замон ва макон категорияларининг роман адабий образидан ўзига хос равишда зухурланишидан ахтаради: "Мен романда, уни бошқа барча жанрлардан кескин равишда фарқлаб турувчи уч асосий таркибий (структурный) хусусият мавжудлигини кўраман: 1) романинг, унда ўз амалий татбиқини топувчи кўпгили тафаккурга боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган услубий (стилистик) мураккаблиги; 2) романда адабий образ замонавий координаталарининг тубдан ўзгариши; 3) роман адабий образнинг янги - ҳали давом этаётган, ҳали ўз якунини топиб улгурмаган ҲОЗИРга (жорий дақиқаларга) жипс худудидан яратилаши".

Романинг бу уч асосий хусусияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар инсоният тарихида кескин бурилиш юз берган бир давр - халқлар яримпатриархал турмушни - ижтимоий жиҳатдан биқик ва ташқи тўғри, ҳеч қанақа услубий тақлидсиз (стилизиациясиз), ўз адабий-бадиий тилида қилган баёни. (шеър, поэма, эпос, асосан, бошдан-оёқ мана шу услубий бирикма асосида яратилган бўлади. 2) Турли оғзаки нутқ (хоҳ фольклор бўлсин, хоҳ қундалик турмушда қўлланадиган нутқий шакллар бўлсин) шакллардан бирига тақлидан ясалган услубда қилинган баён. 3) Қундалик турмушда қўлланадиган турли ёзма нутқлар услуби асосида қилинган баёни (мас., хат услуби, қундалик-хотира дафтар услуби ва ҳ.к.з.). 4) Муаллифнинг турли адабий (аммо бадий эмас) шакллардаги (мас., ахлоқий панд-насихат (амри маъруф), фалсафий мушоҳада, илмий мулоҳаза, риторик дикломация, этнографик тафсилот, гувоҳ воқиғиномаси (протокольный осведомения) ва бошқа шаклларда) нутқи. 5) Асар қахрамон-персонажларининг услубий жиҳатдан ўзига хос (индивидуаллашган) нутқлари.

Жалил БАРОТ,
ТошДУ тадқиқотчиси



- Нега мени бошимни қашлаясан?!

- Ўзимни бошим дебман...

Эски латифа.

Абдулла Қаҳҳордан.

I

ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВ

I

- Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қора ер қиладиган ҳам. Сен мени қора ер қилдинг...

Аслида, Хуррият ҳеч нарса қилгани йўқ!

Фаҳат: "Эртага яшанба. Болалар билан уйда ўтирсангизми?! Ёки бундай бир кўчага олиб чиқасизми?!" - деган мазмунда гўдрани, холос... Болалардан бири (Ботир) - ўн беш, иккинчиси (Нодира) - ўн икки ёшда. Ўзлари уйда ҳам ўтираверади, кўча ҳам чангитиб юраверади! Лекин Хуррият (хонаси келганда) кўнглидагини айтган-қўйган эди. Бунга жавобан, ўйланиб қолиб, Олим: "Эртага ишим кўп! Зарур ишим бор эди..." - деб тўнғиллаганидан кейин, Хуррият фаҳат яна гўдраниб: "Доим иш! Иш... Болалар ўзингизники! Мен орқамдан судраб келибманми?!" - деди.

Эр-хотин орасида ўтган бутун мужодала шу!

"Судраб келибманми?!" - деган гап Олимнинг жонига наштардек санчилди. Ана шунда...

хотинига айтмаса ҳамки, эски иборани эслади:

- Эрни эр қиладиган ҳам...

X X X

X

Мана, энди

сахари мардонда уйдан сирғалиб чиқиб,

тўғри келган машинада боғ-ҳовли томон кетаётган

Олим, ўша эр-хотин орасидаги мужодалани - сенга таниш ашулани янгидан қўйиб эшитгандек, - бандма-банд ҳаёлидан кечирмоқда эди.

Албатта, ота деган жонивор ақалли ойда-йилда

болаларидан (уларнинг ёши нечида эканлигидан қатъи назар) ҳол сўраб туриши керак! Олим эса сўнгги пайтларда, болалари борлигини эсидан ҳам чиқаргандек ҳолатда юрибди. Хуррият бу борада ҳақ! Агар Олим бу кун Зебони боғ-ҳовлига таклиф қилмаган - меҳмонга чақирмаганида, шубҳасиз! - болаларини кўча айлангирар, уларнинг кўнглини олиш билан "шугулланар" эди! (У болаларини, айниқса қизчаси Нодирани ўзича яхши кўрар эди! Лекин сўнгги пайтларда ҳар хил ташвишлар билан уралашиб, ўзидан ўзи ортмай қўйганди. Бунинг устига, болага меҳрни гиргиттон бўлиш белгиламайди, деб тушунарди. Муҳими, болаларни тарбиялаш асосан хотиннинг иши, деб ўйлашга мойил эди!) Хўп, бу майли...

"Судраб келибманми?!"

Хуррият нега бундай деди?!

Олимнинг ҳамон жони оғримокда эди.

Кейинги йил бирдан бўй берган, орик-озғин Ботир, ёшига нисбатан жуссаси кичик, нозиккина Нодира қиёфаси унинг кўзлари олдида қотиб қолган эди!

Умуман, хотини ёмон эмас. Кир ювади, овқат қилади, бозорга боради. Болаларни эплайди. (Кичик вазифа, сўғурта идорасида хизматчи бўлса ҳамки! - бир ерда ишлаб - қандай улгураркин?!). Эрнинг эрлигини билади. Маҳал-бемаҳал ирғишлаб, гирибонингдан тутиб, сочингни қолмайди... Аммо ёмон бир одати бор. Ҳар нарсага баҳслашади. Ўзини оқлаши шартдек, биров у билан ҳисоблашмаслигидан қўрқаётгандек, гўдранади. Бир гапдан қолса-чи?! Йўқ... Ана, энг яхши хотиннинг ҳам оғзидан баъзан бемаъни гап чиқар экан: "Судраб келибманми?!"

Бу ҳам майли...

Олим ажабланди.

У ҳозир, афтидан ўзи учун ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган - бошқа бир муаммо устида -

(бунинг аввало тагига етмоқчидек!) -

ҳаммадан кўп

бош қотирмоқда эди. (Ҳалиги эски ибора!)

Нима учун: "Эрни эр қиладиган ҳам..."?!

Бу - қимдан, қачон чиққан?!

Бу - илк қарашда, - аёлларни сал камситиб-тергаб айтилганга ўхшайди-ку... ўйлаб кўрсангиз...

Сени ё у ёқ (эр!), ё бу ёқ (қора ер!) қиладиган хотин бўлса! - демак, сенинг устингдан ҳукмрон, сенинг тақдирингни ҳал қиладиган - ХОТИН (АЁЛ) экан-да!

Тўғри-да! Нега, масалан: "Аёлни аёл қиладиган ҳам эр, ҳардамхаёл қиладиган ҳам эр!" - дейилмаган?! Хотин борасида эса гапни миҳлаб қўйишган! Эркак (Одам Ато)нинг бир жуфт қовурғасидан яратилганига қарамай, Худонинг балоси экан - Аёл дегани!

Мана, шу паллада ҳам...

Олим кечқурун Хуррият билан яна қандай юзлашишни ўйлаб, олдиндан паршонланиб-ташвишланиаяпти! -

Зебо-чи?! "Балки, келарман! Билмадим... Кўп кутманг!"

- деди. У келадими? Келмаса-чи?!

Олимнинг ҳаёт-мамоти бу АЁЛЛАРга боғлиқ бўлиб турибди!

2

Боғ-ҳовли шаҳардан унча узоқ эмас.

Бирон соат машинада, кейин ярим соатча пойи-пиёда юриш керак.

Унинг қатта йўлдаги бекатлардан бирини машинадан тушиб, тик сўкмоқдан пастга энганича энди боғ-ҳовлига қараб кетаётганида...

ҳамон унинг ҳаёли

ўша эски ибора билан банд эди ("Эрни эр қиладиган ҳам...")

Бу дунёда инсон гоҳо -

ўз-ўзингни англашга қурбинг етмайди!

Олимга шу аснода ўз ҳаёлларими?! - нимадир озор бераётгандек эди.

Шунинг баробарида,

уни машқи паст эди, деб бўлмасди.

Аксинча, у ҳаётдан мамнун, кайфияти кўтаринки эди!

Аллақачон кун ёйилган эди.

Атроф-борлиқ ойнадек ярқирайди.

Олим сўкмоқда тонгги шабнамдан почалари ҳўл бўлиб бормоқда эди.

Айни баҳор билан ёз алмашинаётган пайт.

"Ажратмагин, баҳор, ўзингдан!"

"Қолдираман, - деди, - ёз билан!"

"Ўптириб кет лола-юзингдан!"

"Йўқ!" деди-ю, кетди ноз билан.

Ташлаб кетди -

Мени бу

боққа...

У кўпдан буён бундай манзарани кўрмаган эди!

Ҳаммаёқ тиниқ кўм-кўк.

Гиёҳлар, гулларга ҳали гард қўнмаган.

Анча олисда - тоғлар.

Барча йўллар, сўкмоқлар уларга бориб туташгандек.

Тоғларнинг усти оппоқ қор, ён бағирлар эса енгил ҳарир парда остида кўкиш-қизғиш товланади.

Юр,

қўйингни тўлдирай -

Лола-қизгалдоқларга.

Тоғларга боқ,

тоғларга...

Қаршисида жонланган манзарадан -

унинг дам сайин юраги тошмоқда эди.

Дунёнинг ишлари қизик!

Олим тоғларга боқиб, ҳозир -

қачонлардир ўзи билан бир жойда (олдинма-кейин)

ўқиган,

Алпомиш деган йигитни эслаган! -

ҳаёл уни олисларга олиб кетган эди...

"Барчиной тўқсон қалмоқ полвонлари ўртасида талош бўлди.

У Алпомишнинг Бойсундан келиб, шартларини бажариб, уни озод этиб олиб кетишини кутар эди..."

"Алпомиш уқлаб ётган ерида Барчинни туш кўрди.

Барчин бир коса шаробни қўлига олиб, Алпомишни кўргач, яқка ўзи ичгани кўнгли бўлмади, Алпомишга олинг-олинг

килиб, бир сўз айтиб турган экан:

*Олинг, алёр-алёр,
Келинг, алёр-алёр,
Бўлинг, алёр-алёр.*

*Коса ушлаб қўлим толди,
Бийнинг қизи махтал бўлди,
Кўнглингиз кимлардан қолди,
Хон тўрам, сизга не бўлди?!"*

"Алпомиш устини ечиб, хайр, ундай бўлса, деб майдонга (ракибини) талаб қилаберди. Кўкалдош алп туриб айтди: - Ўзбек! Сен бундай йўғонлик қилма, ғариб гўристон бўлиб ўлма, ҳали ҳам қўйгин, ёрингдан умид уз, йўлингдан қолма... Мен, шу алплар ўлса ўлсин, ўзбекнинг қизи бечатоқ бўлиб ёлғиз ўзимга қолсин, деб туриб эдим. Сени илгариди ҳам ҳисоб қилгон йўқ эдим! - деди.

Буни эшитиб, Алпомиш Кўкалдошга қараб, бир сўз деб турган экан:

*Ҳар ким ўз элига - бекми, тўрами?! -
Ўзи ўлмай, киши ёрин берами?!"*

X X X
X

Пастга энган Олим энди ўт говлаб ўсган, ташландик сайхонликни оралаб бормоқда эди.

Бу йўлнинг ҳар қаричи болаликдан унга таниш, бу сўқмоқдан у минг марта юрган эди! Кўп ўтмай, икки томон экин майдонлари бошланади. Кейин, катта-кичик дарахтзорлар. Ниҳоят, сўқмоқ ойнаванд узун бино остонасига келиб тўшалади. Бинонинг бир чеккаси - Алоқа бўлими; қолган қисми - магазин. Бинони ёнлаб, эгри-бугри тош йўлга чиқасан. Йўлдан қайси томонга юрма, эски-янги қатор боғ-ҳовлиларга рўпара келаверасан...

Олимни безовта бир туйғу қамраган эди; -
бехосдан хаёли бўлинганича,
кетаётган йўлида тўхтади.

3

Шу кунгача эътибор бермаганми?! -
пайқамаган экан!

Йигирма-ўттиз қадам нарида, худди сўқмоқ билан ёнма-ён қайроқ-тош ётқизилган қандайдир йўл ястанган эди...

Бу йўл олдиндан бормиди?!

Балки, бўлгандир!

Олим фақат эътибор бермагандир! (У ўз ҳаётида кўп кузатган эди: киши гоҳо қисқа йўл қолиб, беҳабар ҳолда айланиб юраверасан!)

Балки, бу йўлни янги очишгандир! Шу яқин кунларда катта йўлга боғ-ҳовлилар олдидаги тош йўлни улашга қарор қилингандир?! (Сен ҳамма нарсани билиб ўтирибсанми?!)

Хўп, қайроқ-тош ётқизилган бу йўл -
қаердан бошланиб, қаергача боради?!

Олим эринмай йўл томон юрди. Кейин, -
йўлнинг этагиди бир тепаликка кўтарилиб,
у ён-бу ён қаради.

Қайроқ-тош ётқизилган йўлнинг
боши ҳам, охири ҳам йўқ эди!

Тўғрироғи, у - ҳалқа шаклида; доира қилиб, чизиб қўйилганга ўхшар эди...

Олим аввалига, ажабланиб, бу китоблар, кинолардаги ўзга сайёраликлар кўниб-учадиған майдонни эслатар экан, деб ўйлади. Кейин, ҳалқа-йўлни дунёдаги энг улкан тегирмон тоши, деб атади ўзича!

(У ёшлигидан кўп нарсаларни тегирмон, тегирмон тошига қиллар эди. Шунга одатланган эди! Дунёни ҳам Олим, чарх эмас, тегирмон тоши, дер эди. Унинг кўнглига ёқадиған - латифа бундай эди:

Бир одам ўглининг зеҳни пастлигидан дўстларига шикоят қилибди. Дўстлари болани бирон ерда ўқитишни маслаҳат беришибди. Бола анча йил ўқиб қайтгач, ота узукни кафтига босиб:

- Қўлимдаги нима?! - деб сўрабди.

Бола ўйланиб:

- Тегирмон тоши! - деган экан.)

Олим юзлашган ҳалқа-йўлнинг қоқ ўртасидан жарлик кесиб ўтган;

жарлик устида кўприк ҳам кўзга ташланар эди...

Хотин-кўприк деган жой бўлар эди! Юз ёшли кампирнинг белидек майишган кўприкнинг икки томони - жар эди. Жар тубида ўралиб-буралиб сув оқар; сув бўйида мевали-мевасиз ҳар хил дарахтлар ўсган; бу ер ёзда соя-салқин, жуда фараҳли эди. Талабалик йиллари, Олим билан бирга ўқишган йигит-қизлар (булар орасида Алпомиш ҳам бормиди?!), кўпинча шу ерда дарс қилишар, имтиҳонларга тайёргарлик кўришар эди...

Хотин-кўприк бошка тарафда, узокда!

Лекин Олим дуч келган жой ўша ерни эслатар! - эслатиш ҳам гапми?! - гўёки Хотин-кўприкнинг ўзи шу ёққа "кўчириб" келтирилгандек эди!

Олим ажиб ҳайрат туйиб, кўприкка яқинлашди.

Яна у ён-бу ёнга қаради.

Шу сонияда...

Кўзи тушди...

Жарлик тубида, сув бўйида - сочлари елкаларида ёзилган, лекин елкалари очикми, нима бало?! - баданлари ҳам оз-моз кўринган -

бир тўп аёл тизилиб ўтиришар эди!

Булар - кўринишидан қишлоқ аёллари эмасди!

Шаҳарлик, десанг, куёш энди найза бўйи кўтарилган эрталабки чоқда, бу ерда номатқулнинг нонини ейишяптими?! - ақл бовар қилмасди!

Олим кўприк устида турганича, анграйиб қолган эди. Ногаҳон

аёллар уни сезишдими?! -

бўйинларини буриб қарагандек, ўз аро

нималардир деб,

қаҳ-қаҳ отиб кулгандек бўлишди.

Олим тез орқага қайтиб, -

ўз йўлидан кета бошлади...

X X X
X

Бундан анча йил муқаддам у илк дафъа бу ҳолатга дуч келган эди.

Пиллакашлик фабрикасига кириб, - қайноқ сувга ботириб олган кўллари

куйган-қабарган -

кенг-мўл хона тўла АЁЛЛАРга

унинг кўзи тушган эди.

Болаликдан:

Онамсан,

ёримсан,

синглимсан фақат,

Дунёда энг азиз дўстим,

ягона! -

қабелидаги сўзлар

қулоғига ўрнашиб қолгани учундир,

ўша кунга қадар

Олимнинг хаёлида -

Аёл, Хотин деганда -

шулар жонланишар;

Олим, АЁЛЛАР деганда ҳам -

шуларни эслар эди, холос.

АЁЛЛАР - БОШҚА, КАТТА бир ОЛАМ экан-ку!

Ўша кунни

уни негадир

хижлатми, ваҳмгами ўхшаган

ҳиссиёт чулғанган

эди!

Кейин:

бу ҳолат

бот-бот қайтарила бошлади.

У Зардўзлик артелида ҳам

кўллари "чумчук чўкиган"

АЁЛЛАРни учратди.

(Булар ҳам кенг-мўл хоналарни эгаллашган эди!)

Шундай ҳолат -

бир гал ҳаммомда юз берди.

Эркактлар ювинадиган хона белида эшик бор;
кимдир аҳмоқликми, жинниликми қилиб
тепган эди, -
шараклаб очилиб кетди;
қўшни хонада шир яланғоч АЁЛЛАР! -
кий-чув,
бирова саросималаниб, ўзини ҳар ёнга отган,
бирова кўллари билан у ёқ-бу ёғини беркитган...
Янаги гал (аскарликда юрган пайти)
Олим -
қамоқхонада
Аёлларни кўрди.
Сим-тўр ичидаги АЁЛЛАР қаршисида
Ўша-ваҳми, хижолатгами ўхшаган хиссиёт, уни
айниқса,
ўртаб юборгандек
бўлди!

4

Орқага, ўз йўлига қайтган Олимни
ҳозир яна ўша хиссиёт қамради.
Шу билан бирга, назарида,
жар тубида тизилиб ўтирган Аёллар унга таниш,
буларни у қаердадир,
олдин ҳам учратгандек эди!
Олим тезроқ боғ-ҳовлига етиб олиш - Зебо билан
кўришишни
ўйлаётган эди.
Шундай қилишни истаётган ҳам эди!
Лекин ўзининг қайроқ-тош ётқизилган йўлни нега ит
қувлагандек, дарҳол тарк этганига тушунмаётган эди!
Бунни ўйлаб, иккиланаётгани унинг дадил илдам
босишига

халал бермоқда эди.
Ахийри, у яна тўхтади, -
ҳалқа-йўлга қараб кетди.
Йўлнинг қок ўртасидан кесиб ўтган жарлик устидаги
кўприкка яқинлашиб, пастга энгашди.
Аёллар бояги намойишда, сув бўйида ўтиришар эди!
Бу сафар улар Олимга дарҳол аҳамият беришди.
Аёллардан бири қўлини силкиб, қандайдир имо-ишора
қилди.

Бошқаси нимадир деб, бақирди.
Орада масофа узоқ эди.
Шу бовдан, Олим эҳдини жамлаб, жарликка тикилди ва...
кўприкдан ағнаб кетишига оз қолди.
У ҳамма нарсани кутганда, сув бўйида кутмаган эди!
Бақирган Аёл - Хурриятни,
имо-ишора қилган Аёл эса - Зебони эслатмоқда эди!
(Хуррият, хўжайин, тинчликми, деб сўраётган, - Зебо эса,
кутинг, сал туриб бораман, деб махфий билдираётган
каби эди! Ҳарҳолда, Олимга шундай бўлиб туюлди.)
Олим Хурриятнинг қачон, қандай қилиб уйдан бу ёққа
келиб қолганига таажжубланди.

Зебо-чи?! Зебонинг ҳам бу ерларда уймалашиб
юрганга ишониб қийин эди.
Умуман, улар нега бу ерда ўтиришибди?!
Олим паришонланиб, яна пастга разм солди.
Энди Аёллар, саф чекдан - итотдаги аскарлар сингари
юзларини бир томонга буришган, нафас ютишган эди. Улар
Олимни кузатишмоқда, лекин биронтаси килрик ҳам
қоқаётгани йўқ.

Аёлларни бирма-бир кўздан кечиришга уриниб, турли
қиёфалар ичида Олим ҳозир (Хуррият ва Зебодан ташқари!)
ниҳоятда ГЎЗАЛ БИР ЧЕХРАни ажратди... Бу ким эди?! Олим
яхши илғаб эслаёлмади! Кейин, унутди... Унинг хаёлини
Хуррият билан Зебо эгаллашган эди!

У югуриб - сакраганча жарликка тушиб, бу ерда
бўлаётган воқеани билиб олишга
тайёр эди-ку...
ҳалиги ваҳми-хижолат...
қолаверса, сув бўйида ўтирган Аёллар ёнига
ҳар қандай шароитда ҳам йигит киши
қайси йўсинда борасан-у,
улар билан қайси тилда гаплашасан?!
Олим яна орқага қайтиб,-
ўз йўлидан кета бошлади...

5

Аслида, у ўзи кўзлаган манзилга чалғимаё боравериши
керак эди!
Ҳалқа-йўл (тегирмон тоши) ҳам, жарлик ҳам унинг
режасига кирмасди!
Бироқ энди...
Олим осойишталигини йўқотган эди.
Бу гал у
ҳаяжонланиб-ҳовлиқиб,
катта-катта қадам ташламоқда эди.
Жар тубидаги Аёллар орасида унга учраган - чиндан
Хуррият ва Зебоми?! Ёки, кимдир буларни эслатди, холосми?!-
Уни кўзлари алдашдими?! Узи адашдими?! -
биринчи навбатда, бунни аниқлагиси келмоқда эди!
Олим сўқмоқнинг охирига етиб, Алоқа бўлимидан
шаҳарга, Хурриятгами, Зебогами (балки, уларнинг иккаласига
ҳам!) кўнгироқ қилмоқчи эди. Шундан кейин, рўй бераётган
воқеанинг ҳарқалай мағзини чақса бўлади! Бемалол боғ-
ҳовлига бораверса бўлади!

У ҳаш-паш демай, ўт говлаб ўсган, ташландиқ
сайҳонликни орқада қолдирди.

Икки томон экин майдонлари бошланди.
Яна жилла фурсат ўтгач, -
дарахтзорлар ҳам бағрини очди.
Анча ичкарида, дарахтлар панасида кемани эслатган
эски бир бино бор; сўқмоқдан ғира-шира кўринар эди! Бу
бинга Олим ҳеч қачон қизиқиб, яқин йўламаган эди! Ҳозир
эса бир дам ўйланиб туриб, шу томон бурилди.

Бино атрофига узун панжара тортилган эди. Темир
дарвоза ёнига кичик бир уйча ҳам қурилган.
Олим дарвозага яқинлашганида,-
уйчадан милтиқ кўтарган киши чикди.
- Хўв! Тўхта... Бу ерда турма!

Олим қаршисидаги кишини таниди. Тожи ака деган
одам! Шаҳарда, кўча-кўйда баъзан кўриб юрар эди.
- Салом алайкўм, Тожи ака!- деди юмшоклик билан.
Лабини қимтиб, алик ўрнида:
- Мумкин эмас!- деди милтиқли киши.
- Нега?!
- Гапни кўпайтирма, бола! Ўзим... эзилиб ўтирибман.
- Мен кўнгироқ қилмоқчи эдим! Алоқа бўлими бутун
ишлайдими, йўқми?! Зарур ишим бор эди... Сизда телефон
бордир, ахир?!
- Бор! Бизда ҳамма нарса бор... Лекин мумкин эмас!
- Бу бирон идорами?! Қанақа идора?! Мен
тушунмаяпман...

- Тушуниб шарт эмас! Инсон дунёнинг бутун баланди-
пастини тушунса... Мумкин эмас! - деди Тожи ака.
Олим бинодан ноилож узоқлашди.
Аммо ўз йўлидан кетавермади.
Нарироққа бориб, айланиб,-
бинонинг орқа тарафига ўтди.

Кун - яқшанба. Бинода одам бўлмаслиги керак!
Мабодо орқа томонда ҳам эшик бўлса, Олим панжарадан
сакраб ўтиб, бирон хонага кириб, бемалол кўнгироқ
қилавермоқчи эди! Уйчада, темир дарвозани кўриқлаб ўтирган
Тожи ака бунни сезмай қолаверди!

Олим ўз ишининг қалтис, бемаъни эканлигини билар
эди. Бироқ шунга шахд этган эди!

У панжарага яқинлашиб, тўхтади.
Орқа томонда эшик йўқ эди.
Бунинг устига, ҳовлида беш-олтита хачирдек ит
ириллаб, бир-бирини қувлашиб юришар эди.

Олим кемани эслатган эски бинонинг қаюта
ойналаридек қатор деразаларига - азбаройи бу ёққа бекорга
келганидан эзилиб,-ўзича лоқайд бир қур кўз ташлади.

Кейин, ҳайрон қолди...
Деразалардан ҳар бири олдида бир АЁЛ ташқарига
тикилиб турар эди!

6

Бу бинони эгаллаганлар - Аёллар эканлиги,-
ичкарида Аёллар борлигини
Олим хаёлига ҳам келтирмаган эди!
Ҳозир бу ерда ортиқча ўралашмай, Алоқа бўлимига
қараб кетавермоқчи эди-ку,
бунинг ўрнида
панжарага беихтиёр суялиб қолган,

Тожи ака тўғрисида
чуқур ҳаёлга толган эди...

Тожи аканинг Мойра (асли Моҳирадир?!) деган қизи бор эди.

(Дунёда фарзанди, айниқса қизига меҳрибон бўлмаган ота борми?)

Олим қизчасини бекордан "Нодираи даврон!" деб эркаламамас!

Қисқаси...

боя кўчага милтиқ кўтариб чиққан бу одам -
бир пайтлар тенги йўқ, машҳур созанда эди!

Дутор чертишда унинг олдида тушадиган зот топилмас эди!

У дуторни сайратиб қолмай,
тилга киритар - сўйлагар эди!
Шаҳарда деярли барча созандалар уни Уста дейишар,
казо-казолар кўпинча ўз давраларига чақириб, бундан
фахрланишар эди!

Шундай юриб, бир кун Тожи аканинг қизи билан ораси бузилади.

У, Мойра эгри оёқ босяпти, деб
уддан-бундан эшитиб қолади.

(Аслида, бу фарз, ҳасаддан бошқа нарса эмасди! Биров
созингни ўғирлайди, биров овозингни! Худо асрасин...
Мойранинг гуноҳи йўқ экан! Уни бир йитит ёқтириб юрар
экан, холос! Аммо бу кейинчалик билинади. Ушанда эса...
миш-миш, маломат ёмон!)

Тожи ака, уйга кириб келган қизига, жаҳл устида -
қўлидаги қовун кесиб ўтирган пичоқни отиб юборади.
(У ҳақда баъзан, пичоқ қўлидан "учиб" кетибди,
дейишади!)

Қиз жароҳатланибми, жароҳатсизми, шу ондаёқ жон
таслим қилади...

Тожи ака қамалиши аниқ эди! Казо-казолар аралашиб
("Тасодиф ўлим" деган хулоса ясаб!) -
уни сақлаб қолишади.

У энди ҳар ерда дутор чертмайди. Лекин ўша казо-
казоларнинг ҳамон -
хизмат рўйхатларида туради...

Қандай бўлмасин, Тожи ака
ўз қизига қўл кўтарган,
қизини (сезибми-сезмайми!) ўлдириб қўйган эди...

Олим Мойра тўғрисида одамлардан эшитган, билган;
ўзи кўрмаган қизнинг ранги ўчган юзи, бақрайган
кўзлари

қандайдир хотирасида қотиб қолган эди!
Олим бу воқеани эслаб, азобланар эди.
Ана, панжарага суяниб, шу паллада ҳам бундан азоб
туймоқда эди!

Олим бу воқеани эслаб,
Аёллар эгаллаган бинони -
Тожи аканинг кўриқлаётганига
ажабланмоқда эди!

Олим тушунмаётган эди:
Тожи аканинг (ўшанда) ўз қизига қўл кўтарганига -
АСОСИЙ сабаб нима?

"Аёлнинг беҳад эркинлиги кўркинчлидир!"
Балки, шундайдир...

Балки, номус?
Отелло (бир қария айтмоқчи, Отовуло бўлса керак!):

*Мен бунчалик оғир ишларни
номус учун қилдим, аммо
аламдан эмас!*

деган экан.
Турсуной,
Нурхон,
Гулсара,
яна қанча

Кўзголан.
Нурли
Гулларни -

хазон этганлар бари
"олижаноб мавр (ҳабаш!)" сингари
номусли кишилармиди?! Номуссизлар йўқмиди?!
("Отелло" бу мақсадда ёзилмаган, албатта! Шарқ
руҳидаги одамнинг Фарб руҳидаги олам ўйинларини қабул
қила олмагани...)

Балки, фақат жаҳл?! Жаҳолат?!
(Жоҳилия даври... Араблар ақсар тугилган қиз
фарзандларини тириклай кўмишар экан!)

Олим тушунмаётган эди:
Тожи ака - ким? -
қотилми?! Санъаткорми?!
Кўлида:
пичоқми?! Дуторми?!
Дуторми?! Милтиқми?!

Эй...
булар шундай бир тонфа! -
замонлар бўйи яшаб келган!
Эзгу ҳам сўзлайди, қабихлик ҳам қилади.
Бошингизни ҳам силайди, калтак ҳам кўтаради.
Дутор ҳам чертади, одам ҳам ўлдираверади.
Айниқса, ногорага, карнайга ўч! -
гумбур-гумбур, гумбур-гумбур...
ғат-ғат... ғат...

Олимга Тожи ака шу аснода Сталинни эслатган эди.
Сталин хотини (Алилуева)ни ўз жонига қасд қилиш
ҳолатига олиб борганини -

Олим китобларда ўқиган эди.
Кейин, доҳий яқин биродарлари хотинларини
қаматдиргани...

минглаб аёлларни отдиргани...
минглаб севишганлар ёстигини қуритгани...
минглаб, милёнлаб бева-бечорани қон қақшатгани...
Бирон пайт пинак бузмаган!
Лекин у "Сулико" деган гуржи кўшигини яхши кўрар
экан!

Бу кўшиқни баъзан кўзларига ёш олиб тинглар,
баъзан ўзи ҳам йиғлаб -
қуйлар экан:

*Мен ёримнинг қабрин изладим,
Бирон ердан топмадим, аммо.
Саргардонлик бўлди қисматим, -
Қаердасан, айтгил, Сулико?!*

*Булбул сайраб бог аро алҳол,
Ногоҳ тунди оламни садо.
Мен айладим булбулга савол:
Қаердасан, айтгил, Сулико?!*

Бу одамлар - ким?! -
қотилми?! Бағри ярадорми?!
Кўлида:
пичоқми?! Дуторми?!
Дуторми?! Милтиқми?!

Инсон шу қадар мураккаб яратилган эканми?!

7

Вақтида камалмай,
бир умрлик жазо бўйнида қолган
Тожи аканинг фожиаси
ўзига етиб-ортиб ётган бўлса керак!

Шу боисдан ҳам,
Аёллар эгаллаган бинони -
унинг кўриқлаётгани
ажабланарли эди...

Олим шуларни ўйлаётди,
бехосдан сергакланди.
Гавдасини панжарадан узди...

Деразалардан ҳар бири олдида
Бир аёл ташқарига тикилиб,
ҳамон қимир этмай турар эди!
Буниси майли...

Олим эсанкираб, ёқа ушлади.
Деразалар олдида турганлар -
бу (соци турмаклардан, сипо кийинган)лар - Ўша! -
бундан озгина фурсат бурун -
елкалари очик ҳолда,
жар тубида унга кўринган
Аёлларнинг ўзгинаси эди!

Ана, Хуррият...
нимадир деб, бакиряпти. (Фақат, овози эшитилмапти!)
Ана, Зебо...
махфий аллабир имо-ишоралар қияпти.
Ана, ниҳоятда ГЎЗАЛ БИР ЧЕХРА (ҳам).
Юзи суг билан чайгандек. Ажратмай бўладими?!

Олим олдингидан ҳам кўп ҳайратта тушган эди.
Ҳалқа-йўлни кесиб ўтган жарлик тубидан -
булар қачон, қандай қилиб бу ёққа келиб қолишди?!

(Ҳаётда ғаройибот кам эмас! Инсон ақлинга сиғмаган
ҳар нарсени инкор этолмайсан! "Мўъжизасиз мўъжизалар"
дегандек...)

Олим эслади...

... Бола тўрт-беш ёшларда эди.
Узун, ўткир пичоқлардан тикланган нарвон олдида
келиб, яланг оёқ босганча, юқорига кўтарила бошлади! Оёқ
остида бир этак шиша синиклари тўкиб қўйилган эди. Бола
юқорига кўтарилгач, яна шундай яланг оёқ шиша синиклари
устига сакради...

Кейин ҳора соқоли бир киши беш-олтита пичокни
даста қилиб, оғзига тикқан кўйи нақ бандигача "ютди".
Томоғидан бемалол "ўтган" пичоқларни қайтиб тортиб олиб,
бу ишни ҳамма эплайдигандек, кулимсиради...

Ҳабашистонда шундай қабила учрайди. Одамлар чўғ
устиди юриб, олов ичидан қуймай ўтиб кетаверишади...

Ҳиндистонда эса жоду кишилари орасида:

"бундайлари ҳам борки, бир марта кўз қирини ташлаб,
учраган одами йиқита оладилар. Яна айтишларича, улар
нигоҳи тегиб - ўлган кишиларнинг кўкрак қафаси ёриб
кўрилса, юраги ўз ўрнидан "кўчган" - йўқолган бўлариниш..."

"улардан бири чордона қуриб ўтириб олди-да, ногоҳ
ердан узилиб, тепага кўтарила бошлади. У оёғини йиққан
ҳолда, бирон тиргаксиз - ҳавода муаллақ турар эди!" (Буни
энди Ибн Баттута ўз "Саёҳатнома"сида ёзган.)

Олим Аёлларни "таниб", аввалига
қаттиқ ҳайратланди, холос.

У, кўз бойлаш, фусун, жоду айниқса, Аёлларга хос,
улар озми, кўпми бу ҳунарни билишади, деб ҳам ўйлади.

Аммо кейин...

хаёли қочди.

Унинг дуч келгани - шунчаки ғаройиботга ўхшамас
эди!

Бу АЁЛЛАР (Хуррият ҳам, Зебо ҳам) барчаси -

нега жар тубида ўтиришган эди-ю,

энди бу ерда туришибди?!

(Дейлик, Хуррият ёки Зебо - минг жоду, фусун
қилмасин! - шаҳардан қандай "учиб" келиб, жар тубида ҳам,
манави юксак деразалардан бири олдида ҳам пайдо бўла
олади?! Уларга бунинг нима зарурати бор?!)

Панжара ёнида қотиб қолиб,

деразаларга тикилганича, -

Олимни, ниҳоят, кўркув босиб, энди

эсхонаси чиқа бошлаган эди.

Бу (Аёл)лар ОДАМ наслидан эмас,

ПАРИМИ, АЛВАСТИМИ бўлишса-чи?!

Олим бинони тарк этиб, -
яна сўқмоққа томон ошқиди...

8

У эски бинодан - қочгандек узоқлашмоқда эди.
ОДАМ боласи эди! -
бирон қор-қол рўй беришини истамасди.
(Сўқмоққа этиб олгач, йўлдан ортиқ чалғимаслик, -
Алоқа бўлимига ҳам кириб юрмаслиққа қарор қилди.)

Олим, Аёллар уч гуруҳга ажралишади, деб эшитган
эди:

1. Оддий аёллар
2. Парилар
3. Алвастилар

Шу сонияда, булар - Парими, Алвастими?! - нега менга
кўринди экан, деб ўйлаб, фаромушланди.

Кейин, яна ўйлади:

буғун нималар бўляпти ўзи?!

Сўнгги пайтлар Хуррият, Зебо - (умуман) АЁЛЛАР
тўғрисида ҳадеб хаёлга берилиб, -
ақлдан озмадиммикан?! -

(Зебо ҳуснинг зуҳури-дин
тушиб ҳар кимга бир савдо...)

Олим яна ўйлади:

Парилардан-ку, зиён кам дейишади. Алвастилар ёмон!
Хонумонинг қуяди!

У Парилар, Алвастилар, Жинлар, Девлар,
биз яшаган ОЛАМдан бошқа ОЛАМЛАР борлигига
эса шубҳаланмас эди! Болалиқдан қаттиқ ишонарди!

(Баъзан унга ҳар қандай Аёлнинг ўзи - бошқа ОЛАМга
мансуб бўлиб ҳам туюлар эди! Ҳозир кўрганлари бунга
далолатдек эди.)

Сени топмоқ баса мушкулдур-у,

топмаслиг осонким, -

Эрур пайдолигинг пинҳон,

вале, пинҳонлигинг пайдо...

Олим кўча деворларида, дўконлар пештоқида,
китоблар, киноларда гоҳо кўкраги очик, оёқларини керган
хонимлар сурати, киёфасини кўрар эди. Базмгоҳларда минг
йўсин буралиб-товланган шундай хонимлар, гоҳо унинг
тушларига ҳам кирар эди! У - қишлоқи эди. Шаҳар ҳаёти
ўзи шумикан?! Тараққиёт шумикан?! Балки, мен ҳаётнинг
равишини тушунмаётгандирман?! - деб ўйлар эди. Лекин бир
нарса аён эди. Ярим яланғоч хонимларни Олим, Оддий Аёллар
сирасига қўшмасди. Булар Парилар ёки Алвастилар (кўпроқ
Алвастилар) бўлишса керак, деб билар эди. Аёлларни севган-
қадрлаганига қарамай, булардан кўнглида бир оз ҳазарми,
хайкиш сезар эди...

X

X

X

У сўқмоққа ҳамон безовталаниб бормоқда эди.

Бундай ажабтовур ҳолатга -

унинг биринчи марта дуч келиши эмасди...

Олим ҳали ёш эди! Бекард эди! Лекин қутилмаганда:

(буғун тирик мавжудот - бир томонда,

у - бошқа томонда)

сўлган япроқдек ўз дарахтидан узила бошлаган;

шамолда учиб кета бошлаган эди!

Ўшанда жисми билан руҳи бир-бирдан ажралиб;

икки жой - икки ОЛАМда мавжуд; -

узук уйқуга чўмган эди!

Шунинг баробарида, у -

НИМАЛАРНИДИР

илғаётган ҳам эди.

Эмишки...

ранги бўздек оқарган УНИНГ асабий БИР НУСХАСИ

эшик-деразаси йўқ хонами, қутидек жойда -

бир чеккада "соия девор" бўлиб турибди.

Ташқаридан - қаердандир ҳайбатли машина шовқинига
ўхшаш товушлар эшитилмоқда.

Хонами-қути Еру Осмон орасида муаллақ; шу билан
бирга, чайқалиб, қаёққадир суриниб бораётгандек.

Эшитилаётган шовқинни босиб,

қандайдир ЭРКАК ва АЁЛ ўзаро узук-юлук
сўзлашишмоқда.

Афтидан, бегона тил. Ажнабийлар тили...

тушуниб бўлмади!

Олим баданига ўт кетиб, ёниб-қуяпти.

У ўзининг ожиз-нотавон, қафасга солинган қушдек
эканлигини ҳис этмокда, -
ота-боболардан келган дин, иймон-эътиқод тўғрисида
негадир ҳар қачонгидан кўпроқ ўйламокда -
(Уша кунга қадар у ДАХРИЙ қабилида эди!)
ўз-ўзидан эзилмокда эди.
Ахийри, АЁЛ шарақлаб қулгандек,
янғроқ овозда нимадир (бир сўз) дегандек бўлди.
Олим - мана, шу нидодан "уйғонди".
Касалхонада эканлигини сезди!
Боши устида ҳақимларни кўрди!
"Уйғонгани" заҳоти,
шу УЙҒОНИШ ҳақи,
шукрона келтириб:
- Оллоҳ! Оллоҳ! Оллоҳ... - деб беҳол пичирлади.

(Илоҳ! Подшоҳ! Қирдигор!
Сенга очуқ - ниҳон-у, ошкор-о...)

Сўқмокда кетаётиб,
Олим шуларни хаёлидан кечирди.
ОДАМ боласи ўзига бино қўйиб, -
дунёда ҳеч қачон устун бўлолмайди!
Зероки, бир заррадек яшаб,
ҲЕЧ ҚАЧОН -
ЧЕГАРАдан нари томонни
биллолмайди...

9

Олим аввалдан қарор қилганидек, -
йўлда Алоқа бўлимга қирмади.
(Энди кимга сим қоқиб, нимани суриштирасан?!
Бекорга чулдираш шарт эканми?!)
Лекин
сўқмок сўнгидаги ойнаванд бинонинг катта қисмини
эгаллаган магазинга кириб, гўшт, ёғ, нон, ширинлик харид
қилди. Кейин, -
бино ёнламасидаги эгри-бугри тош йўлдан
тўғри боғ-ҳовлига қараб юрди ва...
ниҳоят, боғ-ҳовлига етиб келди.
У меҳмон кутишга ҳар ҳолда оз-моз тайёргарлик
қуришга чоғланиб, уйни нардидан-бери йиғиштирган бўлди.
Дўппидек қозон остига ўт ёқди.
Бу ишлар
Олимни чалғитиб, -
йўлда кўрган-кечирган маш-машалар аста-секин
унинг хаёлидан кўтарила бошлади.
Бутун хаёлини -
Зебо банд эта бошлади.

X X X
X

Бундан икки йил бурун...
Олим бир кун ишхонада эди,-
кутилмаганда телефон жиринглади.
(Эрталабдан буён "жимжит" эди,
демак, "тилга" қирбди!)
У дастакни кўтарди.
... Эргаш деган оғайниси экан!
Исмоил деган бошқа бир оғайниси унга интиқ, -
уларникига тез етиб боришини
сўраётган экан!
Олим билан аввалдан Эргашга нисбатан
Исмоил -
кўпроқ дийдорлашарди.
Бу - бегокатми, қуночакми?! - шунақа йиғит. Маҳал-
бемаҳал кўнғироқ қилиб, ўзи ҳам бостириб келаверар эди.
Муҳими, Исмоил бировни биров орқали чақиртириб,
кутаянман, "учиб" келсин, дейдиган тоифадан эмасди!
Шу боисдан, Олим
ажабланиб қолмай, бевозталанди.
Стул устида сочилиб ётган қоғозларни апил-тапил
саранжомлаб, эшикни беркитди.
Кўчада шошганча кетаётиб,-
яхши-ёмон кўп нарсани ўйлади.
Лекин бунақа пайтда биронта тахмин
тўғри чиқмайди!

Уша кун ҳам шундай бўлди.
Дарвоза олдида Эргаш ер чизиб турар эди.
- Эргаш... Ўзингми?!
- Ўзим! Биринчи нусха! - деди одати бўйича Эргаш.
Кейин, кўшиб қўйди.- Иш чаток. Исмоил ўлим тўшагида
ётибди! Дўхтирлар фотиҳа ўқишди.
- Қўй, ҳазиллашма.
- Йўқ, рост. Юр! Сенга икки оғиз васияти борга
ўхшайди...
Ховлида одам гўжгон ўйнарди.
Олим билмас эди, Исмоилнинг уруғ-аймоғи, ёр-дўсти
ярим шаҳар экан! Булар орасида унинг шахсан ўзига васияти
борлигини ўйлаб, таъсирланди.
Эргашнинг изидан айвонга кўтарилиб,-
ланг очик эшикдан ичкарига кирди.
Офтоб нурига чўмган хонада -
Исмоил тўрда, баланд тахта-тўшақда
япроқдек сарғайиб-сўлиб ётар эди.
Унинг ёнида бир неча аёллар - ойиси, хотини, икки
кизи, яна кимлардир - қуйманиб, уймалашнишар эди. Йиғитлар
кўрингани заҳоти, -
улар гўж бўлиб тисарилганча,
хонадан сирғалишди.
Олим Исмоилга яқинлашиб, чўк тушди. Оғайниси
қўлини қўллари орасига олди:
- Исмоил...
Исмоил бир чеккада қотиб-гангиб турган -
Эргашга қаради:
- Хафа бўлма... Сен ҳам чик!
Эргаш баттар саросималанди. Кейин, у ҳам -
секин ташқарига жиқди.
- Исмоил!- деб қайтиб мурожаат қилди Олим.- Бу
ишни йиғиштир! Сенга ярашмайди. Ҳали отдек бўлиб кетасан!
Иккимиз бирга...
- Аравани қуруқ олиб қочиб... нима кераги бор?! -
уни тўхтати Исмоил.- Мен ўламан. Аниқ! Нозик бир масала...
- Йўқ! Сен... сен...
- Мени чарчатма! Вақт зик. Эшит... Зебони биласан!
Хотинимни айтяпман... Сени жуда ҳурмат қилади! Бир-икки
марта гаплашиб турганларингни кўрганман...
- Ундай эмас... Ундай эмас!- деди Олим бўғилиб.
- Эшит... Зебо яхши аёл! Ақли... Лекин дунёда аёл
зотики бор, бир қамчи ҳалиги томон... Худонинг ўзи шундай
яратган! Зебо мустасно бўлолмайди. Қаммидан ажралолмайди...
- Ундай эмас... Ундай эмас! - бу гал ўтирган ўринда
сапчиди Олим.
- Мен ишонганман. Ишонаман... Лекин у ёш. Чиройли.
Карсиллаб турибди. Бироз шўх. Нотинч... Мен кўрқаман!
Кетганимдан кейин, бировлар уни топтайди. Айниқса,
кизчаларга қийин! Булар ҳам андаза олиши мумкин.
- Ундай эмас... Ундай эмас! - деди Олим энди беихтиёр
бўшашиб.
- Эшит... Мен Зебони сенга топширдим. Сени Худого!
Истасанг, дўстлаш! Истасанг, бирон мулла топиб, никоҳингга
ол! Лекин уни асра... Бу гапни ҳеч ким билмаслиги керак.
Иккимиз ўртамазда! Сенга васиятим шу...

X X X
X

Уша кун
Олим -
бу хонадондан қаёққа қочиб,
бошини қайси деворга уришини
билмай қолган эди!
(Оғайнилари борлиги яхши-ку, миянгни ачитишгани
ёмон-да!)
Йўқ, орадан кунлар ўтиб,
у бора-бора осойишталана бошлади.
Авалло,
қанчалик антиқа туюлмасин,
Бунга ўхшаш ҳодисалар
эскидан учрайди!
Ҳатто, машхур, буюк инсонлар ҳаётида ҳам...
Кейин,
бу ишга бошинг билан шўнғимаслик керак!
Бировнинг бевасини ҳимоянгга олиш, энди бизга
қарайсиз, деб эғалик қилиш - айтишга осон. Ўлаётиб, ҳозир

хаёт мураккаб эканлигини ўйлабдими, Исмоил?! Одам кўз жомаятиб, баъзан ҳар нарсани гапираверади...

Олим фақат,-

гоҳ дарс берган мактабига бориб, гоҳ кўча-кўйда учратиб, Зебодан ҳол сўраб юрди. Исмоил минг илтижо қилганда ҳам, Зебони кўзи остида тутиб, кузатишдан бўлак - унинг нияти йўқ эди!

Аммо бу...

узокка бормади!

Улар шунчаки кўришиб юриб,

қундан-қунга...

Зебо унга қаттиқ ўрганганми?! -

у ҳам Зебони севиб қолганми?! -

Худойим! Бундай бўлмагани дуруст эди! -

МУНОСАБАТ жиддийлаша бошлади.

Олимнинг энди шўрига шўрва тўкилмоқда эди!

Уни гулдек хотини (Хуррият), икки қорақўз фарзанди (Ботир ва Нодира) уйда пойлаб ўтиришмас эди! - у албатта, Зебога шартга ўйланиб қўяқоларди. Исмоилнинг қизчаларига оталик қиларди! Ҳозир-чи?! Исини чиқармай никоҳдан ўтолмайсан. Ис чиқаришнинг эса иложи йўқ! Биз дўстлашдик, деб судралиб юравериш ҳам ярашмайди! Исмоил рухсат берганига қарамай, Олим бемаънилик қилиб, Зебони барибир топтагандек бўлади...

Бугун боғ-ҳовлида кўришиб,

Зебо билан у -

шулар ҳақида

(бу ёғи қайси кўчага кириб,

қандай ЯШАШ тўғрисида)

сўзлашмоқчи эди.

Олимга - ўзи эмас,

бутун муаммони ҳал этиш -

аввалдан-охир

Зебога боғлиқдек туюлар эди!

(Умуман, "буқа ипини узмайди" деган аҳмоқ гапда ҳам

жон бор! Биз эркаклар аёлни кўз остига олгандек бўламмиз-ку, аслида АЁЛЛАР бизни танлайди!)

Олим бугун

мабодо йўлда минг хил маш-машани кўрмай,

бемалол, осойишта боғ-ҳовлига келганида, -

Зебони кутаётди,

дам сайин ҳаяжонланмас, кўнглида

нотинчлик сезмас эди!

У (ўша) йўлдаёқ МУВОЗАНАТни йўқотган эди...

Шу боисдан, ана, -

ўз юмушларини бажаргач, энди

игна устида

ўтирар эди!

"Эшик қачон тик этаркин?!"

"Бугун яна нималар бўлиши кутилмоқда?!"

2

КЕЙИНГИ УЧРАШУВ

10

Эшик эҳтиёткорми, секин тақиллади.

Олим, эй Худого шукр, деб шошганича,

бориб эшикни очди.

Остонада бегрона бир аёл

кийшанглаб-товланиб турар эди.

- Мени танимадингиз-а, Олимжон?! - шунинг

баробарида, у олдинга сурилиб, Олимни кучганича, юзидан

чўлп этиб ўпди. Кейин, сал орқага чекиниб, яна фиरोқ қилди.

- Барибир, танимаяпсиз! Яхшироқ қаранг... Эслаяпсизми?!

- Афтингиз таниш, - тўнғиллади Олим, ноқулайлик

сезганидан. Ичиди, мен бу аёл билан бир пайтлик

"юрган", ўшанда уни ўзимга "ўргатиб қўйган" эмасмиканман,

деб ўйлаб, зўр бериб эслашга уринмоқда эди!

- Мен Бахтигул. Мактабда бирга ўқиганмиз!

Тўртинчидан еттинчи синфгача...

"Э, хайрият! - деб ўйлади Олим. - Еттинчигача бирга

ўқиган бўлсак, демак "юрмаганман". У пайтда ҳали

"юролмасдим!"

- Бизнинг хотиралар илма-тешик! Хафа бўлмайсиз, -

деди Бахтигулга синфдошлик ҳурмати.

- Уй-жойингизни ўртоқлардан аниқладим, - сўзини

давом эттирди Бахтигул. - Анча йил бошқа шаҳарда эдим. Яқинда қайтдик. Энди ҳаммани бирма-бир топяпман...

- Яшанг! Раҳмат сизга! - деди Олим, ичиди сал эзилиб.

Чамаси Бахтигул ичкарига кирмоқчи-ю, лекин мезбон эшикни гавдаси билан тўсиб турганидан, ажабланаётганми, қандайдир журъатсизлик сезаётгандекми эди! Бунга ҳис этиб, Олим тушунтирди:

- Мен бу ерда иш билан... Бизнинг уйимиз, асосан, шаҳар марказида! "Тулхан" деган магазин бор... 4-уй, 8-хона! Болалар уйда. Кириг. Меҳмон бўлинг. Мен ҳам орқадан етиб бораман...

- Йўқ, ҳозир вақтим... қийин! Бошқа пайт... - деди Бахтигул.

У истар-истамас хайрлашиб,

эшикдан узоқлашди.

Аммо...

Олим ичкарига йўналган ҳамоно

эшик яна тақиллади.

"Бу хоним остонани тарқ этмай, мени хонавайрон қиладиганга ўхшайдилар!" - деган ҳаёдан кайфияти бузилиб, у эшикни бориб очди...

Бахтигулни сўнгигача танимай қолаверган бўлса,

энди остонада турган аёл таниш! -

оддий бир таниш эмас... қариндош! Отасининг

аллақайси жиёнининг аллақими...

фақат қариндош ҳам эмас! Олдинлар шу боғ-ҳовлига

тез-тез келиб-кетиб юрганидан, Олим икковлари маълум муддат

дўстлашишган! Кейин...

Олим (кўзи қонга тўлиб юрган йигит эди!) бир куни -

ўзини туголмай, белидан қучиб, оёғини ердан узиб...

Йўқ! Энди бу гапларни эсламаган маъқул.

Ҳамида аллақачон уй-жойидан тинчиб кетган!

Боғ-ҳовлига ҳам - келмай қўйган эди...

Хўп, бугун...

у Олимни соғиниб келган бўлса-чи?! Нега келди?!

Гул-гул очилди! Ҳар қачонгидан ҳам яшнаб!

Олим остонада қотиб қолган эди.

Лекин -

Бахтигулга ўхшаб - Ҳамида

ичкарига тақлиф қилишингни қутмайди!

Эшикни гавданг билан тўсолмайсан!

У, -

ассалому алайкум, дунёда бормисиз, дўстим, одамни

ҳеч йўқламайсиз, - деб, Олимнинг бикинига туртиб, -

тўғри хонага кириб,

хонтахта ёнидаги оромкурисига чўкди.

Унинг бир одати...

қўлидаги узугини ечиб, ўйнаб ўтиради; ҳар ерга қўяди;

қайтиб тақади, ечади!

Яна бир одати бор...

оромкурисига ўтириб-ўтирмай, хона тўридаги жавонга

разм солиб қараганча, ўрнидан сапчиди. Илғақдаги эски

сочикни олиб, сафардан қайтган уй бекаларидек, чанг-чунгни

дарҳол артишга тушиди. Эркак - эркак-да! Олим уйни тартибга

солгани билан боя шу ишни эплаштиролмаган экан!

"Навбатдаги вазифа":

йўлини топиб,

Ҳамиданинг жавобини бериш, албатта!

Олим Ҳамидани қифтидан қучди.

-Сиздан илтимос. Бугун кечкурун... Мен зарур иш...

- Кечкурун келолмайман. Лекин тушундим, - деди

Ҳамида. - Ҳозир кетаман... - У ўйланиб, узугини қўлида

айлантириб, такли, яна ечди. Руҳи чўккандек эди. - Ўзингиз

вақт толиб, бир учрасангиз. Менга керак-сиз!

- Гап йўқ. Жоним билан! - деди Олим.

Ҳамидани кузатаётди...

бир жиҳатдан, яхши бўлди (Ҳамида учун! Кўнгли тинч

кетади!) - нақ эшик рўпарасида

Эргаш қакқайган эди.

- Эр-гаш...

- Ўзим! Биринчи нусха!

Иккинчи жиҳатдан, остонада Ҳамидани Эргашнинг

кўриб қолганидан, -

Олим ўнғийсизланган эди!

Бироқ (хайрият) ичкаридан аёл киши чиққанига

Эргаш (негадир!) аҳамият бермади.

-Сени излаётган эдим! Юр. Чойхонада ош қиляпман...

(Давоми 26-бетда)



Икром
ОТАМУРОД



С Е Н

ДОСТОН

Сен йўғ эдинг... Келдинг...

Йўл - соғинч... Вақт - соғинч...
Макон - соғинч... Сусамбил...
Кўнгул - соғинч... Ҳақ - соғинч...
Имкон - соғинч... Ў, сангил...

Сени билмасдим... Билдим...

Кўнглумга бир уфун югурди,
армонларим сирилди - шайдо.
Англомадим, мен-да; бу сирни -
хувайдо, хувайдо, хувайдо...

Сени танимасдим... Танидим...

Нигоҳим кўшқиди эркалаб -
елдирим саболар гулузор.
Минг йилки кўнглумни тилқалаб -
бир исм яшайди интизор...

Сени топмагандим... Топдим...

Жоним ҳовурида жизганак:
умидлар - бераҳим,
умидлар - раҳим...
Равонлари узро пўпанак
соғинчларнинг бузилди тахи...

Маним кўнглума чизмиш тасвирини
зулфизар соғинчлар фариштам.
Хуснингнинг ман каби зор - асирини
битингда захрабо рақам.

Сени севмоқ камдир, ўйламоқ камдир,
куйингда адолик - муқаддас жазо.
Карашмангда олам ишваси жамдир,
ғамзангда кавнайн нози руҳафзо.

Эмганган, синикқан руҳимни марғуб
айлайди қарошинг суманбар.
Қайдадир гуллайди чечаклар ёргуб,
қайдадир ўрмалар туманлар.

Мен сени ўйлайман, ўйлаб қоламан,
хаёлим риштаси узилган.

Соғинчдан ситилган узук толаман,
нигоҳи сен сари чўзилган.
Соғинчим титилар, соғинчинг титиб,
Сенга не дей?...
Охлар...
Тўлиш...
Тўкилиш...
Мен севган сўз - мангу сукутга кетиб,
ёнингга жимгина уз-о-оқ тикилиш...

“... гоҳо менга сизни гўё минг йилдан бери
биладигандай туюлади... Чеҳрангиздаги ҳар бир ифода шу
қадар қадрдонки... Шунда, беихтиёр руҳ қайта-қайта
дунёга келишига ҷиноман... Сиз - бу сизсиз... Соғиниб-
соғиниб кутганим - дунём... Юрак-юрагимдан талпинган
биттам...”

Мана шунинг ўзи бахт... Ғийбату ташвиш, алдамчи
шодлигу яна нималаргадир тўлиб-тошган ҳаётда сизнинг
борлигингиз нималаргадир ундайди... Нималарнидир ваъда
қилади... Ҳозир тун... Мен хонамда ёлғиз ўтирибману
хаёлим олис-олисларда... Ҳазон босган йўлаклардами...
уфқдан отилган найзалардами... Хуллас, қаерлардадир...
Шуниси аламлик, ... ҳозир Тошкентда ҳам тун... Ўртада
масофа бор... Буюк масофа - ОЛИСЛИК...”

Сен - ёлғизлик каби жимжит...
Сен - ёлғизлик каби гўзал...
Сен - ёлғизлик каби ғамгин...
Сен - ёлғизлик каби ёлғиз...
Сен - ёлғизлик каби...
Сен - ёлғизлик...
Сен - ...

Ёлғизлик - сен каби сукун...
Ёлғизлик - сен каби хушрўй...
Ёлғизлик - сен каби маъюс...
Ёлғизлик - сен каби танҳо...
Ёлғизлик - сен каби...
Ёлғизлик - сен ...
Ёлғизлик - ...

Нигоҳларинг айтар соғинчларингни,
жовдирар милтираб ёшлари.
Кўнглунгнинг ийманган боғичларини
нигоҳларинг узиб ташлайди...

Нигоҳларинг сўзлар яхшироқ,
тилинг ботинмаган борингни.
Сўзлар, ичга ола-ола минг курак -
уваланган зорингни.

Холига кўй нигоҳларингни,
бир лаҳза кўй рафторларига:
Тўксин зардоб бўлган оҳларингни,
тўйдирсин соғинчларинг ифорларига...

Дийдаси тош вақтнинг қобиргалари
майишиблар кетсин, суянчи
кўтаролмай соғинчларинг собиргаларин...
...Соғинчларинг соғиндим соғинчим...

* * *

Сен - моҳсан, сен - моҳсан,
гул - моҳисан, гул - моҳи.
Кўнглум кидирган оҳсан,
кўнглумда қолган оҳи...

Сен - гулсан, сен - гулсан,
моҳ - гулсан, моҳ - гули.
Қалб кидирган сунбулсан,
қалбда қолган сунбули...

Сен - малаксан, малаксан,
хур - малаги, хур - малак.
Дил истар камалаксан,
дилда қолган камалак...

Сен - хурсан, сен - хурсан,
малак - хури, малак - хур.
Рух истар кайгудирсан,
руҳда қолган кайгудур...

* * *

*"... Кунлар югуриб ўтаяпти... Мен бўлсам ҳалиям қанақадир
умид билан яшайман..."*

Сен умид эдинг. Юрагимда -
гунчалаган кўзигул.
Насимларнинг элагидан
соврилиб тўкилган гул.

Шажараи ишқ ёзуғи -
хотиримга айланган сунбул.
Мушкул - унут чизиги,
мушкул - унутмоқ, кўнгул!

Сени унутмоқ... Азоб...
азобдир ўйларинг яна-да.
Ундан кўраям ортиқроқ изо -
ўзимни алдаш саналар.

Хотиримнинг бағридан фақат
излайман, хотирим-да гунг.
Хотиримнинг тахмонида қат-қат
тахланиб ётади мунг.

Хотирамининг сарғайган даштларида -
қовжираган сафсар суяги.
Шўришларим шўр ашқларидан
хотирим қуяди.

Жимиб кетдинг...
Жимиб...
Жимгинам...
Кўҳна чарх бепарво айланаётир.
Юрагимда оҳ уради ғам,
юрагимда йиглайди хотир...

* * *

...Хонамга бир-р бўйладинг, шамол,
бир-р бўйладинг-а, қайтдинг.
Мен, илғаб улгурмай, шамол,
хайр сўзини айтдинг.

Шамол... Ортингдан чикдим. Қарадим.
Симирлар югурар сим-сим.
Шамол... Юрагим ярадир.
Шамол... Доғлидир кўксим.

Шамол... Сен қайларга кетасан?
Шамол... Сен бунчалар бепарво?
Шошиб келасан-а, шошиб кетасан,
рухсорингни кўрмайсан раво.

Шамол... Шошма. Шошмагин, Тўхта.
Ҳеч бўлмаса, тўхта бир фурсат.
Маконингни айтиб кет, йўкса,
шамол борар йўлларни кўрсат.

Шамол... Мен, ахир, қутаман ўртониб,
сени интиқ қутаман шамол.
Бағримга босаман ҳижронинг,
доғларингни қучаман, шамол...

Шамол-л...
Ша-мо-ол...
Ша-мо-ол... л ...л...

* * *

Сени кўрсам дилдан армон кетгувси,
Саргардон битгувси, сарсон битгувси,
Шабистон етгувси, шаъбон етгувси,
Менинг шоҳим, менинг оҳим, менинг моҳим.

Мискин бу жонимнинг бардоши бўлгин,
Ҳақир иймонимнинг йўлдоши бўлгин,
Ғариб паймонимнинг қўлдоши бўлгин,
Менинг шоҳим, менинг оҳим, менинг моҳим.

Мурувват борки - сен, меҳр борки - сен,
Сурувват борки - сен, сеҳр борки - сен,
Нурувват борки - сен, нуҳр борки - сен,
Менинг шоҳим, менинг оҳим, менинг моҳим.

Мулки борлигиндан бир имо раво,
Қандай мўъжизасан, қандайин маъво,
Атони куйдирган сен - Момо ҳаво,
Менинг шоҳим, менинг оҳим, менинг моҳим.

* * *

Бунда ёмғир ёғаяпти,
сен яхши кўрган ёмғир...
Сени соғинганимни англадим ногоҳ...
"Ёмғирнинг соғинчга нима даҳли бор?..."
Кўнглундан ўтар балки ҳайронлик...
Ёмғирга чўмилиб ётар хиёбон...
Нозланиб шитирлар заъфар япроғлар...
Шундай манзар ёқимли эди,
юрардинг узоқ-узоқ...
Шундай манзар...
Бунда ёмғир ёғаяпти,
сен яхши кўрган ёмғир...
Бунда ёмғир ёғаяпти!..
Сен томонда-чи...
Сен томонда...
Қақраган ҳаво...
Сен томонда...

Бунда ёмғир ётяпти,
сен яхши кўрган ёмғир...
Бунда...
...Ёмғир...
...Соғинч...

* * *

"...Соқинлик тўшалган йўлақлар жойидами?... Майли
уларга кўнглунгизни ёринг... Борсам, улардан кўнглунгиз
ёриқларини териб оламан... Шивирларини териб оламан..."

"...Ҳаёт мен ўйлаганимдан кўра, мураккаброқ,
қийинроқ экан... Мана шундай қийин дақиқаларда сизни
кўргим, йиглаб нималарнидир гапириб бергим келаверади..."

Хатларингда уч нукталар кўп:
гамгин қарор,
гамгин термулар.
Юрагингнинг қадоклари бўп
ўсади уч нукталар.

Тўкилади кўнглунг яфроғлари моҳ,
еллар шиквасида йироқдан -йироқ.
Уч нукталар - сўлгингина оҳ,
уч нукталар - титроқ.

Ҳижронлар тоифин кечади -
хотирларнинг мунис пайкони.
Уч нукталар - ларди ичида
сабрларнинг занглаган қони.

Айтолмаган сўзларинг улар,
фироғлар сиғмаган шикаста.
Қарбало даштида сунбуллар.
Қайс кўксига бош кўяр аста.

Соғинчларинг дилда дилафгор -
куйдиради, ай, сикталарни.
Сезмоқ учун уларни такрор -
такрор ўқийман уч нукталарни...

* * *

Сукунатни соғинар кўнглум,
сукунат - руҳим тилови.
Сукунат - сенга элтгувчи йўлим
буриб жиловин.

Кўнглум сукунатни соғинар,
истайди сукунат гурунгин.
Сукунат сиркиб,
сукунат инар -
рангин, рангин, рангин...

Қалбим томирлари илинган
ройиши, хоҳиши мустардир.
Соғинар хотирлар гурунгин,
армонлар гурунгин истайдир.

Соғинар... ва яна хаёлинг
гурунгин субҳида шабистон.
Қирк ўрим зулфлари хилолнинг
тобистон, тобистон, тобистон...

Қайгулар келади сурилиб,
соғиниб келади ғамлар.
Юрагим очаман бурилиб
бир камлар, бир камлар, бир камлар...

Айролик ўйдими ўйиқ -
нетаман, дилимни ситаман...

Бир куни... бағринга бош кўйиб -
сукунат сен сари кетаман...

Сукунат бир моҳнинг рухсори,
бир моҳдан таралган анбар.
Сукунат узоринг -
суманбар, суманбар, суманбар...

Бир куни... Сен томон учаман,
сукунат жонимнинг тайри.
Бир куни... Мен сени кучаман -
руҳим қатларида уқлаган сайри...

Соғиниб, излаблар кетаман,
бир куни... интизорим сукунат...
Бир куни... Васлингга етаман -
мен сени севаман сукунат...

* * *

"...Оқшом сизни кўп эсладим... Билмадим, нима учун?!"
"...Қайси кеча галати туш кўрибман... Сиз бир хонада
ўлтирган эмишсиз... Мен кириб борибман... Сиз ўрнингиздан
турибсиз... Менга қўлларингизни чўзибсиз... Шу пайт, дераза
очиблиб кетибди-ю, оппоқ қогозлар учиб кирибди...
Ўртамизда оппоқ қогозлар... Улар оққушлар янглиг учиб
юрганмиш..."

Сирларинг - қизғалдоқ мўғжаси,
толбаргақ мушқлари - армонинг...
Кавкабнинг титилган бўғчаси,
увада зарғалдоқ чопони...
Тушларингни юборгин ҳилол,
тушларим бағрингда эркала...
Бир дарё -сувлари зилол,
бир гулшан - бўйлари силсила...

Қайрилдинг... Ташладинг назар...
Қоронги дил... Оқ -ойдин...
Ҳиёбон устида юлдузлар сузар,
балиқлар учар сойдин...

Сен-сабрим ҳайрати...
..... руҳим ҳаяжони....
Сен айро, тугайди сабрим қайрати,
сен айро, тўлади руҳим паймони...

Сен айро, урчиғин йиғириб рўш-рўш,
калава зангини қолади.
Сен айро, кўксимга босиб тўш
чуркаган надомат ётади...

Сен айро, кўнглумнинг кунжида
ёнмайди, ёқилган жинчирок...
Толенинг дарз кетган пинжида
кўклайди фироқ...

Сен айро, шафқатнинг қони увишиб,
сен айро, нафратнинг тиғи узала...
Сен - тасаввуримда қолган бувишим,
сен - мангу оқила,
сен - мангу гўзал-а?!

* * *

Йўлларингда муштоқ кўзларим куйгай.
Тилимни ёндириб оўзларим куйгай.
Ўйласам ўйларим, бўзларим куйгай.
Сўнгги оҳи - менман очуниг.

Дариг дунё, дастипартоб, ўзимман.
Хижрон сикларинга кабоб, ўзимман,
Риштанг узат кишвар, тоб, ўзимман,
Сўнги доғи - менман очуннинг.

Армон, макон сўрсанг, мен, макон, келгил,
Рухим равон сенга, кел, макон, келгил,
Ғам ила суйгайдир, бул макон, келгил,
Сўнги ғами - менман очуннинг.

Бенаво кўнглумнинг мунгли Лайлиси,
Ҳажрин бериб кетган хунгли Лайлиси,
Моҳим, сен - очуннинг сўнги Лайлиси,
Сўнги Қайси - менман очуннинг.

* * *

Орзулар тарк этар, сарсари,
кўз очиб юмгунча онлар.
Гўшасига қайтган қушлар сингари
кўнглунда чарх урар армонлар...

Висолнинг ғамзаси - туман,
навозиш канори - бурилик.
Солланиб иржаяр ёсуман -
кўнглунга чўккалар айрилиқ...

Рисолат тарзи - сарнигун,
фарсуда жамоли - хира.
Тақрибнинг бошида тутун
чамбарак ўрар...

Танававр ихрожи бастина
олади занжибар тўкиб.
Довини ташлайди қасдинга
лолаи нўъмоннинг юки...

Узоклашиб борар тобора
завқлар, орзулар, ҳайратлар.
Қалдирғочнинг муроди пора -
дийдасинда ёнар пайраҳлар...

Гина бисёр, қудурат бисёр,
тўлишар пушмонлар, афсуслар.
Тунлар сенга садоқатли ёр,
тунлар мени қадрдон туслар...

* * *

Шундай...
Келдинг...
Ўтирдинг бир пасил...
Соғинчларингни айтдинг,
айтдинг сел бўлиб...
Эшитдинг соғинчларимни,
сел бўлиб эшитдинг...
Сукутга чўқдик бир пасил,
иккимиз айландик сукутга...
Бир маҳал...
сен хўрсиндинг...
Дединг:
- Мана, яна кетаяпман!
Сескандим...
санчиди кўксимнинг чап ёғи...

- Йўғ-э?! Дарров-а?!
Сен термулдинг...
Ўт олди таним...
Яна-да чуқурроқ хўрсиндинг...
Дединг:
-... Соғинчларим қолдириб сизга,
соғинчлариз олиб кетаман.
Илинжим йўқ,
соғинчлариздин ўзга,
уларга товун ҳотифтаман.
Ахтараман,
излайман илҳақ,
сизни фузун соғинчларимдан...
Шундай...
Кетдинг...
"Буюк масофа - ОЛИСЛИК..."

* * *

Олислардан келган олис йўл...
Олисларда қолган олис йўл...
Олисларга кетган олис йўл...

Олислардан келган олис умид...
Олисларда қолган олис умид...
Олисларга кетган олис умид...

Олислардан келган олис хотира...
Олисларда қолган олис хотира...
Олисларга кетган олис хотира...

Олислардан келган олис ишқ...
Олисларда қолган олис ишқ...
Олисларга кетган олис ишқ...

Олислардан келган олис маҳзун...
Олисларда қолган олис маҳзун...
Олисларга кетган олис маҳзун...

Олислардан келган олис соғинч...
Олисларда қолган олис соғинч...
Олисларга кетган олис соғинч...

Олислардан келган олис сен...
Олисларда қолган олис сен...
Олисларга кетган олис сен...

Биз Икром Отамурод билан тенг. Қур эмасмиз.
Чунки, икки кишидан қур ҳам, гуруҳ ҳам бўлмайди. Бу -
ҳам хурсандли, ҳам ачинарли... Бу ижодда хурсандлидир,
балким... Ҳаётда эса. Қалам аҳли ҳам малоиклар эмас. Бу
зотларнинг ҳам феъллари турлича. Икром - одампарвар.
Муҳаррир сифатида ундан кўпгина ёшлар миннатдор.
Демак, адабиёт ривожини Икромга ўхшаганларнинг
фаолиятига кўпроқ боғланган деб ўйлайман. Дўстимнинг
шеърларини ўқиб, хурсанд бўлман - ўзига ўхшаш - самимий.
"Ёмонлик қилганга яхшилик қил" адиганлар кам бўлганидек,
соғинч туйғуси ҳам, камёб, нодир ва ноёбдир. Икромнинг
бир талай асарлари шу ҳақда. Янги достони ифори...
шеърятга тўла. Баҳо беришни сизга қолдирамиз, ҳурматли
ўқувчи. Биз Икром билан тенгдошимиз - тенг... ёшимиз.
Шеърятда Икром Ота - бўлсин - Икром Отамурод.

Йўлдош ЭШБЕК.



АЁЛЛАР МАМЛАКАТИ ВА САЛТАНАТИ

(Давоми. Боши 11-бетда)

Исмоил ўлганидан буён Эргаш - унинг ўрнини олмоқчидек, - Олимнинг теграсида гирдикапалак бўлишга, холи-жонига қўймай, "таъкиб" қилишга одатланган! Олим бундан баъзан безор ҳам бўлар эди!

Шу паллада, айниқса, энцисоти қотди.

- Қайси чойхона?! - деб сўради азбаройи гапни чўзмаслик учун.

- Сув бўйидаги...

- Бўпти. Сен кетавер. Мен ўзим бораман!

Эргаш (хайрият!) тез жўнади.

Олим ичкарига кириб, паришонланиб турган эди, яна эшик...

Бу гал (ниҳоят!) - Зебо.

II

У кўзларига ишонмасди...

Бу кунги бошогриқ талай "томоша"лардан кейин, -

Зебони одамдек қаршилаб, суҳбатлашиши мумкинлигига

шубҳа-гумон қилмоқда эди!

Интиқ кутаётган бўлса ҳамки, назарда,

Зебо келишидан - келмаслиги аниқ эди!

Зебонинг эшикда қомат тиклаганини кўриб, юраги ҳаприкиб кетди.

Севиңнинг тошди қиргоқдан...

Сенг. тор келди бу кўкрак...

Энди -

ҳар қандай "эаса-ю, васваса" тугади!

Биров таг илла иш эмас, тепса ҳам

эшикни очмайман!

Энди...

Сен меники, мен сеникиман!..

Яна:

*Ишқидин олам менга ҳайрон-у,
мен ҳайрон...*

x

x

x

Зебо ичкарига кириб,

атроф-жавониб тўғрисидами?! -

- Яхши жой экан! - деди ўйчан.

- Жой яхши! - тасдиқлади Олим.

Зебо дераза олдида борди. Қаради.

- Яхши боғингиз бор экан! - деди яна Олимга.

- Яхши! Юринг, айланамиз, - деди Олим.

Улар ҳовлига чиқиб,

йўлқадан-йўлқага ўтганча,

боғда сайр қила бошлашди.

- Бир пайтлар ота-онам билан шу ерда турардик, - деб ҳаяжонланиб сўзлашга тушди Олим. - Кейин, шаҳардан уй олдик. Отам, онам дунёдан ўтгач, бу жойлар ҳалиям анча қаровсиз бўлиб қолди...

У ўз-ўзича масту мустаграқ эканлигидан, бутун боғ тарихини бунёд бўлганидан эмирила бошлаганигача эринмай гапирди. Лекин-

Зебо хотира тинглашга рағбати йўқми, ёки, барибир бу ажойиб жой экан, деб баҳслашгиси келмадими, энди унга жавобан, бир оғиз ҳам сўз қотмади.

Умуман, Зебонинг одатдагидан машки паст эди!

Бунга Олим, Зебо йўл юриб, боғ-ҳовлини (балки!) қидириб толиққанига йўйди.

Зебони қайтиб ичкарига бошлади.

Дастурхон ёзди.

Чой дамлади. Овқат сузиб келди.

Зебо бир пиёла чой ичди. Кабобдан татиб кўрди. Шу, холос.

Аммо сал таъби ёришгандек бўлди.

- Балодай ошпаз экансиз-ку! - деди. - Шунақа хунарингиз кўпми? - деб ҳазиллашди.

- Хунара кўп! Кўлимиздан келмайдиган иш кам! - дея

эрқалик қилди ўз навбатида Олим.

Улар шундай бироз ширинзабонлик қилишди. Ниҳоят...

- Биз дўстлашдик... Мен сизни яхши кўраман, Зебоxon!

- деди Олим. - Ёшим қирққа етиб, ҳеч кимни бунчалик севмагандим... Шу кунлар бу дунёда сиздан яқин, сиздан азиз кишим йўқ! Ҳаёт мураккаб экан! Оддий дўстлик, биласиз... Мен берк кўчага кириб қолгандекман. Бундай азоб... Мен сизга уйланишим керак! Лекин қандай...

У шошмай дардини тўқа бошлади ва беҳосдан -

Зебога қараб, гапи оғзида қолди...

Зебонинг аҳволи дигаргун эди.

Зебо негадир ўтирган ўрнида қийшайган, икки қўли билан кўксини чангалилаган эди!

- Ни... нима бўлди?! Зебо...

- Юрагим... Уйингизда дори йўқми?!

Уйда дори йўқ эди.

Зебо билан мулоқот пайти, бугун, боғ-ҳовлида (яна бир) ишқал чиқишини Олим етти ухлаб тушида кўрмаган эди!

Сув балоси, ўт балоси, дегандек

қасаллик қаршисида ҳам инсон баъзан ночор эканлигини эса,-

у яхши билар эди!

- Ҳозир дўхтир чакираман, - деди ҳавлиқиб.

Ҳалигина уч марта қалитни бураб, қулф солган

эшикни очик қолдирганича, -

кўчага қараб югурди...

12

Зебони остонада кўрганида Олим, бугун иш аввалдан - эрталабдан (Балки, кеча оқшомдан!) - расво бўлган эди, аммо буёғи ҳаммаси кўнгилдагидек кечади, - деб умидланган, ўз-ўзини овутган эди!

Аслида, боғ-ҳовлида ҳам ишнинг (яна) бузилиши -

ғишт қолибдан кўчиши

қандайдир табиий ҳол эди!

Олимнинг шу дамда ҳуши бошидан учган эди.

(Зебога - Худо кўрсатмасин, - бир нарса бўлиб қолса, сен ҳам ўлдим, деявер! Муҳаббат дардидан ташқари, жавобгарликми, надоматми?!- сенинг бўйинигда!)

Нима қилганда ҳам, ҳозир...

Бир гули раъно гамидин

боғ зиндондур манго...

У "тиббий ёрдам"ни чакириб, -

Зебони ҳам, ўзини ҳам

фалокатдан қутқариши шарт эди!

x

x

x

Эрталаб боғ-ҳовлига келаётиб, тахмин қилганидек, -

Алоқа бўлими яқшанба кунлари ишламас экан!

Эшикка гурзидек қулф солинган...

Олим бир нафас уйланиб тургач,

сўқмоққа тушиб,

дарахтзорлар ичкарисыда, панада жойлашган, кемани

эслатган эски бинога қараб юрди.

Темир дарвоза томон кетаётган эди, -

уйчадан милтиқ кўтариб, яна Тожи ака чикди.

- Ҳўв! Тўхта...

- Тожи ака! Жон Тожи ака! Хотиним шайтонлаб қолди.

Дўхтир чакиришим керак! Телефон...

- Мумкин эмас! Бу ерда турма, бола!

- Қарамаса, у ўлади, Тожи ака! Раҳм қилинг... - ёлборди

Олим.

- Кимдир туғилади, кимдир ўлади! Дунё шу... Мумкин эмас! - деди милтиқ ўқталиб, олдинга босганича, Тожи ака.

- Мен сизни бунчалик деб ўйламаган эдим...

Олимнинг гапи таъсир қилдими, Тожи аканинг киприклари учди.

- Сен мени танийсанми?!

- Танийман.

- Ҳаётимни ҳам биласанми?!
 - Ҳаётингиз?! Ҳаётингиздан фақат дутор чалганингизни
 биламан, - муғомбирлик қилди Олим.
 - Ҳа, унда майли, - деди Тожи ака. Кейин, сўради. -
 Манзилинг қайси?!
 - Боғ-ҳовли, 16.
 - Ўз хотинингми?!
 - Ўз...
 - Исми шарифи нима?!
 - Зебо Пулатова.
 - Ёши неччада?!
 - Ўттиз икки, - деди Олим эзилиб.
 - Бу мен учун эмас! Мендан сўрашади. Ўзим кўнғирок
 қиламан.

Тожи ака бироз муддат ўтиб, уйчадан чиқди.
 - Айтдим. Борса керак...
 Олим Тожи акага миннатдорчилик билдириб, -
 қайтиб боғ-ҳовли томон жилди.
 Аммо уч-тўрт қадам юргач, тўхтади.

13

Бунинг шу паллада ҳожати йўқ эди...
 Мавриди ҳам эмасди...
 У ўзига-ўзи эғалик қилолмади, холос.
 Зув этиб, кемани эслатган бинонинг орқа тарафига
 ўтганча,
 қаюта ойналаридек қатор деразаларга
 қарагиси келди.
 Бинодан ташқари, қайроқ-тош ётқизилган ҳалқа-йўлга
 чиқиб, жар тубидан ҳам хабар олишни ўйлади.
 Деразалар олдида Аёллар - ҳамон бормикан?! Сув
 бўйида-чи?! Улар бинода туришибдами ёки жарда
 ўтиришибдами?! -

Олим текшириб кўрмоқчи эди!
 Аёлларни икки жойда нега учратгани -
 аввалдан Олимга осойишталик бермаган,
 ҳамон осойишталик бермаётган эди!
 У шошганича...
 панжарага яқинлашиб, юксак деразаларга,
 кейин (паршонланган кўйда) -
 кўприк устида туриб, пастга
 кўз ташлади.
 Ҳаммаёқ жимжит! -
 бинода ҳам, жарликда ҳам
 энди, ансинча,
 Аёллар
 ғойиб
 бўлишган
 эди...

x x

Ҳўп, Олим асосан Зебодан ташвишланаётган экан,
 қаёқларда тентираб юрмай, ҳозир тезроқ боғ-ҳовлига қайтиб
 кетавермайдими?!
 Отангизга раҳмат!
 У - шунга жазм қилган эди.
 Ўз йўлидан (зув этиб) озгина чалғигач, ана, -
 сўқмоққа тушди. Боғ-ҳовли томон бора бошлади.
 Лекин...
 дуч келган ҳолат -
 уни дам сайин баттар -
 паршон кўйга солган эди!
 У оёқлари бўшашиб, сўқмоқда
 соядек судралмоқда эди!

(Чархи дойир баҳридин -
 эл тутмасун соҳил умид,
 Ким қутулмас ҳар кишиким, -
 туиуди бу гирдоб аро...)

Рўй бераётган воқеалар бир-бирига боғлиқдек туюлиб, -
 Олимнинг юраги орқага тортмоқда эди!

У тушунмаётган эди:

I. Бугун эрталабдан унга учраганлар - Парилар ёки

Алвастилармиди?! Оддий Аёлларми?!
 2. Парилар ёки Алвастилар бўлишса, кўриниб-
 кўринмаслик, албатта, уларга осон! Аммо улар Олимни икки
 жойда нега "қузатишди"?! Бундан мурад нима?!
 3. Оддий Аёллар бўлишса-чи?! Бу ерларга қачон,
 қандай келишди?! Кейин, ҳар ёққа кетишдими?! Қаёққа
 кетишди?!
 Булар майли! Энг муҳими...
 4. Олимга ким аниқ айта олади?! У суйиб-меҳмон
 қилишга уринган - одатдаги Зебо эмас, ПАРИ ёки АЛВАСТИ
 бўлса-чи?! Олим ҳозир қайтиб бориб, қутилимаган балога
 йўлиқмасмикан?!
 "Бир гули раъно ҳолидан (Зебоми, ПАРИ ёки
 АЛВАСТИми?! - барибир!) тезроқ хабар олиш керак!
 Ҳақимлар келдими?! Боғ-ҳовлида нима гап?!"
 Минг юраги орқага тортганда ҳам, -
 Олим бу ҳақда ўйлашга мажбур эди.
 (У соядек судралиб бўлса-да, илдам босмоқда эди!)
 Ана, дарахтзорлар чекиниб, сўқмоқ сўнгигади
 ойнаванд узун бино кўринди.

14

Магазин эшигида (навбатда тургандек)
 анча-мунча одам йиғилган эди.
 Олим бу ерда тутилмоқчи эмас эди-ку,
 кизикиш устун келди.
 Бино ёнламасидаги эгри-бугри тош йўл томон ўтиб
 кетаётди, у шунчаки четдаги бир кишидан сўради:
 - Нима сотишаётган экан?!
 Киши - энсаси қотгандек қараб қўйиб, - юзини бино
 олдидаги айвон тўрига бурди.
 Мана, энди
 Олим аҳамият берди:
 айвонда минбар ўрнатилган, -
 биров нутқ ирод қилаётган экан!
 Олим у ён-бу ён қаради.
 Тўпланганлар барчаси - негадир, - Эркаклар эди.
 Сотувчи кизларни ҳам ичкарида қолдиришганми?! - биронта
 АЁЛ кўринмас эди! (Бояги Аёллар қаёққа кетишди экан?!)
 Олим диққат қилди. Кўзи тушди...
 Ҳаммага гапириш навбати етишмаслигини инobatта
 олишганми?! - ҳарҳолда, йиғинда қатнашаётганлар аксари -
 ҳар хил ёзувли-тахталарни
 кўтариб олишган
 эди:

"Биз - Тўмарис авлоди!"
 "Аёлсиз ҳаёт йўқ!"
 "Сен - буюк маъбуда!"
 "Онам дерман!"

Булар бари ширин-нордон, лекин майли, чидаш
 мумкин;

"Ўлдирсанг, мени ўлдир!"
 "Олма-анорингеними дей!"
 "Кўзингдан аканг!" -

қабилдаги суюқ ёзувлар кўзга ташланарди.

Ирод қилинаётган нутқ ҳам -
 шунга яқин эди! Афтидан, эркакларга хос хислат, булар
 учун бирон ишни ҳал этгандан, минбарга чиқиб гапирган
 (айниқса, Аёллар ҳақида!) маъқулроқ эканлиги кўриниб турар
 эди!

Олим ҳам - ожиз банд; мажлис деса, баъзан ўзини
 томдан ташлагиси келар эди! Чунки, у хизмат қилган маъмурий
 идорада мажлиснинг ўзи иш эди! Мана, ҳозир ҳам Олим,
 ҳалқни оғзига қаратиб, шахсан нутқ ирод қилиши керакдек
 ҳолатни туя бошлади.

Аёллар тўғрисида у НИМА дейди?!

Гап кўп...

Энг аввал муҳаббат ҳақида СЎЗЛАШ мумкин.

Муҳаббат деганда...

Биров Лайли ва Мажнунни, биров Тоҳир ва Зухрани
 эслайди.

Одатда, Олим Умархон ва Нодирабегимни эслар эди!

(На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,
 Жаҳондин кеч, ҳаёли - васли ёр эт.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдир,
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт.

Узор-у, қадду рафторингни кўрсат,
Чаман сарву гулини шармсор эт.

Лаби махмурдурмен, жами май тут,
Карам қил, соқиб, дафни ҳумор эт.

Аналзақ можаросин - айладинг фош,
Кел, эй Мансур, истиқболи дор эт.

Дури ашк-у, ақиқи хуни дилни
Келур ёринг оёгига нисор эт.

Куйиб, эй Нодира, олам элига -
Муҳаббат шевасини ошкор эт.)

(Худойим! Олим Нодирабегимга нима учун бу қадар кизикди?! Қизчасига меҳр билан унинг исмини берди?!)

Хўп, яна...

Бир пайтлар, ёшлигида - "Сарина" деган китобни ўқиган эди. Ҳозир ёдига тушди. Оллоҳнинг энг суюқ Пайгамбари шундай марҳамат қилган: "Аёл - мамлакатнинг асоси! Аёлниг бахти - мамлакатнинг бахти! Аёлниг ҳалокати эса, мамлакатнинг ҳалокатидир!"

Бунга нима сабаб бўлди?! - чарақлаган офтобми, бино пештоқидаги ранги ўчган байроқми, гоҳ баланд тутиб, гоҳ қўл толиққанида пастга туширилган шиорларми?! -

лопиллаб ёнган гулхан,

ўтга ташланган паранжилар

Олимнинг кўзлари ўнгида жонланиб, -

бехос қалқиб кетди.

Дарвоқе...

Паранжи ҳақида ҳам гапириш мумкин.

Аёл-эркак, қанча одам тўфонда қолган қунлар!

Аллабир қомусда (яҳшиямки, тилнинг суяги йўқ,

бўлмаса қарс этиб синарди!) шундай деб ёзилган экан:

"... аёллар бегона эркакларга очиқ кўринмаслик учун бошига ёпишиб юрадиган сохта энгли тўнсимон узун ёпингич!"

Ишониб қийин... Биз қаерда-ю, фаранглар қаерда?! -

лекин биздан уларга, улардан бизга

нимадир юққан!

"Устаси фаранг" деган тушунча,

"фаранг рўмол", "фаранг милтиқ"лар!

Паранжининг маъноси ҳам, аслида, биргина сўз:

"фарангий!"

(Фақат, Фарангистонда зеб бўлган либос бизда узлатта

чекиниш - чекинтириш вазифасини ўтаган.)

Олим қолган гапни минбарда ўйлаб гапираман, деган

қарорга келиб, ниҳоят сўз олишга шахдланганича, -

олдинга сурилди.

Нақ минбарга юзлашди ҳам!

Лекин шу пайт -

бутун эрталаб ўзи эслаган,

Алломиш деган йигитни кўрди.

Алломиш - майли... Кейин, -

одамлар орасида

ўзининг ҳамкасби-ю, боғ-ҳовлидаги қўшнилари

дан бири -

Ором (исми шунақа!)га кўзи тушиб,

секин ортига тисарилди.

Оромни ҳозир, бу ерда (ва умуман!) учратиш -

бахтсизликка ўхшаган бир ҳол эди (сабабини ўрни

келса, билаверасиз!) Муҳими, Олимга бу йигит

бутун рўй бераётган бутун воқеани

гўёки эслатди!

Олим, мен яна чалғидим, деб ўйлаб,

ўзини бино ёнламасидаги

эгри-бугри тош йўлга урди...

x x

x

У тасаввур қилар эди...

Шундай бир мамлакат бор.

Тоғлар устида. Офтоб нурларига чўмган.

Энг баланд чўққида заррин тахт -

юзига ҳарир парда тутган МАЛИКА ўтиради.

(Бу -

Тўмарисми?!

Туркон хотинми?!

Ўзбек ойимми?!) -

Иродаси - қонун! Ҳукми - ҳукм!

Ҳайбатли қалъа деворида соқчилар қатор! -

бари - Аёл аскар!

Биров четдан кириб, мамлакатни эгаллаётмайди,

топтаётмайди; -

Аёллар ўзларини ўзлари ҳимоя қилишади!

...Олимга АЁЛЛАР бугун мана шу МАМЛАКАТдан

қушдек учиб тушганча, -

олдин жардаги сув бўйига, кейин бинодаги деразалар

олдига келиб кўнишгандек (ва энди яна кетгандек) бўлиб

туюлмоқда эди.

15

- Келдимиз?

- Қим?!

- Қим бўларди?! Дўхтир-да.

- Йўқ ҳали, - деди Зебо. - Ўзи ўтиб кетди! - У дард

кўрмагандек, чой хўплаб, эшикка тикилганча, илжайиб

ўтирарди.

Олим унинг энгил торганига суюнди.

Энди "тиббий ёрдам" келмаса ҳам, майли.

Аммо барибир, эшикни очиқ қолдирди.

Дастурхон бошидан жой олди.

Зебодан биринчи навбатда, бу кунги воқеалар

тўғрисида суриштириб-аниқлашни ўйлади. (Зебо эрталабдан

жарликда ҳам, бинода ҳам кўриниб, имо-ишора қилгани

Олимнинг хаёлидан кетмаётган эди!) Кейин, суҳбатни тўхтаган

жойидан давом эттириш мумкин!

- Кечирасиз, Зебо. Аввалдан сўрамадим. Сиз йўлда,

боғ-ҳовлини қидириб, овора бўлмадингизми?!

- Тўғри келавердим. Ортиқча ҳеч нарса! - елқасини

қисди Зебо.

- Йўлда, бирон ерда тутилмадингизми?!

- Тутулиб, нима қиламан!

- Мени кўрқитиб юбордингиз! Шунга сўраяпман,-

тушунтирди Олим.- Юрагингиз анчадан буён оғрийдимми?!

- Икки йил бўлди. Баъзан... Олдинлари юрагим

борлигини ҳам билмасдим!- фаромуш торти Зебо. Кейин,

шўх кулди.- Касалдан гаплашмайлик! Менга қачон

уйланмоқчисиз?!

Олимнинг назарида, Зебо ҳозир уларнинг муносабати

ҳақида дарҳол сўз очмаслиги керак эди! Умуман, унинг ўзини

тутиши нотабиийми-носамимий эди. Олимга шундай туюла

бошлаган эди! "Бу - одатдаги Зебо эмас, Пари ёки Алвасти!

- деган хаёлга борди Олим беихтиёр. - Зебо бўлса, шунчалик

тез тузаладими?! Мени кўча югуртириш учун жўрттага юракни

баҳона қилганмикин?! Сир бой бергиси келмаётгани-чи?!

Ўйин кўрсатаётгани..."

Лекин савслга жавобан, у:

- Менми?! Мен, албатта... - деб гудранди.

- Қандай уйланишни билмаяпсизми?! - бу гал шарақлаб

кулди Зебо.

Шу пайт кўча эшик тарақлаб очилиб, -

дори-дармон солинган қутилар кўтарган оқ халатли

икки жувон - хонага "отилиб" киришди.

16

Олим шу аснода ҳис этди:

дунёда бировнинг тоби қочиши-ю, ҳақимлар

(ҳақималар) келиб, уни муолажа қилиши - оддий ҳол! Бироқ

-

олдиндан тузилган бутун режа бузилди! -

бутун Зебо билан жиддий гаплашиб, муносабатни

аниқлаб бўлмайди! -

бундан сўнг улар қандай яшашлари тўғрисида ҳам

бирон нарса деб бўлмайди! Қийин! -

насиб этмаганга ўхшайди!

(Балки, энди ҳеч қачон насиб этмас!)

Гап шундаки...

Олимнинг истагани, кўнглидаги муроиди қолиб,-
бугун эрталабдан бошланган қандайдир сирли -
бошқа бир воқеа (ўз-ўзича) давом этмокда эди! Ана:
Олим жарликда, кейин бинода учратган
(эътибор бериб-бермаган!)
Аёллардан иккиси -
хонада пайдо бўлишган эди!
Умуман, улар Олимга таниш эди.
(Олимни кўриб, ажабланиб-суюнгандек,
шунинг баробарида, хижолат ҳам чеккандек -
қиёфага киришди. Буниси майли.

- Бу, сиз эканингизни қаранг, Олим ака! Билмапмиз.
Шу ерда турар экансиз-да! дейишди.)

Жувонлардан бири - Олимнинг синфдоши Назира;
иккинчиси - юзи сут билан чайгандек, ниҳоятда Гўзал
Бир Чехра эди!

- Мактабни битиргандан буён сизни кўрмаган эдим,-
деди ниҳоят, Назира.

- Ҳа, минг йил бўлди,- деб гудранди Олим.

Гўзал Бир Чехра кўзлари порлаб, бамисоли булутни
ёриб ой чикқандек, жилмайди. У нечундир кизариб, сўради:
- Бемор қаерда?!

Жувонларга анграйган Олим, Зебо томон ўгирилди.

- Сиз нега туриб кетдингиз?! Ётинг! - деди ГЎЗАЛ
БИР ЧЕХРА, у ён-бу ён кўз ташлаб.

- Мана, бу ёққа! - деди Назира хона тўридаги тахта-
тўшакни кўрсатиб.

Олим:

- Мен ҳозир чойни янгилайман! - деганича, ташқарига
йўналди.

x x

x

Ишнинг буёғи қандай кўчади?! - билиб бўлмасди.
Олимни ҳар қачонги ваҳми, хижолатгами ўхшаган
ҳиссиёт чуллаган эди.

Воқеа ўз-ўзидан тезлашди.

Яхшиси, бир бошлан...

Қумғон остига ўт қалаётиб, Олим аста-секин

Гўзал Бир Чехра кимлигини

(нозанин ҳолати, титроқ товушидан)

эслади.

(Ёр борди-ю,

кўнглумда анинг нози қолибдур,

Андогки,

қулогим тўла овози қолибдур...)

Олим уни атиги уч марта кўрган эди.

Илк дафъа улар кўчада, одамлар орасида юзма-юз
келган, тўхтаб, бир-бирларига қараб қолишган эди.

Кейин, талабалар даврасида (кимнингдир туғилган
куни) тасодифан кўришиб, узук-юлук сўзлашишган эди.

Кейин, поездда (олдинги икки гал сингари бу ҳам
тасодифан рўй берган эди) улар ҳамхона бўлиб, тунни мижжа
қокмай, пичирлашиб-дардлашиб, бирга ўтказишган эди.

Бегона шаҳарда ҳам, қайтиб келгандан сўнг ҳам
учрашиб туришга ваъдалашган, аммо, -

ўша, бегона шаҳардаёқ

бир-бирларини йўқотиб қўйишган эди.

Унинг исми - Малоҳат эди.

Олим хаёлини Хуррият билан Зебо банд этишганидан,
жарликда ҳам, бинода ҳам кўзи тушганида, Малоҳатга эътибор
бермаган, аслида, у кўнглида Малоҳатни ҳеч қачон унутмаган
эди!

x x

x

Чой дамлаб ичкарига кирганида, -
учала жувон дастурхон бошида гаплашиб ўтиришар
эди.

- Хафа бўлманг, Олим ака, сизни биров танқид
қилмоқчимиз! - деб юзланди Олимга, Назира, у келиб, даврага
қўшилишга ҳам улгурмай. - Янгамизни "ташлаб" қўйибсиз!
Яхши қарамагансиз... Мен ҳамшираман. Қолганини мана,

дўхтир сизга тушунтирадилар...

Малоҳат (Гўзал Бир Чехра) жилмайиб, кизарди.

- Зебохон жиддий даволанишлари керак! - деди у
ҳаяжонли-титроқ товушда. - Юраклари чаток. Бўғма касаллари
ҳам бор. Нафаслари қисади... Ҳали ёш. Тузалиб кетадилар!
Фақат, баҳаво бир жойларга олиб бориш керак... Бу,
уйларингиз ўзи ҳам курорт! Лекин ҳавони алмаштириш муҳим.
Уч-тўрт ой бирон санаторийми... Киши хотини учун нималар
қилмайди! Имкон топишга тўғри келади...

17

Афтидан, ҳали ҳақимлар (ҳақималар) Зебонинг аҳволи
муҳокамаси, Олимга тегишли "панд-насиҳат"ни охирига
етказишмаган эди. (Олим эса, Зебо ростдан шунақа хаста
бўлса, демак у Пари ёки Алвасти эмас! Назира билан Малоҳат
ҳам - оддий Аёллар! Хўп, унда булар бугун эрталаб жарликда
нима қилишайётган экан-у, бино деразалари олдида нега
туришган экан?! - деб бош қотираётган эди.) Биргина Зебо
гап ўзи ҳақида бормаётгандек, эшикка ўйчан тикилиб
ўтирарди...

эшикда беҳосдан (кайтиб) -

Ҳамида кўринди.

- Кечирасизлар. Бемаврид келдим шекилли, - деди у
хонада ўтирганларни кўриб, остонада қаққайганича. -
Узугимни йўқотиб қўйдим. Боя шу ерда қолдириб кетганга
ўхшайман...

- Узук топилади! Бир пиёла чой ичинг. Ўзингизни
ўнглаб олинг! - деди уй бекаларига хос навозиш билан Зебо.

Ҳамида келиб ўтириб, чой ҳўплаб-ҳўпламай, -

хонага шошилиб Бахтигул кирди.

- Меҳмонлар бормиди?! - деди Олимга. - Салом
алайкум! - Кейин, яна Олимга юзланди. - Шаҳардаги уйингизга
бордим. Сизни бу ерда кўрганимни хотинингизга айтдим...

("Эй падарига лаянат! Бу хотин шунақа қилишини Олим
ўйлаптимми?! Баҳона учун гапирган эди! Томошани энди
кўрасиз!") Лекин хотинингиз ҳам мени уйга киритмадилар.
Мен сизлар билан суҳбатлашиб, юрагим зангини тўқмоқчи
эдим.

- Қани, марҳамат. Ўтиринг! Юрагингиз зангини бизга
тўкаверасиз! - қолди Зебо.

Бахтигулнинг изидан шамолдек ёпирилиб, -

Хуррият келиб қолди.

- Яхши ўтирибсизларми?! Хуш кўрдик! - деди у
даврадагиларни кўздан кечириб. - Ўз уйимда мен ҳам озгина
меҳмон бўлишимга рухсат берсанглар! Раҳмат сизларга...

Зебо унга жавобан, ҳеч нарса демади.

Ҳамма жим, сукутга чўмган эди.

Олим диққат қилди...

У бугун эрталаб жар тубида, сўнг кемани эслатган
бино деразалари олдида уратган АЁЛЛАР барчаси хонада
тўпланган - жамоат жам бўлган эди!

18

Эҳтимолки,

Ҳеч ким,

Ҳеч қачон

Ҳеч қаерда -

бундай ҳолатга дуч келмаган!

Бу не сир-синоат?! Тушми, ўнғми?!

Сен турли пайт, турли шароитда кўрган-таниган Аёллар
жарда, сув бўйида, кейин юксак бино деразалари олдида
тўпланишгани кам, келиб-келиб, улар сенинг боғ-ҳовлингда,
хонанда жам бўлишадими?! Сенга бутун бир даста эмас,
фақат улардан бири керак эди! Хилватда дийдорлашиб,
дардингга чора топмоқчи эдинг! Нега бу ҳолат рўй берди?!
Дунёнинг юзидан ниқоб кўтарилдимми?!

Олимнинг нафаси ичига чўққанди.

Қаршисидаги Аёлларга қайси кўз билан қараб, нима
дейишга ҳайрон эди.

Сичқоннинг ини минг танга - ҳозир ўзини қаёққа
уришини билмай, боши қотган эди...

Ниҳоят,

жимликни бузиб:

- Узугим... - деб шивирлади Ҳамида. - Мени уйда

кутишяпти.

-Узугингиз анави дераза тоқчасида ётган экан. Мен олиб қўйгандим, - деди Зебо, узукни Ҳамидага узатиб. - Лекин кетманг.

- Нега?!

- Биз бир-биримизни танитаймиз, - Зебонинг ўрнида жавоб қайтарди Ҳуррият. - Олим ака таништиради! Биз бу ерда ҳеч нарсага тушунмаёмиз. Олим ака тушунтиради...

- Мен ҳам ҳеч нарсага тушунмаёман, - очигини айтди Олим.

-Сиз нега тушунмас экансиз?! Товланманг! - жеркинди Ҳуррият.

- Мен товланмайман, - деди Олим. - Лекин мен билмаёман... Масалан, сизлар оддий Аёлларми?! Пари ёки Алвастиларми?!

- Доим шунақа! Одамни мазах қилиб, гапни ҳазилга бурасиз. Сувдан қуруқ чиқиб кетишга ўрганиб қолгансиз! - хафа бўлди Ҳуррият.

- Бу, аёлга муносабат, қандай қарашга боғлиқ! - қулди Зебо. - Оддий, деса оддий, Пари, деса Пари, Алвасти, деса Алвастига ўхшаб кўринаверади!

- Хўп, сизлар эрталаб жарликда нима қилаётган эдинглар-у, дераза олдида нега турган эдинглар?! - деб қизиксинди Олим.

- Гапни олиб қочманг! - эзилди Ҳуррият. - Афандини эшитгансизлар. Болаларга, қишлоқ четидаги дарахтда ёнғоқ бор, деган экан. Болалар югурганини кўриб, гапим ростмикан, деб ўзи ҳам югурган экан... Менинг эрим ҳам шу! Хаёлига келганини кўзи олдига келтириб ишонаверади! Хаёлпараст...

- Менимча, Олим акани сиз бекор қийнайсиз! - деди журъатланиб Ҳамида. У, ўйнаётган узугини кўлига тақди, яна ечди, яна тақди. - Аёллар жарда, сув бўйида ўтирмайди ёки дераза олдида турмайди, дейиш ўринсиз, албатта! Олим ака бошқа аёлларни биз деб ўйлаган бўлишлари ҳам мумкин... Эрақ киши баъзан фарқи бормайди!

- Мен эримни ҳарҳолда, бирга яшаб, сиздан кўпроқ билсам керак?!

- Бирга яшаб, билмаган қанча! - деди Ҳамида. - Лекин Олим ака ҳаммани таништиради. Нима бўлгани-ю, нима бўлаётганини тушунтиради. Мен қарши эмасман...

Олим чуқур ўйга толди.

Таржиман ҳолингни ҳар жойда ҳикоя (ҳаммага бозор) қилишдан аҳмоқ нарса йўқ! У Ҳуррият, Зебодан тортиб, бу ердаги аёллардан ҳар бири билан муносабатини очиб ташлаши керакми?! Шундан кўриб (булар тўпланишганида) нафаси ичига чўккан эди-да! Хўп, рости ёлгон аралаш, аллаболаларни гапирди ҳам, дейлик. Аёллар (кейин) уни ўғирда туйишадими, қиймалашадими?! - айтиш қийин! Булар билан бас келиб бўладими?! Битта-биттадан учратганда (кўпинча) қаёқдан яқинлашиб қолганинга ақлинг етмайди-ю...

Олимни ғам босган эди.

Эй сенлардан ўргилдим, сенларни мен уйимга йиғибманми?! Ўзларинг тўпланисан, ўзларинг танишиб, гаплашавермайсанми?! - деб ўйлаб, у

қандайдир жавоб қилишга чоғланиб, -

бошини қашиётган эди,

шу сонияда (ишнинг ҳали чала жойи бор экан!) хонага Ором Тожи акани бошлаб кирди.

19

Янги меҳмонларни кўриб (аввалига) Олим: "Ҳайрият! Аёллар тергашидан қутуладиган бўлдим!" - деган хаёлга борди. Аммо адашган экан. Бунга, кўп ўтмай, қаноат ҳосил қилди...

- Бу киши сизларни қидираётган эканлар, - деди Ором даврадагаларга бирма-бир кўз ташлаб. - Мен одам келганини пайқаманман! Биз ҳалал бермадикми?!

- Қани, марҳамат. Бемаюл! - уй бекаларидек, мулозаат кўрсатди Зебо.

- Мен ишдан қайтаётиб, кўнглим тинчимайди! - Тожи ака Малоҳат билан Назирага имо қилди. - Булар, хўп, дейишиб, қораларини кўрсатмай ҳам кетаверади... Ҳамма ёқда аҳвол шу! Мана, менинг уйимда бир ҳафтадан буён жўмрак оқиб ётибди. Тузатамиз, дейди. Хўп, дейди. Лекин бажармайди! - Тожи ака Олимга юзланди. - Келин ким?!

Олим беихтиёр Ҳурриятга қаради.

- Тузалиб қолдингизми, қизим?!

- Менинг нима тузалиши керак?! - яна хафа бўлди

Ҳуррият.

- Мана, бу қизларим, мен... шунча тосу кўза! Шайтонлаб қолган экансиз...

- Ўзларинг шайтон! Қап-қатта одам оғзига қарамаса...

- энди асабийлашди Ҳуррият.

- Касал мен эдим, амаки! Юрагим оғриб қолди, - Тожи акага тушунтирди Зебо.

Тожи ака Олимни кўзи билан сузди.

- Сен, бола, мени алдабсан-да?! Хотиним, деган эдинг. Ёлгон экан! Бошқа экан! Меҳмонларимдан биттаси, десанг ўлармидинг?!

- У пайтда уйда ҳеч ким йўқ эди! - Олим бунни айтишга айтиб, кейин оғзидан гуллагани, тилидан тутилганини сизди. Даврадаги Аёлларнинг барчаси безовталанган, айниқса, Ҳурриятнинг ранги ўчган эди.

- Демак, зарур ишим бор, деб, мени алдаб, боғда бу хоним билан ишрат қилаётган эканлар-да! - тешиб юборгудек Олимга ўқрайди хотини.

- Демак, эгрилик! Нопоклик! - Ҳурриятнинг гапини илиб кетди Тожи ака. - Милтигим ёнимда бўлса, иккинчи ҳам итдек отиб ташлардим!

- Сал пастроқ тушинг, амаки! Ҳукм чиқаришга шошадиган одам экансиз! - Тожи аканинг дамини қайтарди Зебо. - Сиз, масалан, мени ёки Олим акани қаёқдан биласиз?! Инсонга баҳо бериш осон...

То ҳозир индамай ўтирган Ором ҳамон гапга аралашмагани дуруст эди! У ўтга мой сепгандек бўлди:

- Мен Олимвойни мўмин-қобил, деб юрак эдим. Билмас эканман! Ўзимизга ўхшар эканлар! Қарчиғай, дейдими?! Қандингни ур, йиғит! Қойил...

Бундан норозиланган Аёллар баттар тутаққанча, ини бузилган қушлардек чуғурлашиб, шовкин кўтара бошлашди. Олим ғишт қолипдан кўчганини ҳис этди.

- Бу эгрилик ҳам, нопоклик ҳам эмас! - деди у, ҳеч кимга аҳамият бермай, ўйчан. - Мен кўп нарсани айтолмайман. Ҳаққим йўқ! Лекин мумкин бўлганини айтаман... Мен бугун Зебонинг кўлини сўрамоқчи эдим! Уни ўз никоҳимга олмақчи эдим...

Бирдан жимлик чўқди. Кейин:

- Никоҳ?! - ҳаяжонланди Тожи ака. - Бу бошқа гап! Ҳамма рози бўлса, мен ўқиб қўйишим мумкин! Дастурхон тайёр экан. Бир пиёла сув билан...

- Мен-чи?! Мен нима қиламан?! Мен рози эмасман...

- мунгайиб ингранди Ҳуррият. - Устимга хотин олгани кўймайман! Олдин менга уч талоқ, демасизми?! Ариза ёзмайсизми?! Ажралмайсизми?!

- Мен сендан ажралмайман. Иккита фарзандим бор! - деб гулранди Олим. - Лекин Зебога ҳам уйланмоқчиман! Ҳар ерда кучоқлаб юргандан... Агар кўнса, албатта!

- Бир мен, кам эканманми?! Нега ундай қилиясиз?! Нега яна уйланасиз?!

- Икки хотинли бўлмоқчи окам! - Ҳурриятга тушунтирди Ором. - Опажонимни яхши кўриб қолганга ўхшайдилар!

- Мен Зебони ёқтираман. Зебо ҳам... - "айб"ини бўйинга олди Олим.

- Аслида, никоҳ-пикоҳ шарт эмас! Шундай, юриш керак. Бежанжал! - гапни давом эттирди Ором. - Мана, мен саккизтаси билан юраман! Боққа кириб, кўзимга кўринган, кўлимга илинган мевани еб кетавераман...

- Милтигим ёнимда бўлса, итдек отиб ташлардим! - бўғилиб, нотинчланди Тожи ака.

- Менимча, биров билан кўчада бундай юргандан, никоҳдан ўтган маъқул! - деди Ҳамида. У ўйлаб, узугини тақди, яна ечди. - Муҳаббатга чора йўқ! Ҳисоблашмай бўлмайди!

- Сиз мени яхши кўрмаганмидингиз?! Кўчаларда пойламаганмидингиз?! - Олимни нақ исқанжага олди Ҳуррият. - Мен-чи?! "Ёр ўтган кўчаларни супурай сочим билан!" Сизга бевафолик қилдимми?! Бирон пайт аинидимми?! Хурматни буздимми?! Совиган овқатни олдингизга келтириб қўйдимми?!

- Ҳаммаси тўғри! - деди Олим эзилиб. - Мен сендан розиман! Лекин бу даврада... мен фақат Бахтигулни унча танимадим! Назира, биз билан Бахтигул ўқиганми?!

Назира ажабланиб, Бахтигулга разм солди.

- Сиз қайси мактабни битиргансиз?!

- Мен битирмадим. Тўртинчидан еттинчи... - эринибми, нохушлиибми, деди Бахтигул. - Қўшутгудга мактаб!

- Биз Кўштеракда ўқиганмиз! - чўрт кесди Назира.
- Бўлмас... Мен сизни таниб турибман-ку! Кўрганман,
Олимжон! Ўртоқлар ҳам айтишди. Қизиқ! Бошқа жойда
кўрган эканманми?!

- Мен унисини билмадим, - тўнғиллади Олим.
- Бу давра бегона бўлса... Мен юрагим зангини
тўқмоқчи эдим!

- Мен тушунмаяпман. Бу гапларнинг муҳаббатга нима
дахли бор! - кизиксинди Зебо.

- Бу даврада мен, Бахтигулдан ташқари, ҳаммани...
олдин Назирани яхши кўрганман! Кейин, Ҳамидани! Кейин,
хотин, сени яхши кўрдим! Мана, энди, Зебо, сиз... Қирк
йиллик умримда ҳеч кимни Зебочалик севмаганман, деб
ўйлаётган эдим! Ҳозир қарасам, ундай эмас экан. Мен ҳар
бирингизни юрак-бағрим ёниб, девона бўлиб севган эканман!
Сабаб нима?! - билмайман! - йиллар бўйи муҳаббат эҳтиёжи
дегандек ҳолат... кимгадир талпиниб, кимнидир кўмсаб
яшадим! Малоҳатни ҳаммадан кўп ёқтириб, уни йўқотиб
кўйганим учун шундай бўлганмикан?!

- Эски гўрларни нега қавлайсиз, Олим акажон?!
Ўзингизни ҳам, мени ҳам ўртаб... - деди титроқ товушда,
қизариб, кўзлари ёшланиб Малоҳат. - Эй Худойим!
Айриликдан бошқа ҳам жазонинг бормиди?!

- Суд! Ўртоқлик суди! Мен талаб қиламан... Эримнинг
ахлоқи! Сизлар сезмаяпсизларми?! У расво экан! Шарманда
экан! Шунча аёл билан уялмай... ўзи бўйнига олиб ўтирибди!

- Мен судга қаршиман! Менга шунақа, хотинларга
очигини шартта-шартта айтадиган йигитлар ёқади, - деди Ором.
- Ойиси этагидан тутган боладек юрадиганларни пуштим
кўтармайди! Қайсидир китобда ўқидим. Бир одам чўри кизга:
"Бугун озгина нўш қилсақмикан?!" деб ялтоқланади! Хотинини
Опа дейдиганлар майли, биттаси Хотин-ака, деган экан.
Эркачкилик қаёқда қолди?!

- Никоҳ нима бўлди?! Энди ўқимаймизми?! - афтидан,
зерикиб сўради Тожи ака.

- Никоҳ яхши, - деди Ҳамида узугини ўйнаётди.
- Лекин кўп нарса эркакка боғлиқ. Сиз буни тўғри айтдингиз!
- Оромга юзланди у. - Менимча, эркакни муҳаббати учун
эмас, муҳаббати бўлмаса, суд қилиш керак! Мана, бизнинг
эрларимиз. Дугонамникига кетдим, деб икки кеча уйга келма,
ўзи нима гап, қаерда эдинг, демайди. Бунақада эрингдан
топмаган ҳароратни бошқа ёқдан қидирасан-да!

- Биз ҳаммамиз битта эрга тегиб, чўри бўлишимиз
керак эканми?! - яна асабийлашти Хуррият. - Шусиз ҳам,
минг йил чўридан баттар... Эшитган бўлсанглар, икки чўри,
эгалари уйда бугдой ўтказишаётган экан. Олижаноб бир
инсон уларни, келиб, озод қилибди. Лекин улар: "Ижозат
беринг, шу ишимизни тутатиб, кейин кетайлик!" дейишади.
Ана, бизнинг қонимиз! Биров озод қилгани билан, бўйнида
арқон...

- Кўйсангиз-чи! Сиз ҳаққини кеткизмайдиган хотин
экансиз... Мен хотинлардан нафратланаман! - деди Ором. -
Дунёда гоҳ бекитиқча, гоҳ очиқ ишлайдиган Аёл Жамиятлари
бор. Улар кейинги замонларга бориб, бутун ҳукмронликни
қўлга киритмоқчи! Ҳаёт ўшанда озода, тинч, тартибли
бўлармиш... Каттиқ курашиб ётишибди! Лекин ўзларига
қийин. Чунки унда эркак зоти қурийди... Мана, бизнинг
идорада бир йили учта бошлиқ ҳам хотин бўлиб қолди.
Ҳиринглаб, жикиллаб, кўрсангиз, ҳаммаёқ бозор!

- Сиз ҳам ошириб юбордингиз! - Оромга деди Зебо. -
Аёлдан ўч олиш, билмадим... муносибми?! Нафратдан нафрат
келади. Муҳаббатсиз яшаёлмайсан! Севиш керак! Дунёнинг
асоси шу...

- Уйда дуторларинг йўқми?! - Олимга юзланди Тожи
ака жонланиб. - Чалардим. "Муножот".

Олим бошини чайқади.

- Оғизда чаладиган чанг... Чанговуз бор! - деди Бахтигул
шошиб, тиззасидаги халтани титкилаганча.

- Чанг бўлмайди! - деди Тожи ака. - Сен, бола, бугун
мени бурдаладинг. Ич-ташим ағдарилди... Мен ёш, содда эдим.
Оғир кунларни кўрдим. Қиёматни! Одам ўлдириш чумчук
сўйгандек... Бир куни қарасам, қизим. Нима бўлганини ўзим
ҳам билмайман... Кейин, кўп аёлни учратдим. Бировни қирк
йил, эллик йил кутадиган қавм экан! Ўзбек шу... Баҳарназ,
тепада Худо, биз барчамиз пастда эканмиз! - Тожи ака
Бахтигулга тикилди. - Мен сизни танир эканман... Ўз-ўзимдан
гоҳ-гоҳ тоқатсизланиб, судга бораман. Сизни анча йил бурун
кесишган эди!

- Эрим аҳмоқ... Мен тухматга қолдим. Айбим йўқ! -
бўйни, елкаларини қисди Бахтигул. - Мен ҳаммасини айтиб
бермоқчи эдим...

Аммо у ўзи ҳақда ҳикоя қилишга улгурмади.
Эшикни елкаси билан туртиб очиб,
қўлида каттакон тоғора, -
Эргаш кириб келди.

* * *

- Эргаш... Ўзингми?! - деб пичирлади Олим беихтиёр.
- Ўзим! Биринчи нусха! - деди одати бўйича Эргаш.
У тоғорани бўш тўмба устига қўйиб, даврадагилар билан
сўрашди. Кейин: - Уйда меҳмон борлигини айтсанг, ошни
шу ерда қилардим! - деди Олимга. - Сени кутдим... кутдим...
кутдим!.. Ахийри, сен оч ўтиргандирсан деб қозонни ағдариб
келавардим... Лагани ол, ош совимасин.

Олим иккита сопол лаган келтирди.

Эргаш ошни сузгач, даврага қўшилди.

- Қани, олинглар!

- Биз ош емаймиз! - деди ўзича ҳамманинг номидан
Хуррият. - Бу ерда суд... Суд бўлиши керак!

- Суд?!

- Унчалик эмас! Никоҳ муҳокамаси! - гапга аралашди
Ҳамида.

- Никоҳ?! - бақрайди Эргаш.

- Олим акам менинг устимга хотин олмақчи! -
тушунтирди Хуррият.

- Нечта?!

- Мана, бу жувонни. Яхши кўриб қолганмишлар!

- Биттами?! Иккита ёки учта бўлса, бошқа гап эди!

- Сиз ҳам уччига чиққан, фирт хотинбоз экансиз!

Афтингиздан кўриб турибман!

- Кечирасиз... Ҳамма Мажнун, Фарҳод, Тоҳир
бўлмайди! - деди Эргаш. - Улар шунинг учун, бу дунёга
сиғмай, ёш кетган! Мен эрсиз аёлларга, айниқса қари қизларга
ачинаман! Сон мингта... Ҳаёт шундай бир газлама эканки,
ўйлаб кесиш, баъзан тартибга солишни ҳам ўйлаш керак!
Ҳар ким ўз тирикчилиги билан овора. Мен бу ерда ҳеч
кимни яхши танимайман. Балки, кўргандирман, балки,
кўрмаган... Фақат Олим менинг оғайним. У иккитага
уйланадими, учтагами, менга барибир! Бировга номардлик,
зулм қилмаса, бас! Лекин менинг йўригим бошқа. Хотинбоз
эмасман. Эркажон билан болалар боғчасида танишганман.
Кейин, ўн беш йил ўқидик. Уни ёнимдан кеткизганим йўқ,
У ҳам кетгани йўқ! Бу энди қисмат... Хўп, касалхонада ҳам,
қамоқхонада ҳам киши овқатга қарайди. Олинглар! Ош
қолмасин. Менга жавоб. Кўчада ош қилган куним, уйга бориб,
Эркажон учун ҳам ош қиламан!

- Иккинчи марта оғирлик қилмайдими?!
Бузилмайдими?! - деб кизиксинди Малоҳат.

- Йўқ, ширин бўлади. Қўлим ширин, - қулди Эргаш.

У тоғорани кўтариб, хонадан чиқиб кетди.

20

- Ўлдирса, ош ўлдирсин! Олинглар! Емаслик уят
бўлади, - деди Тожи ака.

Барча шуни кутаётгандек, ошга қўл чўзди.

Ош ширин эди.

Хуррият ҳам шахдидан қайтиб, катта-катта ола
бошлади.

Кейин...

Хуррият дастурхон устини йиғиштирди.

Ўзи чой дамлаб келди.

- Сизларга раҳмат! Мен энди кетай, - сал нотинчланиб,
ўрнидан турди Бахтигул.

- Мен ҳам кетишим керак! - сапчиди Ором.

Улар изма-из хонани тарк этишди.

Қолганлар бир муддат - индамай, чой хўплаб ўтиришди.

Нихоят:

- Узугим... - деб шивирлади Ҳамида.

- Фалокат! - деди Тожи ака боя Бахтигул ўтирган
курсига имо қилиб.

- У қўшнингиз уйда ўтирган бўлиши мумкин! - деди
Зебо Олимга.

- Эҳтимол! - деди Оромнинг феъли тўғрисида ўйлаб, Олим.



- Карайлик! - таклиф қилди Назира.
Гув этиб кўзголиб, кўчага чикишди.

21

Оромнинг боғ-қовлиси эшиги ланг очик эди.
Олим барибир, эшикни уч-тўрт қокди.
Ичкаридан сас эшитилмади.
Тожи ака ҳовлиқиб илдам босди.
Кейин бошқаларни имлади...
Хона тўрида Ором -
боши қип-қизил қонга беланган,
оёқ-қўллари каравотга боғланган ҳолда ётар эди.
Хонада ҳамма нарса сочилган, тўзиган.

Малоҳат билан Назира Оромни арқондан бўшатиб,
аҳволини текширишди.

- Бошига қаттиқ бир нарса билан урибди! Икки
соатларда ўзига келади, - деди Малоҳат.

- Ё алҳазар! Ё алҳазар! - деб ёқасини ушлади Тожи
ака.

- Сизнинг узугингиз нима, бутун уйни супуриб кетибди!
- деди Ҳамидага Зебо.

- Миршаб чақириниш керак! - деди Хуррият. У эрига
қаради. - Ана, ахлоқсизлик оқибати!

- Ё алҳазар! Ё алҳазар! - деб қўйди яна Тожи ака.
Бирдан сергакланиб, Олимга кўз ташлади. - У ҳали шу атрофда
юрибди! Ўзимиз! - Энди аёлларга юзланди. - Сизлар уйда
бизни кутиб ўтиринглар! Қолган гапни кейин гаплашамиз...

32

Бундан жила бурун
сўқмоқ сўнгидаги ойнаванд узун бино олдида
тўпланишганча, нутқ ирод қилиб, ҳар хил ёзувли-тахталарни
кўтариб олган Эркаклар тарқалашган;

магазин эшигида биронта одам кўринмас эди.

(Алоқа бўлими ишламайди. Эшикка қулф солинган!)

- У сув бўйида ёки дераза олдида бўлиши керак! -
деди шу ерга етиб келганларида, Тожи ака. - Сен, бола,
жарга туш! Мен идорани текшираман. Милтигимни оламан...
Иш қандай кетишига қараб, бир-биримиз билан
хабарлашамиз!

Олим индамай бош силкиб, сўқмоқдан -

қайроқ-тош ётқизилган ҳалқа-йўл томон жиғди.

x x
x

Унга бир ўй эрталабдан буён (гоҳ яқинлашиб, гоҳ
узоклашиб) осойишталик бермаётган эди.

Шундай нақл бор. Эмишки, бировнинг руҳи (жони)
замонлар ўтиб, бошқа бир вужудда пайдо бўлармиш. Тарих
саҳифаларида баъзан воқеалар такрорланиб туриши шундан
эмиш!

Бу тушунчага Олимнинг иштибоҳи бор эди. Лекин...

Масалан:

Амир Насрулло! -

Муҳаммад Раҳимхон, Дониёлбий оталик, Шоҳмурод,
Ҳайдарлардан кейин, Музаффар, Аҳадхон, Олимхонлардан
олдин

Бухоро тахтига ўтирган манғит амири...

Бу одамдан бирон сурат (аниқ тасвир) қолганми?! -

Олимга қоронғи эди. (Насруллонинг ҳатто туғилган йили ҳам
номаълум, деб эшитган эди. Бир ярим асрга яқин давр ичида
шафқатсиз, шухратпараст бу амир ҳаётига тегишли кўп гаплар
унутилганига Олим таажжубланар эди!)

Қизиқ жойи:

Амир Насрулло киёфаси Олимнинг кўзлари ўнгида
(ўзи тасаввур қилиши кийин бўлган ҳолда!) кўпинча аниқ-
тиник жонлар эди. Гавдали, чорпақил, бодомқобок, қошлари
хурпайган, кўзлари қатта-қатта, соқоли тўс қора (гўёки қора
бўлганига шубҳа йўқ)...

Яна қизиқ жойи (бошқа томондан келайлик):

Олим шаҳарда, кўча-кўйда, гоҳ-гоҳ кўриб юрган
пайтидаёқ -

Тожи ака унга кимнидир эслатгандек бўлиб туюлар
эди. (Кимни?!)

Бугун ҳам қайта-қайта Тожи акани учратиб (даврада
ўз тилидан ҳаёти тўғрисидаги ҳикояни тинглаб), шундай
таассурот Олимни тарқ этмади. Мана, ниҳоят бирга улар
изқуварликка чиқиб...

У энди жарликка тушишга шошмай,
қайроқ-тош ётқизилган ҳалқа-йўлда (тегирмон,
деймизми?!), гир айланиб, -

шу саволга жавоб изламоқда эди.

Бехосдан...

"Ахир, Амир Насрулло-ку!" -

Унинг назариди, Тожи ака (афт-ангори, сохт-сумбати
билан) Амир Насруллони эслатаётган эди.

Фақат бу эмас! Куйиб-қўйган Амир Насруллонинг
ўзгинаси эди!

Нега?! Нима учун, ахир?!

Олим ҳамон ҳалқа-йўлда чарх урганича, -

шу ҳақда ўйлай бошлади.

Амир Насрулло ҳаёти тўғрисида -

у жуда кам нарса билар эди!

Насруллонинг ёшлик йиллари давридаги

Бухорога бағишлаб, Машхур бир Муаррих

шундай деб ёзган эди:

"Бухоро ҳусни-таровати оврўпаликларни ҳайратга
солади. Зангор гўмбазлар, масжидлар, юксак мадраса айвонлари,
миноралар, шаҳар ичида шаҳар бўлган, қунғирли деворлар билан

ўралган саройлар, уйлар, дарахтзорлар орасида беркинган
ҳовузлар, баланд деворли ажойиб чорбоғлар, кейин, далалар,
яна боғлар, дарахтзорлар ва ҳар қандай чинакам пойтахтга
хос гавжумлик, кўч-сурон. Буларнинг бари кишига завқ-шафқ
беради".

Ўша Муаррих бундай деб ҳам ёзган эди:

"Бу ерда тор, ифлос, баланд-паст, қинғир-қийшиқ
кўчалару ранги ўчган, тўзиб-тўқилган лойшувоқ деворли гариб
уйлар ҳам кўп учрайди... Баъзан баданига зулук қўйдирган ярим
яланғоч кишиларни кўрасан. Халқ безгак, ришадан
азобланади..."

Сирасини айтганда, бу тафсилотларни Олим шунчаки
эслар эди. Булар уни қизиқтирмасди.

Бошқа бир Машхур Муаррих

амирлик тахтига минган Насрулло ҳаётини

шарҳлаган эди:

"Ўз ҳукмронлиги даврида тарқоқлик-бўлинишларга
барҳам бериш учун Шаҳрисабз беклиги, Қўқон, Хива хонликлари
билан урушлар олиб борди. Атроф-вилоятларнинг барчасини
бирлаштиришга уринди. Бўйсунмаган шаҳар-қишлоқлар
аҳолисини аёвсиз қарди..."

Биринчи Машхур Муаррихми, иккинчиси, шу борада
яна ҳикоя қилган эди:

"Амир Насрулло 40 йилда 42 мартаба Қўқонни забт
этиди. Ҳаммаёқни вайронага, мазористонга айлантирди. Халқни
талади, эзди, янчи..."

Насрулло амирлигининг ўзи 40 йилга бормаган. Демак,
бу баҳо қалат! - бир оз муболага борга ўхшайди. "42" рақами
ҳам... (Олим: "Бу амир Қўқонни забт этишдан бошқа иш
қилмаган экан-да!" деб ўйлар эди.)

Аммо учинчи Машхур Муаррих

Амир Насруллонинг Қўқонга сўнги сафарини

батафсил қаламга олган эди.

(Олимни ҳозир қизиқтираётган шу эди):

"Тарихий жазолардан хотин-қизларгагина хос бир тури
бордирки, буни "гису бурида" (бизга форслардан ўтган бўлса
керак!) - "сочи қирқилган" деб атайдилар. Яъни, жазоланган
хотиннинг сочи (устарада олингандай) тап-тақир қирқилади.
Бу - ҳақоратланган, шармисор қилинган хотин (агар ўлмаса)
бир умр "гису бурида" бўлиб номлашиб қолади... Мен бу шаклдаги
жазо фақат Шарққазина хосмикан, деб юрардим. Фарба ҳам
бор экан".

Муаррих "Фарба" деганда инглиз кироличаси
томонидан (бир замонлар) итоатсизлиги учун шундай жазога
мустаҳқил қилинган шотланд кироличаси Мария Стюарт
(Шиллер асари қаҳрамони)ни кўзда тутганми ёки бошқа
бировинми?! - албатта, Олим беҳабар эди. Муаррихнинг эса,
ёзганидан кўпроқ воқеани билиши кўришиб турарди. У сўзни
бундай давом эттирган эди:

"Бухоро амири - Амир Насрулло Қўқонни тор-мор қилди.

Девонаи Ҳақгўй билан Қашқарга қочиб кетайтган Муҳаммад
Алихонни туттириб келиб, сўйдирди. Муҳаммад Али
(Маъдали)нинг саройида бўлган тирик жонларнинг барини қилч
дамидан ўтказди. Энг охири хоннинг 14 ёшли ўғли Муҳаммад
Аминни ҳам олиб чиқдилар. Амир уни ҳам сўйишга буюрди.
Жаллод Муҳаммад Аминни, қўлларидан кишандай бўғиб-ушлаб,
зеркунда ёнига етақлади... Шунда Афғонбоғ саройи эшигидан
ялангоёқ, паршион-соч, мўйсафид бир кампир додлаб чиқди:

- Хой амир, - деди, - сенинг ўчинг Муҳаммад Алида
бўлса, ана, қурбонинг, оёгинг остида ётибди. Бу норасиданинг
нима гуноҳи бор, қўй, яшасин!

Амир Насрулло жаллодларга иккинчи фармони берди:

- Бу, гису бурида, набираси билан баравар, секин-секин

ўлдирилсин!

Бу момо... Нодирахоним эди!"

Муаррих зукко эканлиги, гапнинг кифтини
келтирганига қарамай, унинг ҳикоясида ҳам -

энди

баъзи ноаниқликлар, хатолар кўзга таъланарди.

Энг аввало...

"саройида бўлган тирик жонларнинг барини" деган жумла

билан кейинги тасвир орасида зиддият бор!

Буниси майли.

Нодира йигирма йилга яқин (Умархон вафот этгач!) -

ўғли Муҳаммад Алига суянди. У амир қаршисида ўғли

билан неварасини "тарозига солиши" мумкин эмасди!
Қолаверса, 14 ёшли (агар 14 легани рост бўлса) йигитни
ўша замонда (зодагон, кибор даврада) ҳеч ким (айниқса,

Нодира) "норасида" демас эди. Бу - ҳақоратдек туюлар эди!

Умуман...

Нодира (малика) сарой эшигидан "ялангоёғ, паришон-соч", "додлаб" чиқишига ҳам Олим ишонмас эди!

Ҳаммадан ҳам...

"момо", "мўйсафид бир кампир" (сал кейин "тонготардай оппоқ сочлари") - булар

Нодиранинг асл ҚИЁФАСИдан узоқ эди!

Бир оз ҳорғинлик - чарчаш сезиларди. Лекин...

Ушанда Нодира 50 ёшдаги сочларига оқ оралай бошлаган, хушқомат, кўхли, ҳали конида ХАЁТ РУҲИ сўнмаган жувон эди.

Умархон ўлганидан сўнг йиллар ўтса-да, унинг юрагида ҳамон муҳаббат ўти ҳам АСРАНГАН эди!

(Улар бир-бирини севгани эса маълум! Айни ҳақиқат эди. Нодиранинг ғазалларидан ташқари, бу ҳақдаги ривоятлар... Масалан, бир кун орада ғашлик тугилиб, Умархон: "Сенга ниманки қимматбахо туюлса, олгин-да, Андижонга жўна!" - деган экан. Нодира, "Майли, кетаман. Аммо сиз мени вақтида иззат-икром билан олиб келганиз, ўзингиз фойтунда кузатиб қўясиз!" - дейди. Умархон шартни бажаради. Андижон йўлига чиққанларида, у: "Хўп, энди сенга қимматбахо нимани бераман?!" - деб сўрайди. "Мен уни аллақачон ўзим билан бирга олганман!" - дейди Нодира қулиб, Умархоннинг юзига тикилганича.)

(Рафиқо, менга бир дам дўстлиг расмини изҳор эт. Ки, мен бордим ўзимдан, ёр агар келса, хабардор эт.

Қачон ишиқ аҳлини ўлдирмогани ихтиёр этсанг, Жафо тиги била аввал - менинг бағримни афгор эт.

Ҳақорат бирла, эй соқий, боқар майхона аҳлига, Суниб бир жами май, зоҳидни анда нақши девор эт.

Менинг ҳолимга йнглар - дашту саҳроларда ваҳшийлар, Агар кўйишга борсанг, эй сабо, ёримга изҳор эт.

Қадинг раъно, ниҳоли сарвдур, жоно, хиром айлаб, Чаман гулгаишида товус-қа таълими рафтор эт.

Юмулса кўзларим, эй моҳи тобон, иштиёқингдин, - Чиқиб ер остидин, муштоқларга арзи дийдор эт.

Зулайҳо муштаридур, ганжу гавҳар бирла васлингга, Жаҳон аҳлини Юсуфдек - жамалингга харидор эт.

Гули савсан очилди, бенаволиқ қилма, эй булбул, Чаманда Нодира ашғори бирла нола-у, зор эт.)

Муаррих ҳикояни давом эттириб. -

қатл қилинаётганлар тўғрисида, жазави билан:

"бирининг бир қўлогини кесдилар, сўнг бошқасининг.

Бирининг сочини қирқдилар, бошқасининг бир қўлини уздилар..."

- деган сўзларни келтирган эди. Кейин:

"Момо билан набира энг сўнги нафасларигача бир-бирларига маҳзун-маҳзун термулиб, шеър ўқишдан тийилмадилар..."

Бу энди - мусиқали драма, деймизми! Ўша кун - қиёмат қойим бўлган; шеърни ўйлайдиган ҳолат эмасди!

Олимнинг билгани, тасаввур қилгани бўйича, аслида, воқеа бу тахлит кечган эди:

кўп САЛТАНАТ ЭҒАЛАРИга хос аёвсиз хўйда Амир Насрулло -

БАРЧАни саройдан бир йўла, тўп қилиб, ҳайдаб чиқартирган эди. У Муҳаммад Алихон билан бирга, Нодиранинг иккинчи ўғли Султон Маҳмудхонни ҳам, Нодира билан бирга, келини, Муҳаммад Аминнинг волидаси Норбибини ҳам юз-кўзларига қарамай, қаторасига сўйдирган эди. (Саройдан олиб чиқилган 4 та Аёлни деворга жойлаб, шуваб ташлаган, деган фикр ҳам юрди. Булар ким?! - аниқ айтиш қийин.) Алқисса, Амир Насрулло эркак-аёл, қатта-кичик демай, қимларни жаллод қўлига топширган, қимларни деворга бостирган, қимларни қул, чўри қилиб, кейин ўлдиртириб юборган...

Муаррих яна ёзган эди:

"Амир Насрулло бу бечора зулмдийдаларни бир

ҳафтагача қўмишга ижозат бермади... Қўқон халқи етти кунгача узилмас ҳалқадай, Нодирахоннинг гавдаси устида мотам тутди..."

Бир ҳафта, етти кунми?! - маълум муддат жасаллар саргардон бўлгани, Қўқон халқи мотам тутгани рост! Шунинг баробарида...

халқ - соқов тўда (оломон).

У - худбин. Ожиз.

У - журъатсиз.

Ахир, Амир Насруллога -

(Қўрқоқ олдин мушт кўтаради, дейдилар. Кўпинча, кейин кўтаради! Баъзан кейин ҳам...) -

одамлар юрак олдиришган эканми, эски-янги китобларда "У динни маҳкам тутарди. Юртни мустаҳкамлаш, халқ бошини қовуштиришни ўйлаган эди!" - қабилидаги "бахо"лар учрайди. Ҳатто, уни маърифатпарвар қилиб... Эмишки, Нодира ғазалларини ёд билармиш. Шеър ва ҳаёт бобида баҳс олиб борганимиш...

Олим учун:

Амир Насрулло - жохил бир киши, АЁЛГА ШОИР (ШОИРА)га зулм ўтказган (топтаган) - САЛТАНАТ ЭҒАСИ эди!

Яна Олим учун:

Амир Насрулло, Аёл баданига тиг тегмаслиги керак, деган ақидани бузган киши эди!

Яна:

Амир Насрулло МУҲАББАТга қўл кўтарган эди!

Олим Амир Насруллодан нафратланарди.

Ўша АҚИДАни бузгани-ю, МУҲАББАТга қўл кўтарганидан, Тожи ака -

Олимга Амир Насруллони

эслатган бўлиши мумкин...

Олим қайроқ-тош ётқизилган ҳалқа-йўлда айланаётиб, тўхтади.

"Шунча фатху нусрат, шунча дабдаба билан ўз юртига қайтган Амир Насруллони оз фурсат ўтмай, Кенагасбегим қўлогига симоб қўшиб ўлдирди!"

Учинчи машҳур Муаррих ёзган ҳикоя шундай якунланган эди.

23

Олим кўприк устида турганини сезди.

Бу ёққа нега келганини эслаб, пастга қаради.

Жар тубида, сув бўйида Бахтигўл йўқ эди.

"Дарахтлар панасида беркиниб ўтирганмикин?!" - шуни ўйлаб, Олим бу гал жарликка югуриб-сакраб тушди.

Сув ёқалаб бора бошлади.

Боғ-ҳовлида, хонада боя тўпланган давра унинг кўз ўнгида суратга айланган-қотган эди.

(Эҳтимолки,

ҳеч ким, ҳеч қачон,

ҳеч қаерда -

бундай ҳолатга дуч келмаган!

Бу не сир-синоат?! Тушми, ўнги?!)

Олим ҳамон (аввалдан бўлганидек) ҳеч нарсага тушунмаётган эди:

1. Эрталабдан жарда, сув бўйида, кейин бинода, дераза олдида кўринган - Оддий Аёллармиди?! Парилар ёки Алвастиларми?!

2. Кундузи хонада (даврада) тўпланганлар-чи?! Парилар ёки Алвастиларми?! Оддий Аёлларми?!

3. Олимнинг учратгани Парилар ёки Алвастилар бўлишса, бу орада Тожи ака, Ором нима қилиб юришибди?! Эргаш?! Оддий Аёллар бўлишса (ким ўр-да, ким қирда), шундай фавқулодда (аниқ кун, аниқ соатда) йиғилишлари мумкинми?! Бунга ақл бовар қиладими?!
Ва яна, энг қизиқ жойи...

4. Улар Парилар ёки Алвастилар бўлишса, Бахтигўлни (Бахтигўл ҳам деёлмайсан!) қидиришдан маъно қани?! Оддий Аёллар бўлишса, нега Бахтигўлни бу жарликдан-у, кемани эслатган юксак бинодан қидириш керак?!

Шу аснода...

Олим (умрида нечанчи бора!) яна:

"Оддий Аёллар билан Парилар ёки Алвастилар - бир қавмдан эмасмикан?! Биз, Эркаклар билмаймиз!" - деб ўйлаб,

АЁЛШАРнинг Бошқа Бир Олам эканлигини хис этмоқда эди!

*(Сени топмоқ босе мушкулдур-у,
топмаслиг осонким, -
Эрур пайдолигинг пинҳон,
вале, пинҳонлигинг пайдо...)*

Сув ёқалаб бораётиб,

энди Олим

ишончсизлики, журъатсизлики сеза бошлади.

Хозир, биринчи навбатда, Зебонинг Оромга айтган гапи унинг ёдига тушди:

“Аёлдан ўч олиш, билмадим... муносибми?!”

Хўп! Бу ерда (айни фурсатда) бировдан биров ўч олишни хаёлига ҳам келтираётгани йўқ. Шароит бошқа! Айниқса, Олимнинг Бахтигулга нисбатан нима адовати бор?! (Афтидан, Тожи ака ҳам бу аёлга ҳеч қандай адоват билан қарамайди!) Бунинг устига, аёл (Бахтигул) жиноятчи. Хавфли жиноятчи! Уни ўз эркига қўйиб юборолмайсан!

Шундан кейин, Олимнинг хаёлидан кечди:

Хуррият (боя) ақли гап қилди. Миршаб чакириш керак эди! Албатта, Бахтигулга (минг тиш-тирноқли бўлмасин!) юзлашишдан Олим кўркмайди. Лекин аёл кишининг бўйнига гуноҳини қандай қўясан-у, қандай тутиб, уни уйга (жиноят рўй берган жойга) қайтиб олиб борасан?! Осон эканми?! (Жиноятчи эркак бўлгани дуруст эди. Уриб-тепиб ҳам, ҳайдаб кетаверардинг!)

Олимни Хуррият қанчалик Афандига чиқармасин! - унинг назарида, бу кун Дунёлар юзидан Никоб кўтарилгани аниқ эди!

Олим шу боисдан, ишончсизлики, журъатсизлики сезаётган эди!

Бирон ерда Бахтигулнинг қораси кўзга ташланмасди. Афрофга разм солиб, Олимни бутун эрталабқидек (яна) Хотин-кўприкнинг бу ёққа “кўчириб” келтирилгани ажаблантирди. У, талабалик йиллари ўралиб-буралиб оққан сув бўйида, мевали-мевасиз дарахтлар соясинда дарс қилишгани, имтиҳонга тайёргарлик кўришгани - ўша ёшлик пайти (олтин давр)ни эслаб, беҳосдан...

бу ер Хотин-кўприк бўлса, хув нарида, четда, панада қандайдир ўнгир (ғор)! -

кўпинча йигит-қизлар (шумликми, шўхликми) бир-бирларидан қочиб-яширинишар эди...

Бахтигул гадойтопмас жой, деб

шу ўнгир (ғор)да беркинганмикан?!

Олим дарахтлар остидан тўғрига қараб юрди.

24

Боғ-ҳовлида, хонада боя тўпланган давра - сурат унинг кўз ўнгидан кетмаётган эди!

Даврада Малоҳат билан у, очик сўзлашолмади. Бунинг иложи йўқ эди! Энди эса кўнглида (қимдандир, нимадандир) норозиланиб, изтироб чекмоқда эди.

“Малоҳат бу кунга қадар қай бир овлоқ гўшада эди?!”

Нега қарийб йингира йил дом-дарағи бўлмади?! Бу орада ҳаёти қандай кечди?! Бахтлими?! Бахтсизми?! Номин тилга олинганида, нима учун кўзларига ёш тўлди?!”

Сўнгги йилларда Олим, Малоҳатдан узоқлашган эди.

Эсламас, ўйламасди.

Бирок Олим Айриликқа Кўника Бошлаган эди, холос,

Малоҳат - унинг сўнгақларида яшар эди!

Ўша ёшлик пайти (олтин давр) ўтиб, -

Олимнинг ҳаётида Малоҳатга вобаста шундай воқеалар рўй берган эдики (авваллига чексиз бахт; кейин, фалокат - ўлим остонаси...)

x x

Олим аскарликдан қайтган эди.

Мана, шу маъмурий идора (Маърифат бўйича Бошқарма)га ишга кирган эди.

Малоҳатдан - йишлар ўтиб! - ҳамон умидини узмаган эди.

Ёшлиқдан китобга ўрганган эди.

Бўш қолдими, ўқир, кўп ўқир эди.

Китоб ўқимайдиган кишиларни кўрса, “Бу қандай одам ўзи?! (Одамми?!) Ўқимай яшаб бўлар эканми?!” - деб

асабийлашар, ҳатто (қутили) газабланар эди!

Шу кунлардан бирида газетани кўздан кечираётиб, дабдурустан, мен ҳам бирон нарса ёзсам-чи, деган ўй кўнглидан кечди. Нимани?! Масалан... Бир йигит билан қиз кўчада тасодифан танишишади. Улар кунни бўйи суҳбатлашиб юришади. Аммо кечга томон одам қайнаган аллақайси майдонда бир-бирларини яна тасодифан йўқотиб қўйишади! (Бўзчи билганини тўқийди!) Қизнинг исми... Малоҳат! Йигитнинг исми... Обид... бўлиб қўяқолсин!

Бу - оддий бир ЛАВҲАми, ҳаётий бир МАНЗАРАми эди!

Олим ёзди.

Редакцияга кўтариб борди.

Унинг илжайиб кириб келганига зид ҳолда, редакция ходими безрайиб ўтирарди.

Жуда нохуш қаршилади. Бу етмагандек, Олимдан олган кўлёмзани каттакон стол чеккасига улоқтирди.

- Кейин, кириб. Бирон ҳафтадан кейин! Ўқирман, - деди бўғилибми-зарда билан.

Олим айб иш қилгандек хижолат чеккан, тарвузи кўлтигидан тушган кўйда уйга қайтди.

У бир ҳафта эмас, бирон ойдан сўнг, ўшанда ҳам, сени ўлдиришмас, деб ўз-ўзини мажбурлаб, -

яна редакцияга борди.

Бу гал (ажабки!) редакция ходими уни, аксинча, қулиб-яйраб, кўзларини бир-бирига ишқаб қаршилади.

- Ёзганингиз чиқиб кетди! Кўрмайсиз-да! - деди.

Эринмай бошқа хонадан газета топиб келди.

Олимнинг ёзгани “Севги” деган сарлавҳа остида,

чиройли расмлар билан безатилиб, босилган эди!

Бироқ бу ҳолва экан! Редакция ходими унинг кўлига қалин бир қоғоз жилд тутқазди:

- Сизга келган хатлар. Уйга бориб, ўқирсиз!

Олим уйга қайтиб, -

шошмасдан жилдни очди.

Худоё тавба! Жўн бир ҳолатдан

халқнинг чайқалиб кетгани...

Неча юзлаб хат! Чалқаш жумлалар, ҳарфий хатолар...

Аммо яланғоч қалб! Ишончми-ҳасрат...

мактубларда (тахминан)

бундай сўзлар ёзилган эди:

“Менинг бошимдан ўтган воқеа “Севги”да тасвирланибди. Қаттиқ таъсирландим! Фақат менинг исмин Абдумажид, мен ёқтирган қизнинг исми Гулсум эди! Қолган ҳаммаси тўғри...”

“Мен даштда чўпонман. Газета кам келади... Илтимос, “Севги” деган ҳикояни қайтиб босинглар! Шаҳарлик бир одам гапириб берди, мен жудаям қизиқиб қолдим...”

“Йигит билан қиз танишгач, бир-бирларидан адрес олмай, катта хато қилишган! Обид ака билан Малоҳат опанинг яна учрашишларига тилакдошимиз!”

“Биз шу хатни ёзиб, почтага ташлаган кундан кўзимиз тўрт бўлиб, газетани кутамиз... Бизга “Севги” керак! Бир нусха. Илтимос...”

“Бу воқеанинг давоми бўлиши керак-ку! Нега давомини ёзмайсизлар?! Халқни ўйламайсизларми?!”

“Биз бир гурӯҳ талабалар “Севги”ни муҳокама қилдик. Мақола учун раҳмат! Бизнинг тақлифимиз, Обид билан Малоҳатни милиция орқали топдириб, бирон ерда учраштиришлар! Натижасини газетада, албатта, ёзинглар!”

Обид исмли йигитлар, айниқса Малоҳат исмли қизлардан кўп хат келган эди. Булар орасида исми Обид,

Малоҳат деган қизни ёқтирганлар ҳам бор эди! Лекин бу йигитлар - Олим бўлмаганидек, бу Малоҳатлар ҳам -

унинг излагани эмасди!

Бирок...

ҳали иш битмаган эди.

Редакциядан Олимга, бир келиб кетсангиз, деб кўнғироқ қилишди.

Яна борди.

Редакция ходими унинг кўлига олдингидан ҳам қалин

жилд тутказди:

- Хатлар... - Кейин, кўшиб кўйди. - "Севги"га ўлшаган бирон нарса! Биз жон деб... Одамлар сиздан кутяпти!

(Олим уйда яна жилдни очди.

Бир қария иккита дафтар тўлдириб, уруш пайти Малоҳат деган ҳамширани учратгани... кидириб, кутиб, кирк йилдан сўнг тоғдаги бир санаторийда тасодифан юзма-юз келгани... ўтган кунларни эслаб, улар аччиқ-аччиқ бўзлашгани... шуларни батафсил ёзганини айтмаганда, -

бу янги мактублар аввалгилардан кам фарк қилар эди!

Яна

ўнлаб, хат йўллаган Малоҳатлар ичида -

Олим излаган

Малоҳат

йўқ эди!)

Энди Олимга нисбатан муносабат ўзгарган эди.

Оғайнилари Исмоил, Эргаш, кўни-кўшнидан тортиб,

Бошқармадаги эркак-аёл...

барча ундан (чиндан ҳам) НИМАДИР каромат кўрсатишини кутаётгандек эди!

Бунинг устига, Олимнинг ўзи ҳам...

"мазахўрак" дегандек аҳвол!

У

бир ой...

икки ой...

уч ой...

кунни кун, тунни тун демай -

НИМАДИР ёзишга уриниб, азобланди.

Аммо ХЕЧ НАРСА ЁЗА ОЛМАДИ!

Гап шундаки...

Олим - ошиқ эди. Ёзувчи эмасди!

Яна гап шундаки...

"Севги"ни ёзганида, у ЎЗ ҲАЁТИДАГИ ЭНГ МУҲИМ

МАНЗАРАНИ қоғозга кўчирган эди.

Унинг ҳаётида -

бошқа

бундай

МАНЗАРА

йўқ

эди!

х

х

х

Олим беихтиёр пайқади:

эрталабдан бошғорик билан бошланган КУН чирпирак

бўлиб ўтган,

ана офтоб ҳам уфққа ёнбошлаган эди.

Кейин:

дарахтлар остидаги бир тўнкада

ҳолсизланиб ўтирганини пайқади.

Кейин:

ҳозир у, негадир -

Зебо эмас, Малоҳатни эслаб,

Зебо эмас, Малоҳат тўғрисида

ўйлаётганини пайқади...

х

х

х

Кун ўтади.

Ўзгаради кун.

Ўзгаради чор атроф.

Ҳаёт.

Мангу бўлиб туюлган

қонун

Ўз-ўзига излайди нажот.

Ўзгартишар одамлар.

Кўзлар.

Қиёфалар.

Бутун ранги-рўй.

Ўла бошлаб ўрганган сўзлар,

Кела бошлар

Илоҳий бир ўй.

Ажиб рўздан порлаб

шу йўсин

Зулматларга чулганган жаҳон; -

Қайта бошдан

инсон ўз-ўзин

Таний бошлар

энди ногаҳон.

Унутилган

покиза бир ҳис

Унинг кўкси, қалбига

инар.

У янгидан, чўккачица тиз,

Муҳаббатга фақат

сизинар...

х

х

х

Ҳаётда бахтми, обрў-эътиборми?! - буларнинг ҳам жавоби бор экан!

Олимнинг ошиғи олчи эди.

У ҳали кўксини кўтариб юрган эди.

(Малоҳатни топишига ўзича ишонарди. Иши ҳам кўнгиллагидек кетаётган эди!)

Кутилмаганда ҳасад, гайрлик-ғараз келди.

(Балки, адоватдир?! Ким билсин!)

Ёдгор, Теша, Муртазо деган йигитлар Олим билан болаликдан бир гузарда ўсишган ва (тақдир тақозоси!) Бошқармада бирга ишлашар эди. Булар душман эмас, Олимнинг дўстлари эди! Гоҳ кундузи, гоҳ оқшомлар тўпланиб, улфати-чор кўча айланишар, дардлашар-суҳбатлашишар эди. Лекин...

олдини Олим уларга итоат қилган бўлса, энди улар Олимга итоат қилишар эди! Бундан ташқари, улардан бири (Теша)нинг (яна тақдир тақозоси!) хотинининг исми - Малоҳат эди!

Сўнгги пайтда -

бу йигитлар, ҳар қачонгидан ортиқ меҳрлари тушиб, Олимни асраб-авайлаётгандек бўла бошлашди.

Ва ниҳоят...

бир кун...

уни ҳазиллашиб-эркалаб,

елкалари билан туртиб қўйгандек

бўлишди.

Учинчи қават айвонида туришган эди! -

сирғалиб кетиб, Олим пастга "учди"...

"Онажон!

Менинг кўксимда бир саз - таранг тортилган, жаранглар эди!

Энди бирма-бир симлари узила бошлади..."

"Мен дунёга келиб, нима кўрдим?! Нимани англадим?!

Ҳеч нарса..."

Дунё жумбоқ эди. Жумбоқ бўлиб қолаверди!"

"Мен буюк бир ишлар қилмоқчи эдим. Эпламадим..."

"Одамлардаги ёвузлик, ваҳшийлик... тобакай бу азоб?! - ҚИЁМАТгача давом этадимми?!"

"Менга яхшилик қилган қайси оамга мен яхшилик қилдим?!

Мен яхшилик қилган қайси одам менга яхшилик қилди?!"

"Онажон..."

Ўшанда

Олим қаттиқ уйкуга чўмган,

бутун тирик мавжудот - бир томонда,

у - бошқа томонда эди!

Ўшанда:

у - янги тутилган боладек, Номаълум Аёл (малонками?!), овозидан "уйғонган" эди!

Сенинг ҳаёт-мамотинг (сирасини айтганда!) атрофдагилар учун аҳамиятсиз (дахлсиз). Нар и борганда, оҳ-воҳ...

Сенга ҳеч ким нажот бера олмайди!

Сен кўз юмишинг ёқи

қайтиб кўзларингни очишинг -

ёлғиз БУЮК ИРОДА (КОДИРИ ҚУДРАТ)га боғлиқ, ёлғиз У -

сенга МАҒФИРАТ кўрсатиши мумкин! - экан...

“Ўзим сирғалдим! Ўзим йиқилдим!”

Олим дардини ичга ютди.

Уни ҲУЛИМ марҳаматли бўлишга ўргатди.

У Ёдгор, Теша, Муртазоларни айбламади. Кек ҳам сақламади. Тирик қолгани ҳаққи, кечирди. Чунки, - булар душман эмас, унинг дўстлари эди!

(Бахтиғулни ҳам топгани билан, Олим туғиб, бировлар қўлига топширолмади. Унга тўғри келмайди... Журъати етмайдими, кўксига нафрат йўқми?! - Худо шундай яратган! Тожи ака уни бекордан ҳамроҳликка танлаб, бу йўлга солди!)

Ана, у ҳамон маъмурий идора (Бошқарма)да ишлайди.

Олим учун бу ер (тўёки) - қўл тегирмон.

(Бозорингни ўзинг қил,

Тегирмонингни ўзинг торт!)

МАЪРИФАТ дейсизми?!

ЖАҲОЛАТ олдиди маърифат нима?! -

минг йиллик тарихга қаранг:

тунда ёқилган шам...

Лекин тегирмон айланиши керак (тегирмон гувиллар эди!)

Энди замонлар қоришган бундай манзарани тасаввур қилинг:

қачондир бу бино,

бу қурилма -

шамол тегирмон,

кейин сув тегирмон эди!

Чор атрофда янгидан-янги бинолар тикланиб, яланг майдонлар қолмади. Олдинги катта шамоллар йўқ...

Сув йўллари ҳам беркилган. Жўмрақдан оққанини албатта, бир тегирмон сув, деёлмайсиз...

Тегирмон барибир, айланиши керак!

Тўрт киши афти-ангори қосибга ўхшаган, ун эмас, қурумга қўмилган намоишда, елкаларида оғир қопларни ташиб, тегирмонга буюдой келтириб тўқишади. Яна тўрт йигит (туяга ҳай мадор) буларга ёрдамчи. Барчалари юклари бўлмаганда ҳам, қунишиб, бошига калтак тушаётгандек, кифтини қисиб юришади. Тўртта жувон пастда, тортилган урни тўплаб, тарқатишади... Жамоа шу! Азоб билан тегирмонни айлантиради!

(Аmmo улар тегирмондан бутун чиқадиغان одамлар!)

Тегирмоннинг эгаси - Жасур деган йигитча. Гоҳ уч, гоҳ олти ойда бир келиб, устига губор қўнишдан кўрққандек, эшикдан секин мўралайди. “Тегирмон айланаяптими?!” - деб жилмайиб сўрайди. “Айланаяпти!” “Ҳа, яхши!” - ура қочгандек кетади.

Азоб билан (бу ердагилар!) ўз ишларини қилишади. Бировнинг тегирмонига сув қуйишмайди! Тарихда халқнинг бошида тегирмон тоши юргизганлар оз эмаслигини яхши билишади! Ҳарҳолда, ун етказиб туришни ўйлашади. УН - оқлик. НОН - ази! Ун керак! Нон керак...

Олимни ҳаёл олис-олисларга етаклайди. Дашти-саҳроларда судралган, кейин бозорларда сотилган - қўллар... чўриларни эслайди. Негадир... чалги кўтариб, буюдойзор оралаб бораётган отаси, оёқлари учиди туриб, тандирда нон ёпаётган онажони

кўзлари ўнгиди жонланишади.

Беихтиёр...

эски бир эртақ унинг ёдига тушади.

х х

х

(Бу эртақни Олим болаликдан эшитган-ўқиган эди. Йиллар ўтиб, узок-яқин турли мамлакатлардаги ёзувчиларнинг китобларида ҳам шунга яқин - оҳангларни кўрди. Шамол, булут сингари ГАП ҳам айланиб, Фарбдан Шарққа, Шарқдан Фарбга кўчиб юрарар экан-да!)

Олим ҳозир дарахтлар остидаги тўнкада, Бахтиғулни қидириб-қидирмаслигида бирон маъно бор-йўқлигига ақли етмай, - ҳолсизланиб ўтирганича, яна шу эртақни эслади...

Бир подшо,

унинг бўйга етган қизи бор экан.

Подшо кизини эрга бермоқчи бўлибди.

Қиз шарт қўйибди: “Кимки, уч ёлғондан ҳар бири ичида қирқта ёлғон топиб келса, шунга тегаман!”

Подшо вазир-вазоролари билан маслаҳатлашиб, тўрт томонга жарчи жўнатибди. “Ёлғонни биз боллаймиз!” - деб саройга одам ёғила бошлабди.

Атрофига аёнларию донишмандларни йиққан подшо, келган киши “маҳорати”ни кўрсаттач, ҳар гал: “Хўш?” - деб сўрай экан. Лекин ёнидагилар: “Тақсир, бу гап дунёда бор!” - деб қўяқолишар экан.

Ниҳоят, кимларнингдир эшигида хизмат қилиб юрган биттаси келиб, бундай жаврабди:

- Мен камбағал-қашшоқ, етимман. Отадан битта эдим, ўла-ўла учта бўлди. Уччала оға-ини гадоётимас бир жойда кўришиб-сўрашиб қолдик. Қарасам, биримизнинг ёкамиз йўқ; биримизнинг энгимиз, биримизнинг этагимиз. Қисқаси, бир улфат бўлиб, йўлдан юрмай, четга чиқмай, кетавердик. Қарасак, бир ерда учта танга ётибди. Иккитасининг сийқаси чиққан, биттасининг муҳри йўқ. Муҳри йўғини этаги йўқнинг барига солиб, яна кетавердик. Йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик; бориб-бориб, қандайдир сойга тушдик. Қарасак, учта балиқ ётибди; иккитаси ўлик, биттасининг жони йўқ. Жони йўғини олиб, буни ҳам этаги йўқнинг барига солдик. Сойдан чиқиб, яна йўлга тушдик. Олдимиздан учта уй чиқди. Иккитасининг томи йўқ, биттасининг усти яланғоч. Яланғочига кириб борсак, учта қозон турибди. Иккитаси илма-тешик, биттасининг таги йўқ. Таги йўғига этаги йўқнинг барига олиб келган жони йўқ балиқни солиб, пишироқчи бўлди. Чангалзорни ахтариб, ўтин тополмай, балиқни пиширавердик; аямай ўтин ёқаверганимиздан, балиқнинг суяклари ҳил-ҳил бўлиб пишиб, гўштга иссиқ ўтмабди. Уч оға-ини уни еявериб-еявериб, қорнимиз тўйиб кетибди! Кетамиз, деб эшикдан сизмай, тешикдан чиқиб, жўнаб қолдик. Йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик; бир чўлга бориб қолдик. Қарасак, битмаган ўтнинг тагида тулмаган қўёнинг боласи ётган экан. Эқилмаган толнинг кесилмаган навдасидан бир ҳўл гаврон ясаб, соб қолдик; уч думалаб йиқилди; ушлаб сўйвордик. Олти ботмон ёғ қилди, олти ботмон гўшт. Гўштини пиширмай, қотирмай еб ташладик. Иккитамиз тўймадик, биттамиз оч қолдик. Икки акам хафа бўлиб-аразлаб кетди. Ёғ ўзимга қолди, деб қоригимни ечиб, олти ботмон ёғ билан мойладим. Биттасига етди, биттасига етмади! Чарчаган эканман, ухлаб қобман. Бир вақт говур-гувур, тўпололни эшитдим. Сакраб ўрнимдан турсам, мойланган қоригим билан мойланмагани ёқалашиб, солишиб ётибди. Иккаловининг ҳам жағига тушириб, тагин уйқуга кетдим. Бир маҳал уйғониб қарасам, мойланган қоригим менинг чопонимни устимдан тортиб олиб, ўзи ой-қора қилиб ёпиниб, ухлапти. Мойланмаган қоригим аразлаб кетиб қолибди! Мойланган қоригимни уйғотиб, қилиб олдим. Этаги йўқ чопонни бар уриб, уйга қараб жўнадим! Мен кетаётганда, уйда кампир онам билан бир хўрозим қолиб эди. Келсам, на қорик бор; на кампир, на хўроз... Кўнглим бузилиб, йўқолган бир пой қорик, кампир билан хўрозни излаб, яна йўлга тушдим. Йўл юрдим, йўл юрсам ҳам мўл юрдим; бир қишлоққа етдим. Ахтариб, суриштириб, хўрозни топдим. Бойниқида деҳқончилик қилиб юрган экан! Кўришиб, йиғлашиб, ҳол-аҳвол сўрасам, олти ой ишлаб, иши ҳақи битта жуволдиз бўпти; уни ҳам хўжайини нася қилибди. Хўжайини билан жанжаллашиб, жуволдизни ундириб олдим. Хўрозга: “Юр, кетдик!” - десам, “Тагин олти ойга келишганимиз; уч ойи ўтди, қолган уч ойни битириб, ҳақимни олиб, ўзим бораман!” - деди. Жуволдизни кўтариб, хўроз билан хайрлашиб, яна уйга келсам, уй ҳам йўқ. Тоза диққат бўлиб, уйни, кампирни, бир пой қорикни излаб, кезина бошладим. Тепаликка чиқиб қарадим; энам кўринмади. Қирга чиқиб, тоққа чиқиб қарадим; кўринмади. Чудур бир жарликка тушдим. Жуволдизни ерга санчиб, устига чиқиб қарасам, дарё бўйида кир ювиб ўтирибди. Жуволдизни олиб, неча тоғ, неча кир ошиб, олдига бордим. Мени йўқотиб, бировниқида

чўрилик қилиб юрган экан. "Юринг, кетдик!" - десам, "Ҳақимни олмай, кетмайман!" - деди. Уч йилдаги иш ҳақи уч ойлик ризқи бўлибди. "Сен кетавер, яна уч ой хизмат қилиб, ўзим бораман!" - деди. Этаги йўқ чопонини бар уриб, пешонамга бир тушириб, кампирнинг олдида дарёнинг кўпригига қараб йўл олдим. Дарё тошиб, кўприкни сув олиб кетган экан. Саратон кун, терлаб-пишиб, сув ичай десам, дарё музлаб ётибди. Тошлоқда битта тош тополмай, қаллам билан музни уриб ёриб, музга қалламини тикиб, сувдан ичиб жўнадим. Кетатуриб, жуводизим эсимга тушди. Сув ичаётиб, ўша ерда қолдирибман! Қайтиб дарё бўйига келсам, жуводиз йўқ. Қаёққадир кетиб қобди! Айланиб, энамнинг ёнига бордим. Кампирнинг уч ойи битган экан. Хўжайини яхши ишлаганига суюниб, уриб-ўлдириб кўйибди... Хўжайиннинг олдида бордим. "Кампирнинг ҳаққини тўла!" - деб ёқасидан судраб, кўчага олиб чиқдим. Кўпчилик аралашиб, бир эшак ундириб берди! Эшакни миниб кетаётсам, йўлдан қирқ карвон ўтаверди, ўтаверди.

Карвонбоши тўхтаб, менга: "Эшагинг яғир бўпти! Тўқимини бошқатдан уриб ол!" - деди. Тушиб қарасам, эшакнинг қифти ўйилиб ётибди. Карвонбоши дори, деб кўлимга битта ёнғок берди. Ёнғокни куйдириб, яғирга босдим. Тўқимни уриб, энди йўлга тушмоқчи бўлиб турсам, яғирдан ёнғок кўқариб чиқиб келяпти! Ҳаш-паш дегунча кўтарилиб, гуллаб-туга бошлаб, пишиб ҳам қолди! Устига чиқиб қоқсам эшакнинг бели майиб бўлмасин, деб уни бир шудгорга олиб келдим. Билакни шимариб, шу кесак отаман, отаман; лекин на битта кесак қайтиб тушади, на ёнғок. Бир пайт шудгорда кесак қолмади. Бошқа илож йўқ экан, деб ёнғокнинг устига чиқсам, уч ботмон шудгор бўп кетибди. Бир чеккада шилдираб сув ҳам оқиб турибди! Зап тарвуз экадиган ер, ҳайф кетмасин, деб тарвуз эка қолдим. Ҳар тарвузлар етилди, кучоққа сиғмайди! Сувнинг бўйида ўтириб, тарвуздан биттасини сўймоқчи бўлдим. Озгина чакмоқлаб, пичокнинг учи билан туртиб оламан, деган эдим, ўпирилиб, пичоқ тарвузнинг ичига тушиб кетди. Энгашиб олмоқчи эдим, ўзим ҳам тушиб кетдим. Пичокни излаб бораётсам, бир одам йўликди. "Ака, йўл-пўлда пичоқ кўрмадингизми?" - десам, сен ҳали пичоқнингни кидириб юрибсанми, деб роса қолди. Улар, қирқтадан туяси бор қирқта карвон, бир-бирларини йўқотиб, тополмай юришган экан...

Подшонинг кизи қўйган шартни бажарган йигитга барча тан берибди!

Ваъдага биноан, унга киз эрга тегибди...

Воқеа шундан иборат эди!

Эртақ яхши эди. Олимга ёқарди.

Аммо Олим йиллар бўйи ўйлаб, тушунолмасди:

Шоҳга, айниқса унинг кизига бунча ёлгоннинг нима кераги бор?! Ёлгоннинг КАДРИ (ёлгон гапириш бўйича МУСОБАҚА) тўғрисидаги бу эртақ нега тўқилган?! (Дунёдаги бутун гуноҳлар ЁЛҒОНдан бошланади, деган ҳикмат қаёқда қолди?!) Тегирмон яхшироқ айлансин учунми?!

Муҳаббат ва ёлгон - аслида, бир-бирига зид...

(ЭРТАҚ шунчаки нозик бир ҳолат, албатта!
Ҳаёл эпкинлари, деймизми...)

Олим Малоҳатни ёқтирганига -

бирон жиддий сабаб бормиди?!

Мажнунга:

- Сенга Лайлидан кўра яхши, бадавлат бир қизни топиб берамиз, - дейишди.

- Мен бунинг учун уни севганим йўқ, - деди Мажнун.

- Сенга Лайлидан кўра ақлли, меҳрибон кизни топиб берамиз, - дейишди Мажнунга.

- Мен бунинг учун уни севганим йўқ, - деди яна Мажнун.

- Сенга дунёдаги энг гўзал қизни топиб берамиз, - дейишди.

- Мен бунинг учун уни севганим йўқ, - деди Мажнун азобланиб.

- Бўлмаса, нега севдинг?!

- Нега севганимни билсам, мен уни севмас эдим...

25

Куёш қайта бошлаган;

атроф-олам жимжит эди.

Олимни куннинг (балки, умрининг!) бирон жиддий ўзгаришсиз, маза-маъносиз ўтиб кетаётгани эзмоқда эди.

Унинг ҳозир кимир этгиси келмасди. (Қиёматгача дарахтлар остидаги тўнкада шундай ўтираверса!) Лекин илож йўқ. Бахтигул...

У ўзини мажбурлаб, ўрнидан турди. Дарахтлар оралаб яна йўлида давом этди.

Боғ-ҳовлида, хонада боя тўпланган давра - ҳамон кўз ўнгида эди.

Олим, боғ-ҳовлида аҳвол қандай?! Аёллар у билан Тожи акани кутишяптими?! - билишни истар эди.

БУЁҒИ НИМА БУЛАДИ?!

Малоҳатни ақалли яна бир кўргиси, бир оғиз сўзлашгиси келар эди!

Аммо унга аён эди:

Малоҳат бундан буён ҳам (Олим учун) олисдаги

ГЎЗАЛ БИР ЧЕХРА бўлиб қолаверди!

Зебо-чи! Зебо унинг никоҳига кирадимми?!

Хуррият бунга кўнадими?!

Никоҳни Тожи ака ўқийдими?! Бир Сталин, бир Амир

Насруллони эслатаётган бўлса, никоҳ ўқишга

ҲАҚҚИ борми?!

Олим шу палла ҳис этди:

унинг ҳаёлини яна Зебо

банд эта бошлаган

эди...

x

x

x

У илдам кета бошлади.

Анча юрди.

Ахийри, тўхтаб, бошини кўтариб қаради.

Узоқда - ўнгир (ғор)...

Кўп ўтмай, яқинлашди...

26

Негадир ўнгир (ғор)га чироқлар ўрнатилган эди.

Буниси майли. Тўрда - саҳна, қуйида - қатор тўнкалар.

Бу ерда бирон оромгоҳ очишганими?! -

(Бир томон - девоналар,

бир ён - пари рухсоралар...)

саҳнада атлас кийган Аёллар чарх уриб ўйнашар,

тўнкаларда ярим яланғоч Эркаклар чайқалиб ўтиришар эди.

Ўнгир (ғор) оғзига боргач, Олим адашганини пайқайди.

Атлас кийиб, рақсга тушаётганлар - Эркаклар, тўнкада ярим

яланғоч чайқалиб ўтирганлар, аксинча - Аёллар эди!

У, Аёллар танишми, даврада Бахтигул борми?! -

қизикқанича, уч-тўрт қадам олдинга босган эди,

нечундир...

улар ҳуркигандек, гув этиб ўринларидан туриб, саҳнага

қараб югуришди. Кейин, -

Эркакларга қўшилиб, барчалари

саҳна орқасида ғойиб бўлишди.

Олим шуурсиз ҳолатда саҳна орқасига йўналди.

Биринчи навбатда, нимқоронги йўлак, икки томонда

жойлашган эшикларни кўрди.

Булардан айримлари очик эди.

Дуч келган эшикдан ичкарига кўз ташлади.

Хонани тўлдирган ҳайбатли столлар орқасида ўтирган

юзлаб киши нималарнидир ёзиб-чизиш билан машғул эди.

Олим эслади. Кундузи сўқмоқ сўнгидаги узун бино олдида

тўпганган, нутқ ирод қилиб, ҳар хил ёзувли-тахталарни

кўтариб олган Эркаклар!!!

Магазин ёнида, йигин пайти у Оромга кўзи тушгани

заҳоти жўнаб қолган; одамларга диққат қилмаган эди! Ҳозир

қаради. Бу кишиларнинг кўпини болаликдан шаҳарда - кўча-

қуйда, томошахоналарда, турли идораларда кўриб юрган эди.

Булардан анча-мунчаси билан унинг салом-алиғи ҳам йўқ

эмасди.

Шу боисдан, Олим остонада туриб, бош силкиди.

Лекин хонадагилардан ҳеч ким миқ этмади. Унга

аҳамият бермади!

Олим ноқулайлик сезиб, эшикдан узоқлашди.

У энди иккинчи очик эшикка юзланди.

Бу хонада тирик жон кўринмасди. Аммо хона тўла ҳайкаллар, деворларда каттагон тасвирлар!
Олим ичкарига кириб, уларни томоша қила бошлади.

Гардиш ичида илондек буралган Аёл ҳайкали...

Тош кўтарган Аёл ҳайкали...

Тўп тепайтган Аёл ҳайкали...

Комбайн минган Аёл тасвири...

Машинада пахта терайтган Аёл тасвири...

Кран устида, осмони-фалакдаги қутида ўтирган Аёл тасвири...

Далада кетмон чопайтган Аёл тасвири...

Ҳайкал ва тасвирлар остида “Озодлик”, “Бахт-саодат”,

“Қамолот” деган сўзлар ёзиб қўйилган эди!

Олим хонани айланаётиб, шу паллада

ўзи унуга бошлаган ҳолатга қайтди:

уни

ваҳми, ҳижолатгаи ўхшаган

ҳиссиёт!

чулғади!

У йўлакка чикиб, гангиб турган эди, -

чойнак кўтарган бир йигит рўпарада пайдо бўлди.

- Э бормисиз, Олим ака?!

Бу микти (юзи лўппи, кўзлари маржон) йигит - Олим бугун эрталаб эслаган, кейин узоқдан бир кўрган - Алпомиш эди!

Олим у билан сўрашиб, қизиқсинди:

- Кечирасиз, Алпомиш-дўстим. Мен тушунмаяпман...

Бу ер биз ёшлиқда, талабалик йиллари дарс тайёрлаган ўша жар, биз баъзан беркинган ўша гор эмасми?!

- Мен яхши билмайман, - деди Алпомиш кўзларини пирпиратиб. - Бошлиқлар билишади!

- Бу қаер ўзи?!

- Идора! - деди Алпомиш.

- Қанақа идора?!

- Тегирмон! - деди Алпомиш яна кўзларини пирпиратиб.

- Ие, Алпомиш-дўстим, мен ишлаётганим Тегирмон-

ку!

- Йўк, Сиз ишлаётган Маърифат бўйича Бошқарма!

Тегирмон бу ер... Чунки, Тегирмонни асосан, Аёллар айлантиради! Сизларда ишлайдиган Аёл кўп эмас!

- Бу ерда Аёллар кўпми?!

- Йўк, Атиги беш-ўнга. Улар ҳам айш-ишрат учун...

Биз Эркаклар йиғилганмиз! Лекин Аёлларнинг ҳар бир қадамини ўлчаш бизнинг вазифамизга кирди.

- Сиз хизматчиларданми?!

- Йўк. Мен Бошлиқнинг ёрдамчисиман! - деди Алпомиш сал ўпқаланган оҳангда. У кибрланиб, кўксини кўтарди. - Ҳўш, сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз?!

Олим Алпомишнинг қўлидаги чойнак, ён чўнтагидан кўриниб турган дафтар-қаламга ўйчан тикилиб, боғи атлас кийган Эркаклар-у, ярим яланғоч Аёлларни қидирганча бу ёққа кирганини эслади:

(Бир томон - девоналар,

бир ён - пари рухсоралар...)

- Мен ташқарида антиқа Эркак-Аёлларни учратиб, уларнинг изидан келиб қолдим, - деб тушунтирди Алпомишга.

- Уларга ишингиз бормиди?!

- Мен аслида, Бахтигулни қидиряпман!

- Бахтигул?! У ким?! - кўзларини пирпиратди яна Алпомиш.

- Жиноятчи!

- Мен яхши билмайман. Бошлиқлар билишади! - деди Алпомиш. - Лекин сизни Бошлиқ қабулига қўйиб юбора оламан.

- Раҳмат, Алпомиш-дўстим, - деди Олим.

Улар нимқоронги йўлак тўрига қараб юришди.

Очик эшикдан катта бир хонага, бу ердан яна бир хонага кириб, навбатдаги эшик олдида тўхташди.

Алпомиш лўппи юзи қизариб, микти жуссасига ярашган қисиниш, камтарлик билан Олимга тушунтирди:

- Эҳтиёт-шарт, Олим ака. Шошмай, қизишмай гаплашасиз! Мен бошлиқнинг эшиклариде ётган итлариман.

У киши озор чекмаслиги керак... - Алпомиш кўзларини пирпиратди. - Тожи Исмоил буюк инсон. Тўпори. Самъий! Лекин жоҳил... Баъзан бирдан ваҳший бўлиб кетади!

- Ваҳший?!

- Ҳа. Бирдан йиртқичга айланади! Танаймай қоласиз.

- Мен одобни бузмай сўзлашаман, - ваъда берди Олим.

Алпомиш эшикни очиб, Олимни елкасидан туртди ва унинг изидан дарҳол эшикни бержитди.

27

Олим бунга кутмаган эди...

У “Тожи Исмоил” деган исми-шарифни эшитганида бу исми-шариф ўзига таниш эканлигига эътибор берган эди, холос. Бошқа ҳеч нарсани ўйламаган эди.

Хонада қоғозга кўмилиб ўтирган зот - ажабо! - Тожи акага...

шунинг баробарида, Исмоилга ўхшар эди!

Уларнинг иккаласидан Бир Одам “ясалган”дек эди!

Бу ҳолдан Олим ажабланиб, қотиб қолди.

Тожи Исмоил эса...

- Нега бу ерга келдинг, бола? Мумкин эмас! - деб бақирди Тожи акани эслатган товушда. Кейин, Исмоилни эслатиб, эшилди. - Хода ютганмисан, оғайни?! Ўт, ўтир!

Салом...

- Тожи ака... Исмоил... Мен... мен... - деб чайналди Олим, энди яқинлашиб, Бошлиқнинг ўтирган ўрнида узатган қўлини тутганча.

- Гапиравур...

- Иш билан...

- Нима иш?!

- Ҳар хил Эркаклар, Аёллар...

- Бу бизнинг ички ишимиз! Сен аралашма, бола. Мумкин эмас!

- Мен Бахтигулни қидираётган эдим.

- Қанақа Бахтигул?!

- Жиноятчи!

- Шунақа демайсанми?!

Тожи Исмоил ўйлиниб қолгандек бўлди.

Кейин, стол тортмасидан бир даста сурат чиқариб, Олимнинг олдида ташлади.

- Қара-чи! Буларнинг орасидамикан?!

Олим қаради.

Назира...

Ҳамида...

Малоҳат...

Зебо...

Хуррият...

У ўзи таниган Аёллар сурати нега бу одамнинг қўлида эканлигига, бир лаҳза бурун ҳис этганидан минг чандон баттар, таажубланиб, қизиқ ҳолатга тушди.

Назира билан Ҳамида майли... Узоқлашиб кетишган!

Лекин Малоҳат-чи? Суратга тикилиб, рашки келди.

Узоқлашиб кетган билан, бу биргина МАЛОҲАТ-да!

Зебонинг суратини кўриб, қисинди. (Қаршингдаги одам Исмоилга ўхшайтган бўлса... бехосдан... васияти тўғрисида сўрамасмикан?! Бизнинг васият нима бўлди, деб?!)

Хурриятнинг суратидан, айниқса, гашланди. (Сенинг хотининг сурати яна кимларнинг қўлида бор экан?! Сабаб?!)

Тожи Исмоил ундан жавоб кутмоқда эди.

- Бу ерда Бахтигул йўк, - деди Олим.

- Шуларнинг орасида бўлиши керак эди! - паришонланди Тожи Исмоил.

- Мен билмайман... Мен умуман, қандай ўйин бораётганига ақлим етмаяпти... Бугун Бахтигул шуларнинг орасида эди. Сурат эмас, бўлган воқеани айтяпман! Мен уларни мана шу жарликда, сув бўйида, кейин, кўп қаватли бинода, дераза олдида учратдим. Менинг боғ-қовлимда ҳам, қутилмаганда тўпланишди. Булар оддий Аёлларми?!

Парилар ёки Алвастиларми?! Сиз менга энг аввал шуни тушунтиринг. Марҳамат...

Тожи Исмоил бехосдан қаҳ-қаҳ отиб қулди.

- Сен, бола, фақат мен бунга қизиқаяпман, деб ўйлайсан! Дунё - дунё бўлибдики, Эркаклар бу ҳақда бош қотиришади... Дунёда, улар ким, Аёлми, Пари ёки Алвастими?!

- билган бирор Эркак топилса, шахсан мен калламини берардим... Бир нарсани инсон билганида эмас, билмаганида жоҳил бўлади! Биз Эркаклар, Аёлга хавотирланиб, қўрқиб қараймиз. Асов отдек жиловлаб турмасан... қийин масала!

- Мен бу фикрни қабул қилолмайман, - деб тўнғилади

Олим.

- Ёлгон! Бешта Аёл йиғилган жойда сен ҳам ўпкангни кўлтиклаб қочгинг келади...
- Мен барибир, муҳаббатни муҳим деб тушунаман!
- Муҳаббат бўлмаган гап! Девоналик... Эскидан бошланган рисола-тартибга бўйсинишга мажбурсан...
- Муҳаббатдан буюк нима бор! Аёлдан гўзал! Аёлдан кўркам...
- Сен ўзинг учратган Аёлларнинг барчасини севдим, демоқчимисан?!
- Бахтигулдан ташқари, барчасини... Кимнидир кўпроқ, кимнидир озроқ! Улар ҳам озми, кўпми, мени севишди... Ҳаёт мураккаб экан. Менга ўзим истаган, орзу қилган Буюк Бир Муҳаббат буюрмади. Лекин мен Аёлларни севмасам, дунёда яшамас эдим! Менга берилгани шу! Насиба...
- Демак, сенинг учратганинг Парилар экан! Улар ким, деб нега менинг бошимни қотирасан?! Ўз йўлингдан кетавермайсанми?! Мен бошқаман. Бизнингча... Аёл тегирмонни айлантириши керак! Биз Аёлларни улуғлаймиз. Мамлакат ҳам, Салтанат ҳам Аёллариники! Биз уларга эрк бердик. Лекин уларни кузатамиз, эзиб ишлатамиз! Заводдами, даладами... Ҳеч бўлмаганда, иккита тўрва кўтариб, кўчаларда судралиб юради! Улар ўз-ўзлари билан банд. Бутун йўллар очик, деб ўйлашади. Биз эса ўз йўлимиздан уларни бир қадам ҳам четга чиқишга қўймаймиз!.. Шундай қилмасам, улар бизни ағдариб ташлашади...
- Қисқаси, Мамлакатнинг ҳам, Салтанатнинг ҳам чинакам эгаси сиз экансиз-да! - деб тўнғиллади Олим.
- Биз, албатта. Лекин буни Аёллар билмаслиги керак!
- Хўш, Аёллардан биров мабодо четга чиқса...
- Четга чиқса, жазо берилади! Мумкин эмас!
Тожи Исмоил ўйланиб қолди.
Кейин, тортмаларни тинтиб, яна бир сурат топди.
- Ҳалиги... исми нима эди?!
- Бахтигул!
- Бахтигул?! Бахтигул... Қара-чи! Мана, бумикан?!
Олим қаради.
- Худди ўзи!
- Бу Аёлга жазо берилган эди. Мен унга, айниқса, жазо бермай иложим йўқ эди. Менинг ўз хотиним... У ҳеч кимга бўйсунмас эди! Мен уни уриб-тепиб ҳам, гоҳ оч қолдириб, гоҳ кўчага ҳайдаб ҳам бўйсундиrolмадим... Камокдан бўшалибдимми?!
- Бўшаган шекилли...
- Сен, бола, терговчимисан?! Миршабмисан?! Нега бу ерга келдинг?! Нега менинг ишимга аралашясан?! Мумкин эмас! Мумкин эмас!
Олим паришонланиб-анграйди.
Тожи Исмоил - турки ўзгариб,- йирткичга айлана бошлаган эди.
Олим Алпомишга берган ваъдасини эслади.
- Мен оддий бир одамман. Тинчланинг! - деди Тожи Исмоилга. - Мен Бахтигулни топиб, шунчаки гаплашмоқчи эдим.
- Нимани гаплашасан?!
- Дунёда баъзан МУҲАББАТ етишмаслиги...
Орага узок сукунат чўкди.
Тожи Исмоил қайтиб ўз киёфасига кира бошлади.
- Сен бекор бу ерга келибсан, огайни! Бахтигул бўлса, сув бўйида ёки кемани эслатган бинода бўлади. Бошқа жойдан қидириш ортикча...
У, ён томондаги бир кути устига энгашиб, қандайдир тугмани босди:
- Эргаш! Хўв Эргаш...
Олим сергақланди.
Наҳотки, у билан Исмоилнинг оғийниси - Эргаш шу атрофда бўлса-ю, ана-мана, "Ўзим! Биринчи нусха!" - деб эшиқдан кириб келса?!
Йўк! Ҳеч ким садо бермади.
Тожи Исмоил бошқа тугмани босди.
- Алпомиш! Эргаш қаёқда?!
- Эргаш иш билан шаҳарга кетган...
- Бўлмаса, сен ўзинг бу болани сув бўйига кузатиб қўй! Адашиб юрмасин...

Шошиб-тошиб оқайтган сув ёқалаб, чор атрофга разм солганча, орқага қайтаётган Олим -
Тожи Исмоил унга берган суратлар (Бахтигулнинг ҳам сурати) ҳамон қўлида эканлигини -
беихтиёр сезди.
Уларни аввайлаб чўнтагига солиб қўйди.

Аёлларни севмаслик мумкинми?!
(Мумкин эмас! Мумкин эмас!)
Аксинча, Аёлни одам ўрнида кўрмаслик
(Хотин ҳам одам!) - деган бачкана бир гап бормиди?!
- мусулмончиликдан эмас!

"Биз Аёлларни улуғлаймиз! Мамлакат ҳам, Салтанат ҳам Аёлларники! - дейишга деб,

аслида,
Мамлакатнинг ҳам, Салтанатнинг ҳам ЭГАСИ унинг ўзи эмиш! Аёлларни эзиб ишлатар эмиш..."

Олим Тожи Исмоил ҳақида шундай хаёлга борди.
(Дунёда Аёл тарих бўйи кўрган Зулм озмиди?!)

Айниқса:
бу ёлгоннинг Тожи Исмоилга нима кераги бор?!
(Бир ёлгонда қирқ ёлгон, дегандек!)
Аёллар-чи?! Уларга керакми?!
(Шоҳнинг кизига?!)

Шу аснода, Олим ҳис этди:

д-а-ҳ-ш-а-т...

У таниган Аёллардан қайси бири -
бихтли?! -

Малоҳатми?!
Зебоми?!
Хурриятми?!
Ҳамидами?!
Назирами?!
Бахтигулми?! -

Бутун ҲАЁТ юки бўйида!
(Тегирмон барибир, айланиши керак!)

Олим Бошлиқнинг (гавдали, чорпаҳил, қошлари хурпайган... бир Тожи ака, бир Исмоилни эслатган) киёфаси тўғрисида ўйлаб, ажабланди. Дунёда шунчалик турки-таровати ўхшаш одамлар ҳам бор экан-да! (Амир Насрулло, Сталин...) Тупроқлари бир жойдан олинганмикан?!
Шунинг биробарида (ажабки!)
Тожи Исмоил қандайдир ЭРКА таассурот қолдирган эди.

ЭРКАКнинг ЭРКАлиги...

Яна, Бахтигулни қидириб кетаётган Олимда ўнгир (гор)ни айланиб, бутун кўрганларидан - ШУНДАЙ қизиқ таассурот қолган эди:
Аёлларда НАЗОКАТ қани?
Йигитларда ВАЛЛОМАТЛИК қани?!

Кичик, оддий бир воқеа ҳам -
унинг ёдига тушди.
Олим кўчада Бегона Бир Аёл билан изма-из бормокда эди.

Кўча этагида маст тўрт йигит туришар эди.
Улар Аёлга гап отишди.
- Уят эмасми, йигитлар?! - деди Олим.
Орада бирдан ўт чикди.
Олим тўрт йигитга ёлғиз ташланди.
Қалтак еганча-еди. Лекин ғолиб келди.
Йигитлардан иккитасини қочирди.
Иккитаси ўзи қочди.
Ўшанда Бегона Аёл унинг қўлларини тутиб, бағрига босди. Шунчалар миннатдор эдики... Дунёда ҳамон Аёл шаънини ҳимоя қиладиган ЭРКАКлар борлигига -
ИШОНМАЁТГАНдек эди!

х х
х

Тожи акадан нега дарақ йўқ?! - у тушунмаётган эди.
Бахтигулни топган тақдирда ҳам, топмаган тақдирда

ҳам Тожи ака унга хабар бериши керак эди-ку!
(Бог-ҳовлида Аёллар уларни кутаётган бўлишса керак!)
Офтоб ботишига яқин қолган эди.
Сув бўйида ҳам, бирон дарахт панасида ҳам Бахтигул кўринмайди.

Бахтигул жарда, сув бўйида ёки бинода, дераза олдида эканлигини аниқ, деб ишонсак (эй Худойим-е! У оддий Аёлми, Пари ёки Алвастими?!)

Бу ЕРда кўринмаётган экан (табiiй ҳолки!)
БИНОда, ДЕРАЗА ОЛДИда бўлмайдими?!
То ҳозир барибир топилмайдими?!
Тожи ака "юр бу ёкка" деб чакирмайдими?!

х х

Олим атрофга аланглаб, шуларни ўйлаб бормоқда эди.
Узокдан қарс этиб отилган милтиқ товуши эшитилди...
Олим, Тожи ака Бахтигулни тутди шекилли,
огоҳлантириш учун осмонга ўқ отган бўлиши керак, деб ўйлади.

У яна, Бахтигулни топиб-тутиб, аллақачон бировлар (миршабми, терговчими!) қўлига топшириб, Тожи ака менга буни билдириш учунгина -
ўқ узмаганмикан?! - деган хаёлга ҳам борди.
Энди жарлик устидаги кўприкка қараб илдам юрди.

29

Шу пайт

у -

кўприк устида ўзини у ён-бу ёнга ташлаб, югуриб,
ниҳоят,

жарликка шўнғиганча,
нақ қанот чиқаргандек учиб келаётган -
беш-олтита хачирдек итни кўрди.

Итларнинг важоҳати ҳар қандай одам боласи учун кўркқулик эди...

*(Йўқ, йўқ! Қайт, Бўйноқ, қайт, Тўрткўз!..
Хой, одам борми? Қайт.
Рауф, сен, бу итларга -
Не ёмонлик қилган эдинг, айт?)*

*Тишлари гижирлар,
Кўзлари ёнар
Қизили қизилга, оқлари оққа.
Хурпайиб ташланар -
бир узиб олмоққа.
Эҳтиёт бўл.
Бу - жоҳил,
қулоги кесик,
даҳани тешиқ.
Бу - муттаҳам...)*

Кемани эслатган бинода афтидан Аёлларни кўриқлаган итлар, бу ерда нима қилиб юрибди?! - билиб бўлмасди.

Олимнинг хаёли қочган эди.

Бирок...

итлар Олимдан анча нарида тўхташди.

Қаттиқ хуришди.

Ириллаб-вовуллашди.

Осмонга қараб улишди.

Кейин,

негадир орқага бурилишди ва -

яна қанот чиқаргандек учиб,

жарликдан тепага кўтарилишди.

Кўприк устида бир-икки айланиб, -

гойиб бўлишди.

х х

Олим эҳтиётланиб, уларга эргашди.

Жарликни тарк этди.

Кўприк устида туриб, атрофга разм солди.

Итларнинг уни ўчган эди

х х

х

Офтоб қизариб ботмоқда.
Олам қонга белангандек...
Ногаҳон
унинг

кўзи тушди:

қайроқ-тош ётқизилган ҳалқа-йўлнинг олис бир нуктасида тўнкага ўхшаган НИМАДИР қорайиб-қизариб ётар эди.

Олим бу НИМА эканлигига қизиқиб, -
шу томонга қараб жилди.
Ҳаш-паш демай, яқинлашди...

х х

Аввалига...

Айқми, деб ўйлади.

Орада масофа қисқарган сайин...

Бу - одам эканлигини сездди.

Кейин...

Амир Насрулло-ку, деган гап хаёлидан кечди.

Ниҳоят...

ерда гужанак бўлиб ётган -

Тожи ака

эди!

30

Тожи ака - кўксиди бир доғ, -

ерда ҳосил бўлган

қон ҳалқоби ичида ётар эди.

Биров уни отгани-ю, аллақачон жон таслим қилгани кўриниб турарди.

Тожи акани Бахтигул отганига шубҳа йўқ эди!

Олим буни дарҳол ҳис этди.

Лекин...

Тожи ака Бахтигулни отиши ҳақиқатга яқиндек эди.

Бахтигул бу одамнинг милтигини қандай қўлга туширди-ю, қандай отди?! - ўйлаган билан тушуниш ҳам, ишониш ҳам қийин эди!

(Шу аснода...

"*Хасталиқлар, фалокатлардан ўлганларни айтишади. Хотинлардан ўлган қанча!*" - деган ғалати бир гап Олимнинг ёдига тушди.)

У АЁЛЛАР қаршисида ваҳми, хижолатгами

ўхшаган ҳолатни ҳис этишга ўрганган эди.

Ҳозир ҳар қачонгидан минг чандон кўп:

уни ВАҲМга ўхшаган ҳиссиёт чулғади!

У - ХИЖОЛАТ чекаётгандек бўлди!

Тожи аканинг ҳаёти, қисмати ҳам

(Мойрага тегишли воқеа!) -

лаҳза ичида унинг ёдига тушди.

Олим боя Тожи ака билан хайрлашгач...

Бахтигулга нисбатан ўзининг адовати йўқлигини ўйлаб,

"Тожи ака ҳам бу аёлга ҳеч қандай адоват билан қарамайди!"

- деган қарорга келган эди. Адашган экан!

Тўғри, Тожи ака адоват билан қарамаган, балки.

Аммо... Бахтигул-чи?!

Олим ҳозир беихтиёр

Амир Насруллонинг Кўконга сўнгги сафари-ю,

Учинчи Машхур Муаррих

ёзган ҳикояни яна эслади.

Ҳикоя (ёдингизда бўлса) бундай

яқунланган эди:

"*Шунча фатҳу нусрат, шунча дабдаба билан ўз юртига қайтган Амир Насруллони оз фурсат ўтмай, Кенагасбеги қулогига симоб қўшиб ўлдирди!*"

Кўқонни бузиб-ёқиб, Нодирани қатл эттирган шохга бағишлаб "фатху нусрат", "дабдаба" дейиш унча ўринли эмас!
Бундан ташқари, "оз фурсат ўтмай" деган сўзлар ғалат. Орадан роппа-роса 12 йил ўтган эди!
Бироқ Кенагасбегим (Кенагас эли бегининг қизи. Исми бошқа бўлиши ҳам мумкин!) Амир Насруллони қулоғига сямоб қуйиб ўлдиргани рост.
Амирнинг аёнлари бу аёлни тириклай арқдаги қудуққа ташлашган.
У (Нодирабегимнинг ўчини олгани учунми?) ўз қилган ишига бир оғиз ҳам пушаймонлик билдирмаган...

"ЭЗГУЛИКдан ЭЗГУЛИК яралади!
ЁВУЗЛИКдан ЁВУЗЛИК тугилади!"

Оқсоч момолар айтсинлар...
Тарих қайтарилар экан!
(Тегирмондек айланиб!)
Тожи аканинг чекига бу ўйин тушишини ким билибди?!

Бахтигулни - Кенагасбегим, деёлмаймиз.
Жиноятчи. Хавfli жиноятчи!
Лекин, ҳарҳолда...

Бу ерда бошқа гап!
*"Аёл - мамлакатнинг асоси!
Аёлнинг бахти - мамлакатнинг бахти!
Аёлнинг ҳалокати эса,
мамлакатнинг ҳалокатидир!"*

Аёллар Мамлақати, Салтанати борми?! Бўлса,
ЭГАСИ -
уларнинг ЎЗИ экан!
(Бу Мамлакат, бу Салтанатга:
Амир Насрулло эга бўлолмаган эди...
Сталин эга бўлолмаган...
Тожи Исмоил эга бўлолмади...
Тожи ака... ни кўриб турибсиз!
Исмоил?!)

Олим ерда,
Тожи аканинг жасади олдида
гамга ботиб
ўтирар
эди...

31

Қуёш ботган эди.
Коронғи тушар-тушмас, тўлин ой кўтарилди.
Атроф-борлик сугдек нурга чўмди.

Сўқмоқ томондан гувиллаб, ёввойи ўт-ўланларни хишиллаб, қутилмаганда миршаблар машинаси келди.
Машинадан тушган миршаблар жасадни кўздан кечиришди.
Улар Олимга Бахтигулнинг суратини кўрсатиб:
- Бу аёл шу яқин ерда кўрингани йўқми?! - деб сўрашди.
Олим бошини чайқади.
Миршаблар:
- Жиноятчининг қўлида милтиқ! Уни тезроқ тутишимиз керак! - дейишиб, яна машинага минишганча, жўнашди.

x x

Кейин, "тиббий ёрдам" машинаси келди.
Машинадан негадир...
Малоҳат билан Назира тушишди.
Улар ҳам жасадни кўздан кечиришди.
Ниҳоят, замбилга солиб, машинага ортишди.
Шу орада Малоҳат фақат бир карра -
Олимга маҳзун кўз ташлади:
- Олим акажон... Олим ака!
Бу машина ҳам кетди.
Олим машина ортидан қўлларини олдинга чўзиб,
шуурсиз ҳолатда анча ергача борди. Ахийри, тўхтади...

У Малоҳатни энди қайтиб ҳеч қачон учратмаслигини хис этди...

x x

Шаҳаргами, боғ-ҳовлигами?! - қайққа йўл олиши, нима қилишини билмас эди.
Бугун рўй берган воқеаларга тушунмаган, тушунмаётган эди.

(Жарда, сув бўйида бўлган Аёлларнинг кейин, бинода, дераза олдида кўринишлари вақт тақозоси - бу ҳаттоки, қонуният! - эди. Аммо қолган воқеалар-чи?!)

Юраги гамга тўлган, шунинг баробарида,
бўм-бўш эди!
Унинг энди
хаёлида ҳам...
Нодирабегимни ўлдирган Амир Насруллони
Кенагасбегим ўлдирганидан бошқа ГАП йўқдек эди!
Назарида, дунё ТУГАГАН,
ЯШАШнинг ўзида МАЪНО
қолмаган эди!

("Одамлардаги ёвузлик, ваҳшийлик... тобакай бу азоб?! -
ҚИЁМАТгача давом этадими?!")

Дала-даштда шунчаки қаққайиб турган эди, -
яна миршаблар машинаси кўринди.
Машина галаёғли уммонда юзаётган кемадек,
секин суриниб бормокда эди.
Олим тикилиб, машина панжараси ортида...
аниқ Бахтигулни кўрди.
- Жиноятчи Бахтигул... Шўрлик Бахтигул!

Машина узоқлашди.
Олим шошмай чўнтагидаги суратларни чиқариб, -
Бахтигулнинг суратини ажратди.
Йиртиб ташламоқчи бўлди!
Аммо иккиланди...
Бахтигулнинг суратини бошқа суратларга қўшиб,
яна уларни - авайлаб
чўнтагига солиб қўйди.
Унинг ўзи-ўзидан
кўзлари жикка ёшга тўлган эди.

32

У қайтиб жарлик устидан ўтган, -
қайроқ-тош ётқизилган
ҳалқа-йўлга келди.
Қўлларини орқасида бириктириб, жувоз тортаётган отдек,
гир-гир айлана бошлади.
Орадан қанча вақт ўтди?! - маълум эмас.
Бир маҳал, изидан кимдир судралаётганини пайқади.
Тўхтаб, қаради...
Хуррият экан!
- Сен нега бу ёққа келдинг?! - деб сўради.
- Ўзим...
- Боғда ҳеч қим қолмадимми?!
- Йўқ.
- Зебо ҳам кетдимми?!
- Кетди.
Олим индамай, яна ҳалқа-йўлда бир-икки айланди.
Кейин, яна тўхтади.
Хуррият ҳамон судралмоқда эди.
- Сен нега кетмаяпсан?!
- Ўзим...
- Менга қара... сен кимсан?! Оддий Аёлми?! Парими?!
Ёки, Алвастими?
Хуррият бу саволга жавоб бермади.
- Дадаси! Болалар уйда ёлғиз. Қутиб ўтиришгандир, -
деди эзилиб. - Кеч бўлди. Юринг... - Кейин, қўшиб қўйди. -
Мен ёмонман. Биламан. Сиз шунинг учун бошқаларни
севгансиз! Лекин муҳлат бериңг. Тузаламан...
Олим йўлга тушишдан бўлак иложи қолмади.

Аммо йўлда кетаётиб, у ҳамон ўйламоқда эди:
Бу - оддий Аёлми?! Парими ёки Алвастими?!



БУГУННИНГ САБОҒИ - ЭРТАНИНГ МЕВАСИ

Маълумки, Республика раҳбариятининг ташаббуси ва савб-ҳаракати билан ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Давлат ва жамият қурилиши Академияси ташкил этилган эди. Халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган 60 нафар йигит-қизлар мазкур даргоҳнинг илк тингловчиси ва битирувчиси бўлдилар. Бу йил ҳам юзга яқин ёш кадрлар ушбу ўқув даргоҳида

қўнғ билан билим олишляпти. Академиянинг фарқли ва афзал жиҳатлари кўп. Аввало масканда бутунлай янги, бугунги кун учун зарур фанлардан сабоқ берилади. Энг кўзга кўринган, фидоий, билимдон муаллимлар жалб этилгани баробарида замонавий техника билан керагича таъминланган. Мақсад - етишиб келаётган ёш кадрларнинг билим савиясини ошириш,

эртанги истиқболли кунларга иқтисод ва бошқарув механизмини чуқурроқ ўзлаштирган, тайёр кадрлар етказиш, раҳбар кадрларнинг сифатини замон талабларига мос равишда яхшилаш, маънавий камолотга йўллаш, хориж тилларини ўргатиш...

Тингловчилардан бир гуруҳини таҳририятимизга таклиф этиб, уларга уч савол билан мурожаат этдик:

1. Сиз Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканини шаклланган қандай тасаввур қиласиз: бу халқ ҳўжалигининг ёки сиёсатининг қайси соҳаларига кўпроқ боғлиқ деб ўйлайсиз? Турмуш фаровонлигимиз ошиши бизнинг буюклигимизни белгилайдими?
2. Ўзингиз фаолият кўрсатаётган соҳа бўйича қандай ўзгаришлар ясини хоҳлайсиз?
3. Янгирамай айтганим-чи, Академия Сиз учун лавозим яллашнинг кўтаралиш воситасини ёки...



Абдумалик МАЖИДОВ:

1. "Буюк келажак" осмондан тушмайди. Шу буюкликка тамал тошини қўйган аждодларимиз ишини давом эттириш ва Она Ватан тўйгуси бегона бўлмаган ҳар бир ватандошимиз ўз ўрнида ҳиссасини қўшмоғи лозим. Зеро буюклик йўлида қўйилган қадам ва қилинган ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Фуқароси бадавлат юрткина мустаҳкам ва мукамал давлатдир. Президентимиз қайта-қайта таъкидладилар: кишлоқ инфраструктурасини ривожлантирайлик. Бу жуда муҳим. Иқтисодиётимиз тараққиётидаги илдизлар шу ерда кўринади. Маданият, маънавиятнинг кўп жабҳалари ҳам шунга кўпроқ боғлиқ бўлиб қоляпти.

2. Камина қарийб 10 йилдан буён бошқарув органларида хизмат қилиб келаман. Бу соҳада ҳам барча соҳада бўлгани каби ўзига хос муаммо ва қийинчиликлар мавжуд. Иш қоғозларининг кўпайганлиги, юқори ташкилотлардан келаятган ҳужжатлар билан ишлаш, Президент фармонлари, ҳукумат ва ўз қарор-фармойишларимиз ижросини таъминлаш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш каби масалаларнинг ўзи бошқарув тизимида тезроқ компьютерлаштириш ҳамда иш юритишнинг янги замонавий шакллари кўллашни тақозо этади.

Ривожланган давлатларнинг биронтасида ҳам давлат бошқарув му-

ниципал органлари ёки губернатор ариза ва шикоятлар билан шуғулланмайди. Барча соҳалар бўйича суд органларига мурожаат қилинади. Бизда эса ходимларнинг кўп вақти ариза текшириш билан ўтади.

Ҳуқуқий давлат қураётган эканми, бизда яқин келажакда бу масала ҳам ўз ечимини топади деб ўйлайман.

3. Истиқлолнинг илк ниҳоллари ўтқазилаятган бир пайтда, ахборотлар оқими ошган, урбанизация ривожланаётган бир даврда менда ўз билим даражамни ошириш истаги туғилди. Зеро пайғамбаримиз "Бешиқдан қабргача билим изла" деганлар-ку.



Насиба ТЕШАБОВА:

1. Ўйлашимча, миллий рух кучли бўлиши керак. Миллатнинг ўз-ўзини таниши ва ардоқлай олиши буюклик белгиси бўлса керак. Мен турмуш ва иш тажрибамдан шу хулосага келдим. Таъкидлайман, миллатпарвар бўлишимиз лозим. Биз миллатчи эмасмиз, миллатчи бўлмаймиз ҳам. Ўз қадримизни билайлик демоқчиман.

Турмуш фаровонлигимиз ошиши, албатта бугун жуда керак. Иқтисодимиз ҳозирги босқичда шу вазифани бажаришга қаратилган. Бироқ турмушдаги тўқин-сочинлик буюкликнинг бир бўлаги, холос.

2. Акмал Икромов туман ҳокимиятида ижтимоий масалалар билан шуғулланаман. Фикримча, мазкур соҳаларнинг барчасида гап иқтисодга тақалган. Шу боис дабдурустдан фалон ишдан бошлаб, мундоқ қилиб юбораман деб айтолмайман. Негаки, ижтимоий соҳа гоят кенг ва жуда мураккаб. Шунга қарамадан маблағ талаб этилмайдиган зарур тадбирлар қўриляпти. Бу эса катта муаммоларни ечишнинг бошланиши, албатта.

3. Очиғи, билимларимни чуқурлаштирмақчиман. Қозоғистонда туғилиб, Москвада ўқиганман. Шунинг учун Академияда берилаятган диншунослик, нутқ маданияти, сиёсатшунослик каби фанлар мен учун деярли янги предметлар ҳисобланади. Ахир, мен кейинги фаолиятимда, қолаверса ўз фарзандларимга мазкур соҳадаги билимларимни ўргата олиш даражасида бўлишим керак-ку, тўғрими?

Самариддин ТИЛЛОВ:



1. Назаримда, дунёвий сиёсат, сиёсий тизимлардан чуқурроқ хабардор бўлиб боришимиз керак. Ўз тарихимизни мукамал ўрганиш вақти етди, шундай экан, маънавий жиҳатдан, айниқса ёшларни чиройли шакллантиришимиз, иқтисодимизни кўп укладли қилиб ривожлантиришимиз, ўз ҳуқуқ, вазифаларимиз-

ни этикод билан бажаришимиз ва албатта, хориж тилларини кўпроқ ўзлаштиришимиз даркор. Агар шундай мақсадда ҳаракат қилаверсак, турмуш фаровонлигимиз ошишига шубҳам йўқ.

2. Мустақиллик шароитида ҳамма соҳада таркибий ўзгаришлар юз берди. Йўналишлар, қонунлар қайтадан ишланди. Шу қаторда мен фаолият кўрсатаётган соғлиқни сақлаш Вазирлиги тизимида ҳам туб бурилишлар ясалди. Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бобида қилинган ишлардан ҳамманинг хабари бор. Болалар ва оналар ўлими кескин суратда пасайди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон Болалар фонди билан ҳамкорликда улкан ютуқларга эришмоқдамиз. Умуман, олганда Республикамиз медицинаси кадрлар масаласида анча илғор.

3. Билимим чуқурроқ, юксакроқ бўлишини хоҳлайман. Келажакимиз порлоқ бўлишига аминман. Ниятим, шу улуг ишда четда турмай, жонбозлар қаторида турсам.



**Миркамол
ОДИЛОВ:**

1. Илгари империя "шоҳининг" бир бадий (кейин ўша асар ҳам бош-қанинг қаламига мансублиги айтилди)

тричогиясида хирмонинг донга мўл бўлса, кўшиқ ҳам тилдан тушмайди, деган гаплар ёзилганди. Не ажабки, ўша пайтда биз учун рўй-рост туюлган "фаровонлик" асли зўраки, илдизи омонат экани кейинроқ ошкор бўлди-қолди. Омонат жамият эса бир кун таназзулга учрайди. Тарихдан ҳам маълумки, бирор зolim империя икки юз йилдан кўп яшамаган экан.

Демоқчиманки, мана шу кечиратган қунаримиз ҳам буюк истикболимизнинг пиллапоя даврлари бўлса керак ва шу қадар масъулиятли паллада биз ҳар биримиз қай даражада хизмат қилсак, келажакимиз шунга яраша ёруғ бўлади.

Тагин фаровонлик деганда маънавий фаровонликни ҳам тушунмоқ жоиз деб биламан. Бу демак, кўнгил хотиржамлиги, эртадан нафақат умид қилиш, балки тўла ишонч билан яшашдир. Қорин тўқлиги билан боғлиқ фаровонликка келганда, ҳали бизда бировнинг оч қолганини кўрмадик.

2. "Ўзбекистон темир йўллари" миллий компаниясида масъул

ходимман. Мени ўйлантираётган муаммолар давлат йўли билан ҳал этиладиган масалалардир. Биргина кишининг хоҳишига ёхуд айрим кишиларнинг саяё-ҳаракатигагина боғлиқ эмас. Таъбир жоиз бўлса, давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабат ва келишувлар кўп нарсани ҳал қилади. Юртимиз раҳбариятининг яқин Шарқ мамлакатлари билан коммуникация масаласида олиб бораётган ишларининг ижобий натижалар бериши шак-шубҳасиздир.

3. Тўғриси, каминада табиятан мансабпарастлик кайфияти йўқ, лекин ҳавас йўқ эмас. Биз таҳсил олаётган Академия сабоқлари мени ўйлантираётган кўп саволларга жавоб топиб беришти, тасаввурим кенгаймоқда. Олдинда эса вақт ҳамда имкон бор. Бу ўз-ўзини синаб кўриш имконидир.



**Матхонбой
МАТХОНОВ:**

1. Импорт маҳсулотларнинг ўрнини босувчи халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш, уни имкони бори-ча жаҳон бозорида сотиш, экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг эса турини ва сифатини ошириш давлатимизнинг валюта заҳирасини бойитишга олиб келади. Пули кўп мамлакатда эса тараққиёт туркираши шубҳасиз. Бизнинг бой тарихимиз бор, дунёга машҳур алломаю адибларимиз бор, жаҳонда ўз номимиз ва фаровон келажак кураман деган аҳли Ўзбекистонимиз бор. Буюкчилигимиз мана шунда. Миллий ва маданий меросимизни мукамал ўрганишимиз ва маънавиятимизни оширишимиз зарур.

2. Мен юристман. Ташки иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш иши билан шуғулланаман. Иқтисод соҳасида шу нарсани таъкилламоқчи эдимки, мамлакатимизда етиштирилатган стратегик хом ашё - пахтани қайта ишлаш жараёнини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш лозим. Республика фақатгина пахта толаси яхши тозаланмаганлиги ва тойлар сифатсиз ўралганлиги натижасида ҳам анчагина зиён кўрмоқда. Бу насага ўзим АҚШда ўқиб юрган кезларимда ишонч ҳосил қилган эдим. Ҳуқуқ соҳасида, бир наса кўпчиликни қийнамоқда: кейинги вақтларда давлат ва хусусий, фуқароларнинг мол-мулкига тажовуз қилиш жиноятлари кўпайди. Албатта, жиноятчиға жазо мукаррар. Лекин унинг зарарини ким қоплайди? Бунинг механизми яратилмаган. Натижада давлат ташкилотлари

ва фуқаролар зиён кўрмоқдалар. Бундай механизм кўплаб давлатларда ишлаб чиқилган бўлиб, ўзининг самарасини беряпти.

3. Тингловчилар орасида энг ёши ўзим шекилли. Менинг ёшимда мансаб пиллапояси ҳақида ўйлаш қандоқ бўлар экан. Қолаверса, қўлидан иш келмайдиган раҳбарга Академия дипломи ҳеч наса беролмайди...



**Сейдама
АВЕЗОВ:**

1. Ўзбекистоннинг келажакги буюк экани президентимиз томонидан бежиз шиор тартида айтилмади. Зеро

ўтаётган ҳар бир кунимиз мамлакатимиз истиклолида ўзининг ёркин изини қолдирмоқда. Амалга оширилатган иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда маънавиятимизни тиклаш, айниқса, бой тарихимиз ва қадриятларимизни улуғлаб, уни халқимизга етказиш борасида олиб борилаётган ишлар буюк давлатимизнинг мустаҳкам пойдеворларидир.

Албатта, буюк давлат бўлиш учун олиб борилаётган кўплаб ишлар ва уларнинг салмоғини, аҳамиятини таъкиллаш мумкин, ammo булар ҳали кифоя эмас. Буюк давлат қуриш, ҳаётиимизнинг ҳамма соҳаларидаги ривожланишни қамраб олувчи стратегик мақсадимиздир.

2. Мамлакатимизда олиб борилаётган чуқур иқтисодий ислохотлар билан қадам-бақадам мен ҳоким муовини бўлиб ишлаётган Эллиққалъа туманида ҳам ўз вақтида ишларни муваффақиятли олиб бора олсак, шубҳасиз, жуда катта ўзгаришлар бўлади. Айниқса, бизнинг туманда кишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш бобида жадал ишлар олиб борилмоқда. Илгариги давлат ва жамоат хўжаликлари ўрнида 1923 та фермер хўжаликлари тузилиб, улар 14 та фермерлар ассоциациясига бирлашганлар. Ниятимиз, бу ислохотлар тезроқ ўз самарасини берса ва халқимиз янада тўқин ва фаровон яшаса.

3. Йўқ, асло. Шу ёшга кириб бирон марта амал учун ҳаракат қилган эмасман. Бир насага тўлиқ амин бўлдимки, агар қайси лавозимда ишласанг ҳам ўз хизмат бурчингни сидқидилдан бажариб, халққа ҳалол хизмат қилсанг, амал ўзи сени излаб келади. Мен учун бошқа наса муҳим: эркин бозор шароитига ўтдикми, шунга мос равишда билим, савия ва онгимни қайта тарбиялаб олиш. Бусиз фаолият кўрсатиш қийин бўлади.

Дилбар
САИДОВА



КУНЛАРНИНГ БИРИДА



Ҳикоя

Аслида бугун бошқа кунлардан сира фарқ қилмасди, ишхонада кун бўйи бошлиғимнинг хурмача қилиқларига сабот билан чидаб уйга кайтдим. Мен ўзимни лоҳас хис этар, асабларим ҳам қаттиқ толиққанидан фикру ҳаёлим ўзимда эмасди. Аммо бунга қарамай уйга кирарканман, кийимларимни алмаштирмаёқ кечки овқатга уннай бошлайман.

Йўқ, аввало радио қулогини бураб қўяман. Кейин овқатнинг масаллиғини тайёрларканман, диққат-эътиборим сўнги янгиликларда бўлади: “Атлантика океанига “Боинг” самолёти кулаб тушди... Чеченистондаги уруш давом этаяпти... Тожикистон чегарасидаги отишмалар...”

Устига устак, саккизинчи синфда ўқийдиган ўғлим Содик ҳам синфдаги янгиликларни тинмай гапиришга тушади. Унинг айтишича, душанба куни химия ўқитувчиси 15 та ўқувчига бирданига икки қўйибди-ю, кейин кутилмаганда, синф журнали ўз-ўзидан аллақадекка ғойиб бўлибди. Ушандан буён фақат синфда эмас, бутун мактабда шунинг машмашаси эмиш. Бугун директор хонасида ўқувчилар билан икки соат савол-жавоб бўлибди... Синф раҳбари энг зўр фолбинга учраб журнални ким гумдон қилганини аллақачон аниқлагани, аммо ўша одамнинг ўзи айбини бўйнига олса, жазо албатта, енгиллашини айтибди. Мен энди ўғилгинамнинг гапи тугаб қолар, радиога янгиликлардан сўнг бошланган куй-қўшиқни тинглаб, чойпой ичиб оламан, деб ўйлаб турганимда у кўзлари чакнаб яна гап бошлаб қолди:

- Ая, синфимизда тагин қизлар билан ўғил болалар ўртасида севги-муҳаббат пайдо бўлган. Яширинча бир-бирларига хат ёзишади, учрашиб туришади...

- Ие, ўзинг ҳам биронтасига...

- Йўқ, мен эмас, Шерзод жўрам Гулноз деган қизни яхши кўриб қолибди. Гулноз Акрамга ҳам ёқади. Қай бирини танлашни билмай Гулноз ўрта йўлда сарсон...

- Сен буларни қайдан биласан?

- Гулноз ҳамма гапини фақат менга айтади-да...

- Сиримни ҳеч кимга очмайди, деб сенга ишонаркан-да...

- Шунақа...

- Сен бўлсанг менга айтаяпсан-ку, яхшими шу нишинг...

- Сизга ишонаман-да, ая, шунинг учун айтаяпман...

- Ишонганинг-ку яхши, лекин менга қара, балки ўша қизнинг кўнгли сендадир. - Унга синовчан қараб ҳазиллашган бўламан мен.

- Йўғ-е, ая, йўқ... Гулнознинг бўйи меникдан баланд. Нимага менинг бўйим паст бўлиб қолган ая? - Ўғлимнинг овозида аллақандай ўкинчми, армон туяман. Юрагим увишиб кетади. Ўғлим, ўғилгинам улғайиб

қолибди-ю мен сезмабман. У асли етти ойлик - чала турган, кейин ҳам нимжон, касалдан боши чикмай ўсган. Уни деб не-не азоб-уқубатларни бошимдан кечирмагандим. Касалхонада уч ойлаб ётиб қолган пайтларимиз ҳам бўлган эди. Энди мана, унинг юрагида муҳаббат гули гунча очибди...

- Ўқинма ўғлим, худо насиб этса бир бўйчан, кўркам йигитга айланасан ҳали. Не-не сулув қизлар сенга ошиқу беқарор бўлишади, - ўғлимнинг кўнглини кўтарган бўламан мен...

- У пайтгача Гулноз мени кутармикан, ая...
- Сенга айтаяпман-ку, ўғлим дунёда қиз кўп. Гулноз бўлмаса бошқаси бор.

- Гулноз бошқача-да, ая...

Бу кетишда гап яна узоқ чўзилишини, мен ҳар не демайин ўғлимнинг дил ҳасрати ўзгармаслигини, тугамаслигини фаҳмлайман.

Ковурилаётган овқатнинг жаз-жузи, радионинг шовқини ва ўғлим, синфдошларининг саргузаштлари, севги можароларидан менинг чарчок бошим гувиллаб, юрагим сиқилади... Радиони ўчираман, ўғлимга қараб: - Бир пасгина ўз ҳолимга кўй, - дея астойдил ялинаман. Яна хафа қилиб қўймадиммикан, дея унга зимдан қараб қўяман... Шу ўғлим яхши-да, кўнглида кири йўқ, ичида гап ётмайди, ҳаммасини тўкиб солишни истайди. Тоқат қилиб эшитадиган одам бўлса - бўлди.

Шу чоғ, эшик кўнгириги жиринглайди. Эшикни очиш учун борган ўғлимнинг овози эшитилади:

- Ая, сизни Мастура опа сўраяптилар.
- Ичкарига кирaversин, - дейман овозимни кўтариб. Аммо бу хотиннинг уйга бир кириб ўтириб олса, дарров туриб кетиши қийин - қулоғингни, юрагингни ўртаб, керак-керакмас гапларни гапираверадиган одати ёдимга тушиб, чор-ночор унга ўзим пешвоз чиқаман.

- Вой, хамир овқат қилмоқчи эдим, - дейди кўшним останада туриб, - қарасам, ун йўқ экан. Ҳойнаҳой, сизда бордир, деб чикдим.

"Унингиз бўлмаса, хамир овқатдан бошқасини қилинг", деган ўй кечади кўнглимда. Аммо сир бой бермайман. Аслида бу хотиннинг ҳам пешонаси шўр, рўзғорида доим нимадир етмай турар, эри эса, мудом маст-аласт, бунинг устига боқибегам эди. Мен ошхонада идишга ун соларканман, изимдан кириб келган кўшним барибир лаби лабига тегмай жаврашга тушади:

- Вой, биласизми, бу Карима деганлари жа-а ҳадидан ошиб кетаяпти. Жавонлари тарелкага тўла-ю, тунов куни уйига меҳмон келганда, ён кўшнисини Дилдордан 20 та тарелка олибди. Қизи тарелкаларни юваётиб, олтигасини синдириб қўйибди. Дилдора, олтига тарелкам қани, деб чиқса, нима деган эмиш. Тавба. "Тарелкангиз синган бўлса мен қайдан топиб бераман," дебди-ю эшитгани қарсиллатиб ёпиб олибди. Эй, шу Карима одам эмас экан-да, ўзиям...

- Ие, бировнинг омонатига хиёнат қилиш гуноҳку... - дейман мен ҳам беихтиёр гапга қўшилиб.

- Бунинг устига, сиз кўпинча ишда бўласиз, билмайсиз, Карима-чи ўтакетган гийбатчи хотин. Хафа бўлманг-ку, сиз ҳақингизда ҳам кўп бўлмагур гапларни тарқатиб юрибди...

- Карима билан ҳеч қачон ош-қатиқ бўлмасам, қизик, мен ҳақда нима деркан, - дейман кўнглим хира тортиб.

- Шундоқ катта-катта жойларда ишлашади-ю, эрхотин, шунақаям бақир-чақир қилиб уришишади, дейди.

Мен кўшнимнинг гапларини ортиқ эшитмай қўяман, ҳолбуки, унинг нияти кундек аён, у мен ҳам Каримани аллабалолар деб ёмонлашимни, гийбат совунини кўпиртиришимни истайди. Лекин мен жаҳлимни ичимга ютаман.

- Энди Мастураҳон, бу дунёда гиди-бидисиз, жанжалсиз оила бормикан, ўзи. Майли, Каримаҳон бир қават пастда яшайди, гоҳ-гоҳида баланд-паст товушимизни эшитган бўлса, эшитгандир, гапирса, гапирар, ахир, ҳатто де-

ворнинг ҳам қулоғи бор, дейишади-ку. - Мен Мастуранинг қўлига ун солинган идишни тутаман. У худди кўнглимда кечган ўйларни сезгандек бошқа гапирмайди, ун тўла идишни кўтарганча индамай чиқиб кетади.

Мен кўшним билан овора бўлиб, газнинг оловига қарамаган эканман, шўрва бўтқага айланишига сал қолибди. Мастурани ичимда лаънатлаганча, шоша-пиша оловни пайтирдим. Ниҳоят, энди чой ичсам бўлади.

Йўқ, яна эшик кўнгириги ... Даҳлиз томондан кичкина ўғлимнинг йиғлагани ва каттам Қодирнинг дўқ-пўписаси эшитилди.

- Ха, нима гап, - югуриб чикдим. Пешонаси гурра, бурнидан оққан қон қўйлагига томган кичик ўғлим мени кўриши билан баттар чинқириб юборди.

- Вой, вой, сенга нима бўлди, йиқилдингми?
- Ая, бунингиз асли ландовур, кўрқок... Боғчада ўзидан кичкина анови Исроил деган бола бор-ку, ўша яна йиқитиб урибди... - деди катта ўғлим қизишиб.

- Сен ака бўлиб индамай қайтиб келавердингми? Ўша Исроилни яхшилаб урмадингми? Ўша зўравонни эртага ўзим бориб кўрай, бурнини ерга ишқаб қонатмасам қўймайман. - Менинг жаҳлу қазабим шу қадар тошгандики, гўё она йўлбарсгами ва ё бўрига айлангандим, агар шу дамда ўша Исроил - ўша миттигина болақай қўлимга тушса борми, эзиб ташлашга ҳам тайёр эдим гўё...

Пешонаси гурра, бурнидан чак-чак қон томиб турган ўғилчам - жигаргўшамни бағримга босдим, шу жойда тиззаларим қалтираб ўтириб қолдим ва йиғлаб юбордим, товушим баландлаб кетганини ўзим ҳам билмай қолдим...

Менинг йиғлаётганимни кўриб ўзини унутган ўғлим, ўғилчам юзимни ўзига қаратиб олиб чўлпиллатиб ўпа бошлайди. Ўғлимнинг меҳр-ардоғи мени қайтадан ўзимга қайтаради - юмшоққина, заифгина ва яна бир пиёлагина иссиқ чойга муштук аёлга айлантиради...

Мен унинг юз-қўлини юваман, эгнидаги қўйлагини алмаштираман.

Ниҳоят, оромқурсига ўзимни ташлаб, совуб қолган чойга қўл узатарканман, ўнинчи синфда ўқийдиган катта ўғлим қаршимда пайдо бўлди.

- Ая, эртага "Ҳаёт мазмуни" деган мавзуда иншо ёзиб боришимиз керак экан. Нимадан бошлашни билмай турибман...

- Мактабдан келибди шуни тайёрласанг бўлмасми-ди, ўғлим.

Мениям сал аягин, ахир. Ишдан келганимдан буён нафас ростлаганим йўқ ҳали...

У индамай тураверади. "Ҳаёт мазмуни" эмиш. Ҳаётнинг мазмунига ҳали мен тушуниб етмадим, булар қайдан билсан? Унинг бош эгиб, мўлтираб тикилиб туриши тагин кўнглимни юмшатади:

- Сен ўзинг аввал яхшилаб ўйлаб, режа туз, сўнг мустақил ёз. Эртага, сахарда устидан кўриб чиқаман, бўптими, - дейман.

Аммо шу орада тагин эшик кўнгириги жиринглаб қолади.

- Дадам келдила, - болалар жонланиб қолишади. Айниқса, кичкинтой дадасини ошиқиб қутади. Чунки дадасининг чўнтагидан албатта, бирон бир ширинлик чиқинини у яхши билади.

Ўзим ошхонада, қозон ёнида турибману, эримнинг товушидан кайфи тароқ эканини сезаман.

У кийимини алмаштириб юмшоқ креслога ўтирар-ўтирмас болалар дастурхон ёзишади, мен эса тайёр овқатни сузиб келтираман. У албатта, чарчаган ва очикқан, ишдан сўнг ишхонанинг ўзида ё қайсидир бир қаҳвахонада дўст-ёрлар билан қиттак-қиттак отишган.

Аммо у бунга ҳам қаноат қилмайди, овқатдан олдин пиёлада ароқ қуйиб ичади... Сезиб турибман, кичкинтойнинг пешонасидаги гурра унинг асабини кўзгатади...

- Ҳой, қани бу ёкка ўтиргин-чи, - дейди у менга ўшқиргандек товушда. - Сен онамисан?

- Ҳа, - дейман ва кўнглим қандайдир нохушлик сезиб, бирдан қоп-қора тортиб кетади.

- Нега боланга қарамайсан?

- Энди бола-бола-да, талашади, тортишади, йикилади туради. Бола фақат шох чиқармайди, дердилар бувим раҳматли. - дейман ўзимни босиб.

- Нима боланинг ҳайвондан фарқи йўқ, демокчисан? Яхшиямки боланг бор, бахтинг шунда...

- Нима демокчисиз, ўзи тушунмаяпман сизга?

- Ҳа, сен тушунмайсан... Менга бола керак, билдингми. Онамисан, боланга кара, керак бўлса ишпишингни йиғиштир...

Мен индамайман. Бу - янги гап эмас. Неча замонлардан буён айтилиб келади. Одатда, мен ҳар сафар бундай саволдан сўнг:

- Хўп, майли, мен ишламайман, аммо рўзгор нима бўлади, - дейман.

У эса, албатта:

- Борига қаноат қилиб ўтирсанг, рўзгор ўтаверади, - дейди.

Бир томондан тўғри гап. Лекин мен болаларим туғилган кезларда уйда роса ўтирганман. Кўлимда фақат нон учунгина пул бўларди. Онда-сонда эрим ичган ароқларнинг шишасини йиғиб сотардим, кўлим пул кўргандай бўларди.

Йўқ, бундай шароитда ишламасам сира бўлмайди. Бой-бадавлат ака-укаларим бўлса экан, улардан ёрдам сўраб, тирикчиликни ўтказсам. Эрим менга кўз ости билан ўқрайиб қараган кўйи косани бўшатади.

Мен бўшаган косани олиб кетиш учун ўрнимдан турарканман, эрим кўли билан "тўхта" дегандек ишора қилади. Мен ноилж қайта ўрнимга чўкаман.

- Менинг костюм-шимимни дазмоллаб кўй, эртага бир жойда зиёфат бор. Ундан сўнг жудаям кеч қолсам, ётиб қоламан.

Мен ҳозир бир оғиз гапдан қолсам - индамасам олам гулистон эди. Аммо мен ҳам одамман, ўзимга яраша алам-аччиғим ва рашким бор... Устига устак, вақт алламаҳал бўлганига қарамай ҳали костюм-шимга дазмол босишим керак. Ана шуларнинг бари йиғилиб, кўнглимдаги алаимини баттар ўт олдиради.

- Нега кимнингдир уйда қоларкансиз?!. Зиёфатингиз тамом бўлгач, уйингиз-жойингиз бор, қайтаверинг.

- Кўраман, кеч қолсам, ётиб қоламан, деяпман.

Мен ҳечкурса энди кўя қолишим керак эди. Йўқ, тўхтамадим, ўзимни тўхтага олмадим.

- Ахир, зиёфат ака-уқангизникида, хола-тоғангизникида бўлса-ю ётиб қолсангиз, бунга тушуниш мумкин...

- Сен менга ишонмаяпсан, сен мени тушунмаяпсан-а... Сенинг азалдан кўнглинг эгри. Менга ҳеч қачон ишонмайсан. Бўлмаса эшит, сенга гапни дангалини айтмай: мастлик-ростлик дейишади. Яқин орагача биттаси бор эди... Зўр эди, чиройли эди, ёш эди... - Эримнинг овози титради, ё тавба, бир зумда кўзлари гилтиллаб ёшга тўлди.

Шунчалик жигаридан урган эканми?! Ким экан у ўзи? Кимдир кўкқисдан юзим-кўзим аралаш тарсаки тортиб юборгандек бўлди. Йўқ, йўқ, тўғрироғи, ўзимни худди устимдан бир тоғора мағзава ағдаришгандек ҳис этдим. Елкаларим шалвираб, бир пасда чўкдим қолдим. Эримнинг ҳаётида мендан ўзга яна кимдир бўлган, устига устак, у чиройи, жозибаси билан уни ҳамisha мафтун этиб келган. Мен эса шунча вақт ўртада гўлу худо беҳабар бўлиб юрганман, улар менинг устимдан, анқовлигимдан кулишган, ўзларича ер билан битта қилиб ташлашган. О, худойим, бундан ортиқ ҳам шармандалик бўладими?! Мен эрим қаршисида ақлдан озгандек бир қиёфада турарканман, туйқус эслаб қоламан: эрим кейинги бир йил ичида буткул ўзгариб қолганди, уззу кун аллақандай фикру ҳаёлга банд, кайфи тарок пайтлари эса кўзларидан дув-дув ёш куйилиб, елкалари титраб-титраб йиғларди. Мен унинг бу ҳолатини ўзимча тушунган, шўрлик асаблари толиққанидан ва ё ота-онаси ёдига тушиб йиғлаяпти, деган ўйга боргандим.

- Нега бор эди, деяпсиз... Нима бўлди? - Бу сўзлар тилимга қаердан келди, нега шундай дедим, бунга ҳали-

хануз ўзим ҳам ҳайронман.

- Ташвишланма, бахтинг энди у йўқ, кетган, - деди эрим ҳам аллақандай ғамгин ва ўқинч тўла овозда: - Узокларга - ўзининг юртига кетган. Ёдингдами, бирда икки кеча-кундуз уйга келмагандим. Ушанда уни кузатгани чиққандим, самолёт учмагани учун икки кун аэропортда қолиб кетгандим.

Ҳа, ҳа, рост, энди эслаяпман, ўшанда у ҳақиқатан ҳам, икки кеча-ю, икки кундуз уйга келмаган эди. Мен эса, унинг йўлига кўз тикиб бир кечани базўр ўтказгандим. Иккинчи кечани ўтказиш айниқса, тонгни оттириш жудаям қийин бўлганди. Мижжа қоқмай деразадан қоронғи тунга тикилиб ўтиравергандим. Эримга нима бўлди, биров билан ёқалашдим, машина туртиб ва ё худо кўрсатмасин, босиб кетдим... Кўнглим кўчасига минг хил шубҳа-ғумон оралаган, юрагим сикилганидан тарс ёрилиб кетай деганди. Охийри сабрим чидамай яқшанба куни каллаи сахарлаб троллейбусда унинг ишхонасига боргандим, қоровул чол кўзларини ишқалаб дарвозани зўрға очганди.

- Эрингиз аввалги кун ҳам, кеча кечгача ҳам ишда эди, - деганди у бамайлихотир.

Шунда мен бирдан енгил тортиб кетдим, икки кунлик аламу изтиробларим ҳам бир зумда тарқаб кетган, ҳаёт кўзимга яна гўзал ва қадрли кўринганди. Уша куни уйга қайтиб келсам, не кўз билан кўрайки, у киши диванда бамайлихотир чўзилиб ётибдилар.

- Икки кундан буён қаерда юрибсиз, Мени ўйлама-сангиз ҳам болаларни ўйласангиз бўлмасмиди? Телефон қилиб бир оғиз айтиб қўйиш шунчалик қийинмиди, - мен остонада туриб шу сўзларни айтарканман, ўзимни тугулмай туйқус йиғлаб юборгандим.

"Хўжайнимиз қизини узатаётувди, хизматида бўлдик", - у ўзини мутлақо беарво ва хотиржам тутиб шундай деган ва мен оппа-осонгина ишониб қўя қолгандим. Ушанда гўлу анқов эмас, олғир-топқир бўлганимда ҳам кўлимдан нима келарди?! Худди ҳозиргидай, ҳозирги туришимдай елкаларим шалвираб, ранги-кутим ўчиб, томоғим бўғилиб, йиғларимни ҳам, куларимни ҳам билмай ўтирган бўлардим-да...

- Ораларингизда севги-муҳаббат бор экан, буни-ку, майли тушунаман... - Мен қалампирдан ҳам аччиқроқ, ханжардан ҳам кескирроқ сўзларни айтгим келади, унга. - Кетаверинг эди, нега қолдингиз... -

- Кетмоқчийдим, ҳатто визам ҳам тайёр эди. Нима қилай, охири муддатда кетолмадим, болаларимни ўйладим...

Шунда ҳам мен унинг ҳаёлида бўлмаганман, у фақат болаларини ўйлаган, фақат шунинг учун қолган. Мен шундай ўйларни ҳаёлимдан ўтказарканман, туйқус ўзимни топталган ва дунёю дунда ҳеч кимга кераксиздек ҳис этман. Оёқда тик туришга мажолим қолмайди, ором курсига беҳол чўкаман.

- Ҳалиям телефон-мелефонда хабарлашиб тургандирсизлар?

- Ҳа, хабарлашиб турибмиз, у томонларда кун кечириб қийинмиш.

- Балки ҳали қайтиб келар.

- Қийналиб қолгудек бўлса, дарҳол қайтиб келиши мумкинлигини айтганман...

- Қайтса, яна учрашиб юраверасизми?! - Қизик, мен ўзимни шундоқ тутаётгандимки, гўё бу гапларнинг ўзимга сира дахли йўқдек, кимнингдир бошқа бировнинг хангомасини шунчаки эшитиб ҳузур топаётгандек эдим. Аслида эса, вужудим, юрагим алангаи оташда жаз-жаз ёнарди.

- Агар энди қайтиб келгудек бўлса, ҳаммасин бошқача ҳал қиламиз...

Улар бир-бирини топишган, энди эса ҳижрон азобини бирга тортишяпти... Мен билан, менинг тақдирим билан ҳеч ким қизиқмайди, мен гўё эскирган, урфдан қолган буюмдек буткул оёқ остида қолиб кетганман.

- Майли, ҳаммаси тушунарли, - дейман мен вазмин

тин олиб. - Фақат биласизми, шу гапларни менга очик-ошкор бекор айтингиз.

- Эҳтимол. Аммо нима бўлганида ҳам қачондир айтишим керак эди.

- Лекин сиз мени ўйламагансиз ҳам. Ўзингизни менинг ўрнимга бир кўйиб кўринг... Мен ҳам худди шундай ҳақиқатни сизга айтсам, қандай аҳволга тушардингиз... - Алам ва нафрат ҳисси бутун вужудимни эгаллаб олади. Мен бир куннинг ичида иккинчи марта бўрига, йўлбарсга ва ё шерга айлана бошлаётганимни ҳис қиламан. Томирларимда қон кўпириб тошаётганини аниқ ҳис қиламан...

- Сен барибир, мени тушунмабсан, тушунасан деб ўйлагандим, лекин хато қилибман...

- Ҳа, жуда катта хато қилдингиз. Мен ҳам сизга бир ҳақиқатни айтаман: биласизми, мен ҳам шу дамдан бошлаб ўзгардим, юрагим ўзгарди, кўнглим ўзгарди... Мендан энди хафа бўлманг!

У шишада яримлаб қолган ароқни пиёлага тўлдириб қўйиб ичиб юборади... Ароқ эса бир зумда ўз таъсирини кўрсатади, кафтлари билан кўз ёшларини арта туриб, қўлини мушт қилади-ю столга зарб билан уради, чинни-шиша идишлар деворга, шкафага бориб урилиб чил-чил синади.

Менинг бояги ботирлигим - бўри, йўлбарс ва ё перлигимдан асар ҳам қолмайди, кўрқув эгаллайди вужудимни. Айни дамда бир оғиз сўз ҳам ортиқча, акс ҳолда, мен ҳам чил-чил синиб ётган идишлар кўйига тушишим тайин. Мен хонадан секингина чиқаман-да, нариги хонага кираман. Орадан кўп вақт ўтмайди, эрим одатдагидек ухлаб қолади. Хонани хуррак овози тутиб кетади. Болалар ҳам аллақачон ухлаб қолишган.

Мен селу селоб бўлиб оқаётган кўзёшларимни арта-арта тагин эрим ухлаётган уйга қайтиб кирдим ва чинни шиша синикларини бир-бир териб олдим. Кейин чанг югичини варанглатиб ишлатдим. Унинг овозидан ҳеч ким уйғониб кетмади, ҳамма донг қотиб ухлаб ётибди... Фақат бу тунда пастдаги кўшнимизга тўрт-беш кунга етиб ортадиган гап топилди: "Вой кечаси билан Мунира опаникида қиёмат-қойим жанжал бўлди, десангиз, бақир-чақириям кўрга, соғ идишиям қолмади-ёв чоғи, ҳаммасини синдириб бўлишди..."

Кўни-кўшни нима деса дейди, аммо энди мен қандай яшайман... Шу пайтга қадар кўнглим ҳамиша тўқ эди - уй-жойим бор, болаларим ўсиб катта бўлишяпти, эрим... Бу уй-жой - бу хонадондан эримнинг кўнгли қачон совуб улгурганикин?! Боя шунга сўраш ёдимга келмабди. Аввалдан, ўша бир ёстикқа бош қўйган кундан бошлаб кўнгли йўқмиди ёки яқин йилларда рўй бердими бу?! Қачондан буён? Аслида қизикман-да, айни лаҳзада шу ҳақда бош қотириш шартми, ҳолбуки энди лаҳзада ҳеч қандай аҳамияти йўқ-ку! Унинг кўнглисизлиги аниқ. Менинг ўзим ҳам бориб турган анқов эканман. Бу гапни эримнинг ўзи ошкор этмагунча сезмабман, сезишга уринмабман ҳам... "Бу дунёда ҳеч кимга ва ҳеч нарсага каттик меҳр қўйма", - дердилар раҳматли бувим гўдагимни суйиб эркалаб ўпиб-ўпиб олган чоғларимда, чиройли кўйлак кийиб ўз-ўзимга маҳлиё бўлиб кўзгу ёнидан кетолмай қолган кезларимда, эримни ишга кузатгач, дераза ёнида туриб, унинг ортидан кўз узмай қараб қолганларимда... Лекин ҳозиргача нимагаки эришган бўлсам ҳеч бирини осонлик билан қўлга қиритмаганман... Атрофимдаги яқинларим, эрим, фарзандларим, бу уй - уйдаги жиҳозлар, буюмлар хуллас, ҳамма-ҳаммасига оғир меҳнату заҳмат эвазига, ранжу озорлар чекиб эришганман. Мана шу тўрт хонали уйни олгунимизча бу улкан шаҳарнинг биз ижарада яшамаган маҳалласию кўчаси қолмаган эди. Болаларнинг ҳар бирини "пуф-пуф"лаб суягини қотиргунча қанча азобу укубатни бошимдан кечирганман, барчаси ёлғиз яратганга маълум. Айни ана шу йиллари эрим Москвада, аспирантурада ўқирди, ўша ёқда диссертация ёқлади. Болалар ҳали ёш эди, бирини арава-чага солиб тўққизинчи каватда яшовчи энагасиникига, иккинчисини эса боғчага элтиб, сўнг ишхонага югуриш-

лар... Хуллас, ана шу тўрт девор ичидаги жиҳозу буюмлар, бунда яшаётган одамлар мен учун азиз, мен учун кадрли, фақат ва фақат менга дахлдор. Уларнинг ҳаммаси мен борлигим учун бор, мен борлигим учун барқарор, деб ўйлар ва ишонардим... Йўқ, охир-оқибат аён бўлдики, буюм-ку, майли, у эскиради, синади, йиртилади, яроқсиз ҳолга келади, сўнг ташлаб юборилади, ҳатто инсон, унинг кўнгли ҳеч қачон собит турмас экан, ўзгараркан, турланаркан, сендан воз кечиши, сендан узоқлаб кетиши, сенсиз ҳам кун кечириши ва ҳатто бахтиёр бўлиши ҳеч гап эмас экан. Нақадар шафқатсиз ва адолатсиз кечмиш.

Шоир у кўшиқчилар ҳар бир сўзида ҳаёт гўзал деб бонг уришади. Ана шу гўзал ва ширин ҳаётда сендан воз кечсалар ва яна устига устак юзингга, кўзингга тикка қараб туриб тупурсалар... Бунга қандай чидаш мумкин? Бундан кейин қандай яшайман? Мен шундай изтиробли ўйларни хаёлимдан ўтказарканман, беихтиёр ўкириб йиғлаб юбордим. Овозим тобора баландлашиб, хонани тутиб кетди, аммо шунда ҳам на эрим ва на болаларим уйғонишди, гўё олам остин-устун бўлиб ётибди-ю, уларнинг парвойига ҳам келмасди. Фақат ёлғиз мен тун кўйида изтиробга гарк бўлиб турардим.

Мен айни лаҳзада бутун жисму жуссамни ларзага солаётган дарду ҳасрат бир ўзимга, юрагимга оғирлик қилаётганини ҳис этаман, уларни ким биландир дардлашгим, кимгадир суянгим келади.

Менинг хаёлимга биринчи бўлиб онам келади. Менинг айни чоғдаги аҳволимга, дарду ғамимга фақат онам шерик бўлиши мумкин.

Биламан, шу топда телефон гўшагини кўтариб керакли рақамларни терган заҳотим онамнинг овозини эшитаман. Кейинги йилларда онам камуйқу бўлиб қолган, юраги хаста, қон босими баланд, бунинг устига кўзлари ҳам ҳиралашиб қолган. Онам ҳозир тун алламаҳал бўлиб қолганига қарамай мени ўйлаб ўтиргандир. Унга рўй бериб ўтган воқеани айтсам, албатта, бирон бир жўяли маслаҳат беради: "Эй, шунга шунчами, эркак деганлари ҳам боладай гап, ўзинг айбдорсан, жажлини чиқаргансан, сенга алам қилсин, бир қийналсин деб айтган-қўйган-да"; "Эркак халқи ўзи шунақа, ёпроғи, чиройлироғини кўрса, дарров озгининг суви қочади. Ўша аёлнинг ўз юртига даф бўлиб кетгани ҳам яхши. Буям сенинг бахтинг... Эринг ёнгинангда хуррак отиб ётибди-ку! Элдан бурун намунча дийдиё қиласан..." ёки "Ие, шунга шунча ваҳима қиляпсанми, кетадиган одам "кетаман" деб гапириб юрмайди, кетворилади. Эринг сени бир синамоқчи бўлган. Ҳеч қайсига кетмайди, хотиржам бўл..." Хуллас, шунга ўхшаш гапларни айтади.

Аммо онам сиртдан ўзини хотиржам тутиб гапирса-да, барибир менинг дардимни кўнглига яқин олади. Бунинг устига, юраги хаста, қон босими баланд. Йўқ, йўқ, онамга бу ҳақда зинҳор гапириб бўлмайди. Майли, ўзим ўтда ёнай, дарду ҳасрат юрагимни адоин тамом қилсин, фақат онам тинч бўлсин...

Опамга кўнғироқ қилсаммикан? У қайнонаси билан келишолмай ёш боши билан эридан ажралди. Бир қиз, бир ўғилни ўзи боқиб катта қилди. Энди уларни уйлаш-жойлаш ташвишида. У ҳам нима дейишини тахминан биламан. "Эрсиз яшаб ҳеч ким ўлгани йўқ. Мана, менинг ўзимни кўр, озгина иқтисоддан қисилишимни айтмаса, яйраб-яшнаб юрибман. Хоҳлаган жойимга бораман, хоҳлаган ишимни қиламан, ҳеч кимга ҳисоб бермайман. Тўғри, ёлғизлик деганлари тўқис-туғал бахтиёрлик эмас. Лекин начора, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмаскан. Аёл-ку, ўзини-ўзи эплаб кетади. Лекин эркакка қийин. Бир сариштагина аёлни топса - бахти. Лекин тополмаса ҳаёти фожияга айланади. Мана, поччанг мендан кейин ҳам икки марта уйланиб тинчини тополмади-ку. Тинмай кўнғироқ қилиб "ярашайлик" деб ялингани-ялинган. Уйга кўнғироқ қилолмайди, болаларидан кўрқади. Отасининг овозини эшитмайса, икковининг ҳам жини кўзиб қолади. Тунов куни "ҳарқалай бегона эмас - дадаларинг-ку, яраша қол-сакмикан", деб ҳазиллашувдим иккови ҳам мени талаб

ташлади. Ўша меҳрибонгина қайнонангиз ёнига борсангиз борақолинг. Лекин бу ерда сизларга жой йўқ, деб туриб олишса бўладими! Нима ҳам дердим - бояқишлар ота меҳридан бенасиб ўсишган-да. Энди зўрлаб меҳр уйғотиб бўлмайди.

Сен сираям хафа бўлма, мабодо кетса-чи, мени айтди дерсан - икки-уч оини ўтказмай ялиниб оёғинга бош қўйиб қайтиб келади..."

Опамдан чиқадиган маслаҳат шу бўлади... Синглимга кўнғироқ қилсам-чи... У эндигина турмуш қурди. Оиланинг аччиқ-чучугини ҳали тузук-қуруқ татиб кўргани ҳам йўқ. Тўқин-сочин замонда туғилиб ўсгани, ҳали боши тошларга уришиб ёрилиб улгурмагани учунми фикрлари ўткир ва кескир, овози ўктам. У шундай дейди: "Опа, нега бунчалар куйинасиз, ҳайронман. Дунёда эркак зотига қаҳат келмаган. Ўзингизга қаранг, ўзингиздан қолманг. Хўш, дийдиёни йиғиштиринг-да менга кулоқ солинг: энг аввало тирноқдан тортиб сочингиз-қозингизгача парвариш қилишга киришинг. Маслаҳатим, сочингизни оч кўнғир ранга бўятиб, қалта қилиб кестиринг - ёшарасиз. Ундан сўнг беш-ўн йиллик кийим-кечакларингиздан ваз кечинг, бадингизга тегиб кетмадими, улар? Янгисини олишга қурбингиз етмаса, ана, менинг қайси кийимим ёқса, ярашса - ана ўшанисини олиб кунба-кун алмаштириб қияверинг. Қараб-сизки, хуриликкога айланасиз. Гирл-атрофингиз турли-туман хуштору харидорлар, ошику бекарорларга тўлиб кетади. Яна бир гап: Фарб журналларидан бирида ёзишибди: неча ёшдалигидан қатъий назар эркак аҳлига аини сизнинг ёшингиздаги аёллар ёқармиш. Ана шундан сўнг поч-чажонимизнинг ҳолларига маймунлар йиғлайди-я, йиғлайди..."

Мен синглимни худди шундай ёки шунга ўхшаш гапларни айтишини яхши биламан. Мен унга эътироз ҳам бидиролмайман. Чунки у ҳам ўзича ҳақ. Лекин менинг аини дамдаги ҳолатим, дарду ҳасратим бу далдаю тасаллилар билан енгиллашиб қолмайди.

Яхшиси, ҳозир дугонам Гулнорага кўнғироқ қиламан. Эри йўқ. Учига чиққан пиёниста, дангаса, рўзгорга ярамайди, дея ёжиллаша-ёжиллаша, уни ўз таъбимга яраша одамга айлантираман, деб кураша-кураша мақсадига эришолмай, ҳафсаласи пир бўлиб охири ажралди-қўйди. У ландовур эридан, эр эса олғир хотиндан кутулди. Энди озод қуш. Қани, у нима деркан? Айтгандай унинг нима дейиши ҳам менга ойдаи равшан-ку! У билан учрашиб ёки кўнғироқлашиб қолдикми, бас, фақат ўзи ҳақида гапирди. Ёнидаги одамни гўё кўрмайди, сезмайди, эшитмайди. Унинг армон-мақсади битта: бирон мансабдор ва урдабурор эркак топила қолса-ю, шартта тегиб олса... Тунов куни кўнғироқлашганимизда ғалати гапни гапириб қолди. Эмишки, Собиржонни учратиб қолибди. Аниқроғи автобус бекатида турганида тўқ кўс тусли, дераза ойналари ҳам шу рангдаги чет эл машинаси шундоққина ёнига келиб тўхтабди-ю, эшиги очилиб Собиржоннинг боши кўринибди. "Келинг, ўтиринг", дебди у. "Энди десанг, ўша куни ўзимам зап чиройли эдим-да, эгнимда кўнғир рангли помбархит костюм-юбка, боягина сартарошхонада сочи бўяттириб, турмаклаб чиққандим..." Одатдагидек ўзига-ўзи маҳлиё бўлиб, тилидан бол томиб, ўзини-ўзи мақтай кетди Гулнора. Собиржон мен ҳақимда ҳам сўрабди ва визиткасини берибди. Лекин ҳаётида юз берган бир нохуш воқеани ҳам айтибди: ҳозир у бўйдоқ экан. Хотини вафот этганига икки йил бўлибди. Гулнора эса астойдил қизиққанидан ва аниқроғи, қувониб кетганидан: "Уйланмадингизми? Нега?" деб сўрабди. "Болалар улғайиб қолишган. Ўзларини ўзлари бемалол эплай олишади. Бундан ташқари бахтимга онам биз билан турибдилар. Мен учун ҳозирча шуниси маъқул", деб жавоб берибди у. Гулноранинг тўлиб-тошиб, ҳаяжонланиб гапиришидан англадикми, Собиржон унинг учун балаңдор. Гулнора эса ана шу балаңдорга осилмоқчи. Бу борада у мендан ёрдам кутапти, аралашиб воқеаларни тезлатишимни истаяпти. Мен ўшанда мийиғимда кулиб қўйдим. Гулнора эски дугонам эмасми, Собиржон билан менинг ўртамизда бўлиб ўтган гаплардан албатта, хабардор. Лекин энди бар-

часи унутилган ва аҳамиятсиз деб ўйлайди. Аммо Собиржон ҳар бир байрамда мени сўраб-сўроқлаб келишини у билмайди. Фақат кейинги йиллар у негадир кўринмай кетди. Балки вақту имконият, шарт-шароит ҳар қандай иродаси мустаҳкам инсонга ҳам ўз ҳукмини ўтказмай қолмайди, шекилли. Ахир бундоқ қаралса, дунёда ҳеч нарса абадий ва тугал эмас-ку! Шундоқ экан, бизнинг ҳис-туйғуларимиз, муҳаббат-нафратимизнинг чеки-чегараси, интиҳоси, инкирози бўлиши табиий...

Ўшада ҳали мактаб даври эди. Биз Собиржон билан ёнма-ён синфларда ўқирдик. Куз. Пахта терими мавсуми, қуёш чарақлаган. Ногоҳда кўзларимиз тўқнашди-ю... Йўқ, аввалига мен инқиллаб-синкиллаб кўтариб кетаётган пахта тўла қопни кимдир орқадан келиб елкамдан оларкан:

- Менга беринг, ёрдамлашаман, - деди. Қопнинг учини бармоқларимдан бўшатарканман, ўгирилиб қарадим.

Кўзларим меҳрибон, иссиқ нигоҳга дуч келди. Вужудим жимирлаб кетгандай бўлди. Шундан бошлаб оғир қопни кўтармайдиган бўлдим. Ёнма-ён эгатлардан тушиб пахта терардик, сўнгсиз-сўнгсиз суҳбат қураддик, узоқ-яқиндан шўх-шаён мактабдошларимизнинг қийқириги, қўшиқлари, овозлари кулоқка чалинар, биз эса ўз-ўзимиз билан овора, гўё бу оппоқ оламда иккимиздан бўлак ҳеч ким йўқдек эди. Тонг қандай қилиб тез шомга айлана қолишини сезмасдик ҳам. Нималар ҳақида сўзлашардик? Ҳозир сира ёдимда йўқ. Қизик, ўз вақтида муҳим ҳисобланган, кўнғилга завқ берган саодатли лаҳзалар ҳам унутиларкан... Фақат ёдда қолгани чарақлаган қуёш остидаги кенг дала - оппоқ пахтазор, иссиқ нигоҳ... Сўнг китоб алмашувлар, китоб орасидаги икки-уч сўздан иборат ва ёки бир неча варақдан жой олган мактублар... Мактабни битирув окшоми, ҳарбий хизматга кузатиш... Сўнг яна мактублар... Сўнг мени эсанқиратиб қўйган, ҳаётимни ағдартўнтар қилиб юборган бир галги телефон кўнғироғи...

- Мен Собиржоннинг опаси бўламан, уни тинч қўйинг, унга қариндошимизнинг қизини олиб бермоқчимиз. Сиз эса, унга ишониб, уни кутиб, қари киз бўлиб қолманг, тагин...

Сўнг айнан ўша дилгир кунларда анчагача Собиржон томон учиб кетган мактубларнинг жавобсиз қолиши... Юракни ўртаб қийноққа солган изтиробли ўй-хаёллар, алам ва ниҳоят, вужудни, руҳни тамоман маҳв этган нафрат... Ул бевафога, ўша муҳаббатга - ўшал дунёга нафрат. Сўнг узоқ-яқиндан, турли-туман йигитлардан уйимизга ёғилиб келган совчилар...

Кунларнинг бирида эса... "Қиз бола палаҳмон тоши", дейишади. Мен узоқ, деярли бегоналашиб кетган қариндошларимиздан бирининг ўғлига тегишга рози бўлдим. Тўқсонга кириб қолган бувим қатъий қилиб: - Қариндошлик ишлари узилиб қолмасин, - деди.

Дадам: "Бамаъни йигит шекилли"... деган сўзни айтди.

Аям: "Энди шундоқ кўримли йигитга тегмасанг - кимга ҳам тегардинг", - деди...

Мен эса, ўша дамларда гўё сеҳрлангандек эдим, бамаъни қизга айландим, ўзим ҳам ҳайрону лол эдим - ҳеч кимга ва ҳеч кимнинг кўнглига қарши бормадим. Мен фақат ўзимни инкор этдим, ўзимнинг кўнглимни йўққа чиқардим. Хуллас, тўй куни белгиланди... Ана шундан сўнг Собиржондан ҳар куни мактублар гўёки ёғилиб кела бошлади...

"Хат-хабарлар етиб бормайдиган олис полигонда эдик..."

"Нега мени тушунишни истамайсиз, айб менда эмаску..."

"Ҳамма мактубларингиз қўлимда... Ҳар бирига ҳар куни жавоб ёзаялман..."

"Нега сиздан мактуб олмаялман, тинчликми ўзи?"

"Соғ-омон бормисиз, нега хат ёзмаялсиз?..."

Мен уларга бир кўз югуртириб чиқардим-у, йиртиб ташлайверардим.

Тўйга бир кун қолганда, қутилмаганда қўлимга бир варақ қоғоз тутқазилди...

"Мен хавотирланиб, ёмон тушлар кўриб таштилга чиқиб келдим. Эшитдим - ҳаммасини. Учрашайлик..."

"Менинг эса учрашишга вақтим йўқ..."

"Ўтинаман, учрашайлик, ўйламасдан кадам қўйманг, кейин пушаймон бўлманг..."

"Менинг вақтим йўқ..."

"Агар учрашувга чикмасангиз, уйингизга бостириб кириб боравераман..."

... Мен учрашувга чикдим. Юрагим илгаригидай орзиқиб кетмади, гўё тошга айланган, қотиб қолганди...

- Ҳали ҳам кеч эмас. Тўйни қайтаринг.

Мени эса бир гапда туриб олдим:

- Бунинг энди иложи йўқ...

- Сиз ҳозир фақат ўзингизни ўйлаясиз - хато қилаясиз... Ҳали кўрасиз, кунлардан бир кун хатонгизни тушуниб оласиз. Билиб қўйинг, мен ўша кунни кутаман. Ёдингиздан чиқарманг... Кутаман. Бир умр бўлса ҳам кутавераман...

Ўшанда унинг охири айтган сўзлари шу бўлди. Шундай қилиб турмуш деб аталувчи асов дарё мени ўз домига шундай тортиб кетдики... Биз яшаётган, сезгила-римизга таъсир этаётган бу оламда бизнинг онгимиз-у назаримиздан яширин яна бир олам бор - уни фақат ҳис этишимиз, фараз қилишимиз мумкин, дейишади олимлар. Мен ҳам сезардим: йиллар йилларни қувиб ўтиб кетаяпти-ю Собиржон эса ҳамон менинг жавобимга маҳтал. Онда-сонда уни ногоҳ кўриб қолганимда кўзлари, сўзлари, ранг-рўйи ошкор этарди бунинг...

Қай бир йили Собиржон уйланибди, деб эшитдим. Қай бир йили эса икки қўлимда икки оғир сумкани кўтариб бозордан ёғилиб букилиб келарканман, ногоҳ рўпарамдан ёнидаги орикқина, рангпаргина аёлга ниманидир уқтириб келаятганини кўриб қолдим. Мен терга ботган, сочларим хўрпайган қиёфада эдим. Яқинлашарканмиз, у бир муддат эсанкираб қолди, лекин ёнидаги ҳамроҳи ёнига тушди, дарҳол ўзини ўнглаб олди. Боз бошларимизни кимирлатиб, нигоҳларимиз билан сўрашгандек бўлдики ва йўлимизда давом этиб кетавердик...

Мен ўшанда биринчи марта юрагимда тушунисиз бир оғрик туйғандим, бу нима эди: ўтган, ўтиб кетган ёшлик билан видолашувимиди ва ёки мен қадрига етмаган муҳаббат армониимиди? Уйга қайтарканман, сумкаларни шундоқ даҳлизга қўйдим-у ўзимни кроватга отиб, ўкраб йиғлаб юборгандим. Менинг йиғимни ҳеч ким эшитмаслиги, сезмаслиги керак эди. Мен нима учун бунчалик хун бўлиб йиғлаётганимни ўзим ҳам тушунмасдим.

Мана ҳозир ҳам Собиржонни эсларканман, худди ана ўша ҳолатни бошдан кечираяпман. Юрагимда тушунисиз, ифодалаб бўлмайдиган аччиқ оғрик, орзиқиш. Мен ҳаминша атрофимдаги ҳаёти, тақдири ўзимга даҳлдор бўлган одамлар ҳақида ўйлабман, қайгурибман, уларнинг дардини, қувончини ўзимники дебман, йиғлашса йиғлаб, кулишса кулибман-у, охир-оқибат ўзимни унутиб қўйибман. Ўзини унутган аёл... Ўзини йўқотган аёл... Ўзлigidан кечган аёл... Ўз қадрини билмаган аёл... Сен ўз-ўзингни унутсанг, йўқотсанг, ўзлigidан кечсанг, қадрингни билмасанг - ўзгалардан нени сўрайсан, нени истайсан, нени кутасан, эй гумроҳ аёл!!

Мен нафасим қисилиб келаятганини, ҳаво етишмаётганини ҳис қиламан. Айвонга чиқиб деразани очиб юбораман. Димогимга салқин, ёқимли ҳаво келиб урилади - тун ярмидан оққан, оч-кўк ранг осмон аста-секин ёришиб келаяпти...

Бу гўзаллик, бу сокинлик, бу кенглик мени ўз бағрига чорлагандай бўлади, қайсар ва ўжар истак пайдо бўлади менда - олтинчи қаватда турибман - ўзимни бўшлиққа отсам - бирварақайига ҳаммасидан қутилар эдим. Унутилган, ташландик аёл биттага камайса камайибди, ажаб бўлибди, бу дунёнинг ташвишларидан бирварақайига қутулиб қўя қолибди... Мен кўзларимни чирт юмаман-да... Йўқ, йўқ шу онда қулоқларим остида ўша овоз янграйди: - "Кунлардан бир кун хатонгизни тушуниб оласиз. Билиб қўйинг, мен эса, ўша кунни кутаман. Ёдингиздан чиқарманг, кутаман. Бир умр бўлса ҳам кутаман..."

Мени унутмаган, мени кутаётган, мени сўроқлаётган овоз... Мен тахтадек қотиб қолдим, баданимдаги титроқ йўқолди, кўз ёшларим таққа тўхтади, тонги салқинни ҳис этдим, жунжикдим. "Ҳаётда ҳеч нарса сабабсиз содир бўлмайди, ҳеч нарса изсиз ўтиб кетмайди, ҳеч нарса оқибатсиз қолмайди, қачон бўлмасин ҳаммасининг саволи-жавоби бор", - бувимнинг сўзларини эслаيمان. Ажабо, бу ҳаётдаги воқеа-ходисалар бир-бири билан нақадар занжирдек боғлиқ бўлмаса... Ўшанда, ҳаётимнинг бошида, умримнинг гул дамларида Собиржон менга ўша сўзларни айтиб яхши қилган экан. Мен эса, бу сўзларни яхшиямки сабрим чидаб эшитган, ёдимда сақлаб қолган эканман.

Менинг нақ қил устида турган ҳаётим чирт этиб узилиб кетмади - мен яшаб қолдим - нафас оляпман...

Мен нима қилмоқчийдим? Ҳа, бугун, йўқ бугун эмас, кеча эди, мен аччиққина кўк чойни хузур қилиб ичиб бирозгина тин олмоқчи эдим. Кеча чой ичолмадим... Томоғим қақраб кетган. Газга чой қўяман. Ҳадемай қайнайди, дамлайман... Ором курсига ўтираман-да, аччиқ чойни шошилмайгина хўллаб-хўплаб ичаман. Бирдан кўнглимда қайсар ва ўжар истак пайдо бўлади. Собиржонга кўнғироқ қилишим керак... Кўнғироқ қиламан... Собиржон айтган, Собиржон кутган ўша - кунлардан бир кун келди - мен ҳам ниҳоят илк марта уни излаш, топиш, унга дард-ҳасратимни тўкиб солишни жуда-жуда истаб қоламан. "Мен ўша кунни бир умр бўлса ҳам кутаман", деганди у... Кутаётганимдан ё кейинги йиллар бошига дўлдек ёғилиб келган ғаму ғурбат - мен кўрган ўша нимжон, рангпар аёлнинг бедаво касаллиги, ўлими, ундан кейинги ташвишлар ниҳоят уни чарчатган, ҳамма нарса ёдидан аллақачонлар кўтарилиб кетдими? Мен ҳозир кўнғироқ қилсам қандай аҳволга тушаркин? Кўнғироқ қилсам, кўнғироқ қилсам... Бу истак тобора менинг "мен"имдан, борлигимдан кучлилик қилаётганини сезаман - кўнғироқ қилишим керак... Етар энди тақдири азал чизиб берган чизикдан четга чиқмай, адашмай типпа-тик яшаб келганим... Келиб-келиб эвазига нимага эришдим - ким деган одам бўлдим: "ташландик хотин"... Нақадар совуқ сўз: "ташландик"... Менинг шу кўйга тушишим, бундан кейинги ҳолатим икки кишининг - эрим ва ўша аёлнинг инонихтиёрига, улар муҳаббатининг куч-қувватига боғлиқ... Уларнинг бир-бирига интилиши кучли бўлса, мен учинчи - кераксиз, ташландик одамга айланишим аниқ.

- Бормисиз Собиржон, - дейман мен унинг телефон номерини тергач. У тун ярмидан оғиб тонг отай деб қолганда менинг овозимни эшитиши билан "туш кўраяпман" ва ё "жинни бўлиб қолганим аниқ", деган гапни кўнглидан кечиради, ишонмайди, мен эса уни тангу лол қолдириб гапимда давом этаман: - Ниятингиз ҳолис экан, Собиржон. Мана, мен ниҳоят сизни излаб, ўзингизни - овозингизни ёдлаб кўнғироқ қилаяпман. Ким билан гаплашаётганингизни англолмай турибсиз, чоғи. Мен - ўшаман... Йўқ, аниқроғи, сиз билган ўша қайсар қиз, йўқ мен ташландик аёлман...

Бу сўзларни айтишим билан ишончим комил, унинг афти буришади. Ҳа, ҳа, унинг афт-башараси буришиши аниқ, "ташландик аёл" - ташландик-да... Албатта, ундай аёлнинг бир камчилиги бор... Шунинг учун ташлаб кетишади. Аслида бекорга аёлнинг тупроғи енгил дейишмаскан. Бу дунёда аёлга қора тамга ёпиштириш нақадар осон иш. Бунда турли ақл бовар қилмайдиган сабаблар рўқач қилиниши мумкин ва улар ҳаммаси ҳам ишонарли чиқаверади. "Хотини жа чиройли эди-да, хушторлари сочи толасидан ҳам кўп эди"; "Хотини исқирт, рўзгорга ярамаскан"; "Хотининг башарасига қаранг, ит қарамайдиган аҳволда"; "Хотини қари экан, нима энди бир умр қари аёлни буви қилиб яшармиди"; "Хотини чўққадай семиз - тағинам шўрликқина фалончивой шу билан шунча яшадим"; "Хотини чўпдай озгин, ҳа, энди бунақасиям ярамайдим-да"; "Хотинининг тили заҳар-да, заҳар..." Мени нима дейишаркан, мени? "Эл озгига элак тутиб бўлмас", дейишганидек нима дейишса, дейишаверади. Бунинг энди аҳамияти йўқ. Энди бу гаплар муҳим эмас. Муҳими нимада? Кўнғилда... Ҳа, ҳа, кўнғилда... Кўнғил ўзгарди, айнан ҳозир,



шу дамда менинг кўнглим ўзгарди. Кўнглим кўзгалди... Ўзлигини излашга тушди... Ўз-ўзини излаган кўнгли... "Сенинг истаганинг - сенинг ўзингдадир", - қайдадир эшитган ва ё ўқигандим. Кўнглим аста-секинлик билан ёришиб келаётганини ҳис қиламан. Ўзлигини излаётган, топётган, ўзгараётган, ёришаётган кўнгли - яхши экан. Вужудимда ажиб бир ёрқин, энгил ҳорғинликни туяман...

Мен ҳозир нима қилмоқчийдим ўзи? Ҳа, Собиржонга кўнгирак қилишим керак...

- Салом, - дейман мен совуқ симлараро бахмалдай юмшоқ овозда... - Танияпсизми мени... Танимапсиз... Танимаслигингиз табиий. Айтинг-чи, мени ҳалиям кута-япсизми?

Шунда уйқусираб, гап нимадалигини англолмаётган, қийналаётган Собиржон:

- Нимаиди? - дейиши табиий.

- Мен эримни ташласам ("ташласам" деган сўз айниқса ўзимга мойдай ёқади - яхши-да, "эрим мени ташласам"дан кўра "эримни мен ташласам") сиз уйланасизми? - шу гапни айтаману голиблик суруридан ҳузурланаман, чехрам ёришади.

У шунда гарангсиз қолади, шошиб қолади, сўз тополмай ранг-рўйи оқариб кетади... Мен буни ҳозирок ҳис этаёпман.

- Айтинг, мен эримдан воз кечсам, сиз менга уйланасизми? - мен аянам қатийроқ сўрайман, жавобни тезроқ олишни истаёман...

У эса... У эса жим... Жимлик... жимлик аро ўйлайди... "Қанақа аёл экан, бу ўзи? Эрли, бола-чақали бўлиб туриб бир бегона эркакка... Хотин халқи бариси бир гўр экан... Эҳ, мен аҳмоқ, мен галварс шундоқ аёлни бир умр ўйлаб, кутиб яшабман-а..."

У балки шундай ўйлайди, балки бошқача... Балки кутилмаган қувончдан юраги қафасидан чиқиб кетгудай бўлиб тез уради.

Менинг шу фурсатдаги кўнгироғим, савол-сўроғим ёлғизгина ўзимгагина дахлдор дарду ғамим ўз ҳолича ўз аравасини судраб кетаётган ва шунга кўникиб бўлган бир инсоннинг ҳаловатини, кайфиятини ва балки ҳаётини издан чиқаришга, бузишга арзирмикан? "Эҳ, буни тақдир деб кўйибдилар, - дердилар бувим. - Пешонангга нима ёзилган бўлса, шуни кўравераркансан. Ундан ортигини ҳам, камини ҳам кўришга бандаси ожиз экан..."

Йўк, мен унга кўнгироқ қилмайман, уни қайтадан умримизнинг гул даврларига ҳам қайтармайман. Ҳамма-ҳаммаси - ўшандаги муҳаббат, қувонч, изтироб ўз даврида, ўша ҳолича, ўз ўрнида қолгани маъқул. Ҳаётда инкор этиб бўлмайдиган кўлдан-кўп ҳақиқатлар мавжуд, улардан бири шуки, инсоннинг умри фасллари ортага қайтмайди - шафқатсиз тарзда ўтиб бораверади...

Мен энди бир оз мизғиб олсам бўлармиди, ҳали ишга боришим керак, ахир... Дахлиздаги чирокни кимдир ёқади. Шипиллаб у ёқдан-бу ёққа юради.

- Ким? - сўрайман мен.

- Мен, ая, - ўртанча ўғлимнинг овози.

- Ухлмасдан нима қилиб юрибсан?

- Дадамнинг усти очик қолибди-ку, чойшаб келтириб ёпиб қўйдим...

Менинг меҳрибон ўғилгинам...

Мен мизғиб олмақчийдим, шу дамда дахлиз ёқдан яна тикир-тикир товуш эшитилади. Болалар ётоқхонасидан катта хонага кимдир ўтгандай бўлади... "Нима бўлаяпти, ўзи?" Мен бориб қарайман - кичик ўғлим экан - дадасининг ёнига келиб ётиб олибди. Унинг одати асли шу - ҳар тонг даласи кўйнига кириб ётади.

Менинг кичкинтойим, эркатойим...

Сал ўтмай ғира-шира ёруғликдан катта ўғлимнинг қораси кўринади.

- Нима гап? Нега каллаи сахардан туриб олдинг, - дейман мен унга.

- Кеча кечқурун ёзган иншомни текшириб бермоқчийдингиз-ку...

- Иншо нима ҳақидаиди, қани бер-чи...


Мен дафтарни очаман: "Ҳаёт мазмуни". Бор-йўғи атиги икки саҳифагина...

Прометей номи жаҳон адабиётида зулм ва адолатсизликка қарши курашган қаҳрамонларнинг умумлашган образига айланган.

Гомернинг "Илиада", "Одессия" каби асарлари Юнон-Троя урушлари тасвирига бағишланган. Гомердан кейин юнон адабиётида ушбу мавзуда яратилган эпик достонлар "Троя туркуми" деб аталган.

"Троя туркуми"да юнонларнинг Трояга юришларидан ташқари туркийларнинг қадимги қавмлари ҳисобланган скиф, киммерлар, шунингдек уларнинг жанговар аёллар гуруҳи - амазонкаларнинг яшаш тарзи, мамлақати ҳақида ҳам тасвирлар берилган. Бизнингча, Троя қадимги форсий манбаларда туркийлар мамлақатининг умумлашма номини ифодалаган Турнинг юнонча шакли бўлиши керак. Зотан, қадимшунослар Троя деб аталган шаҳар ҳозирги Туркияда бўлганлигини исботлашган.

Эсхил Прометей образини яратишда юнон мифологиясида мавжуд афсоналардан фойдаланган. Биз эса Прометей ҳақидаги ривоят ва афсоналар, хусусан "Занжирбанд Прометей"даги тасвирлар скифлар мамлақати билан боғланганлиги нуқтаи назаридан бу образ



бадииятини қадимги туркийлар ҳаёти билан қиёсий ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Эсхил трагедиясидаги тасвирга кўра, Прометей Зевснинг қаҳрли амри билан скифлар мамлақатидаги осмонўлар қояга занжирбанд этилади. Юнонлар скифлар мамлақати дейилганда ер қитъасининг катта қисми - ҳозирги давр назари билан қарайдиган бўлсак, Қора денгиздан Русия томон чўзилган шимолий-шарқий кенглик, Кавказ ва Марказий Осиёдаги ҳудудларни тушунганлар.

Баҳр маъбуди Океан учар отда етиб келар экан, Прометей унга шундай мурожаат қилади:

*Ва ниҳоят сен ҳам келдинг бу нима демак,
Азобимга томошабин бўлганимми ё,
Сенга номдош бўлган оқим - улуг Океан
Ҳам қолвор гор қаърининг илк баргоҳини
Тарк айлабон темир-маъдан иқлими сари
Келмоқликка қандай журъат қила олдинг, а?*

Бу парчадаги "темир-маъдан иқлими" скифлар мамлақатини англатади. Қадимда юнонлар скифлар мамлақатини шундай номда аташган. Сабаби, бу ҳудудда темир-маъдан бойликларининг кўплиги ҳамда скиф қабилалари темирчилик ишлари билан машҳур бўлганлигидир.

Эсхил яратган драмада Прометей скифларнинг ана шундай бойликларини очувчи ва халққа етказувчи қаҳрамон сифатида кўринади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди:

*Биобарин... Ким айтишга журъат этади,
Менга қадар ер остида яширин ётган
Темир, олтин, қумушларни, рангин мисларни
Одамларнинг фойдасига етказганимни,
У кимдирки мағрурлансин, албатта, ҳеч ким.*

Бу мисраларда баён этилган фикрлар Прометей тақдирини "темир-маъдан иклими" - скифлар мамлақати билан янада яқинроқ боғлайди.

Прометейнинг қийноқ-азобларга солиниши амазонкаларни ёрдамга отлантиради. Драмада шундай сатрлар келтирилган:

*Ачинмакда сенга ҳатто
Шер юракли амазонкалар;
Меотида кўрфазининг чеккасида
Асрлар оша яшаб келган
Скиф қавми -
Жангарилар ҳам.*

Демак, амазонкалар скифлар қабиласи, уларнинг яшаш жойи Меотида (ҳозирги Азов денгизи) соҳилларида бўлган.

Бу ўринда шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, тарихчи Страбон Томирис (Тумарис)ни Қофқаз амазонкалари маликаси деб кўрсатган. Александр Македонский Сирдарё атрофида амазонкалар маликаси билан учрашганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Прометей драмада скифлар мамлақатининг табиати, бойликлари, дарёлари, бу ҳудудда яшайдиган қавмлар, уларнинг яшаш тарзи, урф-одатлари ҳамда ўзларига хос руҳий кечинмалари ҳақида тўла тасаввурга эга бўлган қаҳрамон сифатида кўринади. Хусусан, бу тасвир унинг малика Йога қилган мурожаатида ўз ифодасини топган. Хўш, Прометей бу қадар скифлар турмуши билан боғланишига асос нима? Нега юнон мифологиясида Прометей образи кенг ўрин олган бўлса-да, у скифлар мамлақатида занжирбанд этилади?

Скифлар ҳаёти акс этган тарихий манбалар, улар асос солган мамлакат ҳудудида яшаётган қавмлар ўртасида сақланиб қолган адабий сюжетлар Прометей аслан скифларнинг қаҳрамони бўлганига ишонч уйғотади. Геродот шундай афсонани келтиради: Прометей скифларнинг шоҳи эди. Бургут номидаги дарё тошиб, экинзорларни босгач, Прометей халқини озиқ-овқат ва бошқа зарурий нарсалар билан таъминлай олмади. Шундан сўнг скифлар ўз шоҳларини қишанлаб ташладилар.

Грузин олими М.Я.Чиковани маълумот беришича, Э.Кенфлер (XVII-XVIII аср) қадимги юнон манбалари асосида Прометей ҳақидаги афсоналарни батафсил ўрганар экан, унинг шахсиятини скиф шоҳи Промефей номи билан боғлайди. Э.Кенфлер тадқиқотларига кўра, Промефей Магўг авлодидан бўлиб, Ёфаснинг ўғлидир. У скиф халқининг отаси деб тан олинган. Унинг осмондан ерга олов олиб келишининг мазмуни шундаки, у Қофқаз тоғларидан металл бойликларини топиш, қазиб ва оловда тоблаб олиш қобилиятига эга бўлган.

Геродот "Тарих"ида скифлар ҳаёти тўғрисида бой маълумотлар келтирилган. У ёзиб қолдиришича, миллодан аввалги Уш асрларда скифлар Кичик Осиёда катта давлат эгаллашган. Уларнинг шоҳи Прототей бўлиб, Партийнинг ўғлидир. Оссурий тарихчилари Партийни Гўг (Гог)нинг

ўғли деб ёзишган. "Инжил"да Гўг ва Магўг (Шарқ адабиётида Яъжуж ва Маъжуж деб юритилади) Нуҳ пайгамбарнинг ўғли Ёфаснинг авлоди деб таъкидланади.

Юқоридаги далиллар тарихда Прометейнинг ўз муқобили бўлганлигини кўрсатади. Демак, Прометей образи яратилишига скифлар шоҳи Прототейнинг шахсияти асос бўлган. Прототей скифлар, яъни қадимги туркийлар шоҳи эканлигини ойдинлаштириш мақсадида яна бир муҳим далилни келтириш мақсадга мувофиқдир. Геродот ёзишича, Прототейнинг вафотидан сўнг скифлар давлатига унинг ўғли Мадиес ҳукмронлик қилади ва 625 йилда Мидия (Эрон)га қўшин тортиб, "ярашиш" зиёфатида захарлаб ўлдирилади. Мадиес қадимги туркийча сўз бўлиб, Мадирнинг қисқарган (туркий шеваларда "р"нинг айтилмаслик ҳоллари мавжуд) шаклидир. Мад - ботири, алп деган маънони беради. Туркий қавмлардан саналмиш тува халқи тил бойлигида бу сўз сақланган бўлиб, маадир шаклида ифодаланади. Маад - баҳодир, алпр, эр демакдир. Зотан, тарихий ва адабий манбалардаги Алп Эр Тўнга номи Маадирнинг синонимли кўриниши бўлиб, айни пайтда бу ном Прототейнинг ўғли Мадининг муқобил номи ҳисобланади. Ҳозиргача туркий қавмлар, чунончи ўзбеклар ўртасида Маъди, Мадие каби номлар баҳодирликнинг белгиси сифатида сақланган.

Жаҳон адабиётшунослиги ҳозиргача Прометей ҳақидаги афсоналарни юнон мифологияси маҳсули деб тушунади. Аслида бу афсоналар туркийларнинг қадимги авлоди скифлар оғзаки ижодида пайдо бўлган ҳамда юнон ёзма адабиётига кўчган, деб ҳисоблаш ҳақиқатга яқиндир. Скифлар мамлақатининг марказий қисми ҳисобланган Қофқаз ва Қофқаз орти республикалари, Каспий ва Қора денгиз атрофларида яшайдиган халқлар оғзаки ижодида Прометей қаҳрамонлигини эслатувчи ривоят ҳамда афсоналарнинг намуналари кўплаб сақланганлиги бу фикримизнинг қувватидир.

Кавказда яшайдиган халқларнинг оғзаки ижодидан "Амиран" эпосининг 150 дан ортқ варианты ёзиб олинган. Хусусан, месхетлардан чиққан ашуг (бахши)лар бу эпосни мусика жўрлигида айтишган. "Амиран" грузин, сван, мерел, абхаз, арман, осетин, черкас, лак, қабардин ва бошқа тилларда оммавийлашганлиги сабабли, бу халқларнинг ҳаммаси Амирани ўзларининг сеvimли қаҳрамонлари деб билишади. Ўтган асрда яшаган гуржи маърифатпарвари М.Жанишвили "юнонлар бизнинг афсонавий қаҳрамонимизни Прометей ҳақидаги мифга айлантирдилар", дейиши ҳам шундай қараш белгисидир. Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, туркийларнинг нодир эпосларидан бири "Қўрқут ота китоби"да Амиран ҳақида алоҳида дoston берилган (IX кўшик). Кавказ халқлари ўртасидаги ривоятларга кўра, Амиран Элбурс тоғида занжирбанд қилинган. Алишер Навоий бу тоғни Албурз кўх деб атади. Бизнингча, тоғ номи туркийлар хокони Алп Эр Тўнганинг укаси Алп Аруз номи билан боғланган. Абхазларнинг Абрскил, имеретларнинг Рокапи, ажарларнинг Ромпапи каби қаҳрамонлари ҳам Прометейнинг муқобил образи сифатида ўз қиёфасига эга.

Демак, Прометей скифлар - қадимги туркийларнинг қаҳрамони дейишга асослар бор. Прометей туркийларнинг сеvimли хокони ва қаҳрамони Мадир - Алп Эр Тўнганинг отаси Прототейнинг афсонавий муқобил номидир. Юнон адабиётининг беқиёс хизмати шундаки, скифлар яратган сюжетлардан баҳраманд бўлиб, жаҳон маданияти хазинасига қадимги туркийларнинг ҳаёти тасвирланган нодир асарларни олиб кирди.

*Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди*





Норсаид ОЙДИНОВ

ИЖОД ЁЛҚИНИ



Асримизнинг сўнги чорагида ўзбек тасвирий санъати ижодий ютуқлари, ранг-баранг янгича намуналари билан алоҳида эътиборга моликдир.

Шарқона миниатюра анъаналари билан Оврупа тасвирий санъати уйғун тарзда янгича ижодий изланишларни рассомларимиз зиммасига юкламоқда. Ана шундай ижод йўлини танлаган мураббий рассомлардан бири Файзулла Агзамовдир.

Одатда, ўқитувчининг ижодий фаолияти ҳар доим ҳам кўзга ташланавермайди. Ачинарли томони шундаки, мактабларда тасвирий санъат дарсларини тўла-тўқис олиб бориш учун етарли имкониятлар бор, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам оддий ўқитувчи-рассомларнинг ижодий фаолияти кенг-кўламли равақ топиши анча мушкул.

Агзамов ҳам Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг бадиий-графика факультетини тугатиб, ишни оддий ўқитувчиликдан бошлади. Балки шу боисдан, у ижода босқичма-босқич ёндошганини кўради. Мусаввирнинг дастлабки асарларида чуқур профессионаллик назма хос оддий ва содда тарзда намоён бўлди. Бу изланишлар рангтасвирдаги бир қатор портрет, манзара, натюрмортларда кўзга ташланади. Рассом ўлкамизнинг турли ҳудудларига ижодий сафарларда бўлар экан, ҳар жойнинг тарихини, табиати сирларини, машҳур ва маълум шахсларини полотноларда ифодалашга интилади. Ана шундай сафарлардан бири қадим Бухорога багишланган. Бу ерда Файзулла Агзамов кўзна меъморлик обидаларини алоҳида бир рангин лавҳалар билан тасвирлар экан,

Бухоро меъморлигини ўзига хос талқин қилади. Рассомнинг меъморлик манзарасини кенг кўламли ўтмиш сирлари билан боғлаб бериш санъати янада таъсирчандир.

Рассом ўзбек халқининг сеvimли фарзанди Файзулла Хўжаев портретини яратиш борасида ҳам маълум муваффақиятларни қўлга киритди. Портретда ёш ва навқирон Файзулла Хўжаев қиёфаси гавдаланганини кўради. Унинг эғнида қизил заррин либос эса қизил империяга ишониб, халқим озодликка чиқади деган ният ва орзу билан ўзининг бойликларини ҳадя этганлигига ишорадир. Шу билан бир қаторда Файзулла Хўжаев Ватан озодлигига ишонч билан назар ташлаб тургандек ифодаланган.

Рассомнинг бир қатор бошқа портретларида оддий ўзбек кишилари намоён бўлган. Булардан “Қаҳрамон ота”, “Буви набира билан”, “Оилавий портрет”, “Онахон”, “Автопортрет” каби асарлари алоҳида ютуқлар сифатида санаш мумкин. Умуман рассомнинг портрет санъатидаги изланишлари кўп ҳолларда ўзи билан ҳамнафас замондошлари ҳаётини, турмуш тарзини, замон кайфиятини очиб беришга хизмат қилаётганини кўради. Шу сабабли унинг асарлари аллақачон кўплаб хорижий давлатларнинг кўргазма ва музей залларида намоён қилинган.

Рассом Сурхондарё, Ургут, Бахмал, Хатирчи воҳаларига багишлаб бир қатор чиройли

манзаралар яратган. Рассом талабалар билан Хумсон, Бурчмулла каби тоғ ён бағирларида ёзги машгулотларни олиб борар экан, мусаффо ҳаво билан тўлган ана шу



манзараларни алоҳида иштиёқ билан полотноларда жонлан-тиришга ҳаракат қилади.

Файзулла Агзамов билан бўлган ижодий суҳбат ва мунозаралар мени у кишининг ижодхонасига етаклади. Катта оиласи билан истиқомат қиладиган уч хонали

(биттаси ижодхона) уйининг ўзида жойлашган устахонасида тер тўкаётганини, қийинчиликларга қарамасдан ижодга астойдил берилганини кўргач, бу мусаввир ҳақида фикр юритмоқ жоиз деган қарорга келдим. Эҳтимол баъзи катта рассомларимиздагидек шароит ва имкониятлар бўлса эди, Ф.Агзамов ижодда янада йирикроқ муваффақиятларга эришарди. Ахир, ижодкор учун шарт-шароит ҳам муҳим омиллардан бири бўлиб саналади-да. Албатта бу фикр кимгадир эриш туюлар, ким учундир эса муболага бўлиб кўринар. Аммо Файзулла Агзамов ижодини ўрганиб, унинг асарлари кўргазма ва музей залларида намоён қилинишига ҳар жиҳатдан лойиқлигига ишонч ҳосил қилиш билан бир қаторда бу асарлар ёшлар нафосати тарбиясида ҳам аҳамиятга эга эканлигининг гувоҳи бўлган кўнгилда шундай мулоҳаза пайдо бўлди...





Умар САЙФИДДИН,
Туркия

НОМАЪЛУМ ҚАХРАМОН



МЕТИН ИРОДАЛИ ЙИГИТ

(Таржимон ҳақида)



Адабиётимиз ҳаваскорлари бўлган ёш қаламкашларнинг фикр доиралари йил сайин кенгайиб бораётгани Тему́р Бектўранинг буюк турк адиби Умар Сайфиддин ҳиколларини узоқ қишлоқда яшаб ўзича кашф этгани ва илҳос билан таржима қилганида кўзга мўҳол ташланади. Бу йигит биринчи гуруҳ ногирони, мактаб ёшида эканида биланд жойдан йиқилиб, оёқлари бутунлай қишламай қолган, ўн тўрт йилдан буён уйдан кўчага чиқолмайди, ўқиш-ёзиш ишларини тўшақда ўтириб қилади. Зехни ўткир ва иродаси кучли экан, лугатлар ёрдамида турк тилини мустақил ўрганди. Она тилимиз бойликларини ҳам кунит билан эгаллайди. Шунинг натижаси ўлароқ, Умар Сайфиддиннинг ажойиб ҳиколлари унинг таржимасида худди ўзбек ёзувчиси яратган гўзал асарлардек дилимизга йўл топади.

Раҳматли адабимиз Мирзакалон Исмоилий таржимасида Рашиод Нури Гунтегиннинг "Ҷолиқуши" романи босилиб чиққанига кўп йил бўлди. Ўқувчиларимиз ҳамон бу китобни қўлдан қўймай ўқиб келади. Умар Сайфиддин ҳам Р.Н.Гунтегиннинг замондоши ва сафдоши бўлган. Бу ўлмас адиблар XX асрда турк халқининг бир неча авлодлари қалбида ватанпарварлик, миллий гурур ва адолат туйғуларини тарбиялаш ишига жуда катта ҳисса қўшганлар.

"Ёшлик"да Тему́р Бектўра таржимасида чоп этилаётган ҳиколлар Умар Сайфиддиннинг буюк истеъдоди ва маҳоратидан далолат беради. Айни вақтда бу таржималар сўз санъатини эгаллашга астойдил бел боғлаган салоҳиятли бир қаламкашнинг ижодий итзланишлари яхши самара бераётганини кўрсатади. Шунинг учун мен Тему́р Бектўрага чин дилдан оқ йўл тилайман.

Пяримкул КОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

“ А Л Е К О ”

Хаво булутсиз, осмон оппок, бутазор устида қушлар чағ-чуглаб учишарди. У баайни ўлжасига яқинлашиб бораётган овчидек оҳиста қадам ташлаб катта йўлга чиқди. Теварак-атроф кимсасиз.

Кичкина Али узун, қийғоч киприкли катта-катта қора кўзларини йиртиқ чорикларига тикиб, ўйланиб қолди. Елкасидаги чангта беланган чарм тўрвасида яримта нон билан бўшаган сувдондан бўлак ҳеч вақо йўқ эди.

У олти ойдан буён Гелиболудаги бир Рум¹ новвойининг кўлида ишлаётганди. Бир неча кун аввал ҳукумат “уруш бўлади” деб устасини бошқа насронийлар қатори ичкари кўчирган эди. Гелиболуда унинг бирон-бир қариндош-уруғи йўқ. Яшаб туришга жой топилмади. Қишлоғига қайтиб ҳам бирор кимсани учратолмади. Уйлар тамбаланган, оғиллар бўшаб қолган, кичкина жомеъ майдони от-арава, аскар, қодирларга тўлиб кетганди. “Бу ерларда уруш бўлади, ҳукумат аҳолини орқага кўчирди”, дейишди.

Кичкина Али ҳамқишлоқларини, кекса ота-онасини излаб топиш учун, мана икки кундирки, йўл юрарди. Кечалари очикда ётиш, кундузлари жазирама қуёш нури остида йўл юриш уни анча толиқтирганди. Қорни эса шундай очикқан эдики, “нима бўлса бўлди” деб куни кеча емай, сақлаб қўйган нон бурдасини тўрвасидан чиқариб, йўл четига ўтирди. У худди бир катта олтин парчасини кўраётган каби бу қора, қаттиқ арпа нонининг у ёғига қараб, бу ёғига қараб, ниҳоят бир четидан тишлади. Оғзидаги лужмани тезгина ютиб юборишга кўзи қиймай, тили устида айлантирди.

Қизик, у ҳали бу кимсасиз йўлда яна неча кун юради? Кечкурун нима ейди? Сувни қаердан топиб ичса экан? Кичкина Али диққат билан тикилиб, ўзоқда бир тўда кишиларни кўрди. Улар аскарларга ўхшамасди, чунки тартибсиз юриб келишарди. Кичкина Али ўрнидан туриб, кўлини пешонасига соябон қилиб тикилди. Қора белбоғи, кўк нимчаси, чарм тўрваси уни қўйларини излаб юрган кичкина чўлик болага ўхшатарди. Бошида қалпоғи йўқ, қалин жингалак сочлари қуёш нурида ялтирайди.

- Румларга ўхшайди-ку!.. - деди кичкина Али ўз-ўзига.

Энг олдинда, эгар жабдуқли бир бия устида оқ соқолли, қора қалпоқли, қора ридоли бир попни тусмолади. Қирмизи пешбандлик, қора рўмол ўраган аёллар, қора камзул эркақлар, болалар, кўч-қуронлар юкланган аравалар ёнида сигир-бузоқлар, эчкилар аралаш-қуралаш илгарилаб келишарди.

Булар, ҳеч шубҳасиз, орқага жўнатилган бир қишлоқ аҳолиси эди. Кичкина Али қишлоғида қўшни рум болалари ичида катта бўлгани учун румчани яхши биларди. “Буларга қўшилиб Малқарагача, қариндошларим олдига бирга кетсам бўлмасмикан, балки ота-онам ҳам ўша ердадир?” деб ўйлади у.

Кичкина Али йўлга чиқиб, понга яқинлашди-да румчалаб:

- Илтимос қиламан, менга бир қултум сув беринг, - деди.

Поп биясининг жиловини тортиди. У тўхтагач, бошқалар ҳам секинлаб, атрофга тўпланишди.

- Сен чўлик боламисан?

- Йўқ.

- Бу ерларда нима излаб юрибсан?

- Гелиболида ишлаётган эдим, устамни орқага кўчиришди. Қишлоғимга қайтсам, ҳамқишлоқларимни ҳам кўчиришибди, энди уларни топай деб кетаяпман.

Поп тиниқ мовий кўзлари билан унга бошидан-оёғигача разм солиб, сўнг:

- Исминг нима? - деб сўради.

Бу маъноли қараш билан у гўё “Сен туркмисан ёки руммисан?” деб сўраётгандек эди. Ярим оролнинг кўпчилик қишлоқларида турклар билан румларни сийратларидан ажратиб бўлмасди. Рум болаларини турк болаларидан фарқлаб турувчи ягона белги уларнинг яланг бош юришлари эди. Али новвойхонада фесини² йўқотиб қўйганди. Қишлоғига қайтаётиб ҳам бошига бирор нарса ололмаганди. Дудуқланди:

- Алеко, - деди.

- Ота-онанг борми?

- Йўқ, мен етимман, ҳеч кимим йўқ.

Поп ёнидагиларга ўгирилиб:

- Сув беринглар бу болага! - деди.

Дарров Алининг кўлига бир ёғлоқ беришди, у чанқоғи қонгунча сувдан ичди. Поп қайрилиб орқага қараб:

- Жандармлар анча орқада, - деди. - Сени кўришмади, бизга қўшил. Қани юрайлик.

Карвон яна уч кун йўл юрди. Кечалари Али поп берган бир жўлга ўраниб ухларди. Тўртинчи куни кечга яқин бир рум қишлоғига етиб келдилар. Жандармлар ҳар уйга бир оилани жойлаштиришди.

Поп черковга тушди. Бу ер қоронғи, мунгайган, тевараги ўралган бир гўша эди. Ҳовлининг қалин ва баланд деворлари тўқ кўкка бўялган. Попнинг хонаси силлиқ тош тўшалган кичкина ҳовлининг тўрида эди. Али черков хизматчисининг ёнида ётар, эрталаблари барвақт туриб черковни супуриб-сидирарди. Эрталабки ибодатлар вақтида ҳам у ҳозир бўлиб турарди. Бир ой ўтмасдан у маросимларнинг ҳаммасини ўрганиб олди.

Бир куни эрталаб Али черковни супуриб бўлиб, ётоғига қайтаётган эди. Поп очик деразадан ишора қилиб, уни чақирди. Диванга ўтириб олган поп киприк қоқмай боқувчи мовий кўзларини Алига тикди.

- Сен туркчани яхши биласан-а?

- Биламан.

- Мен туркман, десанг, аскарлар шубҳаланишмайди.

- Албатта.

- Сенга бир мактуб бераман, уни чолворинг ичига тикиб оласан. Кейин Чанокқальга борасан. Аскарлар орасидан бир йўлини топиб ўтасан-да, инглиз генералига мактубни етказасан.

- Хўп бўлади.

- Мана бу Афинадаги инглиз элчихонасидан аввалроқ олинган ишончнома. Бунинг ичига кўрсатсанг, биз тарафимиздан борганингни дарров тушунишди. Худо кўрсатмасин, мабодо қўлга тушсанг, “ердан топиб олдим” дегин. Биздан олганингда иқро бўлмагин.

- Хўп...

- Инглиз аскарлари қаршингда кўринди дегунча “Қибрис” деб қичқир. Парол шундай, унутмагин: “Қибрис”.

- Хўп бўлади.

- Хечам кўрқма. Ватан фарзандининг хизматига мушток. Миллатимиз қалби сен билан бирга, инглиз генералидан бизга хушxabар келтирасан. Қачон бизни кутқаражакларини сўраб-суриштирасан.

- Ҳўп бўлади.

Поп Алининг пешонасидан ўпди. Йўлда эмаги тугаб қолса, олиш учун беш танга кумуш мажидия ҳам берди.

Черковдан чиққан заҳоти Али жандарма маҳкамасига бориб, инглиз генералига олиб бориши керак бўлган мактубни топширишни ҳам ўйлади, аммо дарҳол бу фикридан қайтди. Бугун иш жандармларнинг кўз ўнгида бўлаётган экан, демак улар парво ҳам қилишмайди, бошларини чайқаб қўяқолишади. У ўз-ўзига: "Мен буни Чанокқалъага олиб бораман" деди. Катта йўлдан илдам юриб кетди.

Тўртинчи куни тўп овозлари яқинроқ эшитила бошлади. Рўпарасидаги қорайиб кўринган тўқайзор ичкарасида жуда кўп оқ чодирлар кўринди. У ўша томонга қараб юриб, тепалик этагига етди. Харсанг тош устида қора муйловли, тумшайган кўринишли, гавдали бир аскар ўтирар, ёнида қуроли йўқ эди. Кичкина Али ундан:

- Пошша шу ердами? - деб сўради.

- Йўқ.

- Чодирларда кимлар бор?

- Ярадорлар, бу ер дала госпитали.

- Пошша қаерда туради?

- Нима қиласан?

Али унга орақдан бир мактуб келтирганини тушунтирди. Аскар:

- Қайси пошшани кўришинг керак? Истасанг, сени ўзимизнинг пошша ёнига олиб бораман, - деди.

Али бу таклифга рози бўлди.

Кечга яқин улар бир арчазор ўрмон ичкарасига кириб бордилар. Тик кирғоқли бир сой бўйига эндиляр. Юқоридан шар-шаранинг шовуллаши эшитиларди. Соининг ўнг кирғоғига ўн беш, йигирма чоғли чодир қурилганди. Бу ер узокдан оқ томли, овлоқ бир кишлоққа ўхшаб кетарди.

Тор ёғоч кўприқдан ўтишди. Аскар Кичкина Алига:

- Сен шу ерда мени кутиб тургин, - деди-да, илгари кетди.

Соқчи аскарлар билан сўзлашиб, чодирлардан бирига қараб юрди. У чодирдан чиққан кишиларга нималарнидир сўзлади. Сўнг Али томон қўлини силтаб:

- Келавер! - деб кичқирди.

Али югуриб уларнинг ёнига борди. Погонли, барваста бир киши унга бошдан-оёқ назар солиб чиқди, кейин кулимсираб сўради:

- Қани ўша мактуб?

- Чолворимда, тикиглек.

- Уни ким бериб юборди?

- Поп таксирлари!

- Бизнинг пошшагами?

- Йўқ, инглиз пошшасига.

Киши гап нимадалигини тушунди шекилли, "Юр, буларни адъютантга сўзлаб бергин", деб уни ёш бир зобитнинг қаршисига олиб борди. Али унга ҳам кишлоғини тополмаганини, румларга қўшилиб қолганини, қандай қилиб ўзини рум қилиб кўрсатганидан бошлаб, черковда бўлиб ўтган гап-сўзларни айтиб берди.

Энди ёш зобитнинг кўзлари чакнай бошлади. У ўз қўли билан Алининг чолворини сўкиб, мактубни чиқариб олди. Сўнг Алини пошшанинг чодирига олиб борди.

Пошша тўла вужудди, паст бўйли, соқол қўйган бир киши экан. Пошша зобитни эътибор билан тинглагач:

- Ўқи, - деди.

Поп ўз мактубида саккиз ой мобайнида кишлок четидаги йўлдан ўтган батальонларнинг, тўпларнинг ҳисобини айтган, яна: "Кўзларим тўрт бўлиб сизларни кутаёмиз. Ҳар куни тонгда сизларнинг ҳаққингизга дуо

қилаёмиз" деб ёзганди. Али мактубда турклар шаънига айтилган бўхтонларни эшитган сари "ёлгон, ёлгон" деб кичқиргиси келарди. Жандармларнинг, йўлдан ўтган аскарларнинг, зобитларнинг румларга қанчалар меҳрибонликлар кўрсатганликларини эслади. Поп мактуби ниҳоясида Алини инглиз генералига таништириб: "Бу етим рум боласи бизнинг тарбиямизда ўсиб-улғайган, ҳар қандай хизматингизни бажаришга ҳозир. Унга ишонсангиз бўлади. Туркчани ҳам жуда яхши билади. Ҳар неки хизмат буюрсангиз бажаради. У сизларга рум қаҳрамонлигининг қанчалик сўнгсиз фидокорлик касб этганини кўрсатади", деб тавсиф этганди.

Мактуб битгач, пошша зобитга қараб буюрди:

- Дарҳол телеграф орқали бу жосусни қўлга олиш тўғрисида буйруқ юборинг. Вақт ўтмасин! - сўнг илова қилди: - Бу болага ҳам беш лира мукофот бергин.

Лекин Али дангаллик билан:

- Мен пул олишни истамайман, - деди.

Пошша унинг кўзларига қаттиқ тикилди:

- Унда нима истайсан?

- Хизмат қилишни истайман.

- Сен ҳали кичкинасан, жанг қилолмайсан, ўқиш-ёзишни биласанми?

- Бироз ўқий оламан.

- Сени алоқачилар ёнига юбораман.

Али ютинди. У оғир ишни бажаришни, фидокорлик кўрсатишни, бошқалар қилолмайдиган бир ишни бажаришни хоҳларди.

- Балки улар томонга борсам, бизникилар учун зарур бирор нарсани кўрарман, фаҳмларман. Сизларга зарур бирор хабар келтирарман, - деди.

Пошша бу фикрни маъқул кўрди.

Кичкина Али ўзича севинар, жилмаярди. У траншеялар ичидан юриб борар экан, қалби сабабини ўзи ҳам яхши англамаган бир севинч билан ураётганини, ёқимли бир ҳарорат юзидан кўксига қуйилаётганини сезаётгандек бўларди...

Осмон қорайиб, булутлараро юлдузлар йилтирай бошлади. Истеҳкомларда гўё инсон зоти йўқдек. Фақат узоклардан қандайдир маънисини англаб бўлмайдиган овозлар эшитиларди.

Кичкина Али жарлик тубига қараб секин-аста туша бошлади. У тайғониб кетмаслик учун буталарга ёпишар, усти-боши, юз-кўзлари тимдаланарди. Али чўнтагидан қароргоҳда берилган оқ латта парчасини чиқариб, бир хивчинга илиб юқори кўтарди. Тепаликдаги истеҳкомдан овозлар эшитилди.

Али:

- Қибрис! Қибрис! - деб кичқирди. Ўзлари панада кўринмаётган кишилар унга жавоб беришди:

- Қўнғир! Қўнғир!..

Кичкина Али овоз келган томонга қараб юрди. Баҳайбат, қизил юзли, қизғиш сочли бир аскар унинг қаршисидан чиқди.

Али қўйнидан бир хоч чиқариб:

- Мен румман! - деди.

Инглизлар уни ер ости йўлагидан ичкарига бошлаб олиб кетдилар. Йўлак ниҳоясидаги блиндажда узун ўриндикда ястаниб ўтирган инглиз зобитига Али румчалаб мақсадини тушунтиришга уринди. Тилмоқ Алининг сўзларини такрорлади. Зобит бирдан қувониб ўрнидан туриб, Алининг қўлини сиқди. Сўнг икки аскар ҳамроҳлигида Алини генерал хузурига жўнатди.

Бу қароргоҳ самолётлар ҳужумидан сақланиш учун унча катта бўлмаган тўқайзор ичида, ер остида қурилганди.

Али кичкина туйнукли бир қанча блиндажларнинг ўртасидаги эшиқдан ичкарига кириб, катта бир курсида суянчикқа ястаниб ўтирган, оқ муйловли, қизил юзли кекса бир кишини кўрди. Инглиз пошшаси шу бўлса керак. Али пошнинг айтганларини, румларнинг кўзлари тўрт бўлиб,

инглиз кўшинларини кутаётганларини бийрон сўзлаб берди. Кекса инглиз жилмайрди.

Али гапини тугатгач, инглиз ҳарбий кийимидаги рум сўради:

- Поп тақсирларининг мактубида сенинг бизга фидокорлик билан хизмат қилишга ҳозир бўлганинг ёзилган. Бизга хизмат қилишга ҳозирмисан?

- Ҳозирман.

- Бу ерга келганингдек кетоласанми?

- Кетоламан. Мени турклар-турк боласи, деб ўйлашади. Туркчани жуда яхши биламан.

- Туркларнинг қароргоҳига, истеҳкомларига ҳам кириб бороласанми?

- Кироламан, уларга пуллаш учун тамаки, балик, у-бу нарсалар олиб бораман.

- Жуда соз, жуда соз...

Инглиз генерали тилмочга бир нарсаларни узок сўзлади.

Ниҳоят тилмоч гапга тушди:

- Генерал поп тақсирларига салом йўлламоқда. Биз кечроқ бўлса-да, албатта бориб сизларни қутқарамиз.

Истанбулни эса ҳеч шубҳасиз ишғол қиламиз. Сенга кичкина бир соатли бомба берамиз, уни ишлатиб, яширинча турк пошшасининг чодирини ёнида қолдирасан. Ишлатганингдан сўнг, ярим соат ўтгач, бомба портлайди. Ярим соат ичида сен узокларга қочиб қутулсан-а?

- Қочиб қутуламан.

Генерал кулди. Дарҳол қўнғироқни босди. Ичкарига кирган ҳарбийларга буйруқлар берди.

Тилмоч Алидан полнинг мактубида ёзилган нарсалар хусусида яна қайталаб сўраб-суриштирарди.

Шу пайт икки зобит бир ёғоч кутини кўтариб ичкарига олиб киришди. Кейин ундан нимандир олиб, стол устига қўйдилар. Бу бомба эди. У уч-тўрт гугурт кутисидек катталиқда, устига рақамли нимадир ўрнатилган. Тилмоч изоҳ бера бошлади.

- Манави тугмачани бу томонга бурайсан. Бурасанг бўлди. Ярим соатдан сўнг ишга тушади. Сен шу заҳоти қочиб қолгин. Ярим соатдан кейин на қароргоҳ қолади ва на пошша... Ҳаммаси осмонга учади.

Али стол устидаги қора нарсага диққат билан тикилди. Тугмачаси оқ металлдан. Зобит инглизчалаб янада батафсил, икир-чикиригача тушунтирар, тугмачани бармоғи билан итараётгандек ҳаракатлар қилиб кўрсатар эди. Инглиз генерали, бомбани чодирдан ҳатто йигирма-ўттиз қадамча нарига қўйса ҳам, барибир таъсир кучи даҳшатли бўлишини тилмоч воситасида айтди.

Кичкина Али соатли бомбани тилмочдан сўраб олиб тўрвасига солди. У анча залворли, эҳтимол беш оккадан³ ҳам оғирроқ эди.

Шу заҳоти Алини бу кеча келган йўлидан изига қайтариб юборишга қарор қилдилар. Генерал элиқталиқ инглиз пулидан инъом этди. Кейин уни ён хонага бошлаб кириб, бир стол қошига ўтказдилар-да, олдига яхна гўшт, нон, ширинликлар ва яна унга нотаниш қандайдир бир ичимлик қўйишди. Алининг тўрваси ёнидаги ўриндик устида ётарди.

Али егуликларни тамадди қиларкан, бу кишиларнинг разилона ниятлари ҳақида ўйларди. Ваҳоланки турк пошшаси бунчалар номардликни ўйламаган эди. У ичида: "Кечаси турк тарафга кетаяпман, деб отланиб бомбани ишлатаман-да, истеҳком девори тагига ташлаб, ўзим қочиб қоламан", деган қарорга келди. Фақат бундай қилса, истеҳком портлаб, ичидаги аскарлар ҳалок бўлишади, аммо бу разил режани ўйлаган инглиз генералига бало ҳам урмайди. Кечаси истеҳкомдан бу ерга қайтиб келишининг эса ҳеч иложи йўқ. Истеҳкомнинг тевараги бош қароргоҳнинг ён-атрофи соқчи аскарлар билан ўралган. Инглиз адъютанти билан тилмоч сўзлаша-сўзлаша очик эшик ёнига ўтишган, унга эътибор беришмасди.

Али бутун қароргоҳни ер билан яқсон этажак бу даҳшатли механизми яна бир бор яхшилаб кўрмоқчи бўлди. Секингина столдаги тўрвани олдига тортиб оғзини очди. Тўрт бурчакли бомба худди каттагина кўрғошин гиштга ўхшарди; соатининг тугмачаси кумушдай ярқирарди. У бармоғини тугмачага теккизди, салгина сурди... Бир бармоқча... Яна орқага суриб қўймоқчи эди... Йўқ... Тугмача орқага сурилмасди. Бомбани шу ерда қолдириш фикри хиёлига келди. Аммо ўзи қаяққа қочади? Шу заҳоти тутишади, ўлдиришади. Бомбани турк пошшаларига олиб бориб тошпирса-чи? Унда бу ерга келганинг қандай фойдаси бўлади? Ҳеч... Инглиз генералининг хиёнаткорлиги ҳам жазосиз қолади-ку!

Али лабларини тишлади. Иштаҳаси бўғилди. Эшикка қаради. Тилмоч билан адъютантнинг суҳбатлари қизиган эди. Нима ҳам қила оларди? Ўзи ҳам бирга... У бобосини, бувисини, тоғаларини, амакиларини, холаларини эслади. Улар ўлиб кетишганди. Кишлогидаги қабрлар сони ўйлардан кўпроқ эди.

Ўзи нафратланган хиёнаткор душманларга ўхшатиб зарба бериб, ўзи билан бирга юзлаб душманларни ўлдириб... Али маънос жилмайди. Бундай фавқулудда имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди. У бармоғи билан тугмачани секин-секин охиригача сурди. Бомба худди кичкина бир соат каби ишлаб кетди; қулоғига яқинлаштирди: "тик, тик..." Дарров тўрва оғзини ёпиб, елкасига осиб олди. Сўнг худди овқатланаётгандек ўтираверди.

Ярим соат! Уйларида патнис тўла кулчалар тандирда ярим соат-турарди. Бир патнис кулча пишгулик фурсат! Ўйники..

У энди ҳеч нарса емас, ўйлар, ўтаётган вақтни ҳисоблар эди. Кўзлари эса генералнинг хонаси эшигида, энг сўнгги дақиқаларда у хонага кириб бормоқчи эди.

Бир патнис кулча қизарадиган муддат ўтди. У ўрнидан туриб, қаддини ростлаган ҳаманоқ адъютант унга ўтиришди. Тилмоч:

- Қорнинг тўйдими ўғлим, - деб сўради.

- Раҳмат. Генералга бир нарсани айтмоқчи эдим, боя унутибман.

- Менга айтавер, бўтам, мен адъютантга айтаман, у хабар қилади.

- Йўқ, жуда муҳим бир гап. Мен ўзим айтишим керак!..

Тилмоч Алининг талабини адъютантга билдирди. Харитани тахлаётган адъютант жилмайиб Алига қаради. Бомба олиб кетаётгани учун унга жуда эътибор кўрсатаётган эдилар. Адъютант ҳам Алига яқинлашиб, гарданини силлади. Али у бомба ишлаётганини эшитиб қолади, деб кўркиб кетди.

Тилмоч билан ёндаги эшикдан ичкарига киришди. Хумқалла генерал стол устидаги газеталарни титкилар эди. Нима учун қайтиб киришганларини тилмоч тушунтирди, сўнг Алига ўтирилиб:

- Нимани айтмоқчи эдинг? - деди.

- Турклар тарафига кетмасимдан аввал бомба портлагандан сўнг нима бўлишини сўрамоқчи эдим. Мен қочиб қишлоққа боргач, поимизга шуни айтиб бермоқчиман.

Тилмоч генералнинг сўзларини румчалаб қайтарди.

- Бу жуда даҳшатли жаҳаннамий механизм. Икки юз квадрат метрлик доирада неки бор бўлса, ҳаммасининг кулини кўкка совуради.

- Демак, қароргоҳда қанча киши бўлса, ҳаммаси ҳалок бўладими?

- Ҳаммаси! Балки ёнгин ҳам чиқар, ўқ-дори омборлари бизникига ўхшаб қароргоҳ яқинида бўлса, уларни ҳам ўт олади.

- А-а, бомба портламаса-чи?

- Портлайди.

- Бунга ҳеч шубҳангиз йўқми?

Али жим қолди. Гўё тўрвасидаги бомбанинг тикиллаши яна ҳам тезлашгандек эди.

- Ундай бўлса генералга айтинг, мен рум эмасман. Тилмоч талмовсираб қолди, кўзлари олайди:
- Кимсан бўлмаса?
- Туркман!
- Турк?!
- Ҳа, турк!

... У кўксини кериб куларди. "Турк" сўзини эшитган генерал юзи қип-қизариб, даҳшат билан ўрнидан туриб кетганди. Адъютант қўлидаги харитани гижимларди. Тилмоч ҳам довдираб қолган.

- Қандай журъат қилиб бу ерга келдинг? Энди отиласан!

- Мени отолмайсанлар!

Али кўзларини катта-катта очиб, яна бир қадам илгари юрди. Генерал дарҳол чўнтагидан револьверини чиқарди. У кутилмаган суиқасдга учрашдан кўрқар эди. Энди баралла кулаётган Али тилмочга деди:

- Вақт зик, тез сўзла! У мени ўлдиролмайди, мен унинг ўзини ўлдирман!

Жағлари қапишган, саросимага тушган тилмоч жумлани инглизчага ўгиришга улгуролмади...

Турк кўшинларининг кузатиш тармоғидан душман истехкомлари ичкарасида жуда кучли портлаш шовқини билан баробар қуюқ тутуннинг кўкка ўрлагани кузатилди. Тутун орасидан кўринган қоп-қора олов шуъласи кечгача сўнмади.

Зобитлар телефон орқали командирларига: "Инглизларнинг қароргоҳи жойлашган, деб тахмин қилинган нуқталарда мисли кўрилмаган портлаш юз берди. Фақат бу нарса бизнинг снарядларимизнинг ва ёки самолётларимизнинг ҳужуми оқибатида бўлмай, билки бир тасодиф натижаси бўлса эҳтимол", дейишарди.

Бу ёнғиннинг ҳақиқий сабабларини барибир аниқлаб бўлмади. Фақат пошша ҳар тонг чодирда ажиб ҳасрат билан Кичкина Алини эслар, штаб ходимларига:

- Ҳалиги жўнатган боламиздан ҳануз бирор хабар келмади, наҳотки ўша катта портлашда бирор бахтсизлик рўй берган бўлса? - деб кўярди...

1. Турклар Онадули ва Кипр оролида яшовчи ерекларни "Румлар" деб аташади.
2. Туркларнинг миллий бош кийими.
3. Бир оққа - 1283 грамм.

ОНТ

- Асло!..

Мактабда фақат бир хил жазо усули бор эди: калтак...

Катта гуноҳ қилиб қўйганлар, ҳатто қизлар ҳам буйрага ётқизиларди. Буйрага ётишдан кўрлмаган бола йўқ эди.

Мен ҳеч калтак емаган эдим. Балки уйдагилар илтимос қилишгандир. Фақат бир сафар муаллима хоним қоқ суяк қўллари билан ёлғон сўзлаганим учун чап қулоғимни чўзган. Ҳолбуки, ҳеч бир айбим йўқ эди. Рост сўзлаган эдим. Боғчадаги сув бочкасининг жўмраги синдирилган эди. Муаллима хоним бу ишни қилган айбдорни изларди. Бу мовий камзулли, қирмизи белбоғли, касалманд, заиф бир бола эди. Муаллима хонимга айтдим.

Буйрага ётадиган эди, лекин у тонди. Сўнгра бошқа бир бола чикди ва жўмракни синдирганини айтиб, буйрага ётди, бақира-бақира калтак ҳам еди.

Шунда муаллима хоним:

- Нима учун ёлғон сўзлаб, бу бечорага тухмат қилаяпсан? - деб қулоғимга ёпишди.

Мен йиғладим, Чунки ёлғон гапирмаган эдим-да.

Кечкурун озод бўлгач, калтак еган болага учрадим.

- Нега мени ёлғончига чиқардинг? - дедим. -

Жўмракни сен синдирмаган эдингку...

- Мен синдиргандим.

- Йўқ, сен синдирмаган эдинг.

- Жўмракни Али синдирганди, Мен ҳам буни билардим, аммо у жуда заиф. Кўриб турибсан, калтакни кўтара олмайдди. Ўзи яқинда касалдан турди.

- Лекин нега сен унинг ўрнига калтак эдинг?

- Нега бўларди. Биз у билан онт ичганмиз. У бутун хаста, мен эса соғлом ва бақувватман. Уни кутқардим, холос.

Мен яхши тушунмадим. Такрор сўрадим:

- Қанақанги онт?

- Билмайсанми?

- Йўқ, билмайман!..

- Биз бир-биримизнинг қонимизни шимамиз. Буни "Онт ичмоқ", дейдилар. Ўзаро онт ичганлар қон-қариндош бўлишади. Бир-бирларига ўла-ўлгунча ёрдам қўлини чўзишади.

Кейинроқ эътибор бердим, мактабда бир неча бола ўзаро онт ичишган экан. Бир куни бу одатни қандай бажаришлари шоҳиди бўлдим.

Ёш муаллим таҳорат олиш учун ташқарига чиққан, муаллима хоним эса бизга орқасини ўтириб, қора қўнғиздек вазминлик билан эгилиб намоз ўқирди.

Икки бола ёғоч сопи пакки билан қўлларини тилдилар. Сизиб чиққан қирмизи қон томчиларини қўллари устида қориштириб, сўнг бир-бирларининг билакларини шимдилар. Онт ичиб қон-қардош бўлмоқ... Бу ҳаёлимни олиб қўйди. Қани энди менинг ҳам тутинган қондошим бўлсайди, муаллимга қулоғимни чўзириб қўймас, балки буйрага ётишим лозим бўлиб қолган чоғ мени кутқарар эди. Катта мактаб ичида ўзимни ёлғиз, ўртоқсиз, ҳимоясиз ҳис этардим.

Миямга онт ичиш фикри ўрнашиб қолганди. Бир тасодиф, кутилмаган бир нохушлик менга қон-қариндошимни топишга ёрдам қилди.

Жума кунлари бизнинг уйимиз боғчасида бутун қўни-қўшни болалар йиғилишарди. Окшомга қадар бирга ўйнардик.

Орка томонимиздаги турадиган Ҳожа Будокларнинг мен тенги бир боласи бор эди, айниқса исми менга хуш ёқарди: Мистик... Қизлар бу исмга кофияли сўзларни айтишарди: "Мустафо Мистик, Аравага қистик, Учта шам ёқдик, Аҳволига бокдик!..."

Худди исми каби, Мистикнинг бутун аъзолари ҳам юмалоқ эди: боши, оёқлари, вужуди... Ҳамма болаларни курашда енгарди...

Ушанда ҳам шундай жума куни эди. Мистик тол хивчинлари билан келди. Мен энг узунини ўзимга олиб, қолганларини болаларга тарқатдим. Бир пакки билан хивчин учини кесиб, қобиғидан икки қулоқ, бир бурун чиқариб, худди от бошига ўхшатдим. Нима бўлди, билмай қолдим, хивчиннинг қобиғи ёрилиб, орасидан сирғалиб ўтган пакки чап қўлимнинг кўрсаткич бармоғини кесиб кетди. Жароҳатдан сулоқ қирмизи қон сизиб чиқа бошлади. Шу вақт миямга бир фикр келди: онт ичмок...

Бармоғим оғриётганини ҳам унутиб, Мистикқа:

- Ошнажон, кел, қондош биродар тутинамиз. Сен ҳам бармоғингни кес... - дедим.

У қора кўзларини ерга тикиб, юмалоқ бошини чайқади:

- Қандай бўларкин... Онт ичиш учун қўлни кесиб керак.

- Ошнажон, қон бўлса бўлди-да, билакникими, бармоқникими - фарқи йўқ...

Мистик рози бўлди. Қўлимдан паккини олиб билагини хиёл кесганди, қон сизиб чиқди. Бармоғим қонини шу қон билан қориштирдик.

Олдин мен шимдим. Бу шўртак, иссиқ бир нарса эди. Сўнг Мистик бармоғимни шимди.

Эслолмайман, орадан қанча вақт ўтди. Балки олти ой... Билки бир йил... Мистик билан қондош тутунганимизни унутиб юборгандим.

Бир куни ҳаво жуда иссиқ бўлди. Муаллима хоним бизга анча эрта жавоб бериб юборди. Худди биби пайшанба кунидек...

Мистик билан кўчанинг чанг-тупроғига ботиб секин-аста борардик.

Бирданига қаршимиздан катта, қора кўппак чиқиб

қолди. У елиб келарди. Кўппакнинг орқасидан йўғон калтақлар билан қувлаб келаётганлар бизга: "Қочинлар, тишлайди!.." деб бақирди. Қўрқиб кетдим. Кўзлари ўт каби ёнаётган кўппак тўғри мен томон келарди. Шунда Мистик:

- Сен орқамга ўт! - деб кичкириб, олдимни тўсди. Кўппак унга ташланди...

Олишув менга жуда узоқ давом этгандек туюлди. Титраддим. Ниҳоят калтақ кўтарган амакилар етиб келишиб, кўппакни савалаб кетишди. Кўппак қочди. Ерпарчин ётган Мистик бечоранинг қўлларидан, бурнидан қон оқарди.

Одамлар Мистикни кўтариб уйига олиб кетишди.

Эртаси куни Мистик мактабга келмади. Ундан кейинги кун яна.

Онамга Ҳожа Будоқларникига бориб Мистикни кўриб келайлик, дедим. "Касал экан, болам", деди онам. "Худо хоҳласа, соғайиб кетса, яна бирга ўйнайсизлар, ҳозир тинчини бузсак айб бўлади".

Шундан сўнг ҳар куни эрталиб, "бугун Мистик соғайиб келгандир эҳтимол" деган умидда мактабга борадиган бўлдим. Фақат, ҳайҳот... у бошқа қайтиб келмади... Кўппак кутурган экан. Даволатиш учун Мистикни Бандирмага олиб кетдилар. У ердан Истанбулга... Ниҳоят бир куни эшитдик - Мистик ўлибди...

Эрта тонгда турдим. Очик, булутсиз тонг болалигимни эсга солди. Ва беихтиёр чап қўлимнинг кўрсаткич бармоғига қарайман. Биринчи бўғин устида ҳалиям оқиш чизиқ шаклида сақланиб қолган кичкина жароҳат изи мен учун жуда муқаддас. Онти учун ҳаётини берган жасур қон-қардошимнинг иссиқ лабларини тақрор бармоғим устида сезаман...

“ПАРИЛИ КЎШК”

Сармат бей ўгирилиб, орқасидаги қоровулга:

- Мана яна бир бўш кўшк, - деди.

Кичкинагина арчазор ўрмони қаршисидаги муҳташам оқ бино мрамардан қурилгандек кўз қамаштириб турарди. Йўлка четларини ёввойи ўтлар қоплаган.

Қоровул бош чайқади:

- Бу жой сизга тўғри келмайди.

- Нима учун, азизим?

- Бу жойда ўтиролмайсиз, афандим.

- Нега ўтиролмаймиз?

- Афандим, бу уйнинг париси бор.

- Қандай париси?

- Шундай париси! Кечалари чиқади. Уйдагиларга тинчлик бермайди.

- Парининг бизга зарари тегмас.

- Уйга кирган ҳар киши олдин шундай дейди, аммо бир ой ҳам ўтиролмайди.

- Бу гапни қўй! Юр, уйни кўрайлик.

- Калити хўжайинда.

- Хўжайини ким?

- Хўжайин Ҳожи Ниёзий афанди. Мана шу ёнбошгаги уйда туради...

Улар изларига қайтдилар.

Кекса қоровул оқ уйнинг тарихини қисқача сўзлаб берди. Ўн йилдирки, бу уйга кўчиб кирганлар бир ойдан ортиқ ўтиролмас эмишлар. Олдинига пари кўринар, сўнг катта-катта тошлар отилар, дераза ойналари синар экан. Ижарачилардан икитаси юрак ўйноғи бўлиб қолган,

учтасининг болаларини пари чалиб кетган, яна бирининг хотини кўрққанидан олти ойлик ҳомиласини тушириб қўйган.

Ҳожи Ниёзий афанди собиқ вақф ишлари маъмури эди. У инқилоб даврида тўлов олиб ишдан кетган, уй олиб сотиш билан тирикчилик ўтказа бошлаганди. Лекин инсофли бир киши сифатида ҳар йили эҳтимол юзтача уй олиб сотгани ҳолда парили уйни ҳеч нарсадан хабари бўлмаган харидорга тикштирмас, "Оллоҳдан кўрқаман, нима кераги бор..." деярди. Кўшкнинг париси борлигини ҳеч яшириб ўтирмасди.

Қоровул кўшкка кирмай эшиқда қолди. Сармат бей хўжайин билан ичкарини айланди. Таъмир қилиш зарурати йўқ. Омборхона, ҳаммом, қудук, товукхона, оғил... Ҳаммаси муҳайё.

- Ижара ҳақи қанча бўлади?

- Кўп сўрамайман. Юз саксон лира. Аммо уч йиллигини олдиндан тўлайсиз.

- Нима учун?

- Кўриб турибсиз, бей афандим. Душманларим кўшк ижарачисиз қолсин деб аллақандай пари ҳақида гап тарқатшган. Бирортаси келиб ўтирдими, дарров ҳар кимлар пари ҳақидаги гийбатларини бошлайдилар. Охир-оқибат ижарачилар эшитган ёлгонларини рост билиб, киш ўртасида кўшкни бошимга бало қилиб ташлаб кетадилар. Энг ёмони, кетганлар ҳам ўша гийбатчилар сафига қўшилилади. Яна икки йил шундай давом этса, мулкимни

на сота оламан ва на ижарачи тополаман...

- Кўшқингиз анча вақтдан бери бўшми?

- Йўқ... Фақат кирган кишилар кўни-кўшнилар ғийбатига учиб кўп турмайди, хуркади, ташлаб қочиб кетади.

- Мен чўчимайман. Фақат уч йиллик ижара ҳақини олдиндан бериш бироз оғир...

- Қандоқ қилай, афандим? Жоним ёнади. Истасангиз...

Сармат бей кўшқни жуда ёқтириб қолганди. Ижара ҳақи ҳам арзон.

Шу кунидек шартнома тузилди. Уч йиллик ижара ҳақи бўлган беш юз қирқ лира олдиндан тўланди.

Сармат бей бир ҳафтадан сўнг оиласи билан кўшқка кўчиб келди. Улар ҳар кечани чолғулар чалиб, турли эмаклар еб-ичиб ўтказар эдилар.

Сармат бей Туркиялик бўлса ҳам, оврупаликларнинг "Қундузи меҳнат-кечаси роҳат" деган шиорига амал қиларди.

Орадан ўн беш кунлар ўтди. Бир кеча пастки қаватда қий-чув кўтарилди. Хизматчи Артемисия овози борича чинқирарди. У пастда, арчалар орасида оқ бир шарпа айланиб юрганини кўрибди.

Чиндан ҳам, шу тарзда оқ шарпа кўринди. У дарахтлар тагида туриб, худди кўшқка қараётганга ўхшарди.

Сармат бей кўзларини ишқалади:

- Руёнинг кучини қара-я!

Катта қизи:

- Қанақанги рўё, бейдала! Ана қаршимизда турибди, кўрмаяпсизми? - деди.

- Бу мумкин эмас!

- Нега мумкин эмас?

Сармат бей бир кўзбойлагич бутун театр тўла томошабинга қандай қилиб чўнтақларидаги соатларини нотўғри кўрсатганини сўзлаб берди,

- Кўзимиз қўлоғимиздан кирган ёлгонларни кўради. Аммо, қўлимизни бу кўраётган нарсага тегизсак, у дарҳол ғойиб бўлади.

Кейин у ўрнидан туриб, хотинининг қаршилигига қарамай, қўлини шарпага текизиш учун ҳовлига тушиб, арчазорга қараб юрди. Аммо шарпа ғойиб бўлди. Ўша кеча кўшқ ичида Сармат бейдан бошқа бирор киши ухламади.

Шу кундан бошлаб ҳар оқшом улар бу шарпани кўра бошладилар. Сармат бей кўл текизиб кўришга чикди дегунча эса шарпа ғойиб бўларди.

Бир оқшом ҳамма ухлаб ётганда кўрқинчли бир тўполок кўшқни ларзага келтирди. Ҳамма пешайвонга югуриб чикди, лекин ҳеч нарса кўринмади. Тонг азонда эмакхона девори тагидан катта бир тош топдилар. Сарматбейнинг онаси: "Бизни бу кўшқдан олиб чиқмасанг, берган оқ сутимга рози эмасман", дея бошлади. Беш юз қирқ лирага икки ойгина ўтириш... Ишнинг бунақасига чаппа айланиб кетиши Сармат бейга тўғри келмасди. Аммо оқшомлари устма-уст отилаётган катта-катта тошлар кўшқ ичидагиларни ухлатгани кўймасди. Сармат бей ҳар сафар шарпа устига босиб борар, лекин бари-бир унга қўлини текизишга муваффақ бўлолмасди.

Тошлар отила бошлаганини эшитган кўни-кўшқилари: "Энди ҳам чиқиб кетмасаларингиз, ойналарингизни синдиради", дейишди. Сармат бей шартномадаги "Чиқиб кетар экан, бутун таъмирлаш хизмати ҳақи ижарачининг бўйнига" деган баддани эслаб,

баттар ичи сиқилиб, бирор бир чора топишни ўйларди.

Охири кўшқдан чиқиб кетишга қарор қилинди. Фақат бошқа бир уй тополмай туришарди. Кўшқ билан боғлиқ яна минг турли ҳикоятлар эшита бошладилар. Айтишларича, бу жой қабристон бўлган экан. Ошхона ўрнидаги ерга беш юз йил аввал бир майит куйилган эмиш...

Сармат бей бир кун и арчазор ичига яшириниб, бирдан парининг қаршисидан чиқиб ва ёки орқасидан аста бориб қўлини текизиб кўришга қарор қилди.

Эртаси кун кечки пайт арчазорга борди. Катта бир арча тагига жойлашиб ўтириб олди.

Вақт ярим кеча бўлган эди. Шарпа пайдо бўлди. Қўли тегди дегунча у соя каби ғойиб бўлишини билса ҳам Сармат бейнинг тиззалари титрай бошлади. У ўз-ўзига "Мен кўрқмаяпман, фақат вужудим кўрқаяпти!" деди ва шарпа кетидан юрди-да, қўлини аста узатиб, оқ жисмга текизди. Шарпа қутилмаганда жуда ёмон кўрқиб кетди, аммо ғойиб бўлмади. Аксинча, жон ҳолатда қоча бошлади. Сармат бей қўлини текизганда ғойиб бўлмаганидан, бу шарпа пари-мари эмаслигини дарҳол англади ва унинг орқасидан қувлади. Арчазор этагидаги пастак деворга тироғлик бир тахтага тирмашаётганда Сармат бей шарпанинг елкасидан чангаллади. Шарпа қаршилиқ кўрсата-кўрсата охири типирчилашдан тўхтади.

- Мен сенга бировларни калака қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўман! - деб шўрлик Сармат бей шарпани кўшқка судради.

Кўшқка етиб келишгач, у кичкирди:

- Чирокни келтиринглар, турқини кўрай! Одам экан, даюс! Мен бу дунёда ажина-пажина деган нарса йўқ демасмидим?

Шарпа нима учундир оқ ёпинчиғини бошидан олишни хоҳламасди. Сармат бей куч билан тортиб ёпинчиқни юлиб олди. "Пари" Ҳожи Ниёзий афанди эканини кўриб улар ҳайратдан қотиб қолдилар. Унинг эғнидаги Шом матосидан тикилган кечалик кўйлаги тилка-пора бўлганди.

Сармат бей қаҳ-қаҳ уриб қулди. Сўнг қизига сиёҳ, қалам ва шартнома қоғозини тезда олиб келишни буюрди. Ҳожи Ниёзий афанди худди тили танглайда қотиб қолгандек, сўралган саволларга ҳеч бир жавоб бермас, ҳадеб юзини қоронгу бурчакга ўғирарди.

Шартнома билан сиёҳ-қалам келтирилгач Сармат "пари"га буюрди:

- Қани, қаламни кўлингизга олинг-чи!.. Юрак ёрганлигингиз, бола туширганларингиз жазосини олишни хоҳламасангиз, айтганларимни ёзинг-да, имзойингизни кўйинг!

Ҳожи Ниёзий афанди қаламни чангаллаб, Сармат бей сўзма-сўз айтиб турганларини тайсалламай ёза бошлади: "Ижарачим Сармат бейдан кўшқнинг олти йиллик ижара ҳақи бўлган минг саксон лирани олдиндан олдим"...

Сармат бей икки йилдирки, кўшқда хотиржам яшаётганига ҳамма ҳайратланарди. Қўни-кўшқилар Ҳожи Ниёзий афандига:

- Эҳтимол сизнинг ажиналар бўлак уйга кўчиб ўтгандир. Янги ижарачингиз ҳеч кетадиганга ўхшамайди, - дейишса, у олдин оқариб, сўнг кизарар, гудраниб:

- На таҳорат, на рўза на намоз ва на ниёз... Эрқагию хотини, бола-чақаси ҳаммаси тундан тонгача хушқачқак! Ҳай, уларга ажина тугул шайтон, ҳам кўринмайди-да! - деб қўяди...

*Туркчадан Темура Бектўра таржималари**

* Айрим сабабларга кўра таржима қисқарттишлар билан эълон қилинмоқда - Таҳририят.



УТТУЗ УЧУНЧИ БОБ
ДЎЗАХ ЎТИНИНГ БАЁНИ

Хабарда келибдурки, бир куни Жаброил алайҳиссалом пайгамбар саллоллоху алайҳи васалламнинг хизматларига келиб эрдилар. Пайгамбар алайҳиссалом айтди: “Ё Жаброил, манго дўзахни тавсиф қилинг”. Бас, Жаброил алайҳиссалом айтди: “Батаҳқиқ Аллоҳ таоло дўзахни яратгондин сўнгра анго бир минг йилгача ўт ёқтурди. Хаттоки, ўтнинг асаридин дўзах қизил бўлди. Андин сўнгра яна бир минг йилгача ўт ёқтурди. Ўтнинг асаридин дўзах оқарди. Андин сўнгра яна бир минг йилгача ўт ёқтурди. Ўтнинг асаридин дўзах қаро бўлди. Хануз ҳам дўзах қоронғу кечадекдурки, ҳаргиз анда равшанлик йўқтур. Ҳаргиз анинг шуъласи ўчмас ва иссиғи совумас”.

Яна Мужоҳид раҳматуллоҳи алайҳи айтибдурларки, дўзахда йилонлари бордурки, йўгонлиги теванинг гарданидекдур. Чаёнлари бордурки, катталиги хачирдекдур. Аҳли дўзахлар бу йилон ва чаёнларни кўруб, кўрқуб, ўтга қараб қочурлар. Аммо, булардин ҳалос тополмаслар. Чаёнлар келиб аларни тишлаб тамом баданларининг терисини то тирноғларигача сўйиб олурлар.

Абдуллоҳ ибн Ҳорис розийаллоху анху ривоят қилибдурларки, пайгамбар алайҳиссалом айтди: “Дўзахда йилонлар бордурки, йўгонлиги теванинг гарданидекдур. Бас, ул йилонлардин бири сизлардин бир кишини чақса, анинг

симобдек эриб кетти ва ул заррадек ўт ҳам қайтиб дўзахга бориб тушди. Бас, ул тоғнинг тошларида ва темирларида ўшал заррадек ўтнинг асаридин дуди қолдики, бул дунёдаги ўтлар ўшал дундинг иссиғидур.

Пайгамбар алайҳиссалом айтибдурлар: “Дўзах азобининг ҳаммадин энгилроғи шулки, банданинг оёғига дўзахнинг ўтидин кафш қилиб кийгузуб кўярларки, анинг иссиғидин ул банданинг мияси қозонда қайнаган ошдек қайнар ва қорнидаги бор нимарсалари ҳаммаси оёғидин қайнаб чиқиб турар. Бул ҳол дўзахнинг ниҳоятда қаттиғ азобиға ўхшаб кўрунур. Лекин, ҳаммадин энгилроқ азоби шулдур. Бас, ҳамма одамлар ҳар тариха азоб тортиб, тортқон азобларига тоқат қилолмай, Молики дўзахга фарёд қилиб арз қилурлар. Аммо, Молики дўзах буларнинг арзларига то қирқ йилгача ҳаргиз қулоқ солмаслар. Қирқ йилдин сўнгра айтурларки: “Эй бадбахтлар, сизлар бул дўзахда доимий ётурсизларки, ҳаргиз чиқолмассизлар”. Андин сўнгра одамлар Худойи таолога арз қилиб: “Худоё, агарчи дунёда санинг амрингга фармонбардорлик қилмай, нафсинг йўлига юруб, ўзимизга зулм қилгондурмиз. Лекин, бизларнинг гуноҳларимиздин санинг раҳматинг каттарокдур. Бинобарин, Гаффоруз-зунублик сифатингдин умид тутуб илтимос қилурмизки, бизларни қарам бирла дўзахдин ҳалос қилиб, раҳматингга дохил қилғил,” - деб арз қилиб йиғлашурлар. Худойи таоло ҳам дунёнинг аввалидин то охиригача ўтган замонга икки баробар замон ўтгунча аларнинг арзларини тингламас. Андин сўнгра Худойи

ҒАЗЗОЛИЙ

ДАҚОЙИҚ УЛ-АХБОР

алами то қирқ йилгача баданларингиздин кетмас. Чаёнлар бордурки, катталиги хачирдекдур. Бас, агар сизлардин бир кишини чақса, анинг алами то қирқ йилгача баданларингиздин кетмас.

Аъмиш раҳматуллоҳи алайҳи Язид ибни Ваҳбдин ва ул киши Ибн Аббос розийаллоху анхудин ривоят қилибдурлар: “Бул дунёдаги ўтлар дўзах ўтининг етмиш ҳиссасидин биридекдурки, ани ҳам дарёи раҳматга икки мартаба суқуб олингондур. Илло, анинг иссиқлигиға тоқат қилолмас мумкин бўлмас эди ва ҳалойиқлар ҳам андин баҳра ололмас эрдилар”.

Мужоҳид розийаллоху анху айтибдурларки: “Дунёнинг ўти дўзахнинг ўтидин кўрқуб Худойи таолодин паноҳ тилар”.

Ривоят қилибдурларки, Аллоҳ таоло ҳазрат Одам алайҳиссаломни жаннатдин ер юзига чиқоргондин сўнгра Жаброил алайҳиссаломга амр қилдики: “Ё Жаброил, Одам алайҳиссаломга таом пишуруб емоқ учун дўзахдин ўт олиб келиб берғил!” Бас, Жаброил алайҳиссалом дўзахга келиб Молики дўзахга айтди: “Ё Молик, дўзахнинг ўтидин берғил!” Молик айтиди: “Ё Жаброил, дўзахнинг ўтидин не микдор берайин?” Жаброил алайҳиссалом айтди: “Панжанинг бир бўгини микдорда берғил!” Молик айтди: “Ё Жаброил, андоғ микдорни берсам, етти табақа осмон ва етти қабат ернинг ҳаммаси анинг иссиғидин эриб кетар”. Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом айтди: “Андоғ бўлса, анинг ярмини берғил!” Бас, Молик айтди: “Ё Жаброил, анинг ярмини берсам анинг иссиғидин ҳаргиз осмондин бир қатра ёмғур тушмас ва ер юзида ҳаргиз гиёҳ кўкармас”. Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом Худойи таолога арз қилди: “Худоё, дўзахнинг ўтидин не микдорда олиб бораин?” Худойи таоло айтди: “Зарра микдорда олиб борғил”. Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом дўзахнинг ўтидин заррадек олиб, етмиш дарёга бориб, ҳар бир дарёга етмиш мартабадин суқуб, анинг иссиғини андак совутиб олиб келиб бир баланд тоғнинг устига қўйдилар. Бас, тоғ анинг иссиқлигидин

таоло айтурки: “Эй бадбахтлар, гапирманглар, хомуш бўлуб ётунглар!” Андин сўнгра хижолат бирла буларнинг арз қилмоқға тоқатлари бўлмай, ҳеч қалима сўз айтурга мажоллари бўлмай ётурлар. Магар Худойи таолога иккинчи арз қилмоқни ихтиёр қилсалар овозлари шаҳиқ (*капта эшакнинг овозини шундай айтилур - Мутаржим*) ва зафир (*эшак боласининг овози шундай айтилур - Мутаржим*) бўлуб чиқарки, андин ҳеч мудлоалари маълум бўлмас.

Молики дўзахнинг сифатида пайгамбар алайҳиссаломга айтибдурларки: “Ё расулуллоҳ, сизни пайгамбари барҳақ қилиб юборгон Худойи таолонинг зотиға қасамёд қилурманки, агар дўзах аҳлининг жомаларидин бирини осмон бирла ернинг миёнасиға осиб қўйилса, анинг иссиғидин аҳли осмон ва аҳли заминлар ҳаммалари ўлур эрдилар. Агар дўзах ўтидин игнадек ўтни дунёга чиқарилса эди, анинг иссиғидин дунё аҳли ҳаммалари ўлур эрдилар. Агар Худойи таоло каломуллоҳда баён қилгон дўзахнинг занжиридин бир газ микдорича дунёга чиқариб бир баланд тоғнинг устига қўйилса эди, албатта ул тоғ симобдек эриб етти қабат ернинг остига сингиб кетар эрди. Агар аҳли дўзахдин бир кишини дунёга олиб чиқиб мағрибда азоб берилса эди, анинг азоби шиддатидин машриқ аҳли ўлур эрдилар. Чунки, дўзахнинг иссиғи қаттиқдур ва таги ниҳоятда чуқурдур. Анинг ўтуни темирдин ва суви заққумдиндурки, доим қайнаб турар.

Ҳикоят қилибдурларки, Искандария шаҳрида бир кишининг кўзига Азроил алайҳиссалом кўрунуб келдилар. Бас, ул одам бул кишини кўруб, қимлигини сўради. Бул киши Азроил алайҳиссалом эканлиқларини билдирганларида ул одамнинг тамом бадани ларзашга кирди. Бас, Азроил алайҳиссалом сўрди: “Эй азиз, нима сабабдин титрарсан?” Бул одам жавоб бердики: “Дўзахдин кўрқуб титрарман!” Бас, Азроил алайҳиссалом айтди: “Эй банда, дўзахдин омон бўлмоқ учун санго бир тумор битиб берсам хотиринг жам бўлурму?” Ул киши айтиди: “Орий, мумкин бўлса, тумор битиб

беринг". Андин сўнгра Азроил алайҳиссалом бир қоғазга БИСМИЛЛАХИР-РОХМАНИР-РОХИМНИ ёзиб бериб айдилар: "Хар ким БИСМИЛЛАХИР РОХМАНИР-РОХИМНИ ихлос билра ҳар кун ўқуб юрса андог банданинг йўлига БИСМИЛЛАХНИНГ савоби банд бўлуб, дўзах тарафига ўтқузмас". Валлоху аълам.

ЎТТУЗ ТҮРТУНЧИ БОБ ДЎЗАХ ДАРВОЗАЛАРИНИНГ БАЁНИ

Ривоят қилибдурларки, дўзахнинг етти дарвозаси бордур. Гунаҳкор бандаларни ҳам қилгон гуноҳлариға муносиб етти тақсим қилиб, ҳар бир тақсимни бир дарвозадин киргузарлар. Ул дарвозаларнинг бири биридин пастроқдур ва ҳар бир даражасининг азоби ҳам устидаги табақанинг азобиға етмиш ҳисса қаттиғроқдур. Хар икки дарвозанинг миёнаси ҳам етмиш йиллик йўлдур.

Ривоят қилибдурларки, бир куни пайғамбар алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломға айдилар: "Эй биродар Жаброил, дўзахда турадургон одамлардин хабар беринг". Бас, Жаброил алайҳиссалом айдилар: "Ё расулуллоҳ, дўзахнинг биринчи табақасида мунофиқлар ва оли Фиръавнлар ётурларки, анинг номи Ҳовиядур. Иккинчи табақасида Иблис алайҳиллаъна ва анго тобе бўлгон кишилар ва оташпарастрлар ётурларки, анинг номи Лазодур. Учунчи табақасида яҳудлар ётурларки, номи Ҳутомадур. Тўртунчи табақасида насоролар ётурларки, анинг номи Саъирдур. Бешинчи табақасида юлдузга чўкунадургон юлдузпарастрлар ётурларки, анинг номи Сақардур. Олтинчи табақасида мушриклар ётурларки, анинг номи Жаҳимдур. Еттинчи табақасининг номи Жаҳаннамдур" - деб сукут қилдилар. Бул табақада қандог одамлар ётарини баён қилмадилар. Бас, пайғамбар алайҳиссалом айдилар: "Ё Жаброил, еттинчи табақасида қандог одам ётарини нечук айтмасиз?" Жаброил алайҳиссалом айдилар: "Ё расулуллоҳ, андин савол қилманг!" Пайғамбар алайҳиссалом айдилар: "Ё Жаброил, андин ҳам хабар беринг". Бас, Жаброил алайҳиссалом ночор айдилар: "Еттинчи табақасида сизнинг гуноҳи кабира қилгон умматларингиз ётурлар". Бас, пайғамбар алайҳиссалом бу сўзни эшитиб беҳуд бўлуб йиқилдилар. Жаброил алайҳиссалом келиб ул кишининг муборак бошларини кўтариб огушлариға олиб ўлтурдилар. Бир замондин сўнгра пайғамбар алайҳиссалом ҳушлариға келиб йиғлаб айдилар: "Ё биродар Жаброил, манинг мусибатим ниҳоятда қаттиғ бўлди ва ғам-андуҳим ҳаддин зиёда кўб бўлди". Жаброил алайҳиссалом ҳам жаноб ҳазратнинг бул паришон ҳолларини кўруб йиғладилар. Сўнгра пайғамбар алайҳиссалом айдилар: "Ё Жаброил, сиз нечук йиғларсиз, ваҳоланки, сиз фаришталар руҳуламиндурсизки, сизга оташ ва дўзах ҳаромдур" Бас, Жаброил алайҳиссалом айдилар: "Ё расулуллоҳ, ман ҳам Ҳорут ва Морутолларнинг гирифтор бўлгон жазолариға гирифтор бўлмақдин хавф қилиб йиғларманки, алар ҳам мандек фариштадурлар". Бу ҳолда икковлари йиғлашиб ўлтуруб эрдилар, Худойи таоло ваҳий юбордики: "Ё Муҳаммад, ё Жаброил, ман сизларнинг баданларингизга дўзахнинг ўтини ҳаром қилдим, лекин йиғламоқни зинҳор тарк қилманглар".

ЎТТУЗ БЕШИНЧИ БОБ ЖАҲАННАМНИНГ БАЁНИ

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоху анҳумо ривоят қилибдурларки, киёмат куни фаришталар жаҳаннамни тортиб етти қабат ернинг остидин олиб чиқурлар. Анинг атрофида етмиш минг саф фаришталар келурларки, ҳар бир сафларининг адади жами инс ва жинларнинг ададиға етмиш минг баробардурлар. Бас, ҳаммалари жаҳаннамни жиловидин тортиб Аршининг чап тарафидин олиб келурлар. Анинг тўрт оёғининг узунлиги бир минг йиллик йўлдур. Ўттуз минг боши бордурки, ҳар бошида ўттуз минг оғзи ва ҳар оғзида ўттуз минг тиши бордурки, ҳар бир тишининг катталиги Уҳуд тоғига ўттуз минг баробардур. Хар бир оғзида икки лаби бордурки,

ҳар бирининг катталиги ер юзига баробардур. Хар бир лабидин фаришталар занжир билра боғлагандурлар. Хар бир занжирда етмиш минг ҳалқаси бардурки, ҳар бир ҳалқасидин етмиш минг фаришталар ушлаб тортиб келурлар. Қавли Аллоҳ таолоки, ТАРМИЙ БИШАРАНИН КАЛ-КАСРИ¹⁰⁸ ҳам шул мазмунға далилдур.

ЎТТУЗ ОЛТИНЧИ БОБ ОДАМЛАРНИ ДЎЗАХГА ОЛИБ БОРМОҚНИНГ БАЁНИ

Хабарда келибдурки, Худойи таолонинг душман бандаларини, яъни гунаҳкор бандаларини фаришталар дўзахға олиб борурлар. Бас, ул вақтда буларнинг юзлари қаро, кўзлари кўк ва оғизлариға муҳр босилгон бўлур. Дўзахға яқин борганларида забониялар дўзахдин неча адад занжир олиб чиқиб аларни оғизларидин солиб, орқа тарафларидин ўтқузуб боғлашурлар. Чап қўлларини гарданлариға боғлашурлар. Ўнг қўлларини сийналаридин тешиб орқа тарафлариға ўтқузуб боғлаб дўзах тарафиға тортурлар. Шайтонларни ҳам ўшал занжирға боғлаб, алар билра дўзахға олиб кирарлар. Фаришталар аларни темир гурзи билра урарлар. Хар вақт алар дўзахнинг иссиғиға ва азобиға тоқат қилуолмай, қочиб чиқмоқни ихтиёр қилсалар, фаришталар ВА ЗУКУ АЗОБАЛ-ХАРИҚ¹⁰⁹ деб уруб қайтарурлар. Яъни дўзах иссиғи азобининг таъминини тотинглар деб уруб қайтарурлар. Қавли Аллоҳ таолоки, КУЛЛАМА АРОДУ АН ЙАХРУЖУ МИНҲА МИН ҒАММИН УЪИДУ ФИЙҲА¹¹⁰ ҳам бу мазмунға нозил бўлудур.

Ҳазрат Фотима захро розийаллоху анҳо айтибдурлар: "Ё расулуллоҳ, сизнинг умматларингиз ҳам дўзахға ҳайдалурларму?" Пайғамбар алайҳиссалом айдилар: "Орий". Бас, Фотима розийаллоху анҳо айдилар: "Сизнинг умматларингиз қайси тарихида дўзахға борурлар?" Пайғамбар алайҳиссалом айдилар: "Манинг умматларимни ҳам фаришталар ҳайдаб борурлар. Лекин, аларнинг юзлари қаро, кўзлари кўк бўлмас ва оғизлариға муҳр босилмас. Шайтонлар билра ҳамроҳ бўлмаслар. Аларни занжир ва ғул билра боғламаслар" Бас, Фотима захро айдилар: "Ё расулуллоҳ, сизнинг умматларингизнинг занжирлари бўлмаса, аларни фаришталар қандог тортурлар?" Пайғамбар алайҳиссалом айдилар: "Манинг умматларим уч хил бўлурларки, фосиқ шайх, осий жавон ва фожир хотунлардур. Бас, фаришталар аларнинг эркакларини соқолларидан ушлаб, хотунларини сочларидин ушлаб тортурлар. Бас, мўйсафидларни соқолларидин ушлаб тортқон вақтда алар "Вой бизларнинг оқ соқолимизга, вой бизларнинг заифлигимизга" деб йиғлашурлар. Ёш йигитларни соқолларидин ушлаб тортқон вақтда алар "Вой бизларнинг ёшлиқ қувватимизга ва ҳуснимизга" деб йиғлашурлар. Хотунларнинг пешоналаридаги сочларидин ушлаб тортқон вақтда "Вой бизларнинг шармандалигимизга, вой бизларнинг пардаи сатримизга" деб йиғлашурлар. Фаришталар бул ҳасрат ва надомат билра Молики дўзахға олиб борганларида Молики дўзах буларға қараб айтур: "Эй фаришталар, бул одамлар кимлардурки, ҳаргиз манинг олдимға бул тариха гунаҳкор келган эмас эрди? Балки, келган кишиларнинг ҳаммаларининг юзлари қаро, кўзлари кўк бўлур эрди. Гарданларида тақ ва қўлларида занжир бўлур эрди". Бас, фаришталар айтурларки: "Буларни ушбу ҳолда олиб келмоқға Худойи таоло амр қилгондур". Андин сўнгра Молики дўзах буларға қараб айтурки: "Эй одамлар, сизлар кимлардурсизлар?" Бас, булар айтурлар: "Бизлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг осий умматларидурмиз".

ҚУРЪОН ОЯТЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

108. Дарвоқе, у (жаҳаннам ҳар томонға ҳар бири) қасрдек, худди сариқ туяларға ўхшаган учқунларни отиб турур! (77 - 32).

109. "Ўт азобини тотиб кўрингиз!" (дейилур). (22 - 22).

110. Ҳар қачон уллар (дўзах) ғам-азобидан (қочиб) чиқмоқчи бўлсалар (гурзилар билан) яна унга қатарилурлар. (22 - 22).



Намибиядаги Хрутфонтейн шаҳри шифохонасига яқинда бебош рух жойлашиб олди. У тез орада беморлар ва шифохона ходимларини шу қадар чўчитиб қўйдики, энди улар тик этган товушдан бир сакраб тушадиган бўлишди.

Хаммаси қутилмаганда бошланди. Иккита тунги энага ярим кечаси шифохона ҳовлисига кетаётиб орқада қадам товушини эшитган ва ўгирилиб... яқинда автоҳалокат оқибатида ҳалок бўлган ўз ҳамкасабаларини кўришган. Марҳум энагаларга жуда яқин келган ва ҳаттоки улардан бирига қўл теккизган.

Жон-пони чиқиб кетган энагалар бинога отилиб киришган ва деразадан мўралаб, арвоҳ ҳамон ҳовлида тентираб юрганини кўришган.

Эртаси кун эса арвоҳ қўл теккизган жойи худди қуйгандек кизариб қолганини кўрган шўрлик энага мутахассисларга мурожаат қилади.

Худди шу кун беморлардан бири қаттиқ қичкириб хушдан кетади. Ўзига келтирилгандан кейин у баногоҳ марҳума энагани кўрганини айтади, ҳолбуки, бу бемор шифохонага келтирилганида автоҳалокат алақачон содир бўлиб улгурганди.

Хуллас, айна кунларда шифохонада турли соҳа мутахассислари фаол текширув ишлари олиб бормоқдалар. Кўрамиз, ташвиқотлар қандай натижа бераркин...



Прага театрларидан бирининг актрисаси, 32 ёшли Илона Петкова бағоят кўхлик қиз.

Балки шунинг учундир, бир йўла юздан ортик йигит унинг қўлини сўраб мурожаат қилди. Театрнинг гриммёри Иржининг ортидан соядай эргашиб юравериши ҳам қизнинг жонига тегди.

Шунда Илона эрга тегининг антиқа йўлини ўйлаб топди: барча ошиқларнинг исmlарини бир хил қоғозчаларга ёзиб конвертга жойлади. Сўнг кўзини боғлаб, гувоҳларсиз якка ўзи конверт ичидан битта қоғозчани олди. Буни қарангки, унда Иржининг исми ёзилганди.

Албатта, қиз бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Шунга қарамай, Илона қисмат ҳукмига бўйин эгди.

Айна кунларда ёш келин-куёв бахтли ҳаёт кечиринмокда. Келин эса қувончдан ўзини қўярга жой топа олмайди...

1997 йилда сеvimли журналнингиз "Ёшлик" саҳифаларида ўқийсиз:

- * *Стенли ЛАУДЕН. Галина Брежневанинг жавоҳирлари. Хужжатли саргузашт роман.*
- * *Ғаффор ХОТАМ. Янги ой чиққан кеча. Роман.*
- * *Назар ЭШОНКУЛ. Қора китоб. Қисса.*
- * *Ғабриэл Гарсиа МАРКЕС. Полковникка ҳеч ким мактуб йўлламади. Қисса.*
- * *Қадим хитой шеърляти.*
- * *Микеланжелонинг назмий дурдоналари...*